

Тушда

кечган умрлар

Ўткир ҲОШИМОВ



Тушда

кечган умрлар

Ўткир ҲОШИМОВ



Тошкент 2015

УЎК: 821.512.133-31

КБК: 84(5Ў)7

Х - 71

Ҳошимов, Ўткир

Тушда кечган умрлар: Роман /Ўткир Ҳошимов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2015. – 272 б.


ISBN 978-9943-27-636-9

Одамзот ҳаётида шундай паллалар бўладики, баъзида уларни ҳеч қачон унутгинг келмайди, баъзида эса тушингда кечиргандек унутишни хоҳлайсан. Аммо бундай вақтлар ҳаётингда қандай из қолдирганидан қатъи назар, бари бир қалбингнинг бир бўлаги ҳамини ўша хотиралар билан банд бўлиб қолаверади...

Ноёб истеъдод соҳиби Ўткир Ҳошимовнинг «Тушда кечган умрлар» асарини ўқиган китобхон қалбидан ҳам шундай ўйлар кечади. Романда келтирилган воқеалар қамрови жуда кенг: 30-йилларнинг машъум «қатағон» қилиш манзаралари, 80-йиллардаги кўпчиликнинг ёстиғини қуритган Афғонистон уруши лавҳалари, шу йилларда содир бўлган «ўзбек иши»... Инсонлар ҳаётида содир бўладиган бу учта йирик, жуда катта ҳажмли воқеаларни бир-бири билан боғлашда ёзувчи маҳоратига тан бермасликнинг иложи йўқ. Воқеалар ёки қаҳрамонлар ҳақида гапириб ўтмоқчи эмасмиз. Яхшиси, ўзингизни мутолаага чорлаймиз.

УЎК: 821.512.133-3

КБК: 84(5Ў)7



ISBN 978-9943-27-636-9

© Ўткир Ҳошимов, «Тушда кечган умрлар». «Янги аср авлоди», 2015.

gys
Ushda kechgan

РУСТАМНИНГ ОХИРГИ КУНДАЛИГИДАН

Куз ўлим тўшагида ётган беморга ўхшайди. Оёқ остида касалманд хазонлар инграйди... Эрта баҳордан бўтана бўлиб, шоша-пиша, қирғоғига сиғмай оққан ариқлар тиниқлашади. Шунча уринишлари зое кетганини тушуниб, оламга маъюс боқади... Энди сув тубида шодон чайқалган майсалар эмас, хазон кўмилиб ётади... Еру кўкни кафандек оппоқ туман чулғайди. Оқ зулмат орасидан қарғаларнинг хосиятсиз фигони эшитилади.

... Эрта-индин осмонга мотам либосини кийган булутлар чиқади. Ер устида узок чарх уради-да, аччиқ-аччиқ кўз ёши тўқади. Сим-сим ёмғир ёғади: тўрт кунлик умрида дунёга сиғмаган, охир-оқибат жон таслим этган табиятга аза очиб, унсиз йиғлайди...

Мен неча ёшга чиқдим ўзи? Йигирма иккига?! Йўғ-э, ахир, мен етмиш иккидаман-ку! Балки саксон иккидадир? Нима фарқи бор?! «Донолар ҳаётни кузатурлар жим...»

ҚУРБОНОЙ ХОЛАНИНГ ҲАР КУНГИ ТАШВИШЛАРИ

Биқини ачишиб уйғонди. «Худойим, ўзингни раҳминг келсин», деди пичирлаб. Эски дарди яна кўзғади, шекилли. Тўрт йилдирки, аҳвол шу. Сал оғирроқ иш қилса, ёқмасроқ овқат еса тамом: ўнг кўкрагининг таги симиллаб оғрийди. Бодрингдек бир нарса биқинига ботиб, тўсатдан санчиқ киради. Охири оғзи тахирланиб, кўнгли беҳузур бўлади. Қайт қилади.

Умида уч-тўрт марта қўлидан судрагудек бўлиб, дўхтирхонага олиб чиқди. Дўхтир хотин «меъдангиз айниган, хола, гастрит бўлгансиз», деб қўяқолди. Баннисага ётқизишга ордер керак экан. Ордер йўқ эмиш... Ёзда касали зўриқиб кетди. Шунақанги азоб бердики, худоё тав-

ба, бундан кўра ўнта туққан афзал. Умида у ёққа югуриб, бу ёққа югуриб ордер топди. Ўн олтинчи баннисага, олти кишили палатага жойлаштирди.

Дўхтирлар ҳам ўлмасин! Хўп, антиқа асбоблар ўйлаб чиқарибдими, барака топгурлар! Чалқанча ётқизиб қўйди-да, қорнига мой суриб, қўлидаги асбобини у ёққа юргизди, бу ёққа юргизди. Икки кўзи телевизорда. «Ошқозонингизда касал йўқ, хола, – деди ниҳоят. – Ўтқопчангизда тош бор. Ғиж-ғиж тош». Худойимдан ўргилай! Бандасига атаган дардиям кўп экан-да! Тош қаёқдан келади? Атайлаб тош емагандир, ахир! «Операция қилиш керак, хола, – деди дўхтир. – Бошқа иложи йўқ».

Апарайса қилармиш! Айтишга осон. Аслида-ку, ҳар кимнинг жони – Худонинг омонати. Эртами-кечми олади омонатини. Боринг ана, тиғнинг тагидан омон-эсон қутулиб чиқди ҳам... Бир йилгача яримжон бўлиб юрадими? Кўчани ким супуради? Бир эмас, иккита тўрт қаватли «дўм»нинг зинасини ким ювади? Тағин нима дейди, денг: «Сизга энгашиш мумкин эмас, хола. Ишингизни ўзгартиринг», эмиш. Ҳар ким ўзидан ўтганини ўзи биларкан-да.

Қурбоной хола бўйнидан ачом қилиб ётган неварасини уйғотиб юбормаслик учун секин қаддини ростлади. Уй ичи шам ҳидига тўлган эди. Кеча чироқ ўчиб қолгани, янги қўшни – Шахнозадан шам олиб чиққани эсига тушди. Ним қоронғида пайпаслаб, боланинг бутига қўл юборди: куп-куруқ. Мана, сийиб қўймабди-ку! Шу... Умидаям хў-ўп тепса тебранмас чиқди-да. Кап-катта бола ҳар куни сийиб қўяди, деб нолигандан кўра ётар чоғи қовуғини жиндай ёғлаб қўйса-ку, олам гулистон!

Нариги девор тагидаги каравот ғирчиллади. Қизчасини кучоқлаб ётган Умида овоз берди.

– Чой қўйиб кетинг, ойи! – Шундай деди-ю, бошига кўрпа тортди.

Қурбоной хола индамай ошхонага чиқди. Ўлсин! Чироқ ҳалиям келмабди. Ваннахонага ўтиб шошилмай таҳорат олди. Газга чой қўйиб, уйга қайтиб кирди. Бомдодни ўқиди. Ўтганларга Оллоҳнинг раҳматини, қолган-

ларга имон тилади. Ўт балоси, сув балоси, тухмат балосидан асрашни сўраб, юзига фотиҳа тортди.

Қоронғи ошхонада бир бурда нон кавшаб, чой ичган бўлди. Йўлакдаги илгакда осиглиқ турган пахтали чопонини кийиб, бошига пахмоқ рўмол ўради. Биқини тағин ачишиб оғриди. Бирпас иккиланиб турди-да, чопонини ечди. Тағин уйга кирди. Тимирскиланиб сандиқ очди.

Қитир-қитирдан Умида қайта уйғониб кетди, шекилли, норози тўнғиллади:

– Ҳеч тинчимас экансиз-да!

– Болаларни вақтида олиб бормасанг, боғча опаси киргизмайди, – деди Қурбоной хола ўзини оқлаган оҳангда.

Сандиқнинг бир бурчидан эски шарф топди. Тўркўйлаги устидан кўкрагига танғиди. Йўлакка чиқиб тағин чопонини кийди. Рўмол ўради. Ваннахонада турган пақирни тарақлатиб юбормаслик учун ҳалқасидан оҳиста кўтарди. Бандига узун таёқ тиқилган супургини қўлтиққа қистириб, қоронғи зиналардан пастга тушди.

Ойнаси синган ташқари эшикни очиши билан юзига муздек ҳаво урилди. Қор ёғяпти, шекилли! Йўқ, туман тушибди. Куюқ туман. Еру осмон оқиш, хира пардага ўраб ташлангандек. Қизиқ, ҳамма нарса телба-тескари кўринади. Ўн қадам наридаги бақатеракдан кўра икки четидаги симёғочларда чироқлар ёниб турган кўча яқинроқ туюлади. Кўчадан ўтаётган сийрак машиналар нур елпиғичи билан туманни ёриб имиллайди. Қурбоной хола бир қўлида пақир, қўлтиғида супурги билан уйни айланиб ўтаётганида «дўм» чеккасидаги бақатерак тагида шарпа кўрингандек бўлди. Тўхтаб, ўша томонга қараган эди, шарпа терак орқасидан силжиб ажралди-да, шатир-шутир хазон босиб, туманлик қўйнига сингиб кетди. Қурбоной хола шарпа, бошига ёш болаларникига ўхшаган чўққисимон телпак кийганини ғира-шира илғади-ю, йўлида давом этди. Аввал магазин томондаги йўлкани супуриш керак. ЖЕКдаги хўжайин қаттиқ тайинлаган: «Бу – катта гастроном, хола, ҳар хил одам келади, тағин

битта-яримта катталар бу «дўм» кимга қарашли деса, бизга гап тегиб қолмасин, тушундингизми?»

Тушунади. Нега тушунмасин!

Пастак нон дўконининг деразасида чироқ бор. Қизғиш нур тушиб турибди. Аммо нон машинаси кўринмайди. Бундан чиқди, ҳали соат етти бўлмабди. Дўкон ёнбошида дарвоза. У ёғи гастроном. Унинг ҳам деразаларида чироқ ёниқ. Лекин гастроном соат саккизда очилади. Эшиги тепасидаги қизил чироқ кулга тушган чўғдек хира йилтирайди.

Қурбоной хола пақирини бақатерак тагига қўйди-да, «бисмилло» деб йўлкани супуришга тушди. Худойлигини айтганда, иши оғирмас. Аввал иккита «дўм»нинг атрофини супуриб чиқади. Кейин зиналарни ювади. Пешингача ишни битириб келади-да, уйдаги юмушларга қарайди. Овқат қилади. Невараларининг кийимини чаяди.

Биринчи кунлари аввал зиналарни ювиб, кейин кўча супураётган эди. Бўлмади: «дўм»дагилар ЖЕКка шикоят ёзишибди. «Эрталабдан тарақ-туруқ қилиб уйқумизни бузади», дейишибди. Қурбоной хола қўшнилари безовта қилмасликка сўз берди. Ишни супуришдан бошлайдиган бўлди. Нима қипти: хаёл суре-еб супураверади. Супурги «шиғғ-шиғғ» қилади. Бир йўлкани бошидан охиригача супуриб бўлгач, ахлатни тўдалайди. Шунанча-ку, манави бақатерак ўлгур ёмон. Баҳорда гуллайдими, нима бало, ҳаммаёқни попилтириқ босиб кетади. Осмондан қордек ёғади-я, қирғин келгур! Сув сепсанг, ерга ёпишиб қолади. Сепмасанг, супурги уришинг билан тўзғаб, бетингга сапчийди... Кузда ундан баттар. Хазонни тўдалаб ёқсанг, балога қоласан. Ҳавони захарлаяпсан, дейди. Ахлат машина олмайди... Ким ўйлаб топганийкин бу бақатерак жониворни!..

Бир замонлар Қатортол қандоқ жойлар эди! Ўрикзорлар, узумзорлар, нокзорлар... Ҳар нашватилар бўлардики, шираси чак-чак томиб ётарди...

Қурбоной хола енгил қадам товушини эшитиб, супуришдан тўхтади. Ортига бурилиб қаради. Эгнига «олимпийка», бошига чўққисимон тўқима қалпоқча кийган

икки киши шитоб билан югуриб, ёнидан шарпадек ўтиб кетди. Аввал ихчамроғи, кетидан қорин қўйган, ҳансираб нафас олаётгани...

Қурбоной хола икковиниям танийди. Қорин қўйгани – праписир. Униси – ўғли. Эслади: ҳали дарахт панасида турган одам шу йигит бўлиши керак... Ота-бола қишин-ёзин қанда қилмай, ҳар куни эрталаб югуришади. Кўчанинг нариги бетига катта дарвозали участка праписирники. Праписир отасига йилоши берганда Қурбоной хола бориб хизмат қилган... Ота-бола ҳар сафар унинг ёнидан югуриб ўтишади. Саломлашмайди-ям, гаплашмайди-ям... Майли, ҳар бандаи мўмин ўзидан тинсин...

Яна шиғиллатиб супуришга тушди. Биқинида оғриқ кучайганига парво қилмади. Бибиблаб нон машина келди. Ичкаридан дўкончи чиқди. Машинанинг орқа кажавасини очишди. Туман тарқамади-ю, кун бир қадар ёришгандек бўлди.

Бир маҳал орқа томондан йўғон овоз келди.

– Супураяпсанми?

Қурбоной хола овоз эгасини таниди: Комиссар.

«Ўйнапман!» – деб ўйлади энсаси қотиб. Ҳар куни «супураяпсанми?» деб сўрайди.

Ишдан тўхтаб, бурилиб қаради. Салом берди.

Комиссар беш-олти қадам нарида турар, бошида қора шляпа, эғнида қора плаш, кўлида сут бидон бор эди.

– Невараларинг омонми? – деди Комиссар ёшига ярашмаган ўктам товушда.

— Худога шукур, юришибди. Юмалаб-сумалаб.

– Ўзинг аҳмоқсан! – деди Комиссар зарда билан. – Неча марта айтдим: куёвингни судга бер! Моегини бир бураса, қизингга дом олиб беради. Ё участкасининг ярмини кесиб беради.

«Бир камим қизимнинг кундош билан бир ҳовлида туриши қолувди, болаларини ўкситиб», – деб ўйлади Қурбоной хола дили оғриб.

– Майли, – деди секин. – Худога солдим.

Комиссар кулди. Кулиши ғалати. Худди одамни майна қилгандек «хэх-хэх-хэх», дейди.

— Худонинг сандан бошқа иши йўқ! Фалончи бандамининг арзи-ҳолини эшитаман, деб кўзи учиб турибди.

«Э-э! Тезроқ даф бўлсанг-чи! Сен билан гаплашиб юракни қон қилгандан кўра...»

Қурбоной хола атай гапни бошқа ёққа бурди.

– Сутга кетяпсизми?

– Бориб келдим. Бугун сут келмас экан. Дўкон кеча байрамда ишлагани учун бугун оддих қипти.

Қурбоной хола супургисини чангаллаб, ишни давом эттиромоқчи эди, Комиссар маъноли йўталиб қўйди. Чамаси, яна гаплашгиси бор эди.

– Эрталаб каша пишириб емасам, меъдам оғрийди.

– Кексалик-да! – деди Қурбоной хола.

– Мени қари деяпсанми, хэх!

Қурбоной хола жавоб бермади. Шахт билан супуришни давом эттираётган эди, кулоғига яна Комиссарнинг овози кирди:

– Анави ким?

Қурбоной хола Комиссар қўлини бигиз қилиб кўрсатган томонга қаради. Уй ертўласининг зинасида бир одам гужанак бўлиб ётарди.

– Қаёқдан билай! – деди Қурбоной хола бепарволик билан. – Анавиёқдан келганлардан биттасидир-да. Биласиз-ку, қиш келса қаланғи-қасанғилар кўпаяди. Кеча байрам қилиб бўкиб ичган бўлса...

– Йўқ, унақага ўхшамайди. – Комиссар шахдам қадамлар билан ўша томон юрди. – Ётиши бежо-ку!

Қурбоной холанинг кўнглига мубҳам хавотир тушди. Супургисини судраб Комиссарга эргашди.

– Ҳой, кимсан? – Комиссар энгашиб, елкасига туртган эди, гавда қимирламади.

Қурбоной хола яқин бориб гавда устига эгилди-ю, даҳшат ичида ўзини орқага ташлади.

– Вой! Вой ўлмасам! – деди оёқ-қўлидан мадор кетиб. – Рустамжон-ку! Куёв-ку! Кечагина ўйнаб-кулиб ўтирувди-я!

Рустам ертўланинг семон зинаси устида ғайритабийй ёнбошлаб ётар, бошидан оққан қон халқоб бўлиб қолган, ички кийимда, бир оёғида латта шиппак, иккинчи шиппаги пастки зинада тўнқарилиб ётар эди. Ўнг қўли тағида қолган, негадир мушт бўлиб тугилган чап қўли зинага осилиб турар, гўё ўша ердан бир нарса олмоқчи бўлган-у, шу алпозда қотиб қолганга ўхшарди. Комиссар сут бидонини ерга қўйиб чўккалади. Елкасидан тортиб секин ағдарган эди, Рустамнинг оғзидан қон сизиб чиқиб, бўйнига оқди. Шунда, Қурбоной хола унинг билаги ҳам тилиниб кетганини, тирсагидан кафтининг орқасигача қора қонга беланганини кўрди.

– Войдод! Ким бор!!! -- деб жонҳолатда дод сола бошлади. – Ёрдам беринглар! Хотинини чақиринглар! Шаҳнозани чақиринглар!

Бир зумда одам тўпланди.

– Қаранглар, дераза синибди! – деди кимдир ҳаяжонли қичқириб.

Қурбоной хола аланг-жаланг бўлиб тепага қаради. Тўртинчи қаватдаги деразанинг бир табақаси очик турар, ерда, Рустамдан нарироқда катта-кичик ойна парчалари сочилиб ётарди.

– Дўхтир чақирсаларинг-чи! – деди Қурбоной хола изиллаб. – Хотини қаёқда, хотини!

– Шунақа бўлишини билардим, – деди кимдир бепишанд оҳангда.

Қурбоной хола бу совуқ гап кимдан чиққанини англамай аланглаган эди, праписир ўғлининг елкасига мушт туширди.

– Ўчир овозингни, аҳмоқ!

Ота-бола ҳамон ўша кийимда эди: бошида чўққисмон қалпоқ, эгнида олимпийка.

– Дўхтир қани, дўхтир? – деди Қурбоной хола илтижо билан. – Инсофларинг борми, чақиринглар, ахир!

Комиссар Рустамнинг билагини ушлаб, томирини текширди.

– Докторнинг кераги йўқ, – деди совуққонлик билан. – Милицияга қўнғироқ қилиш керак.

ТЕРГОВ ХУЖЖАТИДАН

Шоматова Шаҳноза. Йигирма бир ёшда. Олийгоҳнинг тўртинчи курс талабаси. Миллати – ўзбек. Турмуш қурган. Аввал судланмаган. Қатортол мавзеи, 9-уй, 23-хонадонда истиқомат қилади. Комсомол аъзоси.

– Сиз – марҳум Шоматов Рустамнинг хотини эканлигини тасдиқлайсизми?

– Ҳа.

– Тўйинглар қачон бўлган?

– Шу йил ёзда.

– Аниқроғи?

– Саккизинчи август куни.

– Ҳозир турган уйингларга қачон кўчиб келгансизлар?

– Сентябрнинг охирида.

– Унгача қаерда тургансизлар?

– Қайнонамникида. Пискентда.

– Ҳовлинглар каттаиди?

– Нима десам экан... Эл қатори ҳовли...

– Гражданка Шоматова, айтинг-чи, нима учун Пискентдаги ҳовлида турмай, Тошкентга кўчиб келдингизлар? Қайнонангиз билан орангиз бузилдими?

– Ойимлар билан аҳил эдик.

– Овсинингиз билан-чи?

– У киши билан ҳам.

– Бўлмасам нега...

– Ҳар куни олтмиш чақиримга қатнашимиз керакмиди?

– Бир нарсага келишиб олсак, гражданка Шоматова...

Саволни мен берман! Олтмиш чақиримга қатнаш оғирлик қилган бўлса, нега студентлар ётоғидан жой олдинглар?

– Рустам акам хоҳламадилар. Алоҳида уй олиш учун ҳаракат қилдилар.

– Шоматов бир вақтлар судда ишлаганидан хабарингиз борми?..

– Айтгандек бўлувдилар.

– Ишдан нега кетган экан?

- Аниғини билмайман.
- Сиз тўртинчи курсда ўқийсиз. Эрингиз иккинчи курсда бўлган...
- Агар Афғонистонга олиб бориб, урушга солишмаса, Рустам акам ҳам тўртинчи курсда бўлардилар.
- Тушунарли... Эрингиз Афғонистонда хизмат қилган, байналмилал жангчи сифатида ўзига берилган имтиёзлардан фойдаланган... Навбатсиз уй олган...
- Рустам акам у ёққа борганларини дастак қилганларидан менинг хабарим йўқ.
- Бўлиши мумкин... Айтинг-чи, эрингизнинг асаби жойидамиди? Контузия бўлган, яраланган экан... Йиғлашнинг ҳожати йўқ.
- Жаҳллари ёмон эди... Аммо «уёқ»даги гапларни ҳеч гапирмасдилар! Ярадор бўлганлариниям тасодифан билганман. Белларига ўқ теккан экан. «Ойимга айтма, шунчаки, дайди ўқ ялаб ўтди», деганлар.
- Йиғламанг... Мархум эрингиз билан кўпдан таниш-мидингиз?
- Биринчи курсдан бери...

«СОВУҚНИ ЁМОН КЎРАРДИЛАР»

Шаҳноза мелисахонанинг файзсиз йўлақларидан ўтиб бораркан, ҳеч кимни кўрмас, ҳеч нимани эшитмас эди. Гувоҳ сифатида «повуска» олганидан бери аяси нуқул қулоғига қуяди. «Гапингни билиб гапир, жон болам, тагин сениям оёғингдан тортиб юрмасин!» Дадаси хавотирда. Кеча «начальник»ка қўнғироқ қилмоқчи эди, аяси бобиллаб берди. «Нима қиласиз подадан олдин чанг кўтариб! Мелиса «гуноҳи бўйнида эканки, типирчилаб қопти», демайди-ми! Нима, Шаҳноза эрини бўғиб ўлдирибдими?!»

Шаҳноза зиналардан тушиб бораркан, вужудида аллақандай лоқайдлик, карахтлик сездди. Дунёларингга ўт тушиб кетмайдими, Рустам ака бўлмаганидан кейин!

Эшик олдида турган мелисага рухсат қоғозини топшириб, ташқарига чиқди-ю, бир лаҳза туриб қолди.

Қор ёғаяпти. Биринчи қор... Эрталабдан бери эзиб ёққан ёмғир охири қорга айланибди. Еру кўкни кафанга ўраб ташлашга қасд қилгандек, шунақанги шиддат билан ёғаяптики, кўча четидаги дарахтлар табиатнинг муқаррар ҳукми олдида ночор таъзим бажо қилгандек энкайиб қолибди. Юпун кийинган одамлар сирпана-сирпана жонсарак югургилайди. Машиналар ғилдираги остидан лой аралаш қор сачрайди...

Рустам акаси қорни ёмон кўрарди. Девдек гавдали, Алпомишдек бақувват одам совуқ тушар-тушмас, бўйнига шарф ўраб олар, Шаҳноза «Вой-бў, қорбобо бўп кетинг-э!» деса, «Ҳайронман, Шаҳноз, шу қор деган нарса ёғмаса, кимнинг кўнгли қоларкин?» деб гапни ҳазилга бурарди. «Мозори устини бир қарич қор босгандир? Қандоқ ётганийкин Рустам акам? Бечора Рустам акам! Нега кетдим? Нега кетдим ўша куни!» Шаҳноза тойғона-тойғона шошқин юриб кетди. Унсиз йиғлаб борар, оёғидан зах ўтиб кетганини, муздек қамчиси билан аёвсиз савалаётган қор орасидан лабларига шўртанг кўз ёши сизиб кираётганини ҳис этиб турар, бироқ ҳеч нимани ўйлагиси келмас, хаёлида қатъий бир аҳд қасамдек чарх урарди. Боради! Пиёда боради Қозиробод мозорига! Рустам акасининг бошига ёққан қорни сидириб ташлайди. Мана шу қўллари билан! Бу дунёда роҳат кўрмади, ақалли уёқда тинч ётсин шўрлик! Ушанда, биринчи курсда ўзининг бошига қор ёққанида кураб ташлаган, жонини асраб қолган Рустам акаси эди-ку!

Шаҳноза шаҳар мактабида ўқигани учун умрида пахтага бормаган эди. Институтда «Эртага пахтага кетилади», деган эълонни эшитиб, шошиб қолди. Барвақт бормаса, қолиб кетадигандек, кечаси билан ивир-ғивир бўлиб чиқди. Талабаларнинг пахта ҳашаридаги романтик саргузаштларини кўп ўқиган, телевизорда мунтазам кўрсатиладиган манзаралар кўз ўнгида намоён бўлар, тезроқ далага боргиси, пахта тергиси келарди.

Аяси бўғирсоқ, печенье пиширди, худди Шаҳноза оч қоладигандай каттакон сумкага қуюлтирилган сут, консервалар тиқиштирди.

Кўрпа-тўшагини буклама каравот орқасига тиқиб, адасининг машинасида институт олдига келишса, ҳали одам тўпланмаган экан. Ҳатто икки қадам наридаги ётоқда турадиган талабалар ҳам тушмабди. Шаҳноза кўча четидаги чинор тагида турган Диля – Дилфузани кўриб, югуриб борди. Миттигина гавдали Дилфуза ҳам шаҳарлик эди. У ҳам биринчи марта пахтага бораётгани учунми, саҳарлаб келиб олибди...

Автобуслар карвони тушга яқин йўлга тушди. Имиллаб, узоқ юрдилар. Рақам билан номланадиган совхозлардан бирининг марказида тақсимот бўлди. Шаҳнозаларнинг автобуси яна анча юрди. Ниҳоят, чўл-биёбоннинг қоқ ўртасида, бостирмага ўхшаган аллақандай пастак, узун бино олдида тўхташди. Бинонинг бетон деворлари шўрлаб кетган, деразаларнинг ойнаси синган эди. Сал нарироқда атрофи қора қоғоз билан ўралган ҳожатхона кўнқайиб турарди. Юз қадамча олисда эса оппоқ попилтириқлари шамолда силкинаётган қамишзор шовиллар – эди.

Юкларни туширишди. Шаҳноза кўрқа-писа ичкарига бош суқди-ю, дарров қайтиб чиқди. Бостирманинг қорайиб кетган пастак шифтида олмадеккина лампочка осилиб турарди. Бор-йўқ жиҳоз шу.

Юзлари офтобда қорайган, норғил гавдали, қошлари қалин Рустам ака (курсдагилар ёши каттароқ бўлгани учунми, уни шундай деб чақиришарди) дарров болаларни ишга солди.

– Бор, бурган юлиб кел! – деди йигитлардан бирига. – Қизлар, баракни супуриб чиқасизлар!

Бирпасда иш қизиб кетди. Диля баракни супурди. Шаҳноза пақир кўтариб, сувга кетаётган эди, Рустам йигитлардан бирига буюрди:

– Сувга сен бор! Эҳтиёт бўл, қудуққа энгашма...

Қудуқ дегани семон қувурни тик қилиб ерга кўмилган нарса экан. Машинада сув олиб келиб, хлор аралаштириб, шу «қудуқ»қа қуйишаркан.

Рустам, эҳтиёт бўл, деб бежиз айтмаган экан. Бултур қайсидир совхозда талабалардан бири сирғаниб, қудуққа тушиб кетибди. Ўртоқлари тортиб олгунча тамом бўпти...

Баракнинг ўртасига брезент парда осиб, иккига бўлдилар. Бир томонга йигитлар жойлашди, бир томонга – қизлар.

Ўша оқшом нон-чой қилиб ётиб қолишди. Кечкурун Шаҳноза Диля билан ташқарига чиққан эди, қамишзор томондан чақалоқ йиғиси эшитилди.

– Нима бу, Диля? – деди кўрқиб.

– Чақалоқ йиғлаяпти, шекилли...

Икковлари баракка югуриб кирдилар.

– Қизлар, анави қамишзор ичида чақалоқ йиғлаяпти!
– деди Диля овози титраб.

Парда – тўсиқнинг нариги томонидан Рустамнинг овози келди.

– Чақалоқмас, шоқол! – деди вазминлик билан. – Чиябўри... Кўрқманглар. – Бирпас жим турди-да, кўшиб кўйди. – Ташқарига ёлғиз чиқманглар...

Шаҳноза анчагача ухлолмай ётди. Парданинг нариги томонида чироқ ёниқ турар, болалар, чамаси, қарта ўйнар эди... Бир маҳал кўзи илинган экан, бўйнидан аллақандай совуқ, юмшоқ нарса ўрмалаб ўтаётганини ҳис қилди. Жонҳолатда чинқириб юборди. Қўли билан силтаб ташлаган эди, бояги нарса ерга тушганини идрок этди. Қизлар уйғониб, ҳаммаёқ қий-чув бўлиб кетди. Кимдир чироқни ёқди. Шаҳноза кўрқувдан кўзлари олайганча йиғма каравотда ўтирар, нукул бир гапни такрорлар эди:

– Аннақа... юмшоқ нарса...

Нариги томондан Рустам чиқиб келди. Эгнида эски жинси шим, кўйлакчан.

– Сичқон-ку! – деди кулиб. (Кулганда чехрасида нур порлаб кетгандек бўлди). – Кўрқманг. Ҳадемай ўрганиб кетасиз...

Тўғри айтган экан. Бир ҳафта-ўн кун ўтиб, қизлар тўшаги устида ўрмалаб юрган сичқонни тутиб олса, бемалол думидан чимчилаб, ташқарига олиб чиқиб ташлайдиган бўлишди.

... Учинчи куни факультет комсорги – оплоқ, думалоқ юзли, мўйлови ўзига ярашган Санжар ака мажлис қилди. Айтишига қараганда, норма қатъий экан. Пахта – етмиш кило, подбор – юз эллик кило. Ким нормани бажармаса – ўқишдан ҳайдалади!

«Санжар ака» гапиряпти-ю, Диля нуқул тирсаги билан Шаҳнозанинг биқинига туртади. «Ҳа?» деб жеркиб берган эди, Диля кулимсиради: «Чиройли йигит-а?»

Шаҳноза энсаси қотиб, юзини ўгирди. Чиройлими, ба-ломи, етмиш кило пахтани қандай теради? Кун бўйи бели сингудек бўлиб зўрға ўттиз килога олиб боряпти-ку!

Вилоятлардан келган қизлар-ку нормани бемалол бажаради. Аввал ҳам қилиб юрган иши. Шаҳноза билан Диляга қийин. Бир этакни тўлдиргунча пешин бўлади. Йўқ! Ғайрат қилмаса бўлмайди... Бир куни жон-жаҳди билан ишлашга қасд қилди. Биринчи этак анча тез тўлди. Иккинчисига келганда бели қақшаб оғрий бошлади. Теради. Барибир теради! Нима, бошқалардан кам жойи борми? Тушга яқин иккинчи этак ҳам тўлди. Юк оғирлик қилгандан икки букланиб қолди. Этакни бўйнидан тушириб, бирпас дам олди. Осмонда қат-қат булутлар оҳиста сузиб борар, баланд-баландда турналарнинг ҳорғин ноласи эшитилар, аммо ўзи кўринмасди.

Орқа томондан гурсиллаган қадам товуши эшитилди. Шиббалаб пахта босилган этакни орқалаганча эгат ора-лаб Рустам келар эди. Кўйлакчан бўлиб, енгини шима-риб олган, оёғида этик...

– Ҳорманг! – деди кулимсираб.

Шаҳноза ҳорғин жавоб қилди:

– Саломат...

– Беринг, пахтангизни топшириб келаман.

Шаҳноза иккиланиб қолди. Нима қилади бировни койитиб. Ўзи камида эллик килоча юк орқалаб кетаяпти-ку...

– Беваверинг, – Рустам Шаҳнозанинг пахта тўла эта-гига қўл чўзди. – Бирпас дамингизни олинг.

– Анавиёқда яна бор, – деди Шаҳноза ийманиб.

Рустам елкасидаги этакни ерга қўйди. Икковлари Шаҳноза териб, марзага тўкиб қўйган пахта уюми тепасига боришди. Рустам чаққон ҳаракатлар билан пахтани Шаҳнозанинг этагига зичлаб жойлади. Қайтиб келиб, ўзининг пахтасини ҳам енгилгина кўтарди-да, йўл четида турган тележка томон тез-тез юриб кетди.

– Зўрсиз-ку! – деди қайтиб келиб. – Эллик икки кило чиқди.

Шаҳноза терган пахтаси қандай қилиб «эллик икки» кило чиққанини тушунди. Рустам ўзиникидан қўшган...

... Бир ойга деб олиб келишган эди. Икки ой ўтди. Шаҳнозанинг дадаси билан аяси тўрт марта келиб кетишди. Иссиқ тўркўйлак, кирза этик олиб келишди.

Одамни қон қилиб юборадиган куз ёмғирлари бошланди. Баракнинг шифер тоmidан чакка ўтиб, ҳаммаёқ захлаб кетди. Пахта тугул подбор ҳам қолмаган, аммо ёмғир тиниши билан уларни далага ҳайдашар, талабалар бийдек пахтазорда тентираб юришар, ҳар қадамда этикка ботмон-ботмон лой ёпишиб, марзаларнинг у ер бу ерида тўкилиб қолган кўрак аралаш кир пахтани лойдан ажратиб этакка тиқишар эди.

Аллақаердан чўян печка, занглаб кетган тунука карнайлар топиб келишди.

Рустам печкани қизларнинг «бўлма»сига ўрнатди. Кўмир йўқлиги учун ўтин ёқишар, ёмғирда қолган ўтин то ёнгунча баракни аччиқ тутунга тўлдириб юборарди.

Домлалар икки ҳафтада алмашиб турар эди. Энг кейин келган Мухтабар опа деган ёш домла талабаларнинг аҳволини кўриб, йиғламоқдан бери бўлар, қайтишга рухсат йўқ эди. Жумҳурият олти миллион тоннали режани бажармагунча пахтазор фронт майдони деб эълон қилинибди...

... Қор ёғди. Шаҳноза биринчи қорнинг шу қадар шиддат билан ёғишини энди кўриши эди. Қандайдир бирон соат ичида барак томини бир қарич қор босди. Ҳамма мунғайиб қолди. Пахтазор ҳам, барак ҳам, талабалар ҳам...

Ўша кеча болалар ётган томонда аллаким туни билан кув-кув йўталиб чиқди. Шаҳноза эрталаб қараса, Рустам бўйнига қалин шарф ўраб олибди. Нуқул йўталади. Юзлари бўғриқиб кетган.

– Шу... қор деган нарсани ким ўйлаб топганийкин? – деди ҳазилга олиб. – Совуқни ёмон кўраман, Шаҳноза...

Шаҳноза аяси олиб келган бир банка қуюлтирилган сутни берди.

– Иссиқ чойга қўшиб ичсангиз ўтиб кетади.

Шунақа деди-ю, ўзининг ҳам оёқ-қўллари қақшаб оғриётганини, боши ғувиллаб бораётганини сезиб турарди... Кечга бориб, иситмаси кўтарилиб кетди. Диля олиб келган макарон шўрвани кўриб кўнгли ағдарилди. Кечаси билан алаҳлаб чиқди. Худди осмонда учиб юрганга ўхшар, тўсатдан чуқурга тушиб кетаётгандек бўлар, чўчиб уйғонар, «ая, аяжон!» деб инграр эди.

Бир маҳал кўзини очса, тепасида Мухтабар опа, Диля, Рустам туришибди.

– Ма, ичгин, асал чой! – деди Диля унинг бошига эгилиб.

Шаҳноза кўзларини ҳорғин юмиб юзини ўгирди. Қуруқ йўтал тутди. Энтикиб, нафас ола бошлади. Ташқарида трактор тариллади. Шаҳнозанинг қулоғи шанғиллар, биров унинг миясига кириб олиб, муттасил тўқмоқ билан ураётганга ўхшар эди.


Ўша томондан шовқин-сурон эшитилди.

– Туш! – деди кимдир бақириб. – Туш буёққа!

Бирпасдан кейин Мухтабар опа баракка қайтиб кирди.

– Рустам трактор миниб совхоз марказига кетди, – деди ўйланиб. – Қайсар йигит экан, бир балони бошламаса гўрғайди...

...Шаҳноза кимнингдир муздек кафти пешонасига текканини сезиб сесканиб кўзини очди. Шифтдаги лампочка хира нур сочар, ёнида оқ халат кийган семиз хотин ўтирар, оёқ томонида Мухтабар опа, қизлар тўдалашиб туришар, ялангбош сочи, елкаларига қор қўнган Рустам эшикка яқинроқ жойда турганча Шаҳнозадан кўз узмас эди.



Дўхтир Шаҳнозанинг ўпкасини эшитаётганда Рустам чиқиб кетди. Кейин тагин қайтиб кирди.

– Пневмония! – деди дўхтир негадир Рустамга юзла-ниб, – ўнг ўпкаси шамоллаган. Касалхонага олиб бориш керак. – Шундай деб ўрнидан тураётган эди, Рустам қатъий бош чайқади.

– Йўқ, опа! Сиз кетмайсиз!

– Қизиқ йигит экан-ку бу! – Дўхтир нажот кутгандек атрофига аланглади. – Ярим кеча бўлди. Ўн беш чақи-римга тракторга босиб опкелгани етмагандек... Бу нима-си? Мен ҳам бола-чақали одамман!

– Кетмайсиз! – деди Рустам кўзлари ёниб. – Машина топиб келаман. Шаҳнозани касалхонага ўзингиз олиб борасиз...

Дўхтир жавоб қилиб улгурмасдан шитоб билан чиқиб кетди. Ташқарида трактор гуриллади.

... Шаҳнозани «Нива»га ўтқазишаётганида тонг ёришиб қолган эди. Бир ёнига дўхтир ўтирди, бир ёнига Рустам... Иситмаси саккиз кундан кейин тушди... Шу орада Диля, Рустам туман касалхонасига икки марта келиб-кетишди. Шаҳноза Рустамнинг соқоли ўсиб кетганини, кўзлари кир-тайиб, ранги бир холатга тушиб қолганини кўрди.

Ўша воқеадан кейин баракда мажлис бўлганини, Рустамни ўқишдан ҳайдашларига бир баҳя қолганини Дилядан эшитди. Рустам учинчи марта кўргани борга-нида қўлини анча вақт ушлаб турди-да, пичирлади:

– Раҳмат, Рустам ака...

ТЕРГОВ ҲУЖЖАТИДАН

– Гражданка Шоматова, еттинчи ноябрдан саккизин-чи ноябрга ўтар кечаси қаерда эдингиз?

– Мана шу... Ўзимизнинг уйда.

– Кечаси биланми?

– Ҳа...

– Эрингиз, мабодо, кечаси ташқарига чиқмадимиз?

– Йўқ.

- Уйингизга бирон шубҳали одам келмадими?
- Йўқ.
- Ўша ҳодиса рўй берганида сиз қаерда эдингиз?
- Эрталаб сутга чиқдим. Узоқ кутиб қолдим. Сут етмади. Қайтиб келсам...
- Йиғламанг... Йиғидан наф йўқ.
- Келсам... Бу аҳвол. Рустам акамни олиб кетишган экан. Уй тўла одам. Мелисалар...
- Ўйлаб кўринг-чи, гражданка Шоматова, эрингиз билан қасдлашган одамлар бормиди?
- Билмайман...
- «Эримнинг жаҳли ёмон эди», дедингиз. Айтинг-чи, масалан, қанақа пайтда жаҳли ёмонлиги билинарди?
- ...
- Қулоғим сизда!
- Рустам акам ноҳақликни кўрсалар, чидаб туrolмасдилар:
- Масалан...
- Умуман-да...
- Бизга умумий гап эмас, аниқ далил керак. Айтингчи, кўшнилар билан муносабатингиз қандай эди? Хусусан, эрингизнинг?
- Янги одаммиз. Кўни-кўшнилар билан кириш-чиқишимиз йўқ ҳисоб. Фақат Қурбоной холани танирдик.
- Ким у, Қурбоной хола?
- Бир уйда турамиз, фаррош хотин. Яхши аёл.
- Биронта кўшни билан сан-манга бормаганмисизлар?
- Йўқ.
- Яхшилаб эслаб кўринг?
- Йўқ, дедим-ку!
- Менга қаранг, гражданка Шоматова! Биз ҳақиқатни аниқлашимиз, эрингизнинг қотилларини топишимиз керак. Тушунарлими?
- ...
- Кўни-кўшнилар орасида марҳум Шоматов Рустамга қасд қилганлар йўқ, деб тасдиқлайсизми?
- ...
- Бўлмаса, манави протоколни эшитинг.

Шу йил йигирма иккинчи октябрь куни кеч соат 23 дан 40 минут ўтганида Шоматов Рустам 10-уй 35-чи квартирада яшовчи гражданин Васильев Григорий Степановичнинг эшигини тақиллатган. Васильев эшикни очиши билан каратэ усулини қўллаб, уни ерга ағдарган ва бундан кейин жим юрмасанг, сўйиб ташлайман, деб дағдаға қилган. Васильев милицияга шикоят ёзган. Аммо эртасига даъвосидан кечиб аризасини қайтариб олган. Бу ҳангомадан хабарингиз йўқмиди?

– Нега хабарим бўлмасин! Ўз кўзим билан кўрганман! Васильев дедингизми? Ўша кундаги қилиғи учун тошбўрон қилса арзийди! Ишонмасангиз ўзини чақириб сўраб кўринг.

– Буёғи сизнинг ишингиз эмас, гражданка Шоматова... Айтингчи, мабодо, эрингиз кейинги кунларда Васильев билан тўқнашмаганмиди?

– Йўқ... Менимча, йўқ.

– Марҳум Шоматов кўп ичармиди?

– Йўқ, баъзан ичардилар...

«ҲОЗИР КЕЧИРИМ СЎРАЙСАН!»

Рустам билан Шаҳноза ўша куни рўпарадаги уйда тўй бўлаётганидан бахабар эдилар. Домда ит эгасини танимайди. Улар-ку – янги қўшни. Эскилари ҳам бир-бири билан хушига келса, саломлашади, бўлмаса, серрайиб, ўтиб кетаверади. Ростини, тўйга чиққилари ҳам йўқ эди. Қурбоной хола қўймади. «Вой, Худо урди-кетди! Кўздек қўшнингинг тўйига чиқмасанглар, уят бўлмайдимиз? Эрта-индин сизлар ҳам фарзанд кўрасизлар. Тўй қиласизлар», деб дашном берди.

Тўй ширингина бўлди. Икки уй ўртасидаги майдончага дастурхон ёзилган. Тўрда келин-куёв... Ортига илиб қўйилган гиламга қўшалок никоҳ ҳалқасининг тасвири солиб, пахта билан «Хуш келибсиз, азиз меҳмонлар!» деб ёзилган. Ҳамма ёқда гул... Хурсандчилик... Шаҳноза Рустам акаси билан этакроқ томонда, қўшни уй девори тагида ўтиришарди... Шаҳноза ўзларининг тўйи бошқа-

чароқ, файзлироқ бўлганини, ашулачилар янаям шўхроқ кўшиқ айтганини, ёшлар янаям шодонроқ рақсга тушганини эслар, Рустам акасига дам-бадам жилмайиб қараб кўярди. Фақат бир нарсадан кўнгли ғаш эди. Рустам акаси бугун негадир кўп ичаяпти...

Навбатдаги кўшиқ тугаб, бир лаҳза жимлик чўқди. Кайвони микрофонни пуф-пуфлаб, «Энди табрик учун сўз келинимиз Зебохоннинг дугонаси...» деб гап бошлаган эди, юқорида, худди Шаҳноза билан Рустам акасининг боши устида дераза шарақлаб, ғазабнок ҳайқириқ эшитилди:

– Эй! Шовқин-суронингни тўхтатасанми-йўқми?

Тўйхона сув қуйгандек жимжит бўлиб қолди. Келиннинг дугонасига тантанавор алпозда сўз бераётган тўйбошининг дами ичига тушиб кетди.

Шаҳноза бошини кўтариб қаради-ю, шундоқ тепасида, тўртинчи қаватнинг очик деразасидан энгашиб турган майкачан барзангини кўрди.

– Ухлашга қўясанларми-йўқми? – деди барзанги қаҳр билан.

Шаҳноза Рустам акаси ўрнидан туриб кетганини, ўша томонга қараб, кўзларида ғазаб тўла ўт ёнаётганини энди кўрди.

– Ўтиринг! – деди билагига ёпишиб. – Илтимос, ўтиринг, Рустам ака!

Дераза тарақлаб ёпилгани қулоғига чалинди. Рустам жойига ўтирди. Шаҳноза эрининг қўллари асабий қалтираётганини сезиб турарди.

Тўйдан файз кетди. Ҳамма мунғайиб қолган, оппоқ рўмол остидаги келин бошини қуйи солиб ўтирар, эгнига зарбоф тўн, бошига дўппи кийган куёв унинг қулоғига шивирлаб, алланимани тушунтирар эди.

– Вой онангни!.. – Рустам рўпарасида ўтирган ингичка мўйловли йигитга пиёла узатди. – Қуй! – деди бақириб. – Тўлатиб қуй!

Дам олмай сипқорди-да, отилиб даврага чиқди. Торини ғилофга тика бошлаган созанданинг олдига югуриб борди.

– Чал! – деди ғайритабий тантана билан. – Чал дейман! «Лазги»ни чал!

Микрофон яна гумбурлай бошлади. Шаҳноза Рустам акасининг рақс тушишини биринчи кўриши эди. Бутун вужуди ўйнаяпти! Шиддат билан, ғайрат билан... Давра ёшларга тўлиб кетди. Шаҳноза яна... шуни сездики... Рустам акаси рақс тушаётгани йўқ... нола чекаяпти... Аламли, изтиробли нола! Фақат ўзию Шаҳноза тушунадиган нола...

Шу пайт кутилмаган ҳодиса рўй берди. Шаҳноза бошига, елкасига ёғилган муздек сувдан сесканиб, ўрнидан сапчиб турди. «Вой!» деб қичқириб юборди. Нима бўлганини тушунолмай аланг-жалаңг қараса, атрофида ўтирганлар ҳам ўрнидан туриб кетибди. Биров жиққа сув бўлган сочини силайди, биров баданига ёпишган кўйлагини сийпалайди. Оппоқ дастурхон устида парча-парча сув доғлари ялтираб кўринар, лаганлардаги газаклар ҳам ҳўл эди.

Шаҳноза Рустам акасининг адл қомати тўйхона чироғи ёритиб турган нур остидан отилиб чиқиб бораётганини кўрди-ю, жонҳолатда қичқирди:

– Рустам ака! Қайтинг, Рустам ака!

Ўша заҳоти эрининг кетидан қоронғиликка шўнғиди.

Юраги қинидан чиққудек бўлиб зинадан кўтарилди. Тўртинчи қаватда, зина рўпарасидаги очиқ эшик олдида Рустам акаси майкачан барзанги билан рўпарама-рўпара турар эди.

– Сен сув сепдингми?

– Мен! – деди барзанги хотиржам оҳангда. – Ярим кеча бўлди. Тўхтат бозорингни!

Шундай деб эшикни ёпмоқчи эди, Рустам оёғини тираб қолди.

– Йўқол! – деди барзанги таҳдид билан. – Ҳозир милиция чақираман!

– Чақир!

– Рустам ака, олишманг! – Шаҳноза эрининг елкасига осилди.

– Наритур! Чақир ўша милициянгни!

Барзанги эшик ортига бир энгашди-ю, қўлида ароқми, виноми шишаси пайдо бўлди. Шишани Рустамнинг боши устида кўтарди. Шаҳноза нима бўлганини пайқамай қолди. Бир маҳал қараса, барзанги ерда чўзилиб ётибди. Шиша бир четга учиб кетган. Рустам акаси унинг кўкрагига тиззасини ботирганча, бўйнидан бўғяпи. Бир зумда барзангининг оғзидан кўпик кела бошлади.

– Рустам ака! Нима қилаяпсиз! Ўлдириб қўясиз! – Шаҳноза чирқиллаб эрининг елкасидан тортқилашга тушди. Қани кучи етса! – Рустам ака! Қамаб қўяди! – деди йиғлаб.

Рустам хушини йиғиб олди чоғи, қўлини бўшатди. Барзанги хириллаб нафас ола бошлади. Ўзини ўнгламоқчи эди, Рустам оёғи билан елкасидан босди.

– Менга қара! – деди ҳар сўзини таъкидлаб. – Мен сенинг хуторингга бориб тўй қиляпманми?

Барзанги типирчилаб, Рустамнинг оёғини суриб ташлашга уринган эди, Рустам қаттиқроқ босди.

– Гапир! – деди таҳдид билан. – Тўй қаерда бўляпти?

Барзанги кўзини олайтириб сўкинди.

– Шунақами? – Рустам қўлини тагин бўғзига тақаша билан барзанги ювош тортиб қолди.

– Билиб қўй! – деди Рустам тишлари ғижирлаб. – Одамлар хоҳлаганча тўй қилади. Хоҳласа, эрталабгача карнай чалади. Тушундингми?

Шаҳноза шундагина йўлакка одам тўлиб кетганини пайқади. Ҳеч кимдан садо чиқмас, ҳамма у ёғи нима бўлишини кутиб турганга ўхшар эди.

– Кечирим сўра! – деди Рустам таҳдид билан.

Барзанги қаддини ростламоқчи бўлганида Рустам елкасидан қаттиқроқ босди.

– Кечирим сўра!

– Кечирасан... – Барзанги хириллаб, юзини ўгирди.

Шаҳнозанинг қулоғи остида гулдиракдек кўрқинчли овоз янгради.

– Нега миллатчилик қиласан, ўв?!

Йўқ, бу овоз баланд, асабий эмас эди. Жуда осойишта, ишончли ва шунинг учун ҳам хатарли эди. Ким ўзи бу одам?

Зинадагилар орасидан арвоҳдек озгин, заҳил юзли чол ажралиб чиқди. Бошида қора шляпа, эгнида қора плаш, оёғида яп-янги ялтироқ туфли.

– Миллатчилик қилма! – деди чол тошбақаникига ўхшаш ингичка бўйинини чўзиб. – Миллатчилик қилма, бола!

Рустам калтакесакни кўриб жиркангандек юзини бурди.

Барзанги қаддини ростлаб, майка-иштонининг чангини қоқди.

– Барибир сени қаматаман!

– Қамата қол! – Рустам негадир кулди. – Эшитиб қўй, – деди таъкидлаб. – Ҳамманинг олдида айтяпман. Ернинг тагидан бўлсаям топаман-да, сўйиб кетаман!

– Оғзингга қараб гапир, бола! – Бояги «арвоҳ» кўлини пахса қилди. – Умринг турмада чириydi, аҳмоқ!

ТЕРГОВ ҲУЖЖАТИДАН

Ғаниев Соат Ғаниевич. Етмиш беш ёшда. Иттифоқ миқёсидаги пенсионер. Миллати – йўқ. Сўққабош. Аввал судланмаган. Қатортол мавзеи, 40-уй, 41-хонадонда истиқомат қилади. 1941 йилдан бери партия аъзоси. Қизил Юлдуз, Жанговар Қизил Байроқ орденлари, олти та медал нишондори.

– Гражданин Ғаниев! Еттинчи ноябрдан саккизинчи ноябрга ўтар кечаси қаерда эдингиз?

– Биринчидан, ўртоқ терговчи, мен «гражданин Ғаниев» эмас, истеъфодаги полковник, ўртоқ Ғаниевман! Марҳамат қилиб, ўртоқ полковник деб мурожаат этишингизни сўрайман. Ўртоқ Комиссар, десангиз ҳам розиман. Мени таниганлар «ўртоқ Комиссар», дейишади.

– Биз сизни гувоҳ сифатида повестка билан...

– Повесткангизни пишириб енг! Хоҳласам, генералнинг ўзи билан гаплашиб қўя қоламан!

– Марҳум Шоматовни биринчи бўлиб сиз...

– Ҳа, мен кўрганман! Такрор айтаман. Мени сўроққа чақирган бўлсангиз, адашасиз. Шунчаки коллега сифатида маслаҳат сўрасангиз – бошқа гап.

- Сиз кўрганингизда Шоматов ўлганмиди?
- Бадани совуб бўлганди. Замонавий экспертлангиз Шоматов қачон ўлганини аниқлай олмадимиз?
- Саволни мен...
- Йиғиштиринг демагогияни! Сўроқ қилишни билмас экансиз. Умуман, системангиз айниб кетган. Тартиб йўқ. Тартиб бўлса, Шоматовни органга ишга олмас эдинглар.
- Кечирасиз, гражданин... Ўртоқ Комиссар... Бу гапларни сиз қаёқдан биласиз?
- Мен ҳамма нарсани биламан. Бу соҳада иш бошлаганимда сизнинг отангиз ҳам туғилмаган эди.
- Шоматов милицияда эмас, судда ишлаган. Оддий курьер бўлиб.
- Фарқи йўқ! Милиция ҳам, суд ҳам – орган! Пайти келиб ҳайдаладиган одамни органга ишга олмаслик керак.
- Шоматов ҳайдалган эмас, ўз ихтиёри билан бўшаган.
- Аҳамияти йўқ.
- Айтинг-чи, гражданин... Ўртоқ Комиссар... сизнинг тахминингизча марҳум Шоматов билан рўй берган ҳодисада қайси тахмин ҳақиқатга яқинроқ туради: қотилликми? Бахтсиз ҳодисами ё ўз жонига қасд қилишми?
- Гапни шундан бошлаш керак эди!.. Ҳамма нарса бўлиши мумкин. Менга қолса, биронтаси аввал ўлдириб, кейин деразадан ташлаб юборган.
- Экспертлангиз аниқлашича, марҳумга биров пичоқ урмаган. Боши ёрилган, бўйин умуртқалари синган. Марҳум баланд жойдан боши билан тушсагина, бўйин умуртқалари шу қадар эзғиланиб кетиши мумкин.
- Демак, Шоматов ўз жонига қасд қилган, демоқчими экспертлангиз?
- Бу – аниқ хулоса эмас.
- Унақа бўлса, марҳамат қилиб, битта саволга жавоб берсангиз. Шоматовнинг атрофида ойна синиқлари сочилиб ётган эди. Экспертлангиз ойна бўлаклари тўртинчи қаватдаги, Шоматов квартирасининг деразасидаги ойнага мос келиш-келмаслигини аниқладими ё шунга ақли етмадими?

– Бизни камситяпсиз, ўртоқ Комиссар! Ерда сочилиб ётган ойна синиқлари ўша деразадан тушган. Марҳумнинг билагини ҳам ойна синиғи тилиб юборган.

– Хэх! Бўлмаса айтинг-чи, Шоматов жонига қасд қилиб, ўзини ерга ташлаган бўлса, уйдаги жиҳозларни ким синдирди? Қайси аҳмоқ ўлишидан олдин ойнани синдириб, ўз билагини ўзи кесиб ўтиради? Шунчаки, деразани очиб, ерга сакраб қўя қолмайдими?

– Демак, сиз қотиллик рўй берган деб тасдиқлайсиз.

– Мен ҳеч нима деганим йўқ, коллега. Илнтиришга уринмай қўя қолинг.

– Йўқ, мен бошқа маънода... Яъни... биронтасидан гумонингиз бўлса...

– Гумонми? Гумоним – ҳаммадан! Эшитдингизми? Ҳаммадан! Сизга ҳам шуни маслаҳат бераман! Юз фоиз ҳаммадан, ҳатто ўзининг хотинидан, боласидан гумон қилмайдиган одамдан ҳақиқий чекист чиқмайди! Аввало, Шоматовнинг ўзидан гумон қилиш керак!

– Яъни... Қайси маънода?

– Балониям билмайсанлар! Ҳайронман, институтларингда нимани ўргатади сенларга? Ўша боланинг тили бир қарич эди! Тушунарлими?

– Кечирасиз-ку, қандай қилиб марҳумнинг ўзидан...

– Ўртоқ Сталин билан тиш дўхтир ҳангомасини эшитганмисан? Дарвоқе, нечанчи йилда туғилгансан? Тушунарли... Сенлар ўртоқ Сталинни ёмонлаб ўрганиб қолгансан! Агар ўша замон бўлса... Хэх! Бир ойдан бери арзимаган ишни очолмай тимирскиланиб юрибсанлар. Хафа бўлдингми? Хафа бўлсанг, ундан нари! Кейинги ишингда фойдаси тегади. Шундай қилиб, ўртоқ Сталиннинг тиши оғриб қолибди... Дўхтир чақирибди. Дўхтир доҳийнинг тишини кавлаштириб даволашга киришибди. Бир кун ўтибди, икки кун ўтибди... Дўхтир нуқул тишнинг тузилиши, неча қатлам бўлиши, илдизи нечта бўлишини айтиб, вайсармиш... Охир доҳий дўхтирдан сўрабди. «Тиш қаттиқми, тил қаттиқми?» «Ҳазиллашяпсиз-ми, ўртоқ Сталин, – дебди

дўхтир. – Тишнинг эмал қатлами шунақанги қаттиқки, пўлатни кесиб ташлайди. Тил нима? Бир парча юшоқ мускул-да», дебди. «Шунақами?» дебди ўртоқ Сталин. Ўша куни ўртоқ Берияга буюрибди. «Лаврентий Павлович, – дебди: – манави дўхтирнинг тили жуда юшоқ экан. Эртага мен Сталиннинг тишини даволадим деб вайсаб юради, жавобини беринглар» дебди. Ярим соатдан кейин дўхтирнинг «жавобини» беришибди. Чаккасидан отишаётганда ҳам дўхтир тўхтовсиз вайсармиш: «Ўртоқ Сталиннинг тишини даволашга улгурмадим-да, номим тарихда қоларди», дермиш.

– Бу гапни марҳум Шоматовга нима дахли бор?

– Хэх! Боядан бери танбур чертяпман экан-да! Шоматов ҳам тарихда қолгиси келадиганлардан эди! Қачон қараса, масала талашади. Ўзича ҳақиқат ўрнатмоқчи бўлади. Кўрганмиз, бунақаларни!.. Мен ўн беш ёшимдан комиссар бўлганман!

– Ўн беш ёшдан?

– Ҳа, ўн беш ёшдан! Сенлар нима? Амаллаб ўқишга кирасан... Амаллаб битирасан. Биламан, коллега, ҳаммасини биламан! Гапингиз ёлғон деб кўр-чи! Хэх! Чекист – чекист бўлиб туғилиши керак! Вот масала қаерда! Ҳай, майли, Шоматовнинг хотинини тергов қилдингми?

– Албатта!

– Гумони кимданмиш?

– Унисини айтмади-ку, қўшнининг тўйи куни бўлган воқеани гапириб берди.

– Хабарим бор! Менга қолса, айб Шоматовнинг ўзида эди. Айтяпман-ку, бурнини суқмаган жойи йўқ эди бу боланинг! Сен, коллега, Шоматовнинг хотинини сиқувга ол, уқдингми? Нима бало, елкасига қоқиб чиқариб юбордингми?

– Қизиқ одам экансиз. Қамоққа тиқишим керакмиди, сизнингча!

– Бўлмаса-чи! Эзиш керак буларни. Эзиш! Шунақанги бурагинки, дунёни бошига кўтариб дод солсин!

– Айби исботланмаган одамни-я?!.

– Хэх! Шу кетишинг бўлса, икки дунёда ҳеч кимнинг айбини бўйнига кўёлмайсан!

– Жудаям унчалик эмас, ўртоқ Комиссар... Бизнинг ҳам усулларимиз кўп...

– Кўрамир, қаёққача бораркансан ўша усулларинг билан!

ОҚИМГА ҚАРШИ СУЗГАНИМ БЎЛСИН!

Сўтаг-ей! Жўжахўроз-ей! Кўйиб берса, мени сўроқ қилмоқчи! Мени-я! Жанговар Қизил Байроқ, Қизил Юлдуз орденлари кавалери, кимсан Комиссарни-я! Аввал бурнингни артиб ол, мишиқи! Совет органининг куни шуларга қолдими энди? Қаёққа қараб кетаяпмиз ўзи? Хўп замонлар ўтган экан-да? Эгнингда чарм пальто. Бошингда шапка. Ёнингда наган. Қайси эшикни тақиллатсанг кўради-ю, тахта бўлади-қолади. «Гражданин фалончи сизми?» десанг, тили калимага келмайди, унсурнинг!..

Хрущев дегани чиқиб, ўртоқ Сталинга ёпишиб кўрди. Жасадини мавзолейдан чиқариб ташлади! Ўзи нима бўлди? Хор-зор бўлиб ўлди-ку! Ўз кўнгилларида халққа озодлик бердилар. Озодлик эмиш! Ким кўйибди тизгинсиз оломонга озодликни! Кейин бошқаси келди... Қоғозга қарамасдан гапирса, отини айтолмайди-ю, тагин бу киши маршал эмиш! «Генералиссимус» деган сўзни айтишга тили келишса, оларди шу юксак унвониям! Нукул орден улашиш билан овора! Охири нима бўлди? Ҳаммасида орден. Ҳаммаси порахўр!

Амбарцумян – маладес! Каллаварам ўзбекнинг нозик жойидан маҳкам ушлади! Манаман деган обкомлару райкомларни, раислару буғалтирларни ғиппа ёқасидан олди! «Марҳамат қилиб, тўплаган миллионларни чўзиб кўй! Очиғини айт! Кимдан олдинг-у, кимга чўздинг? Қачон? Қанча?» Мана буни ҳақиқий сталинча метод деса бўлади! Отанга раҳмат-э, шоввоз!

Қани шунақалардан ўн минги, боринг, ана мингтаси бўлса! Ҳаммаёқда тартиб қарор топарди!

Замон айниб кетди, замон! Ҳамма «демократия» деб чинқиради. «Перестройка» деди! «Ошкоралик» дейди!

Ҳамма озод. Ҳамманинг тили бир қарич! Оғзига келганини вайсайди. Кўрамиз, ҳали нима бўларкин...

Эртага демократия диктатураси бошланади. Ҳаммаси анархияга айланиб кетади. Халқ нима? Пода-ку, мол-ку! Қамчинингни қарсиллатсанг-чи!

Нима деди анави гўдак терговчи? «Биздаям яхши усуллар бор» эмиш. Биламиз усулингни! Уйига бир чимдим наша ташлаб кўярсан, саратонда бир ҳафта сув ичирмассан. Ёки, аксинча, совуқ хонага олиб кириб, миясидан муздек сув томизарсан. Камерага қамаб, рецидивистларга дўппослатарсан, «қани йигитлар, манави сенларга совға, хоҳлаган ишингни қил», деб шипшитиб кўярсан. Шуми? Ҳаммаси алмисоқдан қолган методлар! Мендан сўрамайсанми? Айтиб бермайманми, бир чеккадан! Энг жўнидан энг антиқасигача!

Дўхтирлар нима учун қон олганда тўртинчи бармоқни тешади? Биласанми шуни? Билмайсан! Нега деганда тўртинчи бармоқнинг нерв толалари нозик бўлмайди. Энг ёмон оғрийдигани қайси бармоқ? Биласанми? Билмайсан. Бош бармоқ, нодон. Бош бармоқ! Маҳбуснинг бош бармоғини эшик тирқишига тикасанда, секи-ин, ҳафсала билан қисаверасан. Дод демагунча. Кейин кўйиб юборасан. Ундан кейин қайтадан бошлайсан. Майли, тирноғи кўчиб, майдаланиб кетсин! Суяги қисирлаб синаётганини ўзи эшитсин! Шикоят қиладими? Кимга? Ўзига ўзи тан жароҳати етказган, деб протокол тузиб кўясан. Гуноҳи янаям оғирлашади. Тамом!

Буниси энг оддий усул. Йўғ-э, бундан ҳам осони бор. Жўнгина. Маҳбуснинг бирон жойи тирналмайди. Прокурорга шикоят ҳам қилолмайди. Қирқ саккизинчи йилда бир адабиётшунос олим қўлга олинган эди. Қиззиғарнинг иккита китоби чиқибди-ю, ўртоқ Сталин ҳақида бир оғиз сўз йўқ. Нуқул Навоий... Нуқул Бобур... Пошшолар. Вазирлар.

Бобур деган пошшо ёзганмиш: «Жамолинг ишқида ёрим, бир ойдирки, бедорман!» Қаранг-а, Ҳиндистонни

босиб олган золим пошшонинг гаплари ихтиро эмиш! Пошшойинг-ку, ўлиб кетган! Сен-чи? Профессор деган унвони бор аҳмоқ. Ёлғон-яшиқ шиғирларни мақташинг шартми? Ўтмишни идеаллаштириш эмасми бу! Кўрайлик-чи, ўша Бобур деганингни ёзганлари ростми-ёлғон-ми? Қани, бурчакка тур! Бир ой эмас, ақалли уч кун ухламай кўр-чи!

Чироқни кўзига тўғрилаб, саволингни бераверасан. Оч қўйиш, сув бермаслик шарт эмас. Сувиниям ичади. Мискадаги ювиндиниям вақтида бериб турасан. Фақат ухлатмайсан. Шеригинг билан алмашиб турасан, холос. Бир кеча-кундуз мижока қоқмай тик оёқда турсин-чи, ҳоли нима кечаркин? Тагидан арра солинган теракдек гун этиб ағдарилади. Сувга ҳам қарамай қўяди, иблис! Икки кўзи қизариб, милки осилиб кетади. Йиқилдими, бошидан сув қўйиб, уйғотасан-да, тагин сўроқ қилаверасан. Керак бўлса, гугурт чўпидан «тиргович» ясаб, милкига тиқиб қўясан. Икки кечада сулайиб қолади. Яхши! Бизнинг шошадиган жойимиз йўқ. Ҳушингга келтириб, ҳаммасини қайтадан бошлайверамиз. Ўртоқ Ленин топиб айтган: «интеллигентлар бориб турган вайсақи бўлади». Профессор дегани шу бўлса, хэх! Бўйи бир қарич. Лилипутнинг ўзгинаси. Аммо чидамли экан, унсур! Оёқлари ипдек, пуф десанг учиб кетадиган ҳоли бор-ку, миқ этмайди, эшшак! Начора, бошқа усулни қўллашга тўғри келди. Иккита каллакесар ётган камерага тиқиб қўйган эди, бир соат ўтмасдан эшикни муштлаб дод солиб қолди-ку! Боласи тушмагурлар-ей! Парашадаги нажасни ейсан деб бошини пақирга тиқишибди. Ўша заҳоти ўз қўли билан ёзиб берди. «Мен профессор фалончи пистончиев совет жамиятига ичдан зарба беришни режалаштирган яширин ташкилот аъзосиман. Шунинг учун ўтмишни улуғлаганман. Мен Ўзбекистон мустақил бўлишини хоҳлаганман. Англия разведкасининг агенти бўлганимни тан оламан. Туркияга қочиб ўтиб, ундан Лондонга бормоқчи эдим... Гуноҳимни тўлиқ бўйнимга оламан».

Албатта, баъзи муҳим нуқталарни эслатиб туришга тўғри келди. Қизиғи бу эмас. Қизиғи шундаки, тўрт кун

уйқусизликка чидаган одам нажас ейишдан ор қилибдилар. Хэх! Бу киши Ўзбекистон мустақил бўлишини хоҳлаб қоптилар! Пантуркист! Шпион! Сени деб тўрт кун уйга боролмадим. Кетдинг энди қия бўлиб! Йигирма беш йилга! Музлаб ётган ўрмонда қарағай кессанг, эсхушингни йиғиб оласан.

Ўйлаб туриб тутақиб кетасан-да, чорт возми! Анави сўтак терговчига қўйиб берса, бир ҳафтада ҳал бўладиган терговни йиллаб чўзади. Тувакка ўтказмайсанми Шома-товнинг хотинини! Сайрамайдими булбулигўё бўлиб!

Тўғри, «горшок операцияси» хотинлардан кўра эркак кишида яхши эффект беради. Лекин бу усулни хотин кишига ҳам бемалол қўлласа бўлаверади.

Бунисиям оддий метод. Яқинда қулоғига чалинди: интернационалист жангчилар асирга тушиб қолса, афғонлар ҳам ишлатаётганмиш бу усулни. Ажаб қилади. Яхши жангчи асир тушмайди!

Хуллас, «горшок» операцияси жуда қулай. Сўроқ бераётган жиноятчини қип-яланғоч қилиб ечинтирасан. Ёрдамчиларинг усти берк тувакни олиб киради. Жиноятчини ўшанга ўтказасан. Ёрдамчиларинг унинг ичидаги каламушга кўз-қулоқ бўлиб турса – бас. Бундан ташқари, тувакни жиноятчининг орқасига шундай ёпиштириш керакки, мояги унинг ичига кирсин. Беш минутдан кейин каламуш нафас ололмай димиқиб қолади. Ташқари чиқиш учун сакрайверади. Ҳар сакраганда моякни тишлайди. Дунёда каламушнинг тишидан ўткир нарса йўқ. Эркак кишининг энг нозик жойи – мояк. Каламуш ҳар тишлаганда жиноятчи ҳайвондек ўкиради. Манаман дегани ҳам ярим соатда хушидан кетади. Қарасанг, тувак тўла қон... Каламушлар ҳам одам қонини ичишга ўрганиб қоларкан. Бора-бора тувак ичида «зиёфат»ни пойлаб жимгина ётадиган бўлиб қолади...

Ана шунақа усуллар бор, коллега! Сен бола, нимани билардинг! Ҳалиям бўлса қўйиб бер бизларга! Любой жиноятчининг айбини уч кунда бўйнига қўйиб бермасак, туф де!

...Ҳаво совуқ, осмонда заҳардек аччиқ қор учқунлари эринчоқ кезади. Кўчаларни ойнадек муз босган, машиналар эмаклагудек қўрқа-писа имиллайди. Нафас олсанг, оғзингга совуқ олов кираётгандек бўғзингни ачиштиради. Одамлар тайғонокда йиқилиб майиб бўлмаслик учун эҳтиётлаб қадам босади. Жуда соз-да! Қадамингни билиб бос! Қанча қўрқсанг, шунча яхши! Тартиб бўлади, интизом бўлади...

Комиссарнинг ёнидан қуён телпакли киши шитоб билан ўтиб кетди. Икки қўлини пальтосининг чўнтагига суқиб олган... Қўлтиғида – арча... Ҳовлиқ-а, ҳовлиқ! Битта йиқилсанг, арчанг беш қулоч нарига отилиб кетади. Янги йилни баннисада кутиб оласан. Хотининг байрамга «передача» олиб боради.

...Анави терговчи Комиссарнинг гапига ишонмади. Хэх! Ўн беш ёшимдан комиссарман деса, ростданми, дейди. Албатта, ишонмайди-да! Буларда на касбига меҳр бор, на эътиқод!

...Тепакўрғон катта қишлоқ эди... Чор-атроф боғроғлар, узумзорлар... Соат баҳор палласи Хирмонтепага чиқиб варрак учирар, бутун қишлоқ кафтда тургандек кўринар, еру кўк ўриклару, шафтолилар гулига кўмилиб кетганга ўхшар эди. Ҳар йили сомоншувоқ қилинавериб қалин тортиб кетган томлар устида кип-қизил лолақизғалдоқлар, мунис чучмўмалар очилар, қишлоқ этагида ёйилиб оқаётган Қонқус олисдан жигарранг илондек тўлғанаётгани кўзга ташланарди. Қишлоқ ўртасида мезанали мачит. Обидхон эшоннинг тўрт паҳса деворли кўрғони билан Юнусбойнинг тунука томли қадди баланд уйи олдида Соатларнинг кулбаси бостирмадек ғариб кўринарди. Ҳолбуки, Соатнинг дадаси унча-мунча одам эмас, Комиссар Ғаниев эди! Эгнига чарм тужурка, бошига айвонли шапка кийиб, биқинига браунинг тақиб юрар, кўча-кўйда дуч келиб қолса, Юнусбой ҳам, қозондек саллалаи Эшон ҳам икки букилиб таъзим қилишарди.

Шунақа-ку... Соат бир нарсага ҳеч тушунмасди. Ҳайит арафасида, Наврӯз байрамида Эшоннинг кўрғони олдида от-аравалар қаторлашиб кетар, юзлаб одамлар «пири»нинг дуосини олиб қолишга ошиқар эди.

Ҳеч ёдидан чиқмайди. Бир куни Соат браунингни мойлаб ўтирган дадасидан сўради:

– Нега Эшоннинг девори бизниқидан баланд?

Дадаси кулди.

– Эшон ўзининг қора қилмишларини элдан яшириш учун кўрғонини баланд девор билан ўраб олган, ўғлим! Яқинда ҳаммасига қирон келтирамиз, Эшон ҳам бўлмайди, бой ҳам... Умуман, девор деганнинг ўзи бўлмайди. Бутун дунёда пролетариат ғалаба қозонади.

Соат отасининг гапига яхши тушунмаса ҳам, бир нарсани англади. Яқинда Эшоннинг девори бузилади. Юнусбойнинг тунука томли уйи кўпориб ташланади. Кейин ҳамма тенг бўлади...

Дадаси орзусига етолмади. Куз кунларининг бирида ўлигини аравага ортиб келишди. Тепақўрғонда қиёмат кўпди. Қизил чойхонада катта митинг бўлди. Шаҳардан «катталар» келди. Милтиқ кўтарган соллотлар ҳаммаёқни ўраб олди. «Инқилоб душманларига ўлим!», «Йўқолсин текинхўр бой ва эшонлар!» деган хитоблар янгради.

Соат дадасининг катта одам эканини ўшанда аниқ хис этди. Отасини кўмишаётганида саллотлар гумбурлатиб ўқ узди.

Эртасига қама-қама бошланди. Тепақўрғонда бир-бирдан ваҳимали миш-мишлар тарқалди. «Комиссарни Юнусбойнинг одамлари пичоқлаган экан. Бойни отиб ташлашибди». «Комиссарни ўлдиришга Обидхон эшон фатво берган экан. Эшон совет халқининг душмани экан. Аввал ҳам мачитда «советский влас-очиздан ўлас» деб каромат қилганини эшитганлар бормиш... Эшонни йигирма беш йилга кесишибди. Уйдан олиб чиқиб кетишаётганида Эшон Қуръонни кўзига суртиб, қасам ичибди. «Каломулло урсин, мен бир бандаи мўъминнинг

жонига қасд қилишдан кўрқаман, яратган Тангримнинг ўзи гувоҳ» деб йиғлабди».

Бир ҳафтада Тепакўрғон ўлат оралагандек хувиллаб қолди. Йигирмага яқин одам қамалди. Мачит бузиб ташланди...

Тўғри, отасини Тепакўрғонда эмас, Бешёғоч яқинида, семонкўприкда пичоқлашган экан... Нима фарқи бор? Комиссар Ғаниев йигирма беш мингчилардан эди. Демак, уни шу ерлик ички душманлар ўлдирган!

Соат бир нарсани тушунмас, тушунишни хоҳлагиси ҳам келмасди: қизиқ, ўша воқеалардан кейин онаси... тўсатдан намозхон бўлиб қолди. Жойнамоз устида юзига фотиҳа тортаётиб, баралла товалло қилади:

– Эй поки парвардигор!.. Яккаю ягона болам ҳаққи, илтижо қиламан. Отасининг гуноҳидан ўт. Маҳшар кунда дўзах азобидан ўзинг халос эт! Эшон ота! Биламан, сизда гуноҳ йўқ. Қаерда бўлсангиз ҳам умр-жонингизга баракот ато этсин!

Охири Соат чидолмади. Жойнамоз устида ўтирган онасининг бошига ўдағайлаб борди.

– Ўчиринг-е! Унсурлар дадамни ўлдирсин-да, сиз уларни дуо қилинг?!

Онаси илтижоларини айтиб бўлиб, юзига фотиҳа тортди-да, ўрнидан турди.

– Мени онам десанг, – деди қатъият билан. – Отангни йўлидан бормаيسان! Борсанг, оқ сутимни кўкка совураман. Ўлсам гўримда тик тураман!

Соат бирпас серрайиб турди-да, уйдан чиқиб кетди. Жинни бўлиб қолганми онаси?!

У тенгқур болаларнинг муносабати ўзгариб қолганини аввал пайқамади. Бора-бора тушундики, ўртоқлари ундан кўрқар экан. Тўрттаси гаплашиб турган бўлса, Соат яқин бориши билан келишиб олгандек жимиб қолади. Йўқ, гаплашишади у билан. Гаплашади-ю, бегоналиги сезилиб туради. Ғалати ҳолат. Соат ҳам ғурурланади, ҳам кўнгли ўксийди.

Ҳеч эсидан чиқмайди. Қиш офтоби чарақлаб турар эди. Аллақанча болалар ёнғоқзор четидаги майдонда қор-бўрон ўйнаётган экан. Соат ҳам келиб қўшилди. Кафтида қор зичлаб бир отган эди, бахмал камзул кийган қизалоқ юзини чангаллаган кўйи чирқиллаб қолди. Тўғриси, Соат уни урмоқчи эмасди. Шунчаки, қорни дуч келган томонга отганди.

Соат югуриб борди. Қараса, қизалоқ кафти билан юзини беркитиб, қорда чўкаллаб ўтирибди. Қизалоқнинг билагидан тортган эди, бир кўзи шишиб кетганини кўрди.

– Йиғлама, – деди раҳми келиб. – Атайлаб қилмадим-ку, жинни! Отинг нима?

– Отимни айтсам нима қилардинг! – деди қизалоқ ҳамон йиғлаб. – Мениям қаматмоқчимисан? – Тагин ўкиниб-ўкиниб йиғлашга тушди.

– Ўв, зўравон! Нега урдинг Потмани?

Соат қулоғи остида янграган чийилдоқ овозни эшитиб бурилиб қаради. Ёнида ўзидан беш-олти ёш кичик Ҳусан чақчайиб турарди. Соат шундагина тушунди. Булар – Эшоннинг арзанда эгизаклари: Фотима-Ҳусанлар.

Индамай бурилиб кетаётган эди. Ҳусан кутилмаганда унинг ёқасига ёпишди.

– Нима ёмонлик қилди сенга? – деди биғиллаб.

Соатнинг ғаши келди.

– Ўт-э, эшонвачча! – деди Ҳусаннинг кўлини ёқасидан олиб ташлашга уриниб. Ҳусан чиллақдек кўллари билан маҳкам тирмашиб олган, кўзлари мушукникидек ёнарди.

Соат бир мушт солган эди, Ҳусан қорга чалқанча йиқилди. Лаби қонаб, қорга туфлади. Шундагина Соат қий-чув тинчиб қолганини, атрофини катта-кичик болалару қизлар ҳалқадек ўраб, ўшшайиб турганини кўрди. Дадил бориб, ҳалқани ёриб ўтди. Қулоғига раста бўлган йигитчаларга хос ғўлдираган овоз кирди:

– Менга қара, ўв Комиссар! Агар Ҳусанни яна бир марта урсанг...

Соат ортига бурилиб қаради. Ҳаким тегирмончининг ўғли – ўзи билан тенгдош Тўлаган кўзини олайтириб ту-

рибди. Бунинг ҳам отаси сургун бўлган! Тўлаган бояги гапини яна қайтарди:

– Бир марта урсанг...

Соат бир зум иккиланиб турди-да, нари кетди.

Ёзда яна бир воқеа бўлди. Айни саратон эди. Соат Қонқусга чўмилишга борди. Анҳор четида тупроққа беланиб ётган қора-қура болалар орасида тўрт-бешта тенгқурлари ҳам борлигини узоқдан кўрди. Тупроққа дум тушиб ётган болалар бир нималарни гаплашиб қийқириб кулишар, ҳар кулганида завқланиб, товони-ни уриштириб қўярди. Бир чеккада, ўрик тагида ётган Хусанхўжанинг ингичка кулгиси, айниқса, жаранглаб чиқар эди.

Соат яқин келиши билан ҳаммаси жимиб қолди.

– Чўмиляпсанларми? – деди Соат бошқа гап тополмай.

Болалар орасидан кимдир тўнғиллади:

– Қайиш уқалаяпмиз!..

Қийқириқ кулги кўтарилди. Соат Хусанхўжанинг айрича завқланиб кулганини эшитди.

– Сув қанақа? – деди бепарво гапиришга уриниб.

– Тушсанг биласан.

Соат жаҳл билан кўйлагини ечиб, ўрик шохи-га илди-да, Қонқусга калла ташлади. Сув совуқ эди. Шўнғиб чиқиб, оқимга қарши суза бошлади. Ҳов анави мажнунтолга етмагунча кўймайди! Сузишга уста эди. Қизиқ, уввало уринадики, қани ақалли бир қулоч сурилса! Илгари оқимга қарши ҳеч сузмаган экан. Қанақа анҳор ўзи бу лаънати? Юзаси қилт этмайди. Ҳовузга ўхшаб жимирлаб турибди-ю, таги шиддат билан оқади. У олдинга интилади, сув орқага тортади! Оёқ-қўлини тапиллатиб жон-жаҳди билан сузаверади. Етади! Мажнунтолга етмагунча кўймайди. Охири ҳансираб кетди. Бир маҳал қараса, анҳор соҳилида болалар қалдирғочдек тизилиб ўтирибди. Қорни, тиззаси тупроққа беланган.

– Ҳа-а, Комиссар! Қани, бир ғайрат қил-чи, кўрамиз сувга тескари сузиш қанақа бўларкан? Бунинг отини Қонкус деб қўйибди, ўв!

Соат Тўлаганнинг овозини таниди. Шу гапинг учун ҳам сузади, ўлиб қолгунча сузаверади!

Бўлмади... Ҳолдан тойди. Қараса, оқим орқага – ўрамага суриб кетяпти. Кўрқув ичида қирғоққа талпинди. Қамишларни чангаллаб сирпана-сирпана юқори чиқиб олди. Ҳансираб нафас олар, оёқ-қўли титрарди. Соҳилга чиқиши билан болалар бараварига қийқириб кулишди.

«Душман! Ҳаммаси душман! Илоннинг боласи – илон, чаённинг боласи – чаён!...» Соат дафъатан хаёлига келган гапдан кўнглида алам ва айни пайтда алланечук енгиллик туйди. Офтобнинг бинафшаранг ҳалқачаларидан қамашган кўзларини юмиб, узоқ ётди. Бир маҳал қараса, кўйлаги осифлиқ ўрик шохида сапсарик мевалар ялтираб турибди. Пастда эмас, қир учида. Хаёлига ғалати ўй келди.

– Ҳусанхўжа! Ҳусанхўжа!

– Нима? – деган ингичка овоз келди.

– Ўрик олиб туш. Ҳов, юқори шохдан. Тез бўл!

– Йиқилиб тушаман-да.

– Йиқилмайсан.

Ҳусанхўжа узун иштонини шалоплатиб яқин келди.

– Кесак отақолай?

– Майли, – деди Соат лоқайдлик билан.

Ўрик баландда эди. Ҳусанхўжа мўлжаллаб нуқул кесак отар, кесаги тепа шохга етмас эди. Терлаб кетди. Бошқа болалар индамай томоша қилиб ётибди. Охири, битта кесак ўрикли шохга тегди. Учта ўрик тўпиллаб тупроққа тушди. Ҳусанхўжа югургилаб олиб келди.

– Манг, Соат ака!

– Ювмайсанми, аҳмоқ! – Соат кўзини ола-кула қилди.

– Тупроққа қўшиб емайман-ку!

Ҳусанхўжа анҳор соҳилига қорни билан ётиб, ўрикни чайиб келди.

– Манг, ака!

– Ёрилибди-ку, эшшак! Менга бутуни керак! – Соат ўрикларни анҳорга улоқтирди. – Чиқ шохга! – деди ўдагайлаб. – Бутунидан узиб туш!

Хусанхўжа бирпас анграйиб турди-да, алам билан чийиллади:

– Эй, бор! Мен сенинг малайингманми?

– Нима? – Соат сапчиб ўрнидан турди. – Нима дединг? – тарсакилаб юборган эди, Хусанхўжа ағдарилиб тушди.

Шунда... кутилмаган ҳодиса рўй берди. Овози дўриллаб қолган тенгдошлари қуюндек ёпирилиб келди. Тўрттаси баравар ёпишди. Бири қўлтиғидан олди, бири оёғидан... Сувга улоқтириб юборишди. Соат Қонқуснинг қоқ ўртасига шалоплаб тушди. Худди қурбақадек. Соҳилга сузай деса, рақиблари тизилиб турибди: ҳаммаси завқланиб кулади. Хусанхўжа тупроқ чангитиб маймундек ирғишлайди. Нариги қирғоқ – тик. Анҳор четида ўсган маймунжонлар, найзасини қайраб турган наъма-таклар сувга эгилиб ётибди. Соат тағин оқимга қарши сузишга тушди. Мажнунтолга етса, нариги бетга чиқиб олади... Бора-бора қўлларидан мадор кетганини, оёқлари увишиб қолганини сизди. Оғзига сув кириб ўқчий бошлади. Қонқус билан ҳазиллашиб бўлмаслигини, ўз йўлига оқиб ётган сувга тескари сузиш яхши эмаслигини идрок этди. Аммо бошқа чораси йўқ эди. Сув яна озгина оқизиб борса бас. Қонқус кескин бурилади-да, ўрамага тортиб кетади.

Бир лаҳза тин олди. Шунда соҳилдаги болалар ҳам жимиб қолганини ҳис қилди. Қулоғига Хусанхўжанинг чинқироқ овози кирди:

– Тўлаган ака! Чўкиб кетади, шох синдириш керак, Тўлаган ака!

Соат бутун кучини тўплаб тағин оқимга қарши сузди. Бироқ энди мадори қуриб битган, қўллари ожиз шалоплар эди. Дафъатан тумшуғи тагида турган шохга кўзи тушди.

– Соат! – деди соҳилда ўрик шохининг бир учидан тутиб турган Тўлаган. – Ушла! Чўкиб кетасан, жинни!

Соат ҳолдан тойган қўлларини ожиз типирлатаркан, қирғоқ томонига нафрат билан қаради.

– Йўқол! – деди нафаси қайтиб. – Менга сенинг ёрдаминг керак эмас!

Бурилиб, нариги соҳил томон сузди... Ниҳоят, наъматак шохига чанг солди. Кафтига тикан кирганини ҳам, оғриқни ҳам сезмади. Энтикиб-энтикиб нафас ростлади. Наъматаклар чангалзори оралаб тик соҳилга чиққунча тиканлар аъзойи-баданини қонатиб ташлади. Қараса, болалар нариги қирғоқда қаторлашиб турибди.

– Эшитиб қўйларинг! – деди Соат алам аралаш ғазаб билан. – Мен Комисар бўламан! Албатта бўламан! Ҳамангни отаман! Битта-биттадан отаман!

ТЕРГОВ ҲУЖЖАТИДАН

Васильев Григорий Степанович. Йигирма саккиз ёшда. Макарон заводининг ишчиси. Миллати – рус. Сўққабош. Аввал судланмаган. Қатортол мавзеи 10-уй, 35-хонадонда истиқомат қилади. Партиясиз.

- Тошкентга қачон кўчиб келгансиз?
- Бултур. Май ойида.
- Қаердан?
- Смоленскдан.
- Бир ўзингиз яшайсизми?
- Бўлмаса ким билан туришим керак?
- Саволга жавоб беринг!
- Бир ўзим.
- Нима мақсадда келгансиз?
- Нима мақсадда бўларди. Яшаш, ишлаш учун. Камёб мутахассис сифатида таклиф қилишган.
- Заводда нима иш қиласиз?
- Автопогрузчик ҳайдайман. Умуман, мени Алгоритм заводига таклиф этишган. Яқинда ўша ёққа ўтаман.
- Программаловчи инженермисиз?
- У нима деганингиз?

- Касбингизни сўраяпман?
- Айтдим-ку, автопогрузчик ҳайдайман.
- Шу камёб касбми?
- Демак, камёб экан-да.
- Смоленскда нима иш қилардингиз?
- Заводда ишлардим.
- Оилангиз бормиди?
- Бор эди.
- Ким билан турардингиз?
- Хотиним, қайнонам, мен...
- Яна?
- Ҳа-а, гап бу ёқда денг?!
- Яна ким?
- Лариса шикоят ёзибдими? Овора бўлади! Қизи аввалги эридан бўлган. Мендан алимент олишга ҳаққи йўқ.
- Хотинингиз билан расман ажрашмаган экансиз-ку.
- Тўғри, ажрашган эмасмиз, аммо у билан турмайман. Ажрашишга тайёрман.
- Йигирма иккинчи октябрдан йигирма учинчи октябрга ўтар кечаси нима воқеа бўлганди?
- Эсимда йўқ.
- Эслатишим мумкин. Ўша оқшом тўй бўлган. Домнинг пастида.
- Э, уми? Шунга мени айбдор санаяпсизми?
- Саволга жавоб беринг! Нима бўлувди?
- Тинчлик бермаса нима қилай? Ярим кечагача ғат-ғут! Қулоқни қоматга келтиради. Қийқиради, ёввойига ўхшаб!
- Кейин-чи?
- Нима, «кейин»?..
- Сиз нима қилдингиз?
- Уч-тўрт марта огоҳлантирдим. Кейин, деразани очиб, сув сепдим. Сал боши совусин, дедим.
- Қилган ишингиз жиноят эканини биласизми?
- Нега жиноят бўларкан? Рабочий класс дам олиши керакми, ахир? Горисполкомнинг қарори бор. Соат 23 дан кейин шовқин-сурон солиш мумкин эмас.

– Горисполкомнинг тўй қилинмасин, деган қарори йўқ. Нега одамларнинг бошидан сув сепасиз?

– Хўп, ана, ҳазиллашдим, деб ҳисоблай қолинг. Нега мени тергов қиласиз-да, уйимга бостириб кирган безорига индамайсиз? Тепиб, оёғимни синдирай деди. Оз бўлса, бўғиб ўлдириб кўярди. Бу ҳақда милицияга хабар берганман. Суриштириб кўришингиз мумкин.

– Бўлмаса нега аризангизни қайтариб олдингиз? Нима учун экспертизага бормадингиз?

– Клавдия Сергеевна айтди. «Бекор қиялсан шу ишни, ундан кўра тўйда меҳмон бўлсанг, ҳеч ким сени ҳайдамасди», деди.

– Ким у Клавдия Сергеевна?

– Пензионер. Биринчи қаватда туради. Тошкентга уруш пайтида келган экан.

– Шунинг учун қайтиб олдингизми аризангизни?

– Шу...

– Ўша куни ўзингиз қанча ичгандингиз?

– Менми? Тухмат! Нега ичарканман?

– Эшигингизни тақиллатган гражданин Шоматовнинг бошига ароқ шишаси билан урмоқчи бўлгансизми, ахир?

– Гражданин терговчи, миллатчилик қилаяпсиз. Устингиздан арз қиламан!

– Марҳамат! Бу – сизнинг ҳуқуқингиз. Ўша куни ғирт маст бўлгансиз. Эртасига милицияга ариза олиб борганингизда ҳам кайфингиз тарқамаган. Экспертизага боришдан қочгансиз. Кечкурун даъвойингиздан воз кечиш тўғрисида бошқа ариза ёзиб келгансиз.

– Тўғри, ёзиб келганман. Нима бўпти шу билан? Ҳаққим бор.

– Гражданин Шоматовни ҳозир кўрсангиз, танийсизми?

– Мени аҳмоқ деб ўйлаяпсиз, шекилли, гражданин терговчи? Уни ўлдириб кетишганини мендан яхши биласиз.

– Нега энди айнан «ўлдириб кетишган» деяпсиз? Ўлдириб кетишганини сиз қаёқдан биласиз?

– Кўшни домда бировни ўлдириб кетади-ю, қулоққа чалинмайдими?

– Еттинчидан саккизинчи ноябрга ўтар кечаси қаерда эдингиз?

– Ҳ-ҳ-ҳа! Бу ишни менга ёпиштирмоқчимисиз? Овора бўласиз, гражданин терговчи! Худди ўша кеча мен жонажон милиция паноҳида эдим! Хушёрхонада! Октябрь район хушёрхонасига телефон қилсангиз, ҳамма справкани оласиз.

«ЁВВОЙЛАР»

Руснинг ажойиб мақоли бор: «Бахтинг чопмас эди-ку, бахтсизлик жонингга оро кирди-да». Ўша куни яхшиям хушёрхонага тушгани. Бўлмаса тинч қўймасди булар!

Гриша байрам куни боши ғум бўлиб уйғонди. Кеча анчагина «олган» эди. Пастга тушса, нариги йўлакда яшайдиган дўстлари турган экан. Лёва билан Миша. Эсида йўқ, қайси биридан яхши таклиф чиқди. «Юринглар, аччиқ лағмон еймиз. Эски шаҳарнинг лағмони зўр бўлади. Анавиндан ҳам топилади». Чорсуми-Морсуми, деган жойга боришди. Лёва бу ердаги жинкўчаларни яхши биларкан. Исқиртгина ховлига киришди. Дастурхон ўрнига газета ёзилган, қўполдан-қўпол стол ёнига келиб ўтиришди. Овқати чиндан ҳам мазали экан. Аччиққина. «Русская водка»дан ҳам топилди. Қимматроқ экан-ку, чидаса бўлади.

Жинкўчаларни айланиб бозорга тушишди. Тарвуз егилари келди. Тўн устидан белбоғ боғлаган сийрак соқолли чолнинг тарвузига харидор бўлишди.

– Уч сўм бераман, бобой! – деди Лёва каттакон тарвузни танлаб.

– Тарозига қўй, болам, – деди чол русчани чайнаб гапириб. – Килоси етмиш тийин.

– Етмиш тийин? – Лёва ажабланди. – Калланг ишлайдими, бобой! Уялмайсанми?

Чол индамасдан тарвузни Лёванинг қўлидан олдида, тарозига қўйди.

– Ўн икки кило, – деди оғзидаги кўкимтир нарсани туфлаб. – Саккиз сўм қирқ тийин... Майли, саккиз сўм берақол.

– Гапине қара, Гриша! – деди Лёва аччиқланиб. – Бит-та тарвузни саккиз сўм дейди, спекулянт!

Разм солиб қараса, тарвузлар тоғдек уйилиб ётибди. Ҳар биттасини саккиз сўмдан сотса, миллионер бўлиб кетмайдими бу?

– Эй, бобой! – деди Гриша энсаси қотиб. – Спекуляция учун статья бор. Биласан-а?

– Мен испикулон эмасман! – деди чол тағин русчани расво қилиб. – Сам, сам экканман! Сладкий арбуз... Хоҳла-масанг, ана, бошқа жойдан олавер.

Эҳтимол, шу билан гап-сўз тугаса, олам гулистон эди. Боядан бери нарироқда турган бошяланг, плаш кийган йигитча кутилмаганда савдога аралашди.

– Бу оқсоқол спекулянт эмас, – деди қандайдир асабий оҳангда. – Меҳнат қилганидан кейин сотади-да молини! Яхшироқ қара, спекулянтга ўхшайдими шу одам?

Аллақандай бир студентнинг гапга қўшилиши Гришанинг ғашини келтирди.

– Кулоқ сол, – деди ғижиниб. – Нега мени сенлайсан?

Студент пинагини бузмади.

– Бўлмаса, нега сен отанг тенги одамни сенлайсан?! Сенинг юртингда тарвузнинг бир тишлами саккиз сўм. Ўқиганман ўша ёқларда! Ҳаммасини биламан.

Боядан бери индамай турган Миша гапга энди қўшилди:

– Жуда ақлли бўп кетибсанми? Бултур тарвузнинг килоси йигирма тийин эди!

– Униси бултур эди, – деди «Студент». – Бу йил бошқа-ча. Ўша томондан келадиган тракторнинг запчасти ўн баравар ошди. Нима қилсин деҳқон!

Гришанинг қони қайнаб кетди.

– Нарн тур... Сендақа «академикни»!

Бир тепган эди, тарвуз паққа ёрилиб, шимининг почасига қип-қизил шарбат сачради. Бирпасда ҳаммаёқ қий-чув бўлиб кетди.

– Қоч! – деди Лёва. – ўлдиради булар!

Ўчиллаган хуштак товуши ҳавони титратди. Қомати нимаси биландир тарвузга ўхшаб кетадиган милиционер пайдо бўлди.

Камида ўн беш сутка нақд эди-ку, эртасига Гриша навбатчи йигитга ялиниб-ёлбориб, «бир жойга» телефон қилишга рухсат олди.

Яхшиям Дима ишда экан. Аввалига қалаштириб сўқди. «Сен махлуқ қачон ичишни ташлайсан», деб бақирди. «Шу ниятда Тошкентга олиб келганмидим?» деди. Барибир, горисполком – горисполком-да! Кечга томон учовидан тилхат олиб, қўйиб юборишди.

Худди ўша куни хушёрхонага тушгани хўп иш бўлган экан-да. Бўлмаса, терговчи «хўл иш»ни шилқ этиб бўйнига илмоқчи эди.

Тўй куни сув сепганини гапиради! Тўғри, сепди. Сенларнинг шовқин-суронингга кўзим учиб турибдими! Пулинг кўп-да сенларни! Миллионерлар! Заводда эртадан кечгача ҳўкиздеқ ишлаб, уч юз сўм маош олиб кўр-чи, минг кишини тўплаб тўй қила олармикансан.

Буларнинг тўйи ғалати бўларкан. Бир кун олдиндан домнинг тагида кечаси билан ғовур-ғувир. Шовир-шувир... Терак шохига мингинчи лампочка осилган. Бирови ғўшт чопяпти. Бирови сабзи тозалаяпти. Яна биттаси кетмон билан ер ковлаб ётибди. Нарироқда қозон! Шўнақанги каттаки, борш пиширсанг, бутун бошли полкка етади. Кечаси билан димоғига аллақандай нотаниш ҳидлар кириб, мижжа қоқмай чиқди.

Энди кўзи илинган экан, аллақандай даҳшатли товушдан уйғониб кетди. Ғарт-ғурт! Зум ўтмай, Африка қабилаларининг там-тамига ўхшаган товуш ҳам қўшилди. Нукул банғиллайди!

Гриша юраги гупиллаб, дераза олдиға борди. Очиб қараса, чироқлар машғала. Устиға оппоқ дастурхон ёзилган узун-узун столлар қўйилган. Шундоқ дераза тагида биттаси икки қулоч келадиган мис трубани ғартиллаяпти. Дўппи кийган тағин бири думалоқ патнисга ўхшаган барабанни боши устида кўтарганча қарсиллатиб уриб ётибди. Кечаги қозон ўрнатилган чуқур атрофида уч киши. Ошпаз бўлса керак, биттаси оқ халат кийиб олибди. Ёнидаги пастак столда чинни лаганлар тахлаб

қўйилган. Оқ халатлиси қозон устидаги лаганларни олган эди, осмонга қуюқ буғ кўтарилди. Қозон тўла сап-сарик палов кўринди. Оқ халатлиси катта-катта гўшларни узун бандли лапатка учига илиб, ёнидаги тоғорага ташлай бошлади.

Ҳали дераза шарақлаб очилганида кўзи тушган эканми, қозон тепасида турганлардан биттаси қўл силкиб, шанғиллади:

– Тушавер, сосед! Палов тайёр!

Сахармардонлаб кўзи учиб турибди-да, паловингга!

Гриша бошини секин ичкари тортди. Уйқусизликдан ачишган кўзларини ишқалаб, энди ваннахонага кирмоқчи эди, пастдан машинанинг кучаниб гуриллагани эшитилди. Кўнглида қизиқиш уйғониб, деразага қайтиб келди. Қараса, кўча четида бир эмас, иккита ЛАЗ турибди. Автобусларнинг эшиги вошиллаб очилди-да, узун тўн кийган, бошига салла ўраганлар туша бошлади. Мункиллаб қолган, ҳасса таянган чоллар, айниқса, кўп... Ораларида Будённий қиличидан бир амаллаб жон сақлаб қолгани қанчайкин?

Дастурхон бирпасда ноз-неъматларга тўлиб кетибди. Олма-анорлар. Қаҳрабодек узумлар...

Столда ўтиришини томоша қилсанг буларнинг! Худо ҳаққи, қошиқ ушлашни билмайди! Ошни қўлда ейди. Қўлда! Чоллар-ку, майли, бошқалар-чи? Бошларида шляпа, бўйинларида галстук, ошни қўли билан ейдилар. Эрталабдан бир лаган паловни уриб, қорни ёрилиб кетмагани! Ош еб бўлиб, юзига фотиҳаям тартади. Нақ киннинг ўзи. Худо ҳаққи: декорация керакмас!

...Кун бўйи Гришанинг боши гаранг бўлиб юрди. Тушлик овқат ҳам татимади. Кечқурун ҳориб-чарчаб уйига келса, яна ўша шовқин!

Ҳой инсон! Эрталаб-ку, уйқуни ҳаром қилишга қилдинг! Мис карнайинг билан там-тамингни чалиб, бутун квартални уйғотдинг! Паловингни ейишга – единг! Бўлди-да, энди! Бу азоб ҳам бормиди ҳали?

Кун ботмасидан ҳаммаси қайтадан бошланди. Столлар безатилган. Уёқда коньяк, бу ёқда ароқ. Шампан...

Ичкиликка қарши кураш деган қонун йўқ экан-да буларга! Гастрономга кирсанг, бир шиша ароқ учун икки соат очеред турасан. Булар бўлса, қаторлаштириб ташлабди.

Яна бошланди. Ғарт-ғурт. Айниқса, бир асбоби бор экан. Вой-вой овозининг хунуклиги! ғийт-ғийт қилади. Худди йиғлаётган хотиндек. Асабни пармалаб юборади.

Бир маҳал қий-чув бўлиб қолди. Ялтир-юлтир кўйлак кийган хотинлар, қора-қура, иркит болалар кўча томон югургилади. Шунчаси қаёқдан пайдо бўлди? «Местный-лар» кам эди-ку бу уйда? Маҳалласи кўчиб келдими, нима бало? Ҳа-а! Келинни олиб келишибди. Бир эмас, бешта энгил машина. Иккита автобус! Қаранг, «Чайка»ям бор! Миллионер бўлмаса, «Чайка»ни қаердан олади булар! Ана, куёв йигит кутиб олдилар келинни. Бошидан танга сочишдими-ей! Комедия! Куёвнинг бошида салла, эгнида ялтироқ чопон. (Камида икки минг турар?) Келин оқ либосда. Бошида фата. Ҳақиқий комедия! Бири – Европа, бири – Осиё. Нима қиляпти анави кампир? Олов ёқаяптими? Бир нарсани тутатиб юборди-ку! Бошланди яна! Ғийт-ғийт. Данғир-дунғир. Қийқирикни қаранг, қийқирикни!

Гриша деразани ёпдиямки, қулоғи тинчиса қани? Холодильникда «Чашма» бор эди, шекилли? Чорт! Қурибди буям, янгисини очишга тўғри келади. Ўл-а, консерва ҳам тамом бўлган экан-ку. Майли, тузланган бодринг ҳам тешиб чиқмайди!

Кечаси деярли ухламагани учунми, бир зумда боши ғувиллаб кетди. Икинчи қадаҳдан кейин пастдан келаятган шовқин-сурон баттар асабини қақшата бошлади. Микрофони бунча баланд!

Бўлмади. Гриша деразани шахд билан очиб қаради. Келин-куёв тўрда ўтирибди. Орқа томонида гилам. Ён-бошида артистлар. Ашулани ванг қўйяпти. Ўртада йигирма-ўттиз чоғлиси ўйин тушяпти. Нуқул сакрайди...

Гриша шовқин-сурон босилишини кутиб турди. Ашула тугаши билан овози борича ҳайқирди:

– Эй! Тинчлик борми-йўқми?? Ярим кеча бўляпти. Эрталаб одамлар ишга боради.

Тўйхонага жимлик чўқди. Ўн-ўн бештаси баравар бо-
шини кўтариб, дераза томонга қаради. Рақс тушаётган-
лар пилдирпис бўлиб, жой-жойига тарқала бошлади.

«Қўрқмас экансан-а!» деб ўйлади Гриша мамнун
бўлиб. Қани, айт гапинг бўлса, дегандек очиқ дера-
за олдида пойлаб турди. Шунда, худди дераза тагида
ўтирган бир йигит шошилмай ўрнидан турди-да, дав-
ра ўртасига чиқди. Бошланг, гавдали. Худди кинодаги
ҳиндулар саркардасига ўхшайди. Тепага – Гришанинг
деразасига бир зум қараб турди-да, ҳокимона овозда
бир нима деб кичқирди. Артистлар аллақандай шўх
куй чала бошлади. Бояги «ҳинду» ёввойилардек сакраб
ўйинга туша кетди. Қийқириқ, қарсак авжига чиқди.
Бир зумда давра тўлиб кетди. Музыка боягидан баттар
гумбурлашга тушди.

– Шунақами! – деди Гриша таҳдид билан. – Кўрамиз
ҳали! Ҳушингни жойига келтириб қўймасам, юрган экан-
ман! Муздеккина душ олсанг ўзингга келасан ҳамманг!

Қадаҳни тўлатиб ичди. Ғарчиллатиб бодринг чайнар-
кан, хаёлига аламли ўй келди. Мен, заводда саккиз соат
ҳўкиздедек ишлаб, бодринг ғажиб ўтирай-да, сен – текин-
хўрлар, шашлик еб, коньякни урларинг!

Югуриб ваннахонага кирди. Пақирга лиммо-лим сув
тўлатди. Дераза олдида бориб, пастга энгашди-да, се-
пиб юборди. Яхши-и! Девор яқинида ўтирган беш-ўнта-
си қий-чув солганча сапчиб ўрнидан туриб кетди. Хах-
ха-а!!! Қанақа бўларкан! Овозинг ўчмас экан-а!

Зум ўтмай эшик жириглади. Э-ҳа, тепишга туш-
ди-ку! Бутилка қаерда эди, бўшаган бутилка? Қани, бир
гаплашиб қўяйлик-чи! «Менинг уйим – менинг қалъам!»
«Остонамдан қадам босиб кўр-чи? Ҳа, сенмисан, ҳинду-
лар сардори?»

– Қани, туёғингни шиқиллат-чи! – деди Гриша тиши-
ни ғижирлатиб. – Ҳозир милиция чақираман!

Парво қилмайди, сурбет! Шунақами? Мана бўлмаса!
Каратэчи, шекилли, сволочь, оёқни синдирдинг, аблаҳ!
Қўйвор!

Бир маҳал ҳушига келиб қараса, ёш аёл «ҳинду»нинг билагидан тортқилаб, алланималар деб чирқилляпти. Йўлак тўла одам.

– Хўп, узр сўрайман, – деди Гриша нафаси бўғзига тиқилиб.

Хайрият, битта одамбашараси ҳам бор экан. «Ҳинду»-га дашном берди: «Миллатчилик қилма!» – деди.

Ниҳоят, ҳаммаси даф бўлди.

– Адабингни бериб қўймасам, – деди Гриша аламдан титраб.

Анчадан кейин эшик яна жириглади. Яқин боришга юраги дов бермай индамай ўтираверди. Эшик эса тўхтовсиз жириглар эди.

– Нима керак сенга? – деди ўтирган жойидан.

Ўша томондан журъатсиз овоз келди:

– Ташвиш қилманг, қўшни... Мен Аҳмадалиевман. Учинчи квартирада турадиган.

– Ҳеч кимни танимайман! – деди Гриша. – Гапингиз бўлса, эртага келинг.

– Кўрқманг! – деди эшик ортидаги одам. – Сизга ёмонлигим йўқ. Узр, бир минутли маслаҳат бор эди.

Гриша иккиланиброқ ўрnidан турди. Ёмон тепибди, аблаҳ! Чўлоқланиб эшик томон юраркан, хаёлига интиқомли ўй келди. Бўйним ҳам кўкариб кетгандир? Яхши! Эрталаб албатта, милицияга бораман.

Эшик олдига келганида иккиланиб қолди. Оқсоқланганча, ошхонага кирди-да, газ плита тагида ётган болтани қўлига олди. «Ғинг деса, чопиб ташлайман!»

Эҳтиёткорлик билан калитни буради. Остонада бошига дўппи, эгнига кўк тўн кийган қария турар эди. Қўлида қаппайган целлофан халта. Қизиқ, Гришанинг қўлидаги болтага қайрилиб ҳам қарамади.

– Хўш? – деди Гриша «гапни чўзма!» деган маънода.

– Гап бундай қўшни... – Қария вазминлик билан муқаддимани узоқдан бошлади. – Мен Аҳмадалиевман. Бугунги тўйнинг эгаси. Ўғлимни уйлантирдим.

Гриша зинада биронтаси турмаганмикин, деган хавотир-да ярим очиқ эшиқдан бўйнини чўзиб, пастга қаради. Ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилиб, истехзоли жилмайди.

– Табриклайман!

– Тўйхонага тушиб, табрикласангиз ҳам бўларди, – деди қария соф рус тилида. – Уч кун аввал тўйга айтиб чиқсам, йўқ экансиз.

– Мақсад?

– Бошимда биттаю битта ўғлим бор. – Қария гапни яна бурди. – Ўқитувчиман. Рус мактабида ўзбек тилидан дарс бераман.

Гришанинг хаёлидан истехзоли ўй кечди. «Сенинг тилингда кўзим учиб турувди!» Дафъатан кайфи бутунлай тарқаб кетганини ҳис этди.

– Шу боламнинг тўйини ўтказай, деб йигирма беш йил йиғиб-тердим.

– Қисқароқ! – деди Гриша жеркиб.

– Яхши... – Қария негадир хўрсинди. – Ёмон иш қилдингиз, кўшни. Мен болаларни интернационализм руҳида тарбиялашга умримни бағишладим. Сиз бўлсангиз...

Гришанинг тоқати тоқ бўла бошлади.

– Мен сизнинг ўқувчингиз эмасман! – деди эзма-чурук қариянинг гапини кесиб.

Қария хафа бўлмади.

– Сиз – янги одамсиз, – деди вазминлик билан.

– Мақсад! – деди Гриша таҳдид билан.

– Мақсад шуки, халқнинг миллий удумларини ҳақорат қилманг! – Қария кўлидаги целлофан қопчасини узатди. – Бу – сизнинг насибангиз!

Гриша эсанкираб қолди.

– Пора, денг! – деди хушини тўплаб. – Нима, мени сотиб олмоқчимисиз?

Қария алланечук осойишта кулди.

– Ўзбекда кўшни ҳақи деган гап бор. Сиз тўйда қатнашмадингиз.

Гришанинг иккиланиб турганини кўриб, қопчиқни остонага қўйди.

– Хоҳласангиз, олинг, хоҳламасангиз ташлаб юборинг,
– деди-да, секин-секин юриб, зиналардан тушиб кетди.

– Мени сотиб ололмайсан! – деди Гриша қўлини пахса қилиб. Эшикни қарсиллатиб ёпиб, диванга бориб ётди.

«Дима тўғри айтган экан, – деб ўйлади ижирғаниб. – Биз – жанг қилгани бораяймиз. Ўзбекистон – иккинчи Афғонистон! Ҳаммамаёқни порахўрлар эгаллаб олган!» Қаранг-а, итдек савалашади-да, кетидан пора бериб оғзини мойламоқчи бўлади! Топибсан аҳмоқни! Милицияга бунисини ҳам ёзаман!»

У ёққа ағдарилди, бу ёққа ағдарилди. Қани уйқу келса! Хаёлан дунёнинг у бурчидан кириб, бу бурчидан чиқди. Кўзини юмган эди, шовиллаб турган ўрмонзорга бориб қолгандек бўлди.

Болалик субҳидамга ўхшайди. Тонгдек тиниқ, эртақдек гўзал. Ҳамма нарса сеҳрли эди. Ёз палласи чўмиладиган турнанинг кўзидек кўллар ҳам. Ўрмонда кўзиқорин териб юришганида тўсатдан гумбурлаб қоладиган момақалдироқлару азамат эманлар япроғини шатирлатиб қуйиб берадиган жалалар ҳам... Худо қарғаган бу юртларда ойлаб бир томчи ёмғирга зор бўласан. Уёқларда эса ёз бўйи ёмғир ёғади. Шовв этади-ю, бир зумда оламини яшнатиб юборади. Кетидан қуёш чарақлаб чиқади. Ёмғир томчилари марвариддек ялтираб турган ям-яшил ўрмонларда югуринг, ўмбалоқ ошиб яйрагинг келади. Куз ёмғири эса бошқача бўлади. Худди шу паллада, октябрнинг ўрталаридан бошлаб ўрмон четида жойлашган Берёзовка хутори мунғайиб қолади. Йўлларнинг аталаси чиқиб кетади. На машина юради, на бричка. Хутор бутун дунёдан ажралгандек, жунжиккан кўйи рўпарасидаги зах босган ўрмонга хавотир аралаш маъюс термулади. Кечалари хаталар деразасида хира милтиллаган нур тун зулматига ҳадиксираб мўралайди. Итингни кўчага чиқаришни раво кўрмайдиган ҳаво деб шуни айтадилар. Берёзовканинг итлари ҳам бунақа матални эшитгандек

ин-инига кириб кетади. Ҳар бир хатадан моғор исига аралаш тузланган карам ҳиди анқиб турганга ўхшайди. Одамлар тезроқ қор ёғишини, олам тезроқ ёришиб кетишини худодан илтижо қилади.

Ниҳоят, қор ёғади. Аввал ёмғир аралаш яккам-дуккам учқунлаб туради-да, тўсатдан забтига олади. Олам оппоқ нурга беланади. Қор остида ўйчан мудроққа кетган ўрмон сирли ва жозибали кўринади. Ҳақиқий рус қиши бошланади. Совуқ ва жозибали рус қиши!

Нари-бериси билан бир кеча-кундузда харилардан қурилган хаталарнинг ярми белигача қор остида қолади. Яхшиям, ёмғир бошланишидан олдин теварагига зичлаб похол босилгани. Бўлмаса ичигача муз уриб кетади. Албатта, совуқ забтига олган кезлари баъзи ноқулайликлар ҳам пайдо бўлади. Шундоқ ётоқхонанинг ўзига олиб кирилган мегажин «хурқ-хурқ» қилиб, кечаси билан уйқу бермайди. Печ устида ётсанг, ачимсиқ ҳид димоғингни ёради. Зиёни йўқ: ўрганиб кетади одам. Ўрмонда бир соат чанғи учсанг, муздек, мусаффо ҳаво ўпкангдаги бор ғуборни суғуриб олади!

Акаси чанғи учишга уста эди. Ҳар сафар Дима ўрмонга отланса, Гриша ҳам, албатта, кетидан эргашарди. Чанғи остида қор ғирчиллайди. Ҳаво очиқ кунлари қуёш кўзни қамаштириб чарақлайди. Ер оппоқ, совуқ. Осмон зангори, ундан ҳам совуқ. Гўё шишадан ясалган-у, чанғи таёғи бехосдан тегиб кетса, синиб қоладигандек... Бошига оқ телпак кийган қарағайлар устидан дув этиб қор тўкилдими, билингки, жонсарак олмахон шохдан-шохга сакради. Ҳали Рождествога анча бор. Бироқ хаталардан гармоннинг шодон товуши, мастона қийқириқлар эшитилади.

Колхоз-ку, бўларича бўлган. Номига хўжалик. Хуторнинг ярми ҳувиллаб қолган. Ёшлар «бахт излаб», ўзини шаҳарга урган. Эркаклар йўқ ҳисоби. Борлариям кўзини ишқалаб уйғонади-ю, қишлоқ марказидаги дўконга йўл олади. Ҳаммаси келишиб олгандек, саҳармардондан дўкон олдида тўпланишади. Қишин-ёзин – шу! Соқоллар ўсган, асабий... Тушдан кейин дўконга келадиган «бор-

матуха»га очирид кутишади. Нарироқдаги харракнинг қорини сидириб ташлайдилар-да, тизилиб ўтириб, домино ўйнашга тушадилар. Ютқазганни «така» қилиб харрак тагидан ўтказадилар. («Вақтни ўлдириш» керакми, ахир?) На раис инсофга келтиради, на милиция йўлга солади. (Аслида ҳаммаси – улфат, ҳаммаси ҳамшиша!) Тушдан кейин маст-аласт қўшиқлар яна авжига чиқади. Ора-чора муштлашувлар ҳам бўлиб туради. Лекин бугун муштлашганлар эртага эрталаб апоқ-чапоқ бўлиб кетаверади. Бағри кенг одамлар-да!

Гришанинг онаси тадбирли хотин эди. Бошқаларнинг карами муштдек бўлгунча, буларники чойнакдек бўлиб «қайнаб кетади». «Бабье лето» бошланмасидан туриб, уларнинг хатаси ёнида тоғдек пичан уюми пайдо бўлади. Қишлоқ ўтинни ҳаммадан аввал ғамлаб қўйишади.

Гришанинг эсида. Бир йили ярмаркага бориб, сигир сотиб олишди. Янги туғилган бузоғи билан.

– Эшитиб қўйинглар! – деди онаси ака-укага. – Мана шу сигир оғир кунларда сенга асқотади... Яйлов тўла ўт бўлса. Қишлоқда яшаб туриб, мол боқмаслик – гуноҳ-ку!

Сигирни етаклаб, ўтиб кетишаётганида дўкон олдида домино қарсиллатиб ўтирган мужиклардан бири гап отди:

– Табриклайман, Марья, сигир олибсан-да!

Индамай кетаверишди. Бошқаси хириллаб кулди.

– Қаранглар, мужиклар! Марья сигирли бўпти! Ҳар куни қаймоқ билан сийларкан-да бизни!

Сигир етаклаб кетаётган онаси таққа тўхтади.

– Қаймоқни нима кераги бор сенга! Борматуха ичиб ётавер!

Мужиклар «томоқни хўллаб олишга» улгурган, шеклли, қийқириқ кулги эшитилди.

– Сигиринг ўзингга буюрсин!

– Қаймоғингга кўзимиз учиб тургани йўқ!

– Заҳарсан-да, Марья, заҳарсан! Чақиб-чақиб эрингни ўлдирдинг!

Дима йигитча бўлиб қолганди. Ўша томонга ғазаб билан чақчайиб қараган эди, онаси юпатди:

– Парво қилма, ўғлим! Булар – тамом бўлган одамлар. Соқол-мўйлови тиканак бўлиб кетган тагин бир мужик мурасаомуз насиҳат қилди:

– Яхшиямас, Марья Сергеевна, яхшиямас! Ёш авлодни хусусий мулкчилик руҳида гарбиялаяпсан.

Онаси, ранги қув ўчиб, тагин тўхтади. Етовда келаётган сигир тумшуғи билан унинг елкасига урилгудек бўлиб, пишқирди.

– Сен ҳам одам бўлдинг-у! – деди онаси алам билан. Яна нимадир демоқчи бўлди-ю, шаштидан қайтди: сигирнинг арқонидан тортди. – Юринглар, болаларим, парво қилманглар буларга...

Онаси тўғри айтган экан. Сигирни қўйиб юборасан. Ўзи ўтлаб келаверади. Хатадан бир қадам чиқсанг, белинг баравар ўт! Хоҳласанг даладан пичан ўр, хоҳласанг ўрмондан! Бир эмас ўнта сигирга етади!

– Бунақанги ишёқмасларни худо урмаганига ҳайронман! – деди онаси бир куни куюниб. – Колхозга-ку беш тийинлик нафи йўқ. Ақалли ўзининг томорқасини эпласачи! Йў-ў-ўқ! Буларга тайёри керак! Биров нақдлаб қўйса-да, булар молдек бўкиб, еб ётаверса!

Онаси колхоз фермасида ишлар, ниҳоятда ўқимишли хотин эди. Узоқ қиш кечалари ажойиб шеърлар ўқирди. Пушкиндан, Лермонтовдан... Блокдан... Гришанинг эсидан чиқмайди. Ташқарида бўрон увиллар, пастак деразани қор учқунлари аёвсиз савалар, онаси эса шеър ўқир эди. Гриша акаси билан печ устида ётишарди.

– Дима, Гриша! – деди онаси бир маҳал қўлидаги китобни ёпиб. – Иккаланг ҳам катта бўлиб қолдинг. Кўриб турибсанлар: ҳамма қишлоқдан қочаяпти. Одамларнинг ердан меҳри совиди. Ҳеч кимнинг ишлагиси келмайди... Сенлар ишлашинг керак. Ишламасанг – очингдан ўласан! Шаҳарга борасанми, ундан наригами, ҳеч ерда текин нон йўқ. Қулоқларингга илиб олларинг. Одам бўламан десанг, ичкиликка яқин йўлама!

Дима-ку, йўлини топиб кетди. Шаҳарга бориб, ўқишга кирди. (Аълочи эди ўзиям) Гриша колхозда бричка ҳай-

дай бошлади. Пичан ташийди. Чўчқахона гўнгини тозалайди. «Кормовой» лавлаги олиб келади... Бора-бора ўзи ҳам қишлоқ марказидаги дўкон олдида навбат кутадиган, мужиклар билан домино ўйнайдиган одат чиқарди.

...Бир куни яна гандираклаб келган эди, онаси саржин ўтин билан ҳолдан тойгунча савалади.

Эртасига эрталаб, ўзи йиғлай-йиғлай Гришанинг дабдала бўлиб кетган юзини силаб илтижо қилди:

– Бу юришингда ҳароб бўласан! Ҳозироқ шаҳарга жўна! Димага учраш. Ялингин-ёлборгин... Агар... – деди кўзларида ғазабли учқун сачраб. – Қайтиб келсанг, уриб, оёғингни синдираман!

Начора! Жўнади поездга ўтириб. Акаси ўқишни битириб горком комсомолда ишлар эди. Ёрдам берди. Ёрдами шу бўлдики, заводга ишга жойлаб қўйди. Завод ётоқхонасидан ҳужра ҳам топиб беришди.

Лариса билан шу баҳона танишдилар. Лариса кранчи бўлиб ишларкан. Уч ой ўқиб, ўзи ҳам автопогрузчик ҳайдашни ўрганди. Гриша Ларисани бир кўришдаёқ севиб қолган, эҳтимол, шунинг учун бўлса керак, Ларисани кўрса, нуқул кўзини олиб қочар, тилига бирон жўяли гап келмас эди. Лариса ҳаммасини сезиб юрган экан. Саккизинчи март куни ўтириш бўлди.

Завод клубида танца ташкил этилди. Уни Ларисанинг ўзи рақсга таклиф қилди.

– Тентак! – деди танца тушишаётганда. – Мен сендан тўққиз ёш каттаман. Қизим бор. Нима қиласан, ўзингни қийнаб!

Гриша яхшигина ичиб олгани учунми, кўнгли бузилиб кетдими, тўсатдан йиғлаб юборди.

– Сендан бошқаси керакмас! Ўзимни ўлдираман! – деди ҳиқиллаб.

Ўзини ўлдиришга ҳожат қолмади. Тўйни Ларисаларнинг уйида ўтказишди. Саккиз киши йиғилди. Ларисанинг онаси – Нина Ивановна, тўртта дугонаси, куёв томондан – Дима... Тўй рисоладагидек ўтди. Меҳмонлар тўйиб ичди. Аввал ароқ, Кейин самогон... Тузланган ка-

рам, мариновка қилинган қўзиқорин билан газак қилишди. Нина Ивановна пазанда экан. Духовкада бутун бошли ғоз пишириб келди. Оғзингда эриб кетади! Меҳмонлар ёшларга бахт тилашди. «Горько, горько!» деб қийқиришди...

...Турмуши яхши эди. Саккиз яшар Светочка ҳам ундан бегонасирамади. Тўғри, «ота» деб эмас, «Григорий Степанович» деб чақирарди. Нима қипти? «Дада» деди нима-ю, исми-шарифини айтиб чақирди нима?

Ҳамма ғалва Нина Ивановнадан чиқди. Балки, Гриша аввалига эътибор бермагандир. Аммо кейинчалик қайнонасини ўйласа, нуқул елинлари осилган сигир кўз ўнгига келадиган бўлиб қолди. Қайнонаси уйда олди ярим очиқ халат кийиб юрар, лорсиллаган кўкраklarини кўз-кўз қилгандек лапанглаб қадам босар, қалин, ёғли лаблари ҳамиша истеҳзоли қийшайиб турарди. Овози ярим кечалари Березовкадан уч чақирим нарида жойлашган станциядаги тепловоз гудоги сингари гулдираб чиқарди.

– Оёғингни артсанг-чи, оёғингни! – дерди Гриша эшикдан кириб келиши билан. – Манави нарсанинг оти – латта бўлади, куёв! Бу сенинг хуторинг эмас, буқага ўхшаб кириб кетаверадиган! Артдингни! Хайрият! Энди йўлакка чиққин-да, шапкангни қорини қоқ! Елканг-чи, елканг! Эрталаб эриб тушган сувни ким тозалайди, қишлоқи!.. Уни қара, тағин кириб келаяпти бу, молга ўхшаб! Оёғингни арт, дедим-ку!..

Овқат устида Гришадан янги иллат топарди.

– Қўлингдаги нарсанинг оти нима дейилади, биласанми? Вой, худойим-эй, неча марта тушунтириш керак бунга-а? Вилка деган матоҳ чап қўлда тутилади, қишлоқи! Қайси гўрдан кавлаб чиқардинг, бу плебейни, Лариса!

...Бир куни эрталаб Гриша ошхонага кирса, холодильник устида хўқача тўла сут турибди. Қишлоқда ўрганган одатига амал қилиб, силкитиб кўрди. Ичига қурвақа ташлаб қўйилган бўлса, тумшуғини чиқаради. (Қишлоқда сут айнимасин, деб ичига қурвақа солиб қўйишарди). Йўқ, қурвақа кўринмади.

Тагин силкитиб кўрди. Сут кўпириб, қаймоғи юзига тепди. Гриша бир кўтаришда хўқачани яримлатди. Сутнинг таъми ғалати эканини шунда билди. Хўқачани жойига қўйиб, лабини кафти билан артиб турганининг устига лапанглаб қайнонаси кириб келди. Гришани биринчи марта кўраётгандек, кўзларини ола-кула қилиб бирпас қараб турди-да, тепловоз гудогидек чинқирди:

– Лари-и-и-и-са-а-а!

Ярим яланғоч хотини югуриб ошхонага кирди.

– Манавини қара! – деди Нина Ивановна семиз бармоғини Гришага бигиз қилиб. – Манавинг жинни бўпқопти. Крахмал ичиб қўйди! Чойшабни крахмаллайман деб ивитиб қўювдим!

Гриша ваннахонага югурди. Варақлаб қуса бошлади. Энкайиб турган жойида Лариса гарданига хўқача билан туширди. Қолган-қутган крахмал Гришанинг юз-кўзига сачради.

– Ҳайвон! – деди Лариса бақириб. – Қачон одам бўласан, чўчқа!

...ўша куни ойнинг иккинчи числоси – маош куни эди. Гриша заводдаги улфатлари билан тўйибгина ичди. Гира-шира эсида. Ёмғир ёғиб турганди. Тўғриси, йўлда бир-икки йиқилдиям. Нима қипти, йигитчилик-да!

Эшикни, одатдагидек, қайнонаси очди.

– Лариса! – деди қулоқни қоматга келтириб. – Буёққа қара! Томошо қил манавининг аҳволини!

Дилида тўпланиб ётган алам Гришанинг миясига урди-ю, қайнонасининг боши устида мушт кўтарди.

– Ўлдираман! – деди қутуриб. – Ҳаммангни ўлдираман!

Қий-чув, бақириқ-чинқириқ авжига чиқди. Бир томондан қайнонаси, бир томондан Лариса юмдалаб ташлашди.

Гриша болари уясини кавлаб қўйиб, арига таланган айиқдек, лапанглаб қочди.

– Милиция! – Қайнонасининг ўкириги ёмғирли ҳавони титратди. – Милиция! Ўлдирмоқчи! Ёрдам беринглар!

...Гриша жонҳолатда югуриб кетди. Узоқ югурди. Аллақандай арча панасига яшириниб, чўнқайиб ўтириб

қолди. Ҳамон ёмғир ёғар, оёғидан зах ўтиб кетган, паралон курткасининг ёқасидан сизиб кираётган совуқ томчилар гарданини музлатиб юбораётганини ҳис этиб турарди... Лой ерга ёнбошлаб, кўзини юмди. Атроф сокин, қоронғи... Олисда кўчадан ўтиб бораётган машиналарнинг бўғиқ гувиллаши эшитилиб турарди. Негадир хаёлига онаси келди. Икки йилдан бери хабар олмагани, ҳатто хат ёзмагани эсига тушиб, йиғлагиси келди...

Гира-ширада уйғонди. Бирпас гарангсиб турди-да, тушунди. Заводга бориб бўлмайдди. Лариса милиция чақиради. Горком комсомолга боради. Акасининг олдига. Бошқа илож йўқ. Ҳарқалай, Диманинг қўли узун! Тўғри, ўзидан ҳам ўтди. Дима сўкади... Майли, урса ҳам майли. Бошқа чора йўқ.

Пастдаги милиционердан-ку, ялиниб-ёлбориб ўтди. Учинчи қават, тўқсон биринчи хонани тақиллатган эди, садо чиқмади. Эшик тепасидаги ёзувни қайта ўқиди. «Васильев Д. С.» Тутқичдан ушлаб тортиб кўрди. Эшик қулф эди.

– Ким керак сизга, ўртоқ?

Паркет полда қарс-қурс қадам товуши эшитилди. Гриша ёнбошига бурилди. Пошнаси бир қарич туфли кийган хушрўйгина қиз ипдек қошини чимириб рўпарасида турарди.

– Ким керак, сизга? – деди қиз расмий оҳангда.

– Дмитрий Степанович, – деди Гриша ғўлдираб.

Қиз унинг лой босган курткасига, тимдаланган юзига шубҳали қараб қўйди.

– Нима иш билан келдингиз?

– Шахсий иш билан! – деди Гриша ижирғаниб.

– Қаерга келганингизни биласизми? – Қиз ипдек қошини зардали чимирди. – Бу ер горком комсомол бўлади, ўртоқ! Бу ерда шахсий ишлар кўрилмайди.

– Мен Диманинг укасиман! – Гриша қўлини пахса қилди. – Акам билан гаплашишга ҳаққим борми?

Қиз тагин унга бошдан-оёқ разм солиб чиқди.

– Дмитрий Степанович секретариатдалар, – деди юз ифодаси ўзгармай. – Укаси бўлсангиз, уйига боринг!

– Буниси – менинг ишим!

Қиз бирпас ўйланиб турди-да, раҳми келди, шекилли, йўл кўрсатди.

– Коридор бошида холл бор. Ўша ерда ўтириб туринг.

Гриша қиз имо қилган томон йўл олди. Холлда журнал столи, стол ёнида иккита курси бор экан. Ўтирди... Минг лаънат! Папироси ҳам қолмабди. Гарангсиб, атрофни томоша қила бошлади.

Деворда комсомол босиб ўтган шонли йўлни ифодаловчи плакатлар. Ундан пастда ҳар хил эълонлар... Йирик-йирик босма ҳарфлар билан ёзилган эълон алоҳида ажралиб турарди. Гриша беихтиёр ўрнидан турди. Яқин бориб ўқиди: «Ўзбекистон ССРда вужудга келган танг аҳволни тузатиш учун раҳбар лавозимларга ишга бориш ниятида бўлганлар 98-хонага мурожаат қилиши мумкин. Қалб даъвати билан борганларга барча шароит яратиб берилади».

Ҳеч балога тушунмади. Қайтиб келиб жойига ўтирди. Ҳар эснаганда кўзидан мўлдир-мўлдир ёш оқиб, пинакка кетди.

Бир маҳал гангур-гунгур овозлар, қадам товушларидан уйғонди. Йўлакка одам тўлиб кетган, ҳаммаси зина томон сурилар эди. Зипиллаб борса, тўқсон биринчи хона эшиги ғира очиқ турибди.

– Мумкинми? – деди мўралаб.

Дима сигарет тутатиб, аллақандай қоғозларни титкилаб ўтирган экан.

– Нима гап? – деди зарда билан.

Укасини кўриб дафъатан танимадими ё танимаганга олдим, қайта сўради:

– Нима гап?

– Ҳеч гап йўқ, – деди Гриша сунъий илжайиб. – Мен уйдан кетдим...

Дима сигаретини чуқур-чуқур сўриб, кулдонга улоқтирди.

– Табриклайман!

– Яшолмайман! – деди Гриша йиғламсираб. – Туролмайман ўша уйда! Жонимга тегди, хотиним ҳам, қайнонам ҳам. Мана бундай жонимга тегди!

– Хўш? – Дима унга ўқрайиб қаради. – Мендан нима хоҳлайсан?

– Кетаман! Туролмайман бу шаҳарда!

– Қаёққа?

– Билмайман! – Гриша ростини айтди. – Билмайман! Аммо яшолмайман бу ерда! Ўзимни ўлдираман! Машина тагига ташлайман. Осаман. Заҳар ичаман!

– Истерика қилма, хотинга ўхшаб! – Дима қайтадан сигарет олди. – Гапимни диққат билан эшит. Сен ёш бола эмассан. Бундан буёғи елкамда ортмоқлаб юролмайман...

– Бир зум ўйланиб турди-да, қўшиб қўйди.

– Эртадан бу ерда йўқман. Оилам билан кўчиб кетяпман.

Гриша қулоқларига ишонмади. «Алдаяпти. Баҳона қияпти!»

– Қаёққа? – деди талмовсираб.

– Ўзбекистонга! – Дима гугурт чақди. – Нима фарқи бор сенга!

– Олиб кет! – Гриша астойдил ялиниб илтижо қилди.

– Олиб кет мениям! Ваъда бераман! Бошқа қилмайман. Одам бўламан!

Дима шошилмай ўрнидан турди, секин-секин юриб тепасига келди.

– Аҳмоқ! – деди нафрат билан. – Мен ўйнагани кетаётганим йўқ! Биласанми, Ўзбекистон ҳозир иккинчи Афғонистонга айланган! Кураш кетаяпти! Ҳақиқий жанг! Ҳаммаёқ порахўрлар. Ҳаммаёқ қўшиб ёзувчилар! Босмачилар! Тушундингми?

– Майли! – Гриша ростмана йиғлаб юборди. – Бу ерда тургандан кўра босмачилар қўлида ўлганим яхши!

– Қўлингдан нима келади, аблах! – Дима қичқириб юборди. – Ўзбекистонни сақлаб қолиш учун раҳбар кадрлар керак, тушундингми! Принципиал одамлар. Сен кимсан ўзи?

– Дима! – деди Гриша бурнини тортиб. – Вокзалда юк ортсам ҳам майли. Обкет Дима, обкет! Бўлмаса, ўзимни ўлдираман! Барибир ўлдираман!

...Поездда икки суткадан ортиқ юришган бўлса, илондек заҳар янгаси Гриша билан бир оғиз гаплашмади.

Акаси ҳам ҳомуш эди. Гриша бегона юртда ўзларини нималар кутаётганини тасаввур қиларди. Ака-укани ёввойи тоғлар орасига юборишади. Ҳар бир қоя орқасида биттадан босмачи милтиқ ўқталиб туради... Гриша ўзи ўлса-ўладики, акасини ҳимоя қилади. Сўнгги томчи қони қолгунча. Заҳар-заққум янгаси билиб қўйсин: Гриша акаси қилган яхшиликларни унутадиганлардан эмас!

Тошкент вокзалига келиб тушишса, ҳаммаёқ осойишта. Одамларнинг чеҳраси очиқ... Биронта «босмачи» рўпарасидан чиқиб, «сен кимсан, нега келдинг», демади...

Диманинг бахти бор экан. Олис қишлоққа юборишмади. Қоқ марказда – Тошкентнинг ўзида қолди. Тағин горисполкомга зампред қилиб «сайлашди». Қаранг, Гришани ҳам «камёб мутахассис» сифатида дарров ишга олишди. Уй беришди...

Гриша аввалига эҳтиёт бўлиб юрди. Кейин ўзини татом эркин ҳис этди. Кўча кезадиган, бозор айланадиган бўлди. Смоленск билан солиштирганда бу ер ҳақиқий жаннат эканини тушунди: «Тошкент – нон шаҳри» деганлари рост экан! Ҳар қадамда – нон! Ҳар қадамда мewa-чева! Магазинларда узун «дум»ли навбат йўқ...

Бора-бора ўзини хўжайиндек ҳис эта бошлади. Смоленскда бир кило узум – йигирма беш сўм. Бу ерда икки сўм! У ёқда қовуннинг kilosи – ўн сўм. Бу ерда – эллик тийин. Нега шунақа? Ўйлай-ўйлай бир ҳақиқатга тушуниб етди: бу юртнинг одамлари қаллоб. Чайқовчилар мевасини Смоленскка обориб ўн бараварига пуллайди! Ана сизга текин даромад!

...Бугун ўғлини уйлантирган анави чол ўқитувчиман, дедими? Ўқитувчи эмиш! Оддий педагог бунақа тўй қилолмайди. Демак, бу ҳам қаллоб! Қаранг, пора бермоқчи бўлди-я!

...У стол устидаги соатга қараб қўйди. Иккидан ошибди.

Эриниб ўрнидан турди: «Ухлаш керак». Чироқни ўчираётганида хаёлига ғалати фикр келди: «Нимакин, анави қопчиқдаги? Нима қипти, очиб кўрса, биров бир нима дермиди? Яхшиси, милицияга олиб боради. Ашёвий далил сифатида».

Иккиланиб бориб, эшикни очди. Йўлак ним қоронғи, ҳеч зоғ кўринмас, қопчиқ остонада қийшайиб ётарди. Гриша ўғирлик қилаётган одамдек олазарак бўлиб, қопчиқни юлқиб олди-да, шоша-пиша эшикни ёпди. Қопчиқни очса, ичида бир шиша «Столичний» арақ, пишган гўшт бўлаклари, тўртта нон, беш-олтита олма-анор чиқди.

– Яхши! – деди у ўзига-ўзи пичирлаб. – Арағингни ичман. Анорингни ейман... Кейин милицияга шикоят ёзаман. Менга пора таклиф қилди, дейман!

...Гриша шикоят аризасини ёзиб бўлганида тонг отиб қолган, мияси ғум эди. Аризани ич чўнтагига солиб, зинадан тушаётганда чайқалиб кетди.

«Минг лаънат! – деб ўйлади ўзини сўкиб. – Арақни охиригача ичиш шартмиди?»

Пастга тушса, аксига олиб йўлак рўпарасидаги харракда Клава хола ўтирган экан. Гриша уни ёқтирмас эди. Улгудек эзма кампир!

– Салом, Клавдия Сергеевна! – деди қаддини ғоз тутишга уриниб.

Клава хола энсаси қотиб, юзини ўғирди.

– Кеча қанақа «қаҳрамонлик» кўрсатганингни биласанми? – деди қаҳр билан.

– Нима қипман?!

– Аҳмоқ! – Клава хола олмадек мушти билан харракни урди. – Нима ҳаққинг бор бировнинг тўйини бузишга!

– Мен? Мен бузибманми! – Гриша астойдил ҳайратланди. – Анавининг ўзи урди-ку мени! Милицияга шикоят қиламан! – Бурилиб кетаётган эди, лаънати оёғи панд берди. Мункиб тушди.

– Борақол, – деди Клава хола ачитиб. – Кўрамиз, қўлингдан нима келаркин? Одамларга ўхшаб тўйда меҳмон бўлиб ўтирсанг, ўлармидинг? Қирқ беш йилдан бери шулар орасида яшайман, аҳмоқ! Бунақа бағри кенг халқ йўқ дунёда. Мен биламан-ку!

– Э-э! – Гриша асабий қўл силтади. – Насиҳатингизни неварангизга қилинг!

...Милицияда хайрихоҳлик билан қарши олишди. Протокол тўлдира туриб мулойимлик билан таклиф этишди:

– Экспертизага боришга тўғри келади, гражданин Васильев! Оёғингизни, бўйнингизни текшириб кўриш керак.

Гриша ўрнидан туриб кетди.

– Кечирасиз! – деди саросимага тушиб. – Мен ишга боришим керак...

«ҚУЛОҒИНГНИ ДИНГ ҚИЛГИН-У, ТИЛИНГНИ ТИЙ!»

Комиссар сут бидонни кўтариб пастга тушганда тонг отмаган, ҳаво совуқ эди. Бақатераклар шохи қорнинг оғир юки остида эгилиб, шу туришда музлаб қолгандек. Бир-икки кун эрувгарчилик бўлиб, тўсатдан яна совуқ тушди. Шунинг учун, шекилли, том чеккасида узун-узун сумалаклар таҳдидли осилиб ётибди. Комиссар икки букланганча йўлканинг қорини кураётган Қурбонойни узоқдан кўрди. Қор қотиб қолгани учун курак ҳар текканида ғашни келтириб қартиллайди. Эгнига қалин пахталик чопон кийган, бошига жун рўмол ўраган Қурбоной кучана-кучана қорни йўлка четидаги ариққа суриб туширишга уринади.

Шу ҳам одамман, деб яшаб юрибди-да! Сахармардонлаб кўча супуради. Қишда қор курайди. Беш вақт энкайиб намоз ўқийди. Бошига кулфат тушса, курашиш, ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш ўрнига «Худога солдим», дейди-да, бўзрайиб тураверади. Начора, ота-бобосидан қолган мерос... Эшонлар эшак бўлади, дегани шу бўлса керак-да!

Яна қор бошлади, шекилли! Тошкентга Россия қиши кўчиб келдимиз, нима бало... Москва атрофларида ҳам қор кўп бўлади. Бир ҳафсала қилса, ҳафталаб ёғади. Қирқ биринчи йил декабрида шундай бўлганди. Совуқ! Гапирган гапинг оғзингдан муз бўлиб тушаётгандек... Фашист Москва остонасига келиб қолган, қочоқлар, ваҳимачилар кўпайган... СМЕРШчилар жасорат кўрсатмаса ким билсин, нима бўларди буёғи! СМЕРШнинг оддий лейтенантини кўрса, унча-мунча полковникнинг қути ўчиб кетарди... Ҳеч эсидан чиқмайди. Қор уриб турибди. Бу-

тун полкни сафга тизишди. Окопни ташлаб қочган ик-китасини тутиб келишган экан. Ўша ернинг ўзида дала трибунали бўлди.

Бир маҳал капитан Захаров чақириб қолди.

– Лейтанант Ғаниев. Анави биттаси осиеликларданга ўхшайди. Билмайман, ўзбекми, тожикми... Биттаям гапига тушуниб бўлмаяпти. Ўзинг тиллаш.

Ўрмон четидаги яйдоқ майдонда саф тортган аскарлар рўпарасида иккитаси безрайиб турар эди. Иккаласи ҳам бошланг, шинели ечиб олинган, яланг оёқлари қорда гўштдек қизариб кетган... Соат шахдам қадам ташлаб бориб берирокда тўхтади.

– Кимсан? – деб сўради қора сочилигидан. – Қаердан келгансан?

Қочоқ ўзбекча сўз эшитиб, жонланди.

– Ўзбекман, ака! – деди йиғламсираб. – Менда гуноҳ йўқ. Тепамда Худо турибди. Гуноҳим йўқ, жон ака!

– Саволга жавоб бер. Нега жанговар постингни ташлаб қочдинг, хоин!

– Мен хоин эмасман... – Қочоқ шундай деди-ю, бир зум Соатнинг юзига тикилиб туриб, шодон хитоб қилди. – Соат ака! Мени танимадингизми, Соат ака! Мен-ку, бу мен! Ҳусанман, Ҳусан! Тепақўргондан... Яратганга минг қатла шукур! Худо етказди сизни, Соат ака! – У хўнграб йиғлаб юборди... – Тушунтиринг буларга, менда гуноҳ йўқ! – Илтижо билан икки қўлини осмонга чўзди. – Илоё дунё тургунча туринг, жон ака! Ота-буваларимнинг арвоҳи қўлласин! – Ялангоёқ қор кечиб яқин кела бошлади.

– Нарин тур, эшонвачча! – деди Соат нафрат билан. – Нега қочдинг? Нега қуролингни ташладинг?

– Қурол? Қанақа қурол? – Ҳусан ирkit қўли билан кўз ёшларини артди. – Ёғоч милтиқ берганди. Устимга танк бостириб келди. Кўрқиб кетдим.

– Нима деб алжираяпти, Ғаниев?

Соат ярқ этиб қаради-ю, капитаннинг шубҳа билан чақчайиб турган кўзига кўзи тушди. Юраги музлаб кет-

гандек бўлди. Особист учун Ватан хоинини ҳимоя қилишга уринди, деган битта тамғанинг ўзи кифоя!

– Орқамизда Москва турганини унутдингми, илонвачча! – деди Соат ғазаб билан. – Шахсан ўртоқ Сталиннинг ўзи Кремлдан жилмай ўтирибди-ю, сенинг жонинг ширинлик қилиб қолдими! – Шундай деб пистолетини чиқарди.

– Отманг, жон ака! – Хусан тиз чўқди. Қорда тошбақадек судралиб келди-да, оёғини кучоқлади. – Тавба қилдим. Жон ака, тавба қилдим! Ака-а-а!

Соат унинг бошини мўлжаллаб ўқ узди. Хусан чаккасидан тепки егандек ёнбоши билан қорга ағанади. Оғзи ланг очиқ қолган, ҳамон «ака-а-а!» деб чинқираётганга ўхшарди.

– Ўртоқ капитан! – деди Соат қаддини ростлаб. – Халқ душманининг ўғли экан. Отаси эшон экан. Сибирга сургун қилинган. Жанг қилишни хоҳламай, атайлаб қочибди. Ўзи тан олди.

...Ўз қўли билан биринчи марта одам ўлдиргани учунми, Хусан анчагача Соатнинг кўз ўнгидан кетмай қолди. Нуқул «ака-а-а» деб дод солаётганга ўхшайди. Баъзан кечалари «ака-а-а» деган чинқироқ овоздан уйғониб кетади...

Ҳар нарсанинг бошланиши қийин бўларкан. Кейинкейин ўрганиб кетди.

...Иши оғир эди. Урушда жасорат билан қўрқоқлик, фидойилик билан хоинлик кўпинча ёнма-ён юради. Фронтни бунақа маразлардан тозаламасанг, ёмон ярага ўхшаб, маддалаб кетади...

Ўзбекча хат ўқийдиганлар йўқ ҳисоб эди. Соат кечалари ухламай хат титкилаб чиқар, ўзбек аскарларининг гапига зимдан қулоқ солиб юрарди. Ўзбеклар уни кўрса, ўз жигаргўшасини топиб олгандек, яйраб кетади. Оғзига келганини қайтармай вайсайди. Соатнинг вазифаси хоин ва қўрқоқларни фош этиш... Факт эса етарли...

– Хэх! Жанг қилиш ёқмай қолдими? Хотинингни соғиндингми!.. Ҳа-а, гап бу ёқда дегин! Немиснинг кучи кўп эканми? Яхши-и-и! Қани, марш «штрафной»га! Немиснинг кучини яқиндан кўрасан. Олдинга юрсанг, фа-

шист отади, орқага чекинсанг, ўзимизникилар. Керак бўлса, ижтимоий келиб чиқишингни ҳам текшириб кўрамиз. Битта сен ўлганинг билан аскар камайиб қолармиди! Хотининг бир кун йиғлайди. Икки кун йиғлайди. Чўлоқми, маймоқми, топиб олади ўзига муносибини!

Эҳ-ҳе! Беш йил урушда юриб нималарни кўрмади бу бош!

...Яна бир воқеа ҳеч эсидан чиқмайди. Айтсанг, биров ишонмайди. Биттаси немис билан картошка кавлаганини вайсаб юрганмиш, деган сигнал келди. Борса, сийрак мўйловли қозоқ Элликлардан ошган. Соат секин гапга солди.

– Немис билан картошка қазидингми?

Соддагина солдат экан. Устига-уштак атрофида кўпдан бери на қозоқча, на ўзбекча гаплашадиган одам бўлмагани учунми, севиниб кетди.

– Ўй-бай! – деди офицер билан гаплашаётгани ҳам эсидан чиқиб. – Немис-де, одам экан-ғўй!

– Қара-я! Немис одам эканми, қани бир бошдан айтиб бер-чи!

...Солдат ҳаммасини гапириб берди. Олдинги линияга бир ҳафтача кухня келмабди. Нейтрал зонада картошка полизи бор экан. Кечаси Бондаренко иккаласини картошка кавлаб келишга юборишибди. Қуюқ туман экан. Картошка қазисаётганида ўн қадамча нарида немисча шивир-шивирни эшитиб қолишибди. Немислар ҳам оч қолиб, иккитасини картошка кавлашга юборган экан. Бондаренко энди отмоқчи бўлганида немислардан биттаси «не штрлай, не штрлай», дебди. Русчани унча-мунча биларкан. Буни қарангки, гапдан-гап чиқиб, гурунглашиб қолишибди. Русчани биладиган бояги немис уруш жонига текканини, уйини, учта боласини соғинганини айтибди. Қозоқ ҳам саккизта боласи борлигини, колхозда «молши» бўлиб ишлашини айтибди. Бондаренко онасини соғиниб кетганини гапирибди. Кейин улар у ёққа – булар бу ёққа кетаверишибди.

– Улар-де кетди. Биз-де кетдик! Жаҳси немис экэн, шорт возми! – деди қозоқ илжайиб.

– Қачон қочиб ўтадиган бўлдинг немис томонга?

Аскар сийрак киприкларини пирпиратди.

– Не дейсин?!

– Қачон қочмоқчисан, аблаҳ?

– Мен қошмаймин, жўлдас нашайник!

Соат сапчиб ўрнидан турди.

– Бондаренкони ҳибсга олинглар. Тез!

Буниси ёш бўлса ҳам қув экан. Командирнинг буйруғини бажариб, икки пақир музлаган картошка кавлаб келдик, ҳеч қанақа немисни кўрганимиз йўқ, бу бобой туш кўряпти, деб туриб олди.

– Ротадан яна неча кишини қочишга кўндирдиларинг? Қачон асирга тушмоқчисанлар? – деди Соат қистовга олиб.

Бондаренко «ўламан саттор, немисни кўрганимиз йўқ», дейди. Содда қозоқ бўлса нукул бир гапни такрорлайди:

– Биз-де атпадиқ, немис-де атпади. Аtpаса жахсиғўй!..

Соат батальонни сафга тиздирди. Трибунал ҳукмини ўқиб эшиттирди: «Аскарларни фашист томонга қочиб ўтишга даъват қилгани учун...»

...Урушда орттирган тажрибаси кейин ҳам қўл келди. Кўп марта қўл келди...

Баъзилар орган деганда нукул жазо берувчи ташкилотни тушунади. Унақа эмас! Орган жамиятни ёт унсурлардан ҳимоя қилади. Шундай экан, унинг қўлигина эмас, «қулоғи» ҳам яхши ишлаши шарт. Ҳар қандай ташкилотда, ҳатто, ямоқчининг дўконида ҳам «қулоқ» бўлса зиён қилмайди. Тўғри-да! Вақти-вақти билан «тозалаш» ўтказиб турмаса, бошқариб бўладими бу турфа жамиятни!

Урушдан кейинги «тозалаш» ҳам бежиз қилингани йўқ. Айниқса, олифта интеллигентлар ҳаддидан ошиб кетди. Газета-журналларда совет жамиятини масхара қиладиган нарсалар пайдо бўла бошлади. Мактаб ўқитувчисидан тортиб олимгача – ҳаммаси «доно!» Ҳаммаси – «даҳо!» Хэх!

Аниқ эсида бор. Қирқ олтинчи йил эди. Тошкентда Навоий театри қурилаётган кезлар... Тепакўрғондаги етти йиллик мактабдан сигнал тушди.

Математика ўқитувчиси Ҳакимов катта танаффусда оғзидан бол томиб японларни мақтабди. Эмишки, Ҳакимов Пиёнбозорга олма сотгани борган. Қараса, қурилиш кетаётган жойда, симтўсиқ ортида оёғига ёғоч кавуш кийган япон асири мўлтираб турганмиш. Ҳакимов гўё асирга раҳми келган. Тўрт-бешта олмани симтўсиқдан узатган. Гўё асир рус тилини билармиш. «Мен сизнинг молингизни текинга ололмайман, сиз уни етиштириш учун меҳнат қилгансиз», деган. Қоровулхонада турган соқчи кўриб қолиб, японни ҳайдаб юборган. Ҳакимовнинг айтишича, гўё япон жилмайиб таъзим қилган. «Раҳмат сизга, яхши одам экансиз», деган. Ҳакимов оғиз кўпиртириб, японни улуғлаган. «Бунақанги маданиятли одамни биринчи кўришим, ҳамма халқ орасида ҳам яхшилар бўларкан-да!» деган.

Шунақами, ҳали? Самурай ёқиб қолдимиз сизга? Биласизми, жаноб Ҳакимов! Бунинг отини камида КРА дейдилар! Контрреволюцион ташвиқот! Қани, бир текшириб кўрайлик-чи чиққан жойингизни! Ҳакимов... Ким бўлди бу кушча? Тепакўрғонликларнинг ҳаммаси таниш эди-ку. Ким билсин тағин... Қишлоқдан чиқиб кетганига, эҳ-ҳе, қанча бўлди! Тошкентдаги ўқиш... Москвадаги олий мактаб... Онасининг таъзиясига ҳам келолмади. Айни имтиҳон пайтлари эди. Аслида гап бунда ҳам эмас. Соат онаси Тепакўрғондан Тошкентга кўчиб келганидан хабардор эди. Бироқ онасидан келган ҳар бир мактубни ўқиганида юзига совуқ нафас урилаётгандек бўларди. Онаси ҳеч кимга зуғум қилмасликни, ҳеч бир банданинг бурнини қонатмасликни илтимос қилар, унга сайин Соатнинг ғаши келарди. Мамлакат ички душманларга тўлиб ётибди-ю, саводсиз бу хотин насихатгўйлик қилади... Орада фин уруши бошланди... Кейин яна уруш...

Хў-ўш... Ҳакимов... Ҳакимов... Отаси инқилобдан аввал тегирмончи бўлган... Э-ҳа! Тўлаган-ку бу! Уни Қонқусга чўктириб юбормоқчи бўлган оғайниси. Хэх! ўшанда «ҳаммангни отаман!» деган ваъда бўлганмиди? Биттанг Ватан хоини сифатида насибангни олдинг. Энди – сенга навбат... Хў-ўш... Хотини – Обидхонова Фотима. Отаси эшон бўлган. Сибирга сургун қилинган... Ҳакимов ҳозир ўша эшоннинг кўрғонида яшайди. Буёғи неча пулдан тушди? Демак, сен Эшонга ичкуёв бўлган экансан-да! Фотимага уйланганман, дегин! Ана, ҳаммаси аниқланди-қолди. Қисматнинг ҳазилини қаранг: тағин эшонзодалар билан рўпара келди. Хэх!

Японга олма бергинг келиб қолдимиз? Олма баҳона – дийдор ғанимат, дегин! Самурай ими-жимиди узатган қоғозни япон резидентига беришга улгурдингми-йўқми? Балки резидент ўзингдирсан!

Шошилиш керак! Сен шоҳида юрсанг, биз баргида юрамиз, эшоннинг ичкуёви!

Ярим кечада йўлга тушдилар. Қора машина Тепакўрғонга етиб боргунча тонг ёришай деб қолди. Кўройдин. Қишлоқ деярли ўзгармаган. Ўша пастак уйлар, пахса деворлар. Фақат бузиб ташланган мачит ўрнида клуб қурилибди. Тунука томли клуб. Девори оқариб турибди... Куз салқини сезилиб қолган. Тун осуда... Машина ортидан итлар кўксов бўлгандек бўғиқ акиллаб югуради. Чанг-тўзон кўтарилади. Қонқус бўйидаги толлар қоронғида ҳурпайиб турибди.

Соат мийиғида кулиб қўйди. Уни анави ерда чўктириб юбормоқчи бўлишган эди... Ўзларнинг уйи ҳов нарида, жинкўчанинг охиридайди. Турганмикин ҳозир? Турган бўлса нима? Бу ерлар энди унга бегона... Аллақачон бегона бўлган...

Соат ҳайдовчига буюрди.

– Чапга бур. Ёнғоқзор томонга... Йигитлар, чаққонроқ ҳаракат қилинглар! Тонг отяпти...

«Операция»ни саҳарга яқин бажаришда маъно бор. Биринчидан, «объект» хотинининг қучоғида мириқиб

ухлаётган бўлади. Иккинчидан, кўни-кўшнилар ёпирилиб чиқмайди. Чиққанида кўлидан нима келарди-ку, ҳар қалай бегона кўздан холироқ бўлган яхши-да!

Дарвозани узоқ қоқдилар. Ўлиб қолганми бу! Ойнани тақиллатай деса, ташқарига қараган деразанинг ўзи йўқ. Эшоннинг кўрғони-да! Бир замонлар дадаси айтган гап Соатнинг эсига тушди. «Эшон қора қилмишларини яшириш учун баланд девор орқасига беркиниб олган». Тўлаган ҳам шуларнинг биттаси-да! Эшонзода Фотиманинг эри! Бу деворлар орасида бутун бошли антисовет ташкилот штаби жойлашмаган деб ким кафолат беради!

Ниҳоят, йўлак томонда шошқин қадам товуши эшитилди. Уйқусираган эркак овози келди.

– Кимди? – деди ҳуркиб.

– Очинг! Районодан хабар бор.

Тамба сурилди.

Соат орадан шунча йиллар ўтиб кетган бўлса ҳам фонус тутиб турган Тўлаганни дарров таниди. Кўздан таниди! Йиллар ўтиб, одамнинг қиёфаси, гавдаси, ҳатто, гапириш оҳанги ҳам ўзгариб кетиши мумкин. Фақат кўзи ўзгармайди. Соатнинг рўпарасида айнан Тўлаганнинг ўзи турар эди. Улғайибди. Соч қўйибди. Вой илоней! Мактабда интеллигент бўлиб юрасан-да, уйингда аксилинқилобий фаолият олиб борасан! Хэх!

Тўлаган рўпарасида турган бир эмас, уч нафар ноташиш одамни кўриб тахта бўлиб қолди.

– К-кечирасизлар, к-к-ким керак сизларга? – деди дудуқланиб.

– Овозингни чиқарма! – Соат плашининг чўнтагидаги пистолет бандини маҳкам қисиб буюрди. – Бошла!

Тўлаган талмовсираб орқага чекинди. Қоронғи йўлакдан ўтиб, ҳовлига чиқишди. Тонг ёришиб келар, ҳовли ўртасидаги бир туп тут шохида чумчуқлар уйқусираб чирқиллар эди.

– Сизларга ким керак? – деди Тўлаган ҳаммага бир-бир қараб. У елкасига авра тўн ташлаб олган, бошяланг,

сарпойчан оёғига калиш илган эди. Шу аснода Соатга узоқ тикилиб турди-да, чеҳраси ёришди.

– Ие, ўзингмисан, ўртоқ? – деди дадилланиб. – Марҳамат, қани, ичкарига! Одамнинг капалагини учириб юбординг-ку, оғайни?

Айвон томонга қараб «аяси», деб чақирган эди, соат паст, таҳдидли оҳангда таъкидлади:

– Мен сенга оғайни эмасман! Қонун номи билан қамоққа олиндинг!

– Эсинг жойидами, Соат?

– Соат эмас, Комиссар Ғаниев бўламан! Хатни топ, ун-сур! – деди Соат ғижиниб.

Тўлаганнинг ранги бўзариб кетди.

– Қ-қанақа хат? – деди баттар дудуқланиб.

– Японнинг хати, хайвон! Японнинг хати! Қаёққа тиқдинг, самурайдан олган хатни?

– Нима деяпсан, Соат? – Тўлаган кўзини ола-кула қилди. – Ё қуруқ тухматингдан! Ўлимдан хабарим бор, бунақа гапдан...

– Майли, керакли жойда эсингга солиб кўямиз. Тезроқ йигитлар! Қани фонусни бер буёққа!

Зум ўтмай ичкаридан аёл кишининг «нима қила-япсизлар?» деган қўрқинч тўла хитоби эшитилди. Кимдир «ая, ая» деб йиғлаб юборди. Тўлаган ўша томонга юра бошлаган эди, Соат қўлидан тутди.

– Қимирлама! Биқинингдан дарча очиб кўяман.

Айвонга аввал ўн тўрт-ўн беш ёшлардаги кўйлакчан қиз, кетидан нимча кийган дўмбоққина аёл югуриб чиқди. Иккаласининг ҳам сочлари тўзғиб кетган, қиз қўрқиб йиғларди.

– Нима гап? Кимсизлар? – деди аёл кўзлари ваҳимадан катталашиб.

– Сиз, хоним, тек туринг! – деди Соат вазминлик билан. – Керак бўлса, сизниям чақиртирамиз.

Йўқ, Фотима уни танимади.

Йигитлар бирпасда уйни тит-питини чиқариб юборишди. Ҳовлининг бурчак-бурчакларига кириб чиқишди. Китоблару қоғоз-дафтарларни айвонга уйиб қўйишди.

Фотима гап нимадалигини тушунди, шекилли, қизини бағрига босган кўйи ҳайкалдек қотиб қолди. Тажрибаси бор-да! Обиск дегани нима эканини билади! Тўлаган ҳам миқ этмай безрайиб турар, фақат қизалоқ кўркувдан дағ-дағ титраб, йиғлар эди.

– Мана, ўртоқ полковник, – йигитлардан бири айвон пешида туриб Соатга ихчам Қуръонни узатди.

– Болаларга математика ўрнига Қуръон ўқитяпман дегин! – Соат Тўлаганга қараб истехзоли кулди. – Хэх, хэх, хэх!

– Уларникимас! – Фотима қуюндек учиб келиб, Қуръонга ёпишди. – Меники, отамдан қолган ёдгорлик. Беринг буёққа!

– Нариди, тур, илонвачча! – Соат тирсаги билан бир туртган эди, Фотима тисарилиб бориб, айвон пешига ўтириб қолди. Икки ўрим узун сочи кўксига ёйилиб тушди. Эtagи кўтарилиб, жиякли узун иштон остидаги бўлиқ сонлари лорсиллаб кетди. Соат Фотиманинг юзлари оппоқ силлиқ эканини идрок этди. «Шунақа чиройли жувон бўпти-да!» деган ўй хаёлидан лип этиб ўтди.

– Хэх! – деди кулиб, Қуръонни шошилинич варақлади. Орасида ортиқча қоғоз йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, китобни парча-парча қилиб йиртди. Ерга улоқтирди-да, тепкилай бошлади. – Мана сенга ёдгорлик! Мана!

Шаҳдам юриб борди-да, Фотиманинг нимчасини тортқилаб еча бошлади. Фотима жонҳолатда нимчасини чангаллаб Соатга ҳам кўркув, ҳам ҳайрат билан термилди. Кўзлари катта-катта, чиройли эди. Бир вақтлар Соат беҳосдан қор отганда йиғлаган кўзлар.

Орқа томондан Тўлаганнинг таҳдидли овози келди.

– Нима қияпсан, Соат?

Соат ижирғаниб бурилди. Тўлаган кўзлари ғазабдан ёниб шу томонга талпинди, йигитлардан бири рўпарасида тўппонча ўқталиб турар эди.

– Қўйвор! Қўйвор аямни! – Айвон бурчагида қунишиб турган қизалоқ қуюндек учиб келиб, Фотиманинг елкасидан қучоқлаб олди. – Дадажон! Айтинг, аямга тегмасин!

Фотима Соатни энди таниди. Кўзидаги кўрқув ўрни-ни нафрат эгаллади.

– Чўнтагингни кўрсат! – деди Соат совуқ қатъият билан.

Фотима елкасига осилган қизини кифти билан нари итарди. Нимчасини ечаётганида кўкраклари диркиллаб кетди. «Керак бўлса, олақол!» дегандек нимчани ерга улоқтирди. Нимча чўнтагида ҳеч нима йўқ экан. Соат Тўлаганга ўгирилди.

– Олдимга туш!

Тўлаган бир қадам юриб тўхтади.

– Фотима, – деди видолашгандек оҳангда. – Қурбонийни эҳтиёт қил. Сени Худога, Қурбонийни сенга топширдим.

«Қурбоний эмиш! Хўп топибсанми, қизингни отини! Демак, Қурбон ҳайитида туғилган. Мактабда ўқитувчилик қиласан, уйингда Қуръон ўқийсан... Илон! Мунофиқ!» Қизалоқ ҳамон онасини кучоқлаб турар, чамаси, дадасининг олдига учиб бориб бўйнига осилгиси келар, аммо нотаниш «амаки»дан кўрқар эди.

– Марш! – деди Соат. – Бизни, куч ишлатишга мажбур қилма!

Шу пайт Фотима ўтирган жойида уёқдан-буёққа тебрана бошлади.

– Эй, поки-парвардигор! – деди икки қўлини осмонга чўзиб. – Бу золимларгаям боққан бало борми, Худо!

– Ая, туринг, аяжон! – Қизалоқ йиғлаб Фотиманинг қўлидан торта бошлади. – Дада, айтинг, аям йиғламасинлар!

– Илоё Қуръон урсин сени, билдингми? – Фотима кўзлари ўтдек ёниб Соатга чақчайди-да, тиззаларига шапатаблаб, фарёд солди. – Қуръон урмаса, розимасман. Отамнинг арвоҳи урмаса, розимасман! Болаларинг етим бўлиб, чирқиллаб қолмаса, розимасман! Мунча шўрпешона бўлмасам, Худойим!

Ҳаммаси – бир гўр. Ўрмон четида укаси ҳам шунақа саннаган эди. Ҳаммасини отиш керак, битта қўймай!

Соат йўлакка етганида беихтиёр бурилиб қаради. Фотима айвон пешида ўтириб ҳамон айёҳаннос солар, қизи

эса бўйнидан қучиб йиғларди. Фотима шу ўтиришда ҳам қандайдир... жозибали эди.

Соат мийиғида кулиб қўйди.

«Хэх. Майли қарғайвер-чи! Кўрамиз ҳали, қандай сай-раркинсан? Мана шу қўлларинг билан елкамни силаб, мана шу тилларинг билан «Соат акажон» деб эркалама-санг, отимни бошқа қўяман!»

ҲАМКАСБЛАР СУҲБАТИДАН

– Хў-ўш, коллега, ишлар қалай?

– Саломатмисиз, ўртоқ Комиссар? Марҳамат!

– Васильевнинг сўроғидан бирон наф чиқдимми?

– Васильевнинг юз фоиз алибиси бор, ўртоқ Комиссар. Жиноят содир бўлган куни у хушёрхонада ётган.

– Хм... Хўш? Хотини-чи? Шоматовнинг хотини нима дейди?

– Нима дерди? Ўша гап. Эрталаб сутга чиққан. Қайтиб келиб, рўй берган ҳодисани кўрган. Чиндан ҳам ўша куни оператив группа етиб борганида, Шоматова уйида эди.

– Уйида дегин? Хэх! Кечаси қаерда тунаган экан ойимча?

– Гувоҳлик беришича, тун билан уйида бўлган.

– Хотин кишининг макри қирқ эшакка юк бўлади! Эрталаб сутга чиққан эмиш! Ўша куни сутга чиқмаган! Чиқса, мен кўрардим, мен!

– Аниқми шу гап?

– Мен ноаниқ гапирмайман, коллега! Бундан ташқари... Суриштириб кўрдингми? Шоматов уйни қандай қилиб олди экан?

– Ўртоқ Комиссар... Ўлган одамни маломат қилиш...

– Мен учун ўлик-тирикнинг аҳамияти йўқ. Сенга ҳам шуни маслаҳат бераман.

– Шоматов Афғонистонда жанг қилган. Навбатсиз уй олишга ҳаққи бор!

– Жанг қилганмиш! Эътиборингиз учун, ўртоқ терговчи, горисполкомнинг уй тақсимоти комиссиясида камина ҳам борлар! Бир мажлисда бу боланинг ўзини тути-

шини кўриб, аниқ хулосага келганман. Уй нари турсин, молхонани ҳам раво кўриб бўлмасди унга...

– Ўртоқ Комиссар. Шоматов ҳалол жанг қилган. Контузия бўлган, жароҳатланган. «Жасорати учун» медали бор...

– Жасорат эмиш! Кўрганмиз бунақаларни! Ҳозирги особистларга ҳайрон қоласан киши! Бир-биридан ландовур! Бўпти... Муваффақият тилайман! Маслаҳатим шуки, Шоматовани қаттиқроқ сиқувга ол. Ҳа, айтганча, Қурбоной деган хотин бор. Тўлаганова Қурбоной. Фаррош... Кирмаган эшиги йўқ. Ҳақиқий наводчица! Ўшаниям... бир обработка қилиш керак.

РУСТАМНИНГ БИРИНЧИ КУНДАЛИГИДАН

...Кундалик ёзиш – қизларнинг иши. Қизларда бунақа «касал», шоирлар айтмоқчи, «шудринг томчисидек мусаффо, қалбига илк муҳаббат чўғи тушгач» пайдо бўлади. Ўз хаёлида муҳаббат деб аталмиш қасрни бунёд этади. Хаёлий Малика, хаёлий Шаҳзодасига айтолмаган гапларини қоғозга туширади... Ёзаверади... Ёзаверади... Бир куни кўз ёшларидан суйкалиб кетган дафтарни сирдош дугонасига ўқиб беради. Икковлари бир хонага кириб олиб, тонготар пичир-пичир қилишади...

Шуям машғулот бўлди-ю! Тажаннинг қум барханларида устингдан қора комбинезон, ичингдан ўн саккиз килоли ўқ ўтмас нимча кийиб югуришнинг ўзи бўладими? Фақат бир нарсани орзу қиласан: тўйиб сув ичсангда, ётиб ухласанг... Қоғоз қоралашни ким кўйибди сенга, солдат!

Шунақа-ку, барибир ёзишим керак. Эрта-индин Афғонистонга «ташлашлари» аниқ. Худо насиб этиб, уйга омон-эсон қайтсам, эсдалик бўлиб қолади. Бир нарсани аниқ биламан. Дафтарни ҳеч ким кўрмайди. Ҳеч ким! Ойим ҳам, дадамнинг вақти йўқ, акам ҳам... Шаҳноза ҳам. Умуман, ҳеч ким! Мен уни ҳеч кимга кўрсатмайман! Нима кераги бор?!

Май ойининг йигирма учинчи куни

Военкомат дегани қассобхонадек гап. Қайси молни қачон сўяди, қандоқ сўяди – қассобнинг иши. Дўхтирлари ҳам баайни мол дўхтири!

Болаларни трусичан қилиб қўяди-да, худди молнинг қанча тош босишини чамалагандек, тортиб кўради. Кейин бўйингни ўлчади. Бошингни, белингни, оёғингни... Турнақатор турасан.

Бир томонда дўхтирлар. Бир томонда ярим яланғоч «призывниклар».

Энди сенлар одам эмас, ҳамманг бир хилда «призывник»сан.

Қулоқ солиб турсанг, антиқа савол-жавобларни эшитасан...

– Шикоятинг борми?

– Бор. Бошим оғриydi. Кечалари ухламай чиқаман, дўхтир!

– Менинг бошим ёрилиб кетай деяпти!

– Ўт! Яроқли! Сен нима дейсан?

– Жигарим касал. Сарик бўлганман...

– Қачон?

– Уч йил аввал.

– Мен яқинда гепатит бўлиб, госпиталдан чиқдим. – Яроқли! Следующий!

– Бир касалим бор-у... айтишга уялиб турибман, дўхтир...

– Гапиравер! Бу ер сенга хотинлар монастири эмас.

– Шу... кечаси... тагимни ҳўллаб чиқадиган одатим бор. Болалигимдан бери шу... Ҳеч тузалмаяпти.

– Зарари йўқ! Мен кунора «каттасини» қилиб чиқаман. Ўт! Яроқли! Сен-чи! Сен нима дейсан?

– Тутқаноғим бор, дўхтир. Рост айтяпман. Ишонмангиз, госпиталга ётқизиб текшириб кўринг.

– Шуям касал бўпти-ю! Мен – кеча жиннихонадан қочиб чиқдим. Следующий!

...Қараб туриб, ҳам кулгинг келади, ҳам йиғлагинг. Буларгаям осонмас. Ҳамма жойда план бор. Пахта плани, пилла плани, газлама плани... Военкоматники – одам плани!

Бажариш керакми, ахир? Европа томонларда хотинлар кам туғадиган бўлиб қолган. Бундан чиқди, Ватан ҳимоячиларининг ўрнини ўрта Осиёлик болалар билан тўлдириш керак! План – қонун дегани! Бажармай кўрсин-чи?

– Шикоятинг борми?

– Йўқ!

Дўхтир қалин гардишли кўзойнаги устидан менга олайиб қаради.

– Ҳеч касал бўлмаганмисан?

– Йўқ!

– Маладес! Спорт билан шуғулланасанми?

– Ҳа!

– Қайси тури билан?

– Каратэ. Сарик белбоғим бор.

– Маладес. Ўт!

Каталакдек хонага кирдим. Бояги «беморлар» тагин сўроққа тутилди.

– Ҳунаринг борми?

– Йўқ.

– Ўқийсанми?

– Ҳа!

– Нечанчи курсдасан?

– Биринчи.

– Сен-чи?

– Иккинчи.

– Имтиҳонларингни топширганмисан?

– Йўқ, ўртоқ капитан. Битта қарзим бор.

– Меники иккита.

Навбат менга келди.

– Ҳунаринг борми?

– Шўпирман. Курсни битирганман.

– Ўқийсанми?

– Ўқийман.

– Нечанчи курс?

– Биринчи.

– Имтиҳонларни топширганмисан?

– Топширганман.

Ранги заҳил капитан ҳужжатларим солинган папканинг тепасига қизил қалам билан йўғон қилиб «А-20» деб ёзди.

Индамай турган эдим, тушунтирди:

– Боравер, бир ҳафтада повуска оласан.

– Айтинг-чи, – дедим кўнглим ғаш тортиб. – Мен қаерга боришим мумкин?

– ТуркВО ихтиёрига.

– Қанақа қисмга? Тахминан қаерга?

– Билмайман! – Капитан пашша кўригандек кўлини силкитди. – Следующий!

Юрагим шиғ этди. Демак, Афғонистонга жўнатади.

Ташқарига чиқсам, бояги – мендан олдин навбатга турган талабалар гурунглашиб, сигарет тутатяпти.

– Бир эмас, учта имтиҳондан қарзим бор, деб кўя қолмадинг-да, Роберт! Бу салдофонлар билиб ўтирибдими!

Индамай нари кетдим. Нуқул ўзимни сўкаман. «Аҳ-моқ! Мақтанчоқ эшшак! Каратэга бало бормиди! Ҳайдовчилик гувоҳноманг борлигини айтиб нима қиласан? Ақалли, битта зачётдан қарзим бор десанг-ку, кузги чақириққача тинч кўярди!

Заҳил капитан «А-20» деб ёздими? ТуркВО ихтиёрига ўтасан, дедими? Тамом!

Авваллари болаларни Ленинградга борасан, Литвага юборамиз, деб лақиллатган-да, шаппа босиб, Афғонга олиб кетган. Капитаннинг гапидан кўриниб турибдики, энди алдамай кўйишибди. «Афғонистон» демади-ку, ақлинг бўлса, тушуниб олавер, қабилида гапирди. «Бир ҳафтада повуска оласан», дедими? Бундан чиқди...

Соатга қарасам, тўртдан ошибди. Шаҳноза уйига келган бўлиши керак. Метродан кўнғироқ қилдим. Телефондан одатдагидек ингичка, эрка овоз эшитилди.

– Алё-ё-ё! Ким бу-у-у?

Овозидан танидим: Шаҳнозанинг синглиси. Опасини чақириб бергунча одамни қон қилиб юборади.

– Илтимос, Шаҳнозани чақиринг.

– Ким ўзи бу-у?

Авваллари қизалоқнинг эркалигига кулиб кўя қолардим. Бу гал ғашим келди. Ҳали Пискентга ҳам бориб келишим керак.

– Чақир Шаҳнозани! – дедим зарда билан.

Бахтимга Шаҳноза яқинроқ жойда экан, шекилли, телефон қулоғидан «бер бу ёққа, жинни!» деган товуш эшитилди.

– Шаҳноза, – дедим иложи борича вазминлик билан. – Бир соатдан кейин кўришсак... «ўзимизнинг» жойда.

– Тинчликми? – Шаҳнозанинг овозида хавотир бор эди.

– Тинчлик! – дедим кулиб. – Жудаям кўргим келяпти сизни.

...Шаҳноза атлас кўйлак кийиб, сочини бежирим турмаклаб олибди. Анҳор бўйида, наъматак тагидаги харракда ўтирибмиз. Нариги соҳилда калта иштони жиққа хўл қора-қура болалар қий-чув солиб чўмиляпти. Бошимиз устида ярим-ёрти гулини тўккан наъматак шохлари эгилиб турибди... Тиканлари ҳали қотмаган. Юзингга, бўйнингга урилса, оғритмайди... Фақат қитиқлайди... Эрта-индин беозор бу тиканлар найзадек қайрилиб, ҳар биттаси ўққа айланиши мумкин... Қизиқ, ўқ тегса қандай аҳволга тушаркин одам?..

– Нима гап? – деди Шаҳноза кўзимга термулиб.

Мунча чиройли бу кўзлар! Мунча ақлли! Мунча жозибали бу қайрилма киприклар! Ҳозир... Капалак қанотидек бир-икки силкинади-ю... айнан юракнинг ўзини сўраб турган кўзлардан ёш оқади...

– Ҳеч гап йўқ...– дедим илжайиб. – Шунчаки, сизни соғиндим. Кўргим келди. Ёмонми шу?

Шаҳноза анойи экан-да! Кафтлари билан юзимдан беозор тутиб, ўзига қаратди.

– Ростини айтинг...

– Нимани?

– Рустам ака? – Шаҳноза кўзимга узоқ синчков тикилди. – Ёлғон гапиришни эпложмайсиз. Айтинг, нима бўлди?

– Чақиришди...– дедим хушчақчақ гапиришга уришиб...– Бир ҳафтада кетсак керак.

Шаҳноза кафтини бўшатди.

– Қаёққа? – деди аламнок ўйчанлик билан.

Ярқ этиб қарасам, елкасини харрак суянчиғига ташлаганча номаълум нуқтага, осмонга термулиб ўтирибди. Чехраси шу қадар хомуш, шу қадар аянчли эдики, қўрқиб кетдим.

– Билмайман, – дедим ростини айтиб.– Билмайман.. Ҳарқалай, чет элга бўлса керак. Германиями, Мўғулистонми...

Шаҳноза қилт этмай ўтирар, ўзи ёнимда-ку, хаёллари узоқ-узоқларда кезаётганини ҳис этиб турардим.

– Қўй энди, Шаҳноз...– дедим умримда биринчи бор сенсираб. – Кўрасан, ҳаммаси яхши бўлади.

Анчадан кейин осойишта бурилиб қаради.

– Алдаманг! – деди овози титраб. – Алдаманг, Рустам ака! Афғонистонга юборади. – Тўсатдан ўкраб йиғлаганча бўйнимдан кучоқлаб олди. – Ўзингиз хоҳлагансиз! Ўзингиз айтгансиз! – деди чинқириб. – Аҳмоқсиз! Аҳмоқ! Мени ўйламадингизми?

– Жиннимисан? – дедим ҳансираб.

– Рустам ака! Нега унақа қиласиз, Рустам ака!

Кўз ёши оқиб турган юзларидан, ёш таъми анқиётган лабларидан ўпарканман, титрар эдим.

Бирин-кетин ёпирилиб келган аламли, аёвсиз саволлар юрагимни ғижимлар, дод деб юборгим келарди. «Сен аҳмоқ, сен галварс, нега қадрига етмадинг шундай қизни! Эслаб кўр! Бирон марта, ақалли бирон марта айтдингми? Сени яхши кўраман, сенсиз менга у дунёю бу дунё қоронғу, деддингми? Сенинг нимангни севади бу қиз?»

– Шаҳноза... – дедим ялиниб. – Қўй энди, Шаҳноз! Худо урсин! Рост айтяпман. Ҳали қаёққа боришимиз маълум эмас.

У эса ҳамон йиғлар, бўйнимдан, юз-кўзимдан, лабимдан тўхтовсиз ўпар эди. Вужудим таранг тортилиб кетган. Худо ҳаққи, бунақа паллада шайтон эркак кишини ҳар кўйга солиши мумкинлигини ҳис этиб турардим.

– Шаҳноз, – дедим энтикиб, – Шаҳноз... Илтимос. Жон Шаҳноз...

– Мен сизни кутаман, Рустам ака! Кутаман...– У илқис кучоғимдан чиқиб ёш тўла кўзлари билан илтижо қилди. – Э, Худо! Бизга раҳминг келсин. Караминг кенглиги рост бўлса, шафқат қил бизга!

Тўсатдан жимиб қолди-да, менга ўгирилди.

– Агар...– деди пичирлаб. – Агар... сизга бир нима бўлса...– Кўз ёши аралаш жилмайди. Эркаланиб елкамга бошини ташлади. – Мен Худога ишонаман, — деди хўрсиниб, – Кўнглим сезиб турибди. Сиз соғ-саломат қайтиб келасиз. – Бирпас ўйлаб турди-да, кўшиб қўйди. – Рустам ака... Мен... кутаман. Келинг, бир нарсани келишиб оламиз. У ёқдан қайтган кунингиз мана шу ерда, худди шу ерда учрашамиз. Хўп?

Май ойининг охирлари

СССРнинг энг совуқ нуқтаси – Оймакон, энг иссиқ нуқтаси – Кушка, дейишади. Билмадим! Менга қолса, СССРнинг энг иссиқ жойи – Тажан! Ҳаммаёқ сахро. Қум барханлари... Ковушдек жағини осилтирган кўйи сўлак оқизиб юрган туяларни, рўпарангдан чиқиб қолса, икки лунжини шишириб одамни кўрқитиш учун вишиллаб кўядиган «сахро тимсоҳлари» – эчкиэмарларни ҳисобга қўшмасанг, тирик жонзот йўқ ҳисоби! Шунанаям Худо қарғаган жой бўладими? Хаёлингда яккаш бир ўй чарх уради: «Сув!», «Сув!». Қани энди, Тошкентда кўча четида шовиллаб оқиб турган жўмракка шундоқ лабингни боссанг-да, тўйгунча, ёрилиб кетгунча ичсанг! Ёки Пискентдаги сойнинг ажриқлар қоплаб ётган соҳилига ётиб олсанг-у, юз-кўзингни сувга ботириб, ичаверсанг... Ичаверсанг...

Эрталаб томоғинг қақраб, кўзларинг ачишиб уйғонасан. Сув эмас, аллақандай тахир сарғиш нарса ичасан. Темур ака тушунтирди: бу ернинг сувини ичиб бўлмас экан. Аскарлар орасида сариқ касали тарқалганмиш. Шунинг учун сувга янтоқ қўшиб қайнатиб бераркан. Флягангдagi сув кун чиқмасдан қизиб кетади. Бурама қопқоғига бир қултум қуйиб ичсанг – томоғингни ачиштириб, бат-

тар чанқатади. Кечқурун ётаётиб, тагин хаёлингда ўша гап чарх уради. «Сув! Бир қултум, ақалли, бир қултум муздеккина сув бўлса-чи!»

Июнь ойининг бошлари

Туш кўрдим. Олма тагидаги сўрида ўтирган эмишман. Сўри остидан шарқираб сув оқаётганмиш. Ҳовучлаб ичаверибман-ичаверибман. Чанқоғим ҳеч босилмасмиш. Бир маҳал ойим коса олиб чиқибди. «Вой болам-ей! Ҳалиям ёш болага ўхшайсан-я! Косада ичақолмайсанми», дебди. Косани ботирсам, сув қумга айланиб қолибди.

Июнь ойининг ўрталари

Қумлар орасида «Душман шаҳарчаси» бор. Бўлажак «душман объекти» тахминан шунақа. Пахса деворли пастак уйларга «хужум» қиламиз. «Душман» бизни «ўққа тутади». Биз бостириб борамиз. Ҳаммаси ҳарбий тактикага мувофиқ қилинади. Разведгруппа... Сапёрлар. Зирҳли қисмлар: Т-62 танклари, БТРлар, кейин пиёдалар...

Мактабда ўқиб юрганимда дадамнинг «Нива»сини ҳайдаб, права олганим яхши бўлган экан. Танкчиликка ўқитяпти. Темур аканинг айтишига қараганда, «у ёқда», айниқса, сапёрларга қийин бўлармиш. Темир қутида ўлиги келаётганларнинг кўпчилиги сапёрлар эмиш.

Июнь ойининг охирлари

Замполит тагин мажлис қилди. Социализм душманлари Афғонистондаги Савр инқилобини бўғиб ташлашга жон-жаҳди билан уринаётганини, ўзининг интернационал бурчини адо этаётган совет жангчилари порлоқ ғалабаларга эришаётганини айтди. Афғонистон Совет давлати билан тарихда биринчи бўлиб дўстлик битимини тузган қардош мамлакат эканлигини, эрта-индин биз ҳам Афғон тупроғига кириб Ватан олдидаги йигитлик бурчимизни адо этажагимизни тунтирди.

Июнь ойининг охирлари

Бир йўла иккита хат олдим. Биттаси – акамдан, биттаси – Шаҳноздан.

Акам дадамнинг, ойимнинг, келинойим, жиянларимнинг номидан қизгин дуойи саломлар йўллабди. «Мабодо, уёққа олиб кетишса, Мўғулистонга тушдик, деб ёзавер, бўлмаса ойимлар Рустам борган шаҳарнинг адресини нега ёзмайди, деб шубҳаланадилар», дебди. Акамнинг гапи жўяли. Конвертга барибир «полевая почта» деб ёзилади-ку!

Шаҳнозанинг узундан-узоқ хатида қайта-қайта такорланган бир илтижо бор эди: «Ўзингизни асранг! Мен сизни кутаман. Соғиниб-соғиниб кутаман!»

Июль ойининг бошлари

Экипажимиз тўрт киши. Мен – командир. Темур ака механик ҳайдовчи. Саша – отувчи. Ҳайриддин – ўқловчи.

Машқ пайти танкнинг ичи дўзахдек ёниб кетади. Люкни очсанг, қум тўзони ёпирилиб киради. Тўрт-бешта снаряд отмасингдан танк ичи порох исига, тутунга тўлиб, бўғиб ташлаётгандек бўлади.

Биров йўталади, биров хириллайди... Фақат Темур ака – бепарво.

– Қўявер, ука! – дейди нуқул қўл силтаб. – Ҳали «уёқда» шунақанги тутунларни кўрасан-ки...

Темур аканинг ёши ҳаммамиздан катта бақувват, чайир йигит. Бир гал ечинганида кўрсам, кўкрагига нина билан ўйиб бургутнинг расми солинган экан. Чап биларида «Темур» деган кўкимтир ёзув.

– Нима бало, гражданда рассом бўлганмисиз? – десама кулди.

– Ҳар бало бўлганман, ука! Сўрама!

Ҳайриддин – Темур аканинг акси: гавдаси муштдеккина. Қизларникига ўхшаган чиройли кўзлари ўйчан боқади. Айтишига қараганда, Форишда турадиган онасидан бўлак ҳеч кими йўқ экан. Педагогика билим юртини битирган заҳоти армияга олибдилар. Ҳайриддин –художўй

бола. Пайқашимча, намоз ўқигиси келади-ю, атрофдагиларга кулги бўлишдан истиҳола қилади. «Бандасининг боши – Оллонинг тоши, – дейди чоллардек салмоқлаб. – Худо хоҳласа юртимизга омон-эсон қайтамиз, жўра... Кўнглим сезиб турибди».

«Ёғочнинг бўшини курт ейди», деганлари рост экан. Танк экипажида энг «қора касб» – ўқловчи ҳисобланади. Хайридин ўрисчани яхши билмагани, ювошлиги учун ўқловчи бўлиб қолган. Бироқ ўз юмушини сидқидилдан бажаради. Баъзан муштдек жасади билан ҳар бири салкам қирқ килоли снарядларни кучаниб ташишини кўриб, раҳмим келади. Ёрдам берай, десам ийманиб рад этади... «Кўйинг жўра, сиз – командирсиз...»

Июль ойининг ўрталари

Шаҳноза иккаламиз анҳор лабида, ўзимизнинг наъматак тагида ўтирган эмишмиз. Сув ичгим келармиш... «Шаҳноза, сув бергин, сув!» десам, ҳовучида сув олиб узатармиш-у, оғзимга олиб келиши билан ҳовучи орасидан тўкилиб кетармиш... Чўчиб уйғондим. Томоғимда ўт ёнаётганга ўхшарди.

Август ойининг охирлари

Темур ака ғалати гап айтди.

– «Ғирт аҳмоқ экансан, Рустам! Масалан, мен эртага ўлиб кетсам, ачинадиган одамим йўқ. Етимхонада ўсганман. Мен-ку, майли! Афғонистонда пишириб қўйибдим сенга! Ана! Қанча солдатларнинг оталари ўртага тушиб, боласини бошқа қисмга ўтказяпти. Бири «касал» бўляпти, бири бошқа баҳона топяпти... Отанг раис бўлса, депутат бўлса, йўлини қилолмайдами? Офицерда нафс йўқ деб ўйлайсанми?»

Ўйлаб қарасам, Темур ака рост айтяпти. Қанча болалар бошқа қисмга ўтиб кетди... Шунақа-ку, Афғонистонга боришимиз мумкинлигини фақат акамга айтганман. Башарти бу гапни акамдан эшитган тақдирда ҳам, дадам бу ишга бош қўшмайди. Одатини биламан-ку!

Сентябрь ойининг ўрталарида

Хайриддин қизиқ гап айтди.

– Эрта-индин «у ёққа кетамиз».

– Қаёқдан биласиз? – десам, маъюс кулимсиради.

– Туш кўрдим, жўра... Кетяпган эмишман, йўлнинг охири кўринмасмиш.

29 сентябрь

«ИЛ-76» самолёти бунчалик катта бўлишини билмаган эканман. Қанорқопга туршак босгандек тикдилар. Биров тик турибди, биров тўрвасининг устида ўтирибди. Самолётнинг темир «қорнида» чўккалаб ўтирган Хайриддин бир нималарни пичирляпти. Овози эшитилмайди-ю, лаби қимирлаётганини кўриб турибман. Моторнинг гувиллаши қулоқни қоматга келтиради.

Негадир ҳаммаёқ совиб кетди. Юрагимнинг туб-тубида кўрқув пайдо бўлди. «Худо, ўзинг паноҳингда асра!» дедим унсиз илтижо қилиб. Бир маҳал аллаким елкамга туртгандек бўлди. Темур ака! Ёнимда турган экан. Эътибор бермабман. Кулиб нимадир деган эди, эшитмадим. Қулоғимга эгилиб бақирди:

– Кўрқма! Бир бошга бир ўлим!

Анчадан кейин самолёт пасая бошлади. Қулоқларим шанғиллаб кетди. Ўша заҳоти дум томонда ғалати шувиллаган овоз эшитилди. Самолёт ортидан муттасил мушак отилиб чиқа бошлади. Қутимиз учиб, ҳаммамиз аланг-жаламг бўлиб қолдик. Хайрият, самолёт ҳамон учиб борар эди. Кейин тушундик: кўниш олдидан учувчилар самолётдан ракета чиқарар экан. Мақсад – душман «Стингер»ини чалғитиш: «Стингер» учиб бора туриб «иссиқ объект» томонга буриларкан. Агар самолётдан ракета отилса, «Стингер» моторга эмас, ўша ракеталарга бориб уриларкан. Худога шукр, омон-эсон кўндик.

Ерга қадам босишим билан Хайриддин огоҳлантирди:

– «Бисмилло» денг, жўра! Бу тупроқда аждодларимиз ётибди.

Айтганини ихлос билан адо этдим.

Бунақанги қаттиқ шамолни энди кўришим. Қўйиб берсанг, думалатиб кетади. Ҳаммаёқ чанг-тўзон. Аэродромда самолётлар, вертолётлар қаторлашиб кетган. Худди пана-панада душманлар яшириниб олгандек, автоматини айнан менга ўқталиб тургандек, бошимни ичимга тортдим. Қарасам, бошқа болалар ҳам билагги билан шамолдан кўзини тўсганча олазарақ аланглаб боряпти.

«Урал» машиналарига ўтқазишди. Карвон тизилиб йўлга тушди. Ипдек чўзилиб кетган иланг-биланг йўл гоҳ юқорига ўрмалайди, гоҳ пастга шўнғийди. Ҳамон шамол гувиллайди. Бир томон яланғоч тоғлар, бир томон – чўл.

– Қаранг, жўра, қаранг!

Ёнимда ўтирган Хайриддин елкамга туртди.

Урушнинг изи қанақа бўлишини биринчи бор кўрдим. Шундоқ йўл четида мажақланган «КамАЗ»лар, портлаб, ёниб кетган бензовоз қолдиғи, танк занжири, дабдаласи чиққан, ёнбошлаб қолган БТРлар ётибди. Ҳов пастда, жарлик орасида вертолёт бўлаклари кўзга ташланади. Парраклари ғайритабиий қийшайиб кетган...

Қисмимиз Фарах шаҳрига яқин жойда экан. Манзара деярли ўша-ўша. Бир томон – қизғиш қояли тоғлар, бир томон – қумли сахро. Пастда лойқаланиб оқаётган ило-низи сой кўринади...

Кечаси ўқ товушидан уйғониб кетдим. Пастда, чама-си, сой томонда вақти-вақти билан автомат тариллаб кўяр эди. Совуқ... Ухлашга кўрқдим.

Октябрь ойининг бошлари

Казармаларимиз ғалати: девори фанердан ясалган. Икки қават фанер орасига қумми, нима бало солинган. Эллик қадамча нарида офицерлар учун қурилган модул. Бу бино ҳам казармадан фарқ қилмайди... Аскар болаларга разм солиб, бир нарсани англадим. Ҳаммасининг ранги заъфарон. Ҳаммаси бадқовоқ...

Қисмда бемалол, ясан-тусан қилиб юрган аёлларни кўриб, кўнглимда таскин уйғонгандек бўлди. Бундан чиқди, душманнинг ҳужум қилиш хатари йўқ.

Октябрь ойининг ўнинчи куни

Темур ака «Охотничий» сигарет чекиб ўтирибди. Бир ўзи эмас. Уч киши. Булар биз билан келган «чижик»ларми, аввалдан хизмат қилаётган «қария»ларми, ажратолмадим: ҳаммамиз аралаш-қуралаш бўлиб кетганмиз. Учов бир сигаретни галма-гал чекапти.

- Тортасанми? – деди Темур ака негадир илжайиб.
- Мен сигарет чеккан эмасман, – деган эдим, яна кулди.
- Сигарет эмас бу, чарс!

Эртаси куни

Дунёда энг қудратли, энг енгилмас, энг иноқ... шонли Совет Армияси ҳақида телевизорда ҳафтада бир кўрсатув бўлишини биласиз. Менга қолса, ўша томошада «дедовшина» қанақа бўлишини кўрсатган бўлардим. Янги келган «чурик»ларни хўрлашни, миллатчилик қилиб дўппослашларни... Мен-ку, ўзимни ҳимоя қилиш қўлимдан келади. «Қариялар» Хайридинни хўрлай бошлашди. Гоҳ халажой тозалатади. Гоҳ «бичок» теришга мажбур қилади. Темур ака биринчи кунларданоқ «қариялар» билан тил топишиб олгани яхши бўлган экан. Кечқурун Хайридинга зуғум қилаётганлардан иккитасини чақириб олди-да, «тушунтирди».

- Эшитиб қўй, земляк! Мен «блатнойларданман». Биринчи жангдаёқ отиб ташлайман! Иккалангням!

Октябрь ойининг йигирманчи куни

Олисда юрган одамга юртидан келган ҳар бир хат – битта байрам! Шаҳнозадан хат олдим. Суратингизни юборинг, соғиндим, дебди.

Эртаси куни

- Ҳалиям бўлса, чарс тортишни ўрган! – деди Темур ака. – Ажойиб нарса-да, лаънати!

- Қўйинг, ака, – деди Хайридин ялиниб, – ўргатманг шунга.

Чарс дегани наша экан. Қисм атрофида ўралашган жулдурвоқи афғон болалар чарс олиб келиб, алюмин

қошиққамаи, керосин ёки дудама мушаккамаи алишиб кетаркан.

Экипажимиз деярли ўзгармади. Хайриддин – ўқловчи, Саша – отувчи... фақат Темур ака резведкачилар батальонига тушиб қолди.

Комбатга илтимос қилдим.

– Ўртоқ капитан, экипажимизда механик ҳайдовчи Жўраев Темур бор эди, – деб гап бошлаган эдим, офицер жеркиб берди:

– Бас қилинсин!

– Парво қилма! – деди Темур ака юпатиб. – Менга барибир.

Кейин ўйласам, капитан тўғри қилган экан. Экипажимизда жанг кўрган бирон киши бўлиши керак-ку, ахир!

Октябрь ойининг охири

Бугун илк бор ўлим шарпасини сездим. Постга келганимизга бир ҳафта бўлди. Танкимизни катта йўл муюлишидаги окопга жойлаштириб олганмиз. Атрофимизда қоялар сўппайиб турибди. Нарироқда снарядлар омбори. Юз йигирмата снаряд тахлаб қўйилган. Танкнинг ўзида қирқта снаряд. Гардез томон кетаётган «ип»ни кўриқлашимиз, хавфли муюлишдан омон-эсон ўтказиб юборишимиз керак. Вазифамиз – рўпарадаги қоялар орасидан снаряд отилиб қолса, объект координатларини аниқлаб, ўт очиш.

Танк люкидан бошимни чиқариб қараб турибман. Ёмғир ёғаяпти. Олисда, иланг-биланг йўлда «ип» кўринди. (Карвонни «ип» дейишади). Бирпасдан кейин рўпарадаги тоғдан гумбирлаган товуш эшитилди. Ғира-шира кўринаётган қоя ортида тутун бурқсиди. Осмонда ғалати товуш эшитилди: машина сувдан ўтаётганида, ғилдирак қандай вошилласа, ўшанга ўхшаган овоз. Ракета снаряди карвон яқинига тушиб портлади. Чамамда, карвонга шикаст етказмади.

Люкни ёпишим билан шлемофондан командирнинг буйруғи эшитилди.

– Размах етмиш олти! Координат, – деди тушунтириб.
– Иш бошла! Бешта снаряд.

Бу бешта снаряд от, деган маънони билдирарди.

– Бешта снаряддан ўт оч! – дедим бақириб.

Танк силкиниб, ҳаммаёқни порох ҳиди тутиб кетди. Тримплексдан қараб турибман. Бояги жойда тагин тун тун бурқсиди. Атрофимизда кетма-кет снарядлар портлаб, қоятошлар ағдарила бошлади. Танк зирҳига оскол-каларми, тошларми чарсиллаб урилаётганини ҳис этиб турардим. Улар худди бошимга ёғилаётганга ўхшар, терлаб кетгандим.

– Яна бешта снаряддан ўт оч!

«У ёқ» томонда ҳам тошлар ўпириляпти. Снаряд тушган жойда тутун аралаш олов осмонга сапчияпти. «Карвон» шиддат билан гувиллаган кўйи муълишдан ўтиб, пастга шўнғиётганини тримплексдан кўриб турибман. Шу ердан ўтиб олса бас, тоғ панасига яшириниб хатарсиз жойга чиқади.

Механик Викторнинг ҳаяжонли хитоби эшитилди:

– Командир! Омборга ракета тушди!

Люкни очиш ниятида қўл чўзган эдим Виктор сўкиб берди.

— Эсинг жойидами, командир! Снайпер Бур билан пойлаб турган бўлса, пешонангдан дарча очиб қўяди.

Ёнбош томонда гумбурлаган портлаш эшитилди. Танк титраб кетди. Шу заҳоти хаёлимдан ваҳимали ўй лип этиб ўтди. «Тамом! Омборда бир юз йигирмата снаряд бор. Ҳозир портлайди-да, танкни ҳам, тўртталамизни ҳам майда-майда қилиб ташлайди». Беихтиёр комбинезон киссасидаги автомат гильзасини пайпаслаб қўйдим. Ҳамма бажариши шарт бўлган қоида бор: ўқ ўтмас нимча кийиш. Исми-шарифи, шахсий қуролининг рақами ёзилган қоғозни гильзага тиқиб, бирон жойига яшириб қўйиш. Мабодо, парчаланиб кетсанг ё куйиб кулга айлансанг, гильза барибир ёнмайди. Отингни билиб, уйингга жасадингни юборишади. Бу гаплар хаёлимдан бир сонияда кечди.

Гумбирлаш тагин такрорланди. Шлемофон рациясидан взвод командирининг товуши эшитилди:

- Размах! Тирикмисан?
- Тирикман, ўртоқ командир!
- Нега ишламаяпсан?

Буйруқни беихтиёр такрорладим:

- Яна бешта снаряддан ўт оч!.. Ўртоқ командир, омборга ракета тушди. Снарядлар портлаяпти.

- Кўрқма! – деди командир тасалли бериб. – Ҳаммаси бирдан портламайди. Охирги снаряд ёрилгунча кутасан. Танкдан чиқиш тақиқланади.

Карвон ўтиб бўлган, душман ҳам ўт очишдан тўхтаган, аммо биз ёнбошимизда портлаётган снарядларнинг гумбурлаши, танкнинг титраб-қақшашини кутиб ўтиришга мажбур эдик. Танк ичи порох ҳидига тўлиб, қизиб кетган, Хайриддин бўғилиб йўталар эди. Снарядлар эса шошилмай, битта-битта портлашда давом этарди.

- Қанча қолдийкин, Виктор? — дедим ички алоқада.

- Ким билади дейсан! – Виктор чарс чекди шекилли, димоғимга ўткир ҳид урилди.

Шлемофонда командирнинг овози эшитилди:

- Шошма, Размах етмиш олти! Кутиб тур...

... Ярим кунча кутдик. Сўнгги снаряд портлаб бўлганидан кейин ҳам йигирма дақиқалар пойлаб турдик.

Командирнинг буйруғи билан люкни очмоқчи эдим, кучим етмади. Елкамни тираб кўтарсам, қандайдир оғир юк нари сурилгандек бўлди. Люк қопқоғини харсанг босиб қолган экан. Юзимга муздек ҳаво, ёмғир урилди. Қарасам, снаряд омборининг ўрни ҳовузга айланиб қолибди. Замбаракнинг мис гильзалари бетартиб сочилиб, тутаб ётибди. Танкимиз тошлар уюми орасига кўмилиб кетибди.

Ноябрь ойининг боши

Хосиятсиз туш кўрдим. Отам ҳовлидаги сўрида ётганмиш. Тагида кўрпача ҳам йўқ, қуруқ тахта устида ётибди. Дада, кўрпача солиб берай десам, индамайди. Нуқул йиғлайди. Дадамнинг йиғлашини ҳеч кўрган эмасдим.

Қўрқиб кетибман. Ёнига югуриб борсам, дадам ғойиб бўлиб қопти.

Ярим кун хомуш бўлиб юрдим. Охири, Хайриддинга дардимни ёрдим.

- Қизиқмисан, жўра! – деди Хайриддин кулимсираб. – Кўз ёши ёруғлик бўлади. Ниятни яхши қилинг, жўра! Яхши ниятгаям, ёмон ниятгаям фаришта омин дейди.

- Айтганингиз келсин, – дедим елкасидан кучиб. Ажойиб йигит-да Хайриддин! Кўзлари шунақа самимийки, ичида ғубор йўқлиги шундоқ кўриниб туради. Танк ўқлаш эмас, бошланғич синф болаларини ўқитиш ярашади Хайриддинга!

Ноябрь ойининг ўрталари

«Губба»га тушишимга бир баҳа қолди.

Худо ярлақаб қисмга келган эдим. Онда-сонда постдан қисмга келиб-кетишга рухсат бўлади (ўшанда ҳам «карвон»га қўшилишга ижозат тегса). Постдагиларга почта, сигарет, лезвие, совун дегандек майда-чуйдаларни олиб келиш сенинг зимманга тушади. Менга хат йўқ экан. Рухим тушди. Шаҳнозадан-ку, ҳафтада хат келиб турибди. Қизиқ, уйдагилар нега ёзмайди? Тинчликмикан? Гарансиб, магазинга кирдим. Магазин тушгача офицерларга, пешиндан кейин солдатларга хизмат қилади. Инсоф билан айтганда, дўконда одамнинг жонидан бўлак ҳамма нарса бор: Югославия сигаретидан тортиб, япон магнитофонларигача, ялтироқ «сим» рўмолдан тортиб, шода-шода дурларгача...

Солдатлар ўзига теккан маош – «чек»ларга нима харид қиларди? Сигарет, зажигалка... Хайриддин қуюлтирилган сут сўраган эди (Нима қилсин, чўчқа консерваси емайди, нукул сутга ружу қўйган). Саша билан Виктор сигарет сўрашган...

Дўкон эшигидан киришим билан лабини беармон бўяган, совуқ бўлса ҳам кўксини ярим яланғоч очиб, бўйнидаги шода-шода дурни намойишкорона ялтиратиб турган сотувчи бобиллаб берди:

– Магазин ёпиқ, чиқ!

– Ҳозир очилди-ку, – деган эдим, негадир жаҳли чиқиб кетди.

– Переучет деб ёзиб қўйибди-ку, галварс! – деди бақириб. – Рус тилини биласанми ўзи? – Генераллардек қаддини ғоз тутиб буюрди. – Кругом марш!

– Эй, баба! – дедим ғазабдан титраб. – Сен ким бўпсанки, менга буйруқ берасан!

Кимдир билагимдан тутди.

– Юр, танкист, юр!

Жаҳл билан бурилиб қарасам, ёнимда бушлат кийган танкчи йигит турибди. Ўрис йигит. Танимадим-ку, ҳарқалай ўзимизнинг батальондан бўлиши керак.

– Юр, земляк, юр, – деб ташқари судради.

Беш-ўн қадам юришимиз билан рўпарадан келаётган майорга кўзим тушди. Ўлганимнинг кунидан честь бердим. Шилтилатиб қор босганча нари кетдик.

– Эсинг жойидами, земляк! – деди танкчи овозини паясайтириб. – Олиша кўрма бу хотинлар билан. Эрига бир оғиз «ҳақорат қилди», деб шипшиб қўйса, нақ трибуналга тушасан, тентак!

– Кимнинг хотини у? – дедим ҳамон ғижиниб.

– Қаёқдан билай! – танкчи елкасини қисди. – Биронта каттароқ офицернинг «прокат»га олган хотинида! Бу ерда ҳамма катталарнинг «вақтинча» хотини бор: сотувчи, кир ювувчи, санитарка... – Нотаниш ҳамкасбим ғалати илжайиб қўйди.

– Тўғри-да! Ўлсинми, булар ҳам. – У елкамга дўстона қоқди. – Сен жангга кириб, ўлмай чиқсанг, Ватан номидан раҳмат эшитасан, катта офицернинг «прокат»га олган хотини бўлса, Ватан олдидаги «хизматлари» учун орден олади! Билдингми!

Ниманидир англагандек бўлдим.

Янги келган кунларим кечалари офицерлар модули томонидан қулоғимга бот-бот кириб турган гармон товуши, хотинларнинг қийқириғи, кулгиси эсимга тушди.

– Эҳ танкист, танкист! – деди ҳамкасбим аламноқ илжайиб. – Содда экансан. Солдат уйига тирик қайтса, дипломатига бир пачка сақич солиб кетади. Ўшандаям таможняда олиб қўймаса! Офицер отпускага борса, чамадонларини самолётга чиқаргунча терлаб кетасан. Қаёқдан олади шунча нарсани? – Нотаниш танкчи овозини янаям пасайтирди. – Афғондан! Тушундингми? Афғондан.

Анграйиб қолганимни кўриб, тагин елкамга қоқди:

– Уруш ўз йўлига, ҳаёт ўз йўлига! Бизда нима кўп: дизтоплива, керосин, КАМАЗ ғилдираклари, алюмин қошиқлар... Афғонда нима кўп: радиотехника, япон соатлари, латта-путта... Қарабсанки, садо авжида. Воситачилар ҳам топилади, таржимонлар ҳам. Бир айтдим-қўйдим, танкист! Офицерни сен десанг ҳам, «прокат»га олган хотинини сиз дегин!

Ўша кеча

Ғалати туш кўрдим. Тўйимиз бўлаётганмиш. Ёнимда Шаҳноза ўтирганмиш. Эгнида атлас кўйлак, бўйнида шода-шода дур. Негадир лабини қизил бўёққа қуюқ чаплаб олганмиш. Тўйга нуқул солдатлар, офицерлар келганмиш. Тагин ҳаммаси бегона одамлар. Мутгасил гармон ғийқиллармиш. Шаҳнозани бағримга тортсам, қаршилиқ қилмасмиш... Негадир ёмғир ёғаётган эмиш. Қарасам, ёнимда ҳеч ким йўқмиш. Бир ўзим қолибман. Ёлғиз ўзим. Вужудим титраб уйғондим. Совуқ эди. Анчагача қаердалигимни билмай карахт бўлиб ётдим. Охири, постдаги «уйчамиз»ни танидим. Печка ўчиб қопти. Саша, Виктор, Хайридин уйқуни урапти...

Ноябрнинг охири

Бугун мен учун байрам бўлди. Бир йўла учта хат олдим. Акам уй ичилар тинчлигини, дадамдан асло хавотир олмаслигимни тайинлабди. Шаҳноза бўлса, ғалати гап айтибди. «Суратингиз жуда чиройли чиқибди... Пискентда Дилянинг холаси бор экан. Янги йил арафасида бориб келамиз, деб қўймапти. Майлими борсам!»

Учинчи хат устига «Жалилов Турсунбойдан» деб ёзилган экан. Хайрон бўлдим. Қайси Турсунбой бўлди бу? Э-ҳа! Мендан уч йил олдин мактабни битирган Турсунбой ака-ку! Айтмоқчи, у ҳам Афғонистонда эди, шекилли? Бундан чиқди, соғ-саломат қайтибди-да. Хайрият!

Турсунбой аканинг хати оғир таассурот қолдирди.

«Жон укам, сенинг олдингда гуноҳқорман, – деб ёзибди у. – «У ёқда» хизмат қилаётганингни акангдан эшитган эдим. Холамлардан хабар олай деб кирибманда, кўнгилларини кўтараман деб, қовун туширибман. «Хола, хафа бўлманг, ҳозир Афғонистон тинчиб қолди, мана, ўзим ҳам хизмат қилиб келдим-ку, ҳеч кўнглингизни бузманг, эрта-индин Рустамжон ҳам келиб қолади», дебман. Уйга келсам, онам қаттиқ койидилар. Эсинг борми аҳмоқ, холанг Рустамжоним Мўғулистонда хизмат қиляпти, деб юрибдилар-ку, дедилар. Қайтиб чиқдим. Бир нарса ҳеч хаёлимдан кетмаяпти, жон ука... Ҳамон ўзимни гуноҳқор сезаман... Чиқсам, холам дарвоза олдида турибдилар. Офтоб ботаётган эди. Холам қиблага қараб узоқ илтижо қилдилар... Ростини, олдиларига боришга юзим чидамади. Рустам! Укажон! Холамларга кўпроқ хат ёз. Ўзимнинг бошимдан ўтган, биламан-ку! Мен уйингдагилардан тез-тез хабар олиб тураман... Яна бир гап, ука! Худо хоҳласа, эсон-омон қайтиб келсанг, тўйингда куёв-жўра бўлмаган номард!»

Декабрь ойининг боши

Дадам яна тушимга кирди. Тоғли йўлдан «Нива» ҳайдаб бораётган эмишман. Бир қарасам, ўзимизнинг Тошкент – Кўқон йўлига ўхшайди, бир қарасам, Афғонистонга... Дадам ясан-тусан қилиб олганмиш. Бошида янги дўши... Эгнида қора костюм. Фақат оёғида доим кийиб юрадиган, оқариб кетган жигарранг этиги. Гаплашдикми, йўқми, эслолмайман. Бир маҳал осмонда вишиллаган овоз эшитилди. «Дада! Снаряд! Снаряд!» дебман бақариб. Шундоқ машина ёнида снаряд портлабди. Дадам машина эшигидан отилиб кетибди. Қарасам, тошлар

орасида йиқилиб ётибди. «Кетавер, ўғлим, кетавер» дермиш қўл силтаб. «У ёқда духлар бор, дада» десам, нукул қўл силкитармиш. «Кет болам, сен кетавер!» дермиш.

Чўчиб уйғониб кетдим... Акамга хат ёздим: «Дадам нега ёзмайдилар? Нима бўлди? Ўз қўллари билан хат ёзсинлар!»

Декабрь ойининг ўрталари

Қалин қор ёққан. Совуқ... Бу ернинг табиати ҳам, одатлари ҳам ғалати. Қиши ўлгудек совуқ. Ёзи ўлгудек иссиқ. Бошқа жиҳатлари ҳам бор. Масалан, афғон қишда кўп хужум қилмайди. Лекин йўлдан уларнинг машинаси ўтмай қолса, хушёр бўлиш керак: мина қўйган. Мабодо, «улар» икки-уч кун катта йўлдан юрмаса, демак отишма бўлади...

Одатдаги кунлардан бири эди. Кеча қор ёққан, бугун эса чиннидек тиниқ осмонда офтоб чарақлаб турибди. Тушга яқин пост рўпарасида иккита БМП тўхтади. «Шиндонга кетяпти», деб ўйладим танк ёнида турганча. Шу пайт БМПдан бушлат кийган гавдали одам сакраб тушди. Мен томонга узоқ қараб турди-да, қичқирди:

– Рустаммисан?

Овозидан танидим.

– Темура ака!

«Уйча» мизга отилиб кирдим.

– Хайриддин! Темура ака келди!

Қор босган сўқмоқдан сирғана-сирғана пастга, катта йўлга югурдик. Темура ака билан қучоқлашиб кўришарканман, димоғимга чарс ҳиди урилди.

– Бормисиз? – десам, Темура ака бош бармоғини диккайтирди.

– Чики-пики! Разведкачилар билан унча-мунча офицерларинг ҳам ўйлашиб гаплашади. Ўзинг қалайсан?

Ўша заҳоти югуриб келган Хайриддинни даст кўтардида, чирпирак қилиб айлантирди.

– Сен бола, ўзингни асра! – деди ясама пўписа қилиб.

Шунда... Темура аканинг ранги бир ҳолатга келиб қолганини, кўзларининг таги кўкариб кетганини пайқадим.

– Ҳамма жой-жойига! – деган асабий буйруқ янгради.
Темур ака яна менга кучоғини очди.

– Рустам, — деди шошқин чипирлаб. – Шу болани эҳтиёт қил! Биласан-а, имонли йигит!

– Ҳамма жой-жойига!

Темур ака ўрнидан жила бошлаган БМПга тирмашар экан, ҳайқирди.

– Хайриддин, – деди кулиб. – Эсингдан чиқмасин, укам...
Мабодо, менга бирон гап бўлса, бир калима Қуръон...

Юрагим шув этди. БМПлар қорни тўзғитганча шиддат билан узоқлашди. Қарасам, Хайриддиннинг кўзлари жиққа ёш...

Декабрь ойининг ўттиз биринчи куни

Пост командири қисмга бориб келишни буюрди. «Точка»га хат-хабарлар, янги йил дастурхонига ўзимизга яраша ноз-неъматлар олиб келиш керак экан. Шиндон томон кетаётган колоннадаги БМПга чиқиб олдим. Постларнинг ораси йигирма-йигирма беш чақирим. Қор учқунлаб турар, совуқ эди. Қанча юрганимизни билмайман. Бир маҳал карвон тўхтаб қолди. Мен ўтирган БМП карвоннинг олдироғида эди. Нима гап бўлганини билолмай машинадан тушдим. Ўша томон юрган эдим, карвоннинг энг бошидаги танкдан эллик қадамча олдинда турган БТРни кўрдим. Ҳайрон бўлиб, яқин бордим. БТР томондан кимдир зарда билан бақирди:

– ... еб ғўдайиб турибсанми, ёт!

БТР орқасида қорга дум тушиб ётган капитанга кўзим тушди.

– Ёт, аҳмоқ! – деди капитан ўдағайлиб.

Беихтиёр ўзимни панага олиб, қорга узала тушиб ётдим.

Шундагина йўл устида ғимирлаётган уч нафар солдат, уларнинг атрофида ғингшиб айланаётган овчарка итга эътибор бердим. Хаёлимга ўқдек хатарли фикр келди. «Мина бор экан!» Шунча пайтдан бери йўллар тинч эди. Бундан чиқди, «дух»лар шўравийларга байрам совғаси қилишни яхши кўради, деганлари тўғри экан.

Сапёрлар шошилмай ҳаракат қилар, кўринишидан осойишта эди. Иккитаси чўнқайиб ўтирибди. Биттаси шуф ушлагани тик турибди. Ҳаммасининг ранги ўчиб кетганини, чўнқайиб ўтирганлар дам-бадам пешонасидан оқаётган терни билаги билан сидириб ташлаётганини кейин пайқадим.

– Ўртоқ капитан, – деди чўнқайиб ўтирганлардан бири минадан кўз узмай. – «Итальянка»!

– Зарарсизлантир! – БТР панасида ётган капитан бўйнини ичига тортиб буюрди: – Зарарсизлантир!

Сапёрлар анча уринди. Атоф сокин, қор учқунлари юзимга урилаётганини аниқ эшитиб тургандек эдим. Ниҳоят, сапёр энгашган кўйи дадамнинг «Нива»сидаги ҳаво фильтрига ўхшаган, япасқи каструлкадек нарсани чуқурдан тортиб ола бошлади.

Тўсатдан гумбурлаган овоз еру кўкни ларзага солди. Тик турган сапёр билан ит бир томонга, энгашиб ўтирганлар бошқа томонга учиб кетди.

Жонҳолатда югуриб бордим. Алланимага қоқилиб кетдим. Қарасам, қор устида қўл ётибди... Қўл билакдан чўрт узилиб кетган, қон оқаётган гўшт орасидан оппоқ суяк туртиб чиқиб турар, бармоқлар эса нуқул қорни чангаллаб ғимирлар эди.

Даҳшат ичида ўзимни орқага ташладим. Оёғим остида одам боши думалаб ётарди. Кўзлари ола-кула, тилини ғарчча тишлаб олган... Бир қаричча сарғимтир кекиртак ҳамон нафас олаётгандек қорда биланглайди... Қандайдир ёвуз, бешафқат қўл шўрлик каллани кекиртаги билан узиб олган-у, улоқтириб юборгандек. Чучмал қон иси димоғимни ёриб юборгудек бўлди.

Кўз ўнгим қоронғулашиб чўккалаб қолдим. Кўнглим ағдарилар, лекин қуса олмасдим.

Январь ойи

Бир ҳафта ухлолмадим. Кўзимни юмдим дегунча қорда думалаб ётган калла, биланглаётган сарғимтир

кекиртакни кўраман... Хаёлимга мудҳиш ўй келади. Сен ҳам ўша боланинг ҳолига тушишинг мумкин.

Февраль ойининг ўрталари

Ниҳоят, дадамдан хат келди. Акам отамнинг хатини ўзиникига қўшиб жўнатибди.

«Рустамжон! Ўғлим! – дебди дадам. – Соғ-саломатми-сан? Нега мендан хавотир оласан, болам! Худога минг қатла шукур, мен яхшиман. Биласан-ку, колхозда иш кўп. Годовой атчўт пайти... У ёқларга кетганинг учун мен ҳам айбдорман. Олиб қолишим керак эди. Ўша пайтда кўлимдан келарди... Майли, қирқ йил қирғин бўлса, ажали етган ўлади. Биламан, Рустамжон! Сен – азамат йигитсан... Онангни куйдирма. Тез-тез хат ёзгин. Онанг шўрлик бу дунёга келиб, нима рўшнолик кўрди!...»

Февраль ойининг ўрталари

Постда БТР тўхтади. Бир гуруҳ йигитлар постдаги «уйча»мизга қора чопон кийган, салла ўраган эчкисоқол «дух»ни судраб киришди. Пост бошлиғи бир ёққа кетганмиди, атайлаб ғойиб бўлдими, билмайман. «Дух»ни суюнчиқли курсига ўтқазиб оёқ-қўлини чандиб боғлашди. Аллақаердан сим топиб, бир учини аккумуляторга улашди-да бир учини «дух»нинг оғзига тиқишди. Афғон аъзойи-бадани қалтираб, ўкириб юборди. Бошидан салласи учиб кетди... «Дух» қанча ўкирса, йигитлар шунча завқланиб хо-холар эди. Афғон ҳушига келганида нукул бир гапни қайтарарди: «Ман – дўст! Ман – дўст!»

– Дўст бўлсанг, автоматни қаёққа олиб кетаётгандинг? Нега қочдинг? – Йигитлар шундай деб, симни яна оғзига тиқади. «Дух» кўзи косасидан чиқиб дод солади.

Хайриддин бунақа томошага тоқат қилолмади, шекилли, югуриб ташқари чиқиб кетди. Биламан, Хайриддин пуштунчани озми-кўпми тушунади. Кетидан чиқсам, ранги ўчиб кетган, юзига қор ишқалааяпти.

– Нима гап? – деган здим, тушунтирди.

– Йигитлар туяда қурол олиб кетаётган «дух»ни қўлга туширибди. – Хайриддин юзини бурди. – Одам боласини шунчалик қийнаш шартми, жўра!

Бир маҳал «уйча»дан Саша чиқиб келди.

– Парво қилма, командир! – деди елкамга кафтини босиб. – Аккумулятор токи одамни ўлдирмайди. Бирпас «танца» туширишади-да, «дух»ни сарандойларга топшириб юборишади...

Февраль ойининг охири

Кечаси билан тишим оғриб чиқди. Жағ тишим... Худди биров миямни эринмасдан пармалаётганга ўхшайди. Шунақанги азоб бердики, думалаб бўкиргим келарди. Хайриддин ҳам мижжа қоқмади. Гоҳ сочиқни печка дудбуронида иситиб, лунжимга босади, гоҳ илиқ сув ичириб кўради. Виктор тумшуғимга чарс тиқиштиради... «Битта тортгин, ўтиб кетади», дейди. «Йўқот!» дейман...

Эрталаб туриб синиқ кўзгуга қарасам, чап лунжим оқиб тушган нонга ўхшаб қопти. Пост бошлиғи ҳазиллашди:

– Зиёни йўқ сержант. Тўйинг бўлгунча тузалиб кетади.

«Тузалиб кетармиш! Ўзингники шунақа оғрисин, лунжимдан яраландим, деб медалга ёздирарсан!»

«Дард кетидан қувонч келади», деганлари рост экан. Уйдан хат олдим. Илҳом акам ойимнинг гапларини сўзма-сўз ёзиб юборибди.

«Рустамжон, жон болам. Мўғулистонда совуқ қаттиқ бўлади, дейишади. Қийналаётганинг йўқми? (Ойим малладес-да! Қаерда юрганимни мендан яхши билади-ку, ҳар хатимни «Қардош Мўғулистондан салом» деб бошлаганим учун мени ёлғончи қилгиси келмайди). Худодан соғлигингни тилаб ўтирибман. Қаерда бўлсанг ҳам жонинг омон бўлсин... Янги йил арафаси уйимизга меҳмонлар келди: учта қиз... Бири-биридан чиройли, бир-биридан одобли. Айниқса, биттаси бошқача экан. Оти – Шаҳноза. Менга нима деди дегин? «Ойижон, – деди. – Ташвиш қилманг, Рустам ака эрта-индин келиб қола-

дилар», деди. Қанийди, менга шундоқ келин ато қилса. Насиб этса, келишинг билан тўйни бошлаймиз. Ўша қиз сен билан ўқийдими? Онам рози бўлсин десанг, ҳар куни хат ёз Шаҳнозага!»

Чехрам ёришиб, тишимнинг оғриғи ҳам эсимдан чиқиб кетди. Вой Шаҳноз тушмагур-эй! Вой шум-эй!

Март ойининг охирлари

Баҳор – барчага баравар! Шоҳона саройлар олдидаги гулзор нима, гўристонда маъюс дўппайган қабрлар нима – танлаб ўтирмайди. Ҳаммасини бир текис майсаларга буркайди. Барчасига баравар меҳр ила чечаклар улашади.

Кеча пастга, сув бўйига тушдим. Катта йўл четида қачондир узилиб кетган танк занжири занглаб ётибди. Худди аждар терисига ўхшайди. Қарасам, «аждар териси» орасида бир нима қизариб кўриняпти. Яқин бордим... Танк занжири орасидан майсалар гуркираб ўсиб чиқибди. Иккита қизғалдоқ баҳор шабадасида силкиниб турибди... Дўзах оловида ёнган занжирни ҳам, урушни ҳам, мениям масҳара қилаётгандек... Ажиб ҳақиқатни англагандек бўлдим.

Баҳор учун – барча баравар. Кўклам қуёши рўпарада, доvon томонда туриб бизларга реактив снаряд отаётган «дух»нинг бошидан қанча мўл-мўл нур сочса, душманни танкдан ўққа тутаётган бизнинг бошимиздан ҳам шунча нур сепаверади. Баҳор шабадаси бизнинг юзимизни қанчалик эркалаб сийпаласа, уларниям шунчалик сийлайверади...

Баҳор – урушни тан олмайди!

Апрель ойининг боши

Шаҳноза ўрисча, ўзбекча газеталардан қирқиб олинган мақолаларни хатига қўшиб юборибди. Деярли ҳаммасида қайта қуриш, ошкоралик деган сўзлар... Мақолалардан бирида Афғонистон уруши адолатсиз эканини ёзибди. Бу гапни жудаям аниқ қилиб айтмаган бўлса ҳам маъно шунга келиб тақалади. Хайрон бўлдим. Бу ёқда

замполитлар қахрамонликка ундайди, савр инқилоби душманларига шафқат қилмасликка чорлайди. У ёқда...

Апрель ойи

Билмаган одам уруш деганда нукул отишмалару портлашларни тушунади. Тўғри, отишмалар ҳам бўлиб туради, портлашлар ҳам. Бироқ энг жонга тегадигани бу эмас. Энг ёмони – ҳамиша кўнглинг ғаш бўлиб юрасан. Негалигини ўзинг билмайсан. Янаям ёмони – зерикиш, ўлик сукунат. Снаряд қутиларию тошлардан наридан-бери кўнқайтириб ясалган «уйча»дан туриб, ҳар куни бир хил манзарани кўрасан. Куну тун бир хил манзара. Шундан кўра тезроқ отишма бўлишини ёки экипажингни «точка»дан олиб, жангга ташлашларини хоҳлаб қоласан...

Ўша куни

Тушлик пайти Хайриддин кўринмай қолди. Кўрқиб кетдим. Югуриб «уйча»дан чиқсам, қоятошлар орасидаги сўқмоқдан битта-битта юриб тепага кўтариляпти. Қўлида лолақизғалдоқлар, чўл чучмўмалари...

– Э, қаёқда юрибсиз? – десам, маъюс жилмайиб кўйди.

– Биласизми, жўра? – деди гул териб юрганидан ўзи хижолат бўлгандек кулимсираб. – ўйлаб қарасам, уруш тескари ҳақиқат дегани экан. Одам бўлгинг келса, шафқатсиз бўл. Ўлгинг келмаса – ўлдир. Қизиқ-а, жўра...

Апрель ойининг ўрталари

Тагин тишим оғрий бошлади. Оғриқ кучайгандан кучайиб, дод дейдиган аҳволга келдим. Нима қилай, ахир! Бошимни деворга уриб ёрсам қутуламанми бу азобдан!...

– Хайриддин! Танқда омбур бор, олиб келинг, жон дўстим!

Хайриддин худди ўзининг жони оғриётгандек юзимни силади.

– Сабр қилинг, жўражон! Дардни берган Худо давосиниям беради.

Тажангганиб турганимни кўриб, юпатди.

– Хафа бўлманг, жўра, насиб этса, ҳаммаси изга тушиб кетади. Тиш оғриғи, кўз оғриғи – қутлуғ дард. Ухланг, жўра.

Уйқу келса, қани! Хаёл минг кўчага олиб киради. Уйимиз кўз ўнгимга келди. Ойим... Дадам... Шаҳноза... Ўзимизнинг анҳор... Ўзимизнинг наъматак...

Ўрнимдан турдим. Эшик ғийқиллаши билан Хайридин уйғонди.

– Оғрияптими? – деди уйқу аралаш хавотирланиб.

– Йўқ, дўстим, ётаверинг!..

Ташқари чиқиб, харсанг қиррасига ўтирдим. Салқин шамол эсиб турибди. Чигирткалар мастона нағма чалади. Ҳаммаёқ сокин.

Бир маҳал Хайридин ёнимга келиб ўтирди. Озғин елкаси билагимга тегиб турибди. Осмонда янги ойнинг олтиндек тиниқ, нозик ўроғи ялтирайди. Ҳов нарида, рўпарадаги қад кериб турган тоғлар ғира-шира нур қўйнида мудраб ётибди. Гавҳар доналаридек йирик-йирик юлдузлар сирли порлайди. Ана, Олтин Қозик, Униси – Катта Айиқ.. Ҳов ана, кунботар томонда Зухро юлдузи милтиллаб турибди. Бир вақтлар Хумсонга – Опоқтоғамникига борганимда кечаси худди шунақа манзарани кўрган эдим... Ҳаммаси таниш, ҳаммаси қадрдон. Ва ҳаммаси... сенга ёт...

– Ўша ой, ўша юлдузлар... – дедим ўзимга-ўзим. – Аммо барчаси бегона...

Хайридин кулди. Елкалари силкиниб кетди.

– Шунақа денг?

Ҳайрон бўлиб бурилиб қарадим. Қизиқ, Хайридин камдан-кам кулар эди.

Ҳозир бўлса, елкалари силкиниб-силкиниб кулаяпти.

– Бегона денг, жўра! – деди ҳамон кулиб. – Улар бизга бегона эмас, биз уларга бегонамиз!

Кейин тўсатдан кулгиси кесилди.

– «Донолар ҳаётни кузатурлар жим»... – деди ўйчанлик билан. – Ёзуғимизни қарангки, ҳаётни идрок этишга ҳам қўймадилар...

Бир ҳафтадан кейин

Бахтимга карвон ўтиб қолди. Пост бошлиғи карвонни бошқариб бораётган капитандан мени медсанбатга олиб боришни илтимос қилди.

– Навбатдаги «ип» билан қайтасан.

Қисмгача эллик чақиримдан кўп. Бир қўлим билан жағимни чангаллаб, бир қўлимда автоматим солинган сафар сумкасини ушлаган кўйи йўл-йўлакай инқиллаб бордим. (Қоида шунақа: ҳар қандай вазиятда ҳам қўлдан қуролни қўймаслик керак).

Тиш дўхтир, мендан ҳам найнов, гавдали йигит экан. Пармаловчи машинасини кўришим билан оғриқ тақа-тақ қолса денг! Дўхтир дўмбира бўлиб кетган жағимни сийпалаб кўрди. Оғзимга ялтироқ темир тикиб, томоша қилди... Бир маҳал миямга биров мих ургандек ўкириб юбордим.

– Томоша қил! – деди дўхтир омбирга қисилиб турган, ярми кўкариб кетган тишимни бурним тагига тикиштириб. – Уч кун фурацилин билан оғзингни чайиб турасан!

... Батальонга етиб келганимда рухсат этилган муддат ўтиб бўлган эди. Буёғиям «точка»га йигирма чақиримча бор. Танк батальони командирига шундоқ-шундоқ, деб аҳволни тушунтирдим.

– Бугун-эрта йўлга чиқадиган карвон йўқ, – деди капитан. – Майли, бир йўлини қиламиз, еттинчи постдан яна бир солдат бор.

«Яна бир солдат» дегани Хайриддин экан! Минг йил кўришмагандек, қучоқлашиб кетдик.

– Тишингиз тузукми? – деди юзимга тикилиб.

– Қутулдим! Ўзиям лўмбоздек экан. Илдизи учта!

– Сизсиз жуда сиқилиб кетдим, – деди Хайриддин маъюсланиб. У постдагиларга почта олгани келган экан.

– Менга хат йўқми? – десам, айбдорона бош чайқади.

– Ташвиш қилманг, жўра, – деди юпатиб. – Янаги сафар, албатга, келади. – Бир зум ўйланиб турди-да, юзимга тезгина қараб олди. – Пост бошлиғи нега рухсат берганини биласизми? – деди сирли кулимсираб. – Бугун – менинг туғилган куним.

Қайтадан кучоқлаб, қутладим.

Бир маҳал комбат чақириб қолди.

– Зампотехдан илтимос қилдим. Сенларни йўлдан ташлаб кетади.

Сочларига оқ оралаган майор мен билан Хайриддинга қараб қўйдида, норози тўнғиллади:

– Қайси аҳмоқ бир экипаждан бира тўла икки кишига рухсат берди?

Бироқ комбат билан олишиб ўтиргиси келмади, шекилли, бизларга буюрди:

– Чиқ иккалангам бортга!

Шоша-пиша «Урал» машинасига чиқиб олдик. Машинада юк йўқ эди ҳисоб. Иккита танк аккумулятори, битта эски баллон. Резина ғилдиракка ёнма-ён ўтириб, гурунглашиб кетдик. Бугун Хайриддин ҳар пайтдагидан шод эди, дам-бадам жилмайиб қўярди.

– Хат келди, – деди кулимсираб. – Онам туғилган куним билан табриклаб, суратини юборибди. Худди шу бугун келганини қаранг...

– Қани? – деб қўл чўзган эдим, хижолат чекиброқ суратни узатди.

Бошига гулдор рўмол ўраган аёл Хайриддинникига ўхшаган ўйчан кўзлари билан маъюс термулиб турарди.

Қизиқ, нимасинидир ойимга ўхшатдим... Ҳамма оналар бир-бирларига ўхшайди, шекилли. Сурат орқасига нотекис ҳарфлар билан ёзилган сўзларга кўзим тушди... «Оллога топширдим, болам! Ўзингни эҳтиёт қил...»

Негадир машина тўхтади. Иккаламиз баравар ўрни-миздан туриб кетдик. Машинамиз адир тепасида тўхтаган, пастда, анча олисда қоя панасидаги муюлишда «Бурбухайка» (афғонларнинг юк машинасини шунақа деймиз) турар эди. Олисда, қонталаш уфқда қуёш оғиб боряпти. Қатъий қоида бор: афғон машиналари қатта йўлдан қоронғида юриши тақиқланган. «Бурбухайка»-нинг кечга томон йўлга чиққани шубҳали кўринганми, бир чеккада тўхтаб туришими, ҳарқалай, кекса майор «Урал» кабинасининг зинасида турганча ўша томондан

кўз узмас эди. «Бурбухайка»дан беш-ўн қадам нарида, йўл устида қора чопонли бир одам тик турар, яна битта-си чўнқайиб ўтирарди.

«Мина қўйяпти!» Хаёлимга яшиндек урилган фикрдан сесканиб кетдим. Душманнинг куппа-кундузи мина қўйиши ақлга сигмайдиган гап! Лекин улар ҳам айнан шунақа – шубҳадан ҳоли пайтни танлаган бўлиши мумкин. Кейинги кунларда йўллар камқатнов бўлиб қолган, пастқам жой... Майор кабинага ўтириб, эшикни қарсиллатиб ёпди.

– Ҳайда!

Бояги одамлар мотор овозини эшитиб, шу томонга қарадию шоша-пиша машинасига югурди. «Урал» пастликка шўнғиди. «Бурбухайка» ўрнидан жадал жилиб, юриб кетди. Бояги жойга етиб келганимизда янги кавланган чуқурга кўзим тушди. Ҳўл тупроқ қорайиб турарди. Майор кабина деразасидан бошини чиқариб, «Бурбухайка» томонга автоматдан ўқ узди. Трассаланувчи ўқлар оловли из қолдириб учиб бораётгани кўриниб турар, бу – тўхта, деган буйруқни билдирарди.

«Бурбухайка» тўхташ ўрнига шиддат билан елиб борарди. Хайриддин иккаламиз автоматларга ёпишдик. Афғон машинаси зум ўтмай тепалик ортига шўнғиб, кўздан йўқолди. «Урал» қир устига чиққанида «Бурбухайка» тағин кўринди. Йўлнинг чап томонида, бир чақиримча нарида қишлоқ кўзга ташланарди.

Энди ҳаммаси аён эди. «Дух»лар ими-жимида мина қўйиб, қоронғи тушмасдан қишлоққа кириб олишни мўлжаллаган. Эрталаб ҳеч нима бўлмагандек, яна йўлга кетаверади.

Майор ўша томонга тағин ўқ узди. «Бурбухайка» катта йўлдан қишлоқ томонга бурилиб, адр тепасига чиқа бошлади. Аммо йигирма-ўттиз қадам юрмасдан кечаги ёмғирдан кейин аталаси чиқиб кетган лойда тайғона-тайғона тўхтаб қолди. Кучаниб вағиллаганча ғилдиракларидан лой сачратишга тушди. Бизнинг машина рўпарага келиб тўхташи билан, «Бурбухайка» кабинасида автомат тариллади. «Урал»нинг чап эшиги тарақлаб

очилганини эшитдим. Хайдовчимиз бошини чангаллаган кўйи чинқирганча кабина зинасига йиқилганини кўрдим-у, ўзимни ерга ташладим. Қарасам, ёнимда Хайридин ётибди. Ранги қув ўчиб кетган...

Майор ўнг эшиқдан тушди. Оқсоқланиб кабина олди-га ўтди-да, «Бурбухайка»га тўхтовсиз ўқ уза бошлади.

«Бурбухайка» эшиги ҳам очилди. Саллалари бир одам лойда тайғониб тепаликка қоча бошлади. Аниқ кўриб турибман, «дух» бошини елкаси орасига тортиб, лойда сирғана-сирғана қочиб борар, қўлида қуроли йўқ эди. Ё отишмада қуроли ишдан чиққан, ё автомат шеригида қолган. Ҳозир буни ўйлаб ўтиришга вақт йўқ эди.

– Тўхта! – Хайридиннинг овозида ҳаяжон, аниқроғи кўрқув борлигини ҳис этдим.

– Тўхта! – деди Хайридин адир томон югуриб. У қандайдир дақиқалар ичида «дух»га яқинлашиб борди. Орада беш-олти қадам қолди. Жонҳолатда кетидан югурдим.

– Қўлингни кўтар! – деди Хайридин қичқириб. «Дух» тўхтади. Секин бурилиб қаради-да, қўлини кўтарди. Бошида салла, қоп-қора соқоли кўксига тушган, ранги қув ўчиб кетган эди. Хайридин ҳамон югуриб борар, негадир автоматини ўқталиш ўрнига ҳадеб бир сўзни такрорларди:

– Қўлингни кўтар!

«Дух» ерга энгашгандек бўлди. Қўлида пичоқ ярақлади.

– Отинг, Хайридин! От! – дедим нафасим бўғзимга тикилиб. Шунда кутилмаган иш бўлди. «Дух» бир ҳамла билан Хайридиннинг автоматини қўлидан учуриб юборди. Етиб борганимда Хайридин чалқанчасига ағдарила бошлаган эди. «Дух» унинг автоматига энгашганида жағига тепдим. Салласи учиб кетиб, тақир боши яланғочланиб қолди. Қаддини ростламоқчи эди, яна тепдим. Томоғидан ғиппа олиб, қанча бўғиб турганим ёдимда йўқ. Хириллаб оғзидан кўпик келди. Типирчиламай кўйди. Шундагина ҳушим жойига келди. Йўқ, хириллаётган «дух» эмас, Хайридин экан. У шундоқ ёнимда ётар, қонталаш уфққа тикилиб қолган, кўзлари ўйчан ва сокин эди.

– Нега? – деди инграб. – Мен уни отмоқчи эмасдим-ку...

Оғзидан қон сизиб, лабининг четидан оқиб туша бошлади. Негадир йўталди. Оғзидан варақлаб қон келди.

– Хайриддин! Дўстим! – Хўнграб йиғлаб юбордим.

Қандайдир ички сезги билан «дух» ғимирлай бошлаганини ҳис этдим. Илкис қарасам, чўккалаб Хайриддиннинг ерда ётган атоматига қўл чўзаяпти. Ёқасидан бўғиб силкита бошладим.

– Нима қилдинг, мараз! Нима қилдинг! – дедим йиғлаб.

– Қўйиб юбор! – У ожиз типирчилаб билагимга осилди. – Қўйиб юбор!

Шундагина бир нарса шууримга етди: «дух» ўзбекча гапираётган эди.

– Сен... – дедим ғазабдан қалтираб. – Сен... Ўзбекмисан? Буям ўзбек-ку! – Башарасига кучим борича мушт туширдим. – Буям мусулмон боласи-ку, ит! Нима ёмонлик қилди сенга!

– Сенлар ўзбекми! – «Дух» ёрилган лаблари орасидан қон тупуриб, тишларини ғижирлатди. – Йўқ! Сенлар ўзбекмас! Сенлар мусулмонмас! – У эсдан оғгандек хохолаб кулди. – Сенлар «шўравий»! Ким чақирди сени бу ерга! Ўз юртингни сотиб бўлиб, энди Афғонни ҳам ҳаром қилмоқчимисан! Тўнғиз!

Хайриддин қаттиқ хириллади. Бир лаҳза кўзим тушиб қолди. Ботиб бораётган қуёшдан мадад олмоқчи бўлгандек ўша томонга қўл чўзиб, қаддини ростлашга уринган эди, йиртилиб кетган комбинезони остидан қонга беланган ичаклари қайнаб чиқди.

Қорасоқолнинг кўкрагини мўлжаллаб тепкини босдим. У ётган жойида бир сапчиди. Тепкини босиб туравердим. Бош чанағи ёрилиб миясининг қатиғи сачраб кетганини, гўштлари, суяклари парча-парча бўлиб атрофга отилаётганини кўриб турардим. «Магазин»даги ўқлар тугади, шекилли, автоматнинг тариллаши эшитилмай қолди. Фақат «А-а-а-а!» А-а-а-а!» деган ваҳший ҳайқириқ ҳамон ҳавони титратар эди. Кейин билсам... бақираётган ўзим эканман.

Бир маҳал ҳаммаёқ жимжит бўлиб қолди. Оёқ-қўлимдан мадор кетиб, Хайриддиннинг ёнбошига чўккаладим. У ҳамон уфққа тикилиб ётар, очиқ кўзларида ҳайратми, ийманишми, шунга яқин ифода муҳрланиб қолган. Кўм-кўк ўтлар устида ичаклари айқаш-уйқаш бўлиб чўзилиб ётганидан уялгандек, уларни қорнига қайтиб солишга уринаётгандек, нозик бармоқлари билан чангаллаб олган эди.

– Бўлди, танкист, бас...

Бошимни кўтариб қарасам, ўн қадамча нарида кекса майор турибди. Бошланг, оқ оралаган сочлари ёйилиб чеккасига тушган...

– Тур, энди, ўғлим...– деди йиғлаб.

«Бурбухайка» кабинасида яна бир «дух» мук тушиб ётар, йўл устида тўхтаб қолган «Урал»нинг ойналари чил-чил бўлиб кетган, бизнинг ҳайдовчи қонга беланиб, зинада узала тушган кўйи қотиб қолган эди.

...Заставага келган заҳоти айтган биринчи гапим шу бўлди:

– Виктор! Чарсдан ол!

...Саша билан Виктор уч кунгача Хайриддиннинг овқатини тўшаги бошига келтириб қўйиб юришди... Одат шу экан... Мен эса дўстимнинг руҳига ўзим билганча дуойи фотиҳа ўқидим...

...Хайриддиннинг ўрнига бошқа ўқловчи юборишди: латиш бола экан. Қизиқ... Яхши йигит эди-ку, негадир ҳаммамиз бегонасираб турардик. Кейин билсам, Хайриддинни бутун экипаж яхши кўриб қолган экан. Виктор ҳам, Саша ҳам...

Июнь ойи

Ҳайрият, постга бошқа экипаж юбориб, бизнинг танкни қисмга қайтариш ҳақида буйруқ бўлди. Албатта, қисм ҳам – жоннинг ҳузури эмас. Тез-тез йўлга чиқиш, колонналарни ҳимоя қилиб, «объект»ларга кузатиб қўйишга тўғри келади. Бошқаларни билмадим-у, менга «точка»да туришдан кўра шуниси кўпроқ ёқади. Ҳарқалай, қисмда одам кўп... Кунинг тезроқ ўтаётганга ўхшайди...

Барибир Хайриддин хаёлимдан кетмайди. Қаёққа қарамай рўпарамга келиб, маъюс жилмайиб тураверади. Уруш одамнинг дийдасини қотириб юборади дейишади. Бўлса бордир. Аммо келиб-келиб, фариштадек беозор йигитнинг ўлиши...

Ўйламай дейман-у, барибир хаёлимга келаверади. Ана, эс-хушини йўқотиб, телбаваш бўлиб қолган она темир қутини қучоқлаб дод соляпти. Қути ичида ётган қорақош, қорақўз ўғлини кўриб тургандек... Темир тобут нега бунчалик совуқлигини, формалин ҳиди қаёқдан келаётганини ўйлашга ҳоли йўқ. Билмайдики, қути ичида жондан азиз боласининг ичак-чавағи ағдарилиб ётибди...

Июнь ойининг 22-куни

Чақчаронга карвон олиб бордик... Ўқ-дори ортилган КамАЗлар, бензовозлар, ҳатто автокран ҳам. Карвонни кузатишнинг аниқ тартиби бор. Энг олдинда бошқарувчи танк, кетидан БТР, ундан кейин КамАЗлар, кейин тагин танк, кетидан бошқа КамАЗлар, бензовозлар, автокран... орқасидан яна БТР, уларнинг кетидан бизнинг танк, оптимиздан яна иккита БМП...

Одатда, бошқарувчи танкда, минага дуч келса, бешикаст портлатадиган мослама бўлади. «Тухум» дейди. Аммо мина дегани ҳам анойи эмас. Баъзан карвон энди ўтиб бўлди деганинда, тўсатдан портлаб қолади. Механизми шунга мослаштирилган... Хуллас, йўл олис, хатарли эди. Энг хавфлиси қишлоқ яқинидан ёки чакалакзор орасидан ўтиш. Хайрият, манзилга омон-эсон етдик.

Қайтишда тагин ўша тартибда йўлга тушдик. Бошловчи танк, юкини бўшатган бензовозлар, БТР, юкини алмаштирган КамАЗлар, БМП, яна КамАЗлар, бизнинг танк, оптимизда иккита БМП...

Атроф бийдек чўл. Танк ичи бир қарич чангга тўлиб кетган. Нафас олиб бўлмайди... Бунақа пайтда ўқ ўтмас нимча уёқда турсин комбинезон ҳам ортиқчалик қилиб қолади. Икки кеча ухламаганмиз. Автоматим тасмасини люк қопқоғига илганча, туйнукдан бошимни чиқариб

боряпман. Кўзим юмилиб кетяпти. Бир лаҳза, ақалли бир сония ухлаб олгим келади.

Викторнинг хавотирли овозидан чўчиб уйғонгандек бўлдим.

– Мой босими тушиб кетяпти, командир. Мотор қизиб кетди.

Бошловчи танкка хабар қилдим.

– Ўртоқ командир! Етмиш олтинчининг мотори қизиб кетяпти.

Шлемофонда капитаннинг ҳорғин овози эшитилди:

– Тушундим... Олтмиш бир! Ортиндаги «кутилар» сени кутади.

Демак, тўхташим керак: «олтмиш бир» дегани – тўхта, деган маънони англатади. «Кутилар» эса орқада келаётган БМПлар.

Карвон чанг кўтариб, йўлида давом этди. Бизлар бийдек чўлда тўхтаб қолдик. Орқамизда турган БМПдагилар хуноб бўлишар, ҳар лаҳзада «тезроқ бўл, броня» деб қисташар эди.

Йўлга тушдик. Уч-тўрт чақирим юрмасдан танк яна секинланди.

– Командир! – деди Виктор хавотирланиб. – Мотор қизиб кетди. Яна бир чақирим юрсак, двигатель ишдан чиқади.

Танк ичи чиндан ҳам дўзахдек қизиб борар эди.

Бошловчи танкни чақириб, вазиятни тушунтирдим. Шлемофондан капитаннинг норози тўнғиллагани эшитилди:

– Олтмиш бир. Сабр қил, шатакка олишади.

Люкдан бошимни чиқариб, атрофни кузатдим. Қуёш аёвсиз қиздирар, кўз илғагунча кетган қумликлар кўнгилда ғашлик уйғотар, олисда, йўлнинг ўнг томонида чакалакзор кўзга чалинар эди. Бехосият жой...

Бошқа танк келиши билан машинадаги сим арқонни унинг «думи»га уладик. Танк вағиллаганча орқасидан қуюқ тутун, чанг-тўзон кўтариб судраб кетди. Оптимиздаги БМПлар ҳам йўлга тушди. Ҳамон люкдан бошимни чиқариб, кузатиб борардим.

Пинакка кетдим, шекилли... Онамни тушимда кўрдимми – ўнгимдами, билмайман. Аммо овози қулоғимга ўқдек кирди:

– Кўзингга қара, болам, чуқур бор!

Даҳшатли гумбирлашдан танк силкиниб кетди. Бошим люк қопқоғига урилиб, ҳушимни йўқотдим. Хаёлим жойига келганида, беихтиёр энгашиб, пастга қарадим. Ўнг томондаги занжир узилиб кетган, танк мина портлаганда пайдо бўлган чуқурга ёнбошлаб қолган эди. Нариги танк минадан қандай ўтиб олгани-ю, нега бизники портлаганига ақлим етмасди. Ўша заҳоти чакалакзор томонда автомат тариллади. Бошим устидан ўқлар визиллаб ўтаётганини эшитиб беихтиёр люк қопқоғини ёпдим. Танк яна бир силкинди. Викторнинг ҳаяжонли ҳитоби эшитилди:

– Танк ёняпти, командир. Миноёт тушди!

Чиндан ҳам зум ўтмай, машина ичини аччиқ тутун қоплаб, ҳеч нима кўринмай қолди.

– Эвакуация люкига! – дедим бақириб.

Экипаж тушиб бўлишини кутиб турдим-да, охири ўзим ҳам танк тубидаги люкдан эмаклаб ерга тушдим.

Танкимиз қуюқ тутун ичида қолган эди. Чакалакзордан муттасил автомат тариллар, орқадаги БМПлардан бири оёғи осмондан бўлиб ётар, атрофни дод-вой, сўкинишлар тутиб кетган, нариги танк эса, замбарагидан чакалакзор томонга кетма-кет ўқ отар эди.

Атрофда ўқлар чийилларди. «Ўқ чийилладими, демак, четга кетган бўлади, ўзингга тегадигани овоз чиқармайди», деган эски ақида хаёлимнинг бир чеккасида турган бўлса-да, танк панасидан чиқишга юрагим бетламас эди. БМПдагилар пишиқ йигитлар экан. Чакалакзор томонга муттасил ўқ узишарди. Тутаб ётган танк олдига эмаклаб чиқдим. Чакалакзор томонга автоматдан кетма-кет ўқ ўздим. Белим жиз этгандек бўлди. Тўғриси, оғриқ ҳам, кўрқув ҳам сезганим йўқ. Автомат қўлимга ёпишиб қолганга ўхшар, ҳеч нимани ўйламай, нуқул отгим келарди. Ўша томон эмакларканман, ёнбош томонда биров гапиргандек бўлди. Беихтиёр бурилиб қарадим.

– Мама! Мама!

Димоғимга калла куйдирганда чиқадиган исга ўхшаган ҳид урилди. Қарасам, Сашанинг сочлари ёниб, жизғанақ бўлиб кетибди. Комбинеzoneи куйиб, баданига ёпишиб қолган, юзлари қорайиб кетган...

– Мама...– деди алаҳсираб. – Мамочка...

Тўхтовсиз ўқ узганча, чакалакзорга югурдим...

Отишма қандай кутилмаганда бошланган бўлса, шундай тугади. Атрофга сукунат чўкди. Ҳамон офтоб чарақлаб турар, чакалакзор тутун ва оловга бурканган эди. Рўпарамда Виктор пайдо бўлди.

– Командир! – деди қўрқувдан кўзлари олайиб. – Ҳаммаёғинг қон-ку, Рустам!

Ажаб! Ҳамон оғриқ сезилмасди. Белимни ушлаб кўрсам, кафтимга илиқ хўл нарса уннади. Жон аччиғида уч-тўрт қадам юриб кўрдим. Кейин тўсатдан йиқилиб тушдим.

... Гувиллаган овоздан ўзимга келдим... БМПда кетаётганимни ғира-шира англадим. Йўқ, аввал димоғимга аччиқ ҳид урилди. Кўзимни очсам, шундоқ Сашанинг бошига юзимни қўйиб ётибман. Чамаси, Саша тамом бўлган, боши муздек, ҳамон куйинди ҳиди анқир эди. Қон, аралаш куйинди иси... Кимдир қорнимга қўлини ташлаб олган... Велим чидаб бўлмас даражада оғрир, сув ичгим келарди... Жаҳл билан силтаб тортган эдим, ўша – кимнингдир қўли шилқ узилди-да, худди саржин ўтиндек, лўп этиб олдимга тушди... Яна хушдан кетдим.

Кечаси

Медсанбат дўхтири – сочлари оқарган киши бошимда жилмайиб турибди.

– Омадинг бор экан, солдат! – ўқ танк зирҳидан сачраб, белинга тегибди. Агар аортага тегса борми, ҳозир яшиқда ётган бўлардинг... – Гўё мен жарроҳлик илмини сув қилиб ичиб юборгандек тушунтирди. – Умуртқа поғонасининг думғаза қисмидан иккита аорта томири ўтади. Тушундингми? Ўқ ўшанга тегса, тамом эдинг! Ё бир сан-

тиметр ўнгроққа – умуртқага санчилса, бир умр инвалид бўлиб қолардинг.

Оғриқ баттар кучайган, аъзойи баданим ёниб борар, чанқаб кетган эдим.

– Маша! – деди дўхтир эшик томонга қараб – Уролог қаёққа йўқолди?

Оппоқ халат кийган ёшгина, дўмбоққина жувон кириб келди.

– Текшир буни! – деди кекса дўхтир зарда билан. – Сенга тааллуқли жойи борга ўхшайди.

Қарасам, дўмбоқ жувон бемалол чойшабни очиб, белимдан пастини яланғочлаяпти. Бир камим шу қолувди!

– Доктор! – дедим ялиниб. – Керакмас. Мен соппа-соғман! Илтимос!

– Илтимос эмиш! – кекса дўхтир қалин қошини чимирди. – Булар ҳаммаси олифта! Бронжилет кийса, ҳақи кетади! – деди қовоғини солиб. – Биламан, ўлмайсан! Аммо эшитиб қўй; уйингга борганингдан кейин ҳам урологдан маслаҳат олиб турасан! Англадингми? Урологдан!

Октябрнинг бошлари

Уч ойдан бери ҳеч нима ёзмадим. Умуман... Ҳеч ниманинг қизиғи йўқ менга. Ҳеч нимага ҳайрон ҳам қолмайман... Қисмда ҳар ҳафтада янги гап тарқалади. «Фалон жойда кўприк портлабди». Хўш, нима бўпти? Кўприк бўлганидан кейин портлайди-да! «Битта «дух»ни тутиб олиб, танк замбарагига тросс билан осишибди». Нима қипти! «Дух» бўлганидан кейин осиш керак-да! Хоҳласа дарахтга осади, хоҳласа танк замбарагига!.. Бошимас, оёғидан осса, яна яхши!»

Ёлғиз қувончим юртимиздан келадиган хатлар...

Шаҳноза суратини юборибди. Калта энгли, оппоқ кўйлак кийиб жилмайиб турибди. Синчиклаб қарасам, суратдаги манзара таниш кўринди. Ахир бу... Ўзимизнинг анҳор-ку! Ана ўша харрак, ўзимизнинг наъматак! Вой, Шаҳноза тушмагур-ей... Панага ўтиб суратини ўпдим...

Октябрнинг ўн еттинчи куни

Жанговар тревога эълон қилинди. Ҳаммаёқ югур-югур бўлиб кетди. Бундан чиқди, жанг бўлади! Ким билсин, душман бирон объектга ҳужум қилгандир. Йўлда бораётган колоннага шошилинич ёрдам керакдир. Ё бўлмаса, разведгруппа қамалда қолгандир... Ҳамма нарса бўлиши мумкин...

Катта куч ташланганига қараганда жанг ҳам катта бўладиган кўринади. Танклар, БТРлар, БМПлар елиб боряпти.

Кун пешиндан оғган... Куз осмони тиниқ, сокин. Тримплексдан қизғиш тоғлар аниқ-таниқ кўринади. Олисда, йўлдан бир чақиримча чеккада қишлоқ кўзга ташланади. Узоқдан қараган одамга афғон қишлоқлари, нима десам экан, мзористонга ўхшаб кўринади. Пахса деворли уйларнинг томи Тошкент атрофидаги қишлоқларникига ўхшаб тунока ёки шифердан қиялатиб ёпилган эмас. Фарғона водийсидаги уйларникига ўхшаган текис том ҳам эмас... Қандайдир ғалати: ҳар бир уйнинг томи лойдан қуббасимон қилиб ясалган. Ҳафсала билан суваб қўйилган қабрдек...

Танклар, БТРлар шиддат билан қишлоқ томонга бурилди. Ўша ёқда қуюқ тутун, қизғиш аланга кўзга ташланар, портлаш садолари эшитилар эди. Демак, қишлоқда жанг боряпти. Йўл четида тўхтаб турган БМПга кўзим тушди. Маскахалат кийган йигитлар машина олдида уймалашиб турарди. Устав бўйича танкни тўхтатишга ҳаққим йўқ. Кўнглимдан нима кечганини ўзим билмайман. Механикка буйруқ бердим:

– Тўхта, Виктор! Бир минутга...

Люкдан бошимни чиқаришим билан қишлоқ томонда гумбурлаётган портлаш садолари, автоматларнинг муттасил тариллаши яна қаттиқроқ янграгандек бўлди. Димоғимга тутун, порох ҳиди кирди.

Маскахалатли йигитлар йўл четида тўхтаган БМПга ўлик ортишаётган экан. Уликлар негадир яланғоч эди. Учта жасад машинага, плашпалатка устига қатор ётқизиб қўйилган. Ерда тағин иккитаси ётарди. Йигитлар

портлаш овозларига, автоматларнинг тариллашига парво қилмай, ўз юмушларини қандайдир совуққонлик, ҳатто хотиржамлик билан адо этишар, бири жасаднинг қўлтиғидан, иккинчиси оёқларидан олиб, машинага ортар эди. Навбатдаги жасаднинг қоп-қора сочларини кўриб, беихтиёр ерга сакраб тушдим. Яқин бордим-у, сесканиб кетдим. Қип-яланғоч жасаднинг гавдаси оғир, шекилли, машинага ўлик ортаётган йигитлардан яна бири югуриб келиб, унинг белидан кучоқлаганча дўстларига кўмаклашди. Шунда жасаднинг чап қўли шилқиллаб ерга осилди. Билагига татуировка билан қинғир-қийшиқ қилиб ёзилган «Темур» деган сўзга кўзим тушди.

– Темур ака! – юрагим сирқиллаб, жасад бошига эгилдим. – Темур ака!

– Нарн тур, танкист! – деди йигитлардан бири ҳансираб. – Ундан кўра жангга кирсанг-чи!

– Темур ака! – дедим инграгудек бўлиб. Ҳарчанд тикилиб қарамай афтини таний олмадим. Жасаднинг юз-кўзи, аъзойи бадани қора қонга беланган эди. Шунда... Бир нарсани аниқ кўрдим! Темур аканинг қулоқлари, бурни... ва... олати кесиб олинган эди! Қанча фурсат туриб қолганимни билмайман.

Танк зирҳига қандай тармашдим, люкдан қандай кирдим, эсимда йўқ.

– Бос, Виктор! – дедим ҳайқариб.

Шлемофондан командирнинг баджаҳл товуши эшитилди:

– Размах Етмиш олти. Нега тўхтаб қолдинг?

– Кетяпман, – деди хириллаб.

– Объектни жануб томондан айланиб ўт. Эҳтиёт бўл, мина бўлиши мумкин...

«Мина эмиш! Мина тугул атом бомбаси бўлмайдими!»

– Бос, Виктор!

– Люкни ёп, командир...

– Ўчир овозингни! Бос!

Пастак девор ортида саллала бош кўринди. Елкасидаги гранатамётни деворга тираб рўпара қилди. Вужудимда ўлим шарпаси бир лаҳза ўрмалаб ўтгандек бўлди.

Қизик, негадир кўрқмадим. Тушунтириб беролмайман. Ажал билан рўпара келсанг-да, кўрқмасанг! Шуниси ёдимдаки, хотиржам буюрдим:

– Учта снаряддан ўт оч!

Одамнинг талқондек майда-майда бўлиб кетишини ўз кўзим билан кўрдим. Тутун тарқалгач, қарасам, девор ҳам йўқ, бояги саллалаи ҳам... Рўпарадаги қуббасимон уй ичидан автомат товуши эшитилди. Ўқлар танк зирҳига урилиб чийиллаганча сакраб кетаётганини ҳис этиб турар, аммо люкни ёпиш хаёлимга келмас эди.

– Ўт оч!

Қубба томли уй хотинларнинг упадонидек оппоқ кунга айланди. Эсдан оғиб қолганга ўхшардим.

– Виктор! Бос! Бос! – дердим нуқул бақириб.

Танк қутурган буқадек ўкирар, пулемётидан тўхтовсиз ўқ узганча йўлда дуч келган нарсани пайҳон қилиб борар, қуббасимон томли уйлар, толми, қайрағочми, қандайдир дарахтлар, узум тоқлари, думини хода қилиб, уёқдан-буёққа югураётган сигир, қанотини жонсарак патирлатганча учиб-қўнаётган товуқлар кўзга чалиниб қоларди.

– Бос! Бос! – дердим бақириб, автоматдан муттасил ўқ ёғдиардим.

Бир маҳал ҳаммаёқ жимжит бўлиб қолди. Ҳолдан тойиб, жойимга ўтирдим. Тримплексга ўқ теккан, шекилли, ойнаси дарз кетган, ташқари кўринмасди. Атрофда гумбур-гумбурлар тинган, ўқ овозлари эшитилмайди... Ҳатто танкнинг гувиллаши ҳам...

Танк жим. Автоматлар жим... Қишлоқ жим... Гўё ҳеч нима бўлмагандек.

Қаддимни ростлаб, атрофга қарадим. Ҳаммаёқ тутунга тўлган, осмонда чанг-тўзон муаллақ туриб қолган. Қишлоқда соғ уйнинг ўзи кўринмас, олисда қонга ботган калладек қип-қизил куёш уфққа чўкиб борарди.

Синчиклаб разм солсам, аллақандай ҳовли ўртасида турибмиз. Ипга илинган, ҳали қуриб улгурмаган чойшаблар, хотинларнинг кўйлаги тупроққа қоришиб ётибди. Томи

ўпирилиб, девори қулаган уй ичидан тутун аралаш тўзон бурқсиб турибди. Ҳовли юзида қўй қумалоғига ўхшаш қора нарсалар тупроққа қоришиб, ер билан битта бўлиб ётибди. Гарангсиб, узоқ тикилиб қарадим-да тушундим: майиз экан. Бир чеккада танк занжири эзғилаб, илма-тешик қилиб ташлаган гилам... Одам қонидек қип-қизил...

Аллақайси бурчакдан қулоқлари шалпайган, кўрқувдан кўзлари жовдираган олапар ит чиқиб келди. Танкка хавотирли назар ташлади-да, думини қисганча, сўриток томон юрди. Япроқларини чанг босган сўриток тагига бориб, алланимани ҳидлади. Дор узилганда аёлларнинг қизил кўйлаги чеккага отилиб кетган, шекилли, сўриток тагидаги ариқ ичида беўхшов чўзилиб ётарди. Ит илтижо қилгандек, ғингшиб қўйди-да, кўйлакни яна ҳидлади. Чўнқайиб ўтирган кўйи, осмонга қараб ғайритабиий овозда бир-икки вовиллади. Кейин вовиллаши ўз-ўзидан увлашга айланиб кетди... Бир дақиқа ўтди... Беш дақиқа... Умрим бино бўлиб, бунақа нолани эшитган эмасдим.

Юрагимни тушунарсиз ваҳима ғижимлаётганга ўхшарди. Сакраб ерга тушдим.

– Кет! – дедим овозим титраб.

Ит қайрилиб қарамади. Чўнқайиб ўтирганча нолали увлайверди. Ердан кесак олиб отдим.

– Кет!

Ит увлашдан тўхтади. Мен томонга қараб қўйди. Назаримда «ўз ҳолимга қўясанми-йўқми, нима гуноҳ қилдим сенга!» деган илтижо билан термилгандек бўлди.

– Йўқол! – дедим дағдаға билан.

Ит думини қисиб нарироққа борди, чўнқайиб ўтирганча, тумшуғини осмонга чўзиб қайтадан увлашга тушди.

Негадир қўрқиброқ яқин бордим. Сўриток тагида ётган нарса, кўйлак эмас, одам гавдаси экан. Хотин кишининг гавдаси. Сўритокнинг панасидан паноҳ топмоқчи бўлгандек, ёнбошлаб ётибди. Бошида шарфга ўхшаган рўмол, эгнида узун кўйлак. Аммо оёқяланг... Оёқлари сўриток тагидаги ариққа тушиб қолган... Бирпас иккиланиб туриб қолдим.

– Туринг, – дедим кўрқа-писа елкасига қоқиб. – Туринг, опа, кўрқманг.

Аёл қимир этмади. Худди гапимни тушунадигандек далда бердим:

– Туринг, биз сизга тегмаймиз.

Танк томондан Викторнинг овози келди.

– Қайтиш керак, командир!

Бурилиб қарасам, ҳайдовчи люкдан бошини чиқариб турибди.

– Қайтишга буйруқ бўлди, командир.

Ит эса ҳамон увлар, қулоғингни тешиб, юрагингни ўртаб юбормагунча тинчимайман, деб қасд қилгандек нола чекар эди.

Автомат затворининг шақир-шуқури эшитилди. Қарасам, Виктор итни мўлжалга оляпти.

– Отма! – дедим ўшқириб. Тағин аёлнинг бошига эгилдим.

– Опа! – Аёлнинг елкасидан тортган эдим, чалқанча ётиб қолди. Жонҳолатда ўзимни орқага ташладим. Ахир, бу... Шаҳноза-ку! Оппоқ юзи, қоп-қора сочлари, қайрилма киприклари... Йўқ... Бу – Шаҳноза эмас. Шаҳнозанинг кўзлари қора. Буники – зангори... Барибир... Барибир Шаҳнозага ўхшайди. Юзининг тиниқлиги, катта-катта кўзларининг ҳайрат билан термилиши...

Бирон ерида жароҳат изи кўринмасди. Фақат қўйлагининг ёқаси очилиб, оппоқ, бўлиқ сийналари яланғочланиб қолган эди. Гуноҳ иш қилиб қўйган одамдек яна орқага тисарилдим. Шундагина бўйнини тешиб ўтган ўқ ўрнига кўзим тушди. Тешикдан ипдек оқиб қон сиза бошлади. Кейин тўсатдан, қон оқиши тезлашиб кетди. Аввал тўшига тушди, кейин сийнаси... Бирпасда сийнаси қип-қизил қонга беланди...

Даҳшат ичида гандираклагудек бўлиб, танк томон чекиндим. Шу пайт вайронага айланган, тутаб ётган уй ичидан бола йиғиси эшитилди. Зум ўтмай вайрона остонасида нимча кийган, аммо иштонсиз, бир ярим ёшлардаги ўғил бола кўринди.

Қизиқ! Ит увлашни бас қилиб, боланинг олдига югуриб борди. Фингиб, боланинг бурнини ялади. Бола дўмбоқ қўлчаси билан ит бошини нари итариб, баттар йиғлай бошлади. Ит кўзларида мутелик билан бир зум тикилиб турди-да, оҳиста бурилиб аёл томон лўкиллади. Бола ҳамон йиғлаганча ўз тилида ғужур-ғужур қилиб, итга эргашди. Оёқяланг тупроқ кечиб, алпанг-талпанг юрган кўйи аёл тепасига келди. Бир зум туриб қолди: йиғлашдан тўхтади. Аммо ўпкасини тутолмай ҳиқиллаганча «мўржона-мўржона» деди. Аёлнинг ёнига чўккалади-да, ёш тўла кўзлари билан негадир ғудраниб кулди. Тупроққа беланган қўлчалари билан онасининг маммасини чангаллаганча эма бошлади. Бирпас эмди-да, илкис бошини кўтарди. Ҳайрон бўлиб, гоҳ онасига, гоҳ итга, гоҳ менга мўлтиради. Оғзини каппа-капа очиб, чирқиллаб йиғлаб юборди. Гўдакнинг оғизидан сўлак аралаш қон оқар эди.

...Аввал ич-ичимдан титроқ келди. Кейин қўлимнинг бармоқлари музлай бошлаганини ҳис қилдим. Ундан кейин оёқларим қалтирай бошлади. Танкка қандай етиб бордим, эсимда йўқ.

– Отаман! – дедим ўкириб. – Ҳаммангни отаман! Ўзим-ням отаман!

...Кейин нима бўлганини билмайман.

Ноябрь ойи

Уйдан хат келди. Акам ойимнинг гапларини сўзма-сўз ёзиб юборибди. «Худога шукр, Рустамжон, нурли тушлар кўряпман. Офтоб чарақлаб турган далада чопқиллаб юрибсан. Соғиниб кетдим-ку, болам, кел, битта бағримга босай десам, югуриб олдимга келибсан. Ойижон, сут ичгим келяпти, сут беринг, дебсан. Мен сенга коса тўла сут бердим. Охиригача сибириб, ичиб олдинг... Сут – ёруғлик, жон болам, Худо хоҳласа, кўпи кетиб ози қолди...»

...Мени нега туғдингиз ойи? Нега туғдингиз!!!

ТЕРГОВ ХУЖЖАТИДАН

Тўлаганова Қурбоной. Эллик беш ёшда. Тураржойлардан фойдаланиш бошқармасининг фарроши. Миллати – ўзбек. Оилали. Қатортол мавзеси, 9-уй, 44-хонадонда истиқомат қилади. Партиясиз.

– Гражданка Тўлаганова Қурбоной сиз бўласизми?

– Ҳа, мен бўламан. Нима гуноҳ қилдим, холанг айлансин!

– Ўтиринг!

– Ўзинг асра, Худойим... Гуноҳим нима? Унақа одамни кўрқитмагин, жон болам... Оёқ-қўлим титраб кетаяпти.

– Биров сизни гуноҳкор деяптими, нега ваҳима қиласиз, гражданка Тўлаганова!

– Ана! Тағин «гражданка» деяпсан! Мен юрак олдириб кўйганман, холанг қоқиндик.

– Ўтиринг!

– Хўп, ўғлим, хўп. Бирпас ўзимга келиб олай, майлими? Илоё бола-чақангни роҳатини кўргин.

– Неча йилдан бери ЖЭКда ишлайсиз?

– ЖЭКда ишламайман, холанг ўргилсин, уборшисаман, кўча супураман. Икки «дўм»ни ажратиб берган. ЖЭКни хўжайини айтган. Хола, мана шу дўмлани атрофи тоза бўлсин, зиналари ярақлаб турсин, деган. Умридан барака топгур, хўжайин яхши одам. Инсофли. Байрамда пирмиялни берди – ўттиз сўм. Хола, деди, биз сизга ўхшаган пўристой одамларни хўрмат қиламиз, деди.

– Кимлар билан турасиз?

– Нима?

– Кватирангизда кимлар туради?

– Ўзи бир ҳафтадан буён мазам йўқ. Совуқ тушганидан бери касалим ўлгур кўзиб қолди. Бўйра бўйи қорни курагунча харсиллаб кетаман, болам. Шу савил қолгур ўт қопчасини олдириб ташлаб қутуламан, шекилли. Дўхтир айтди: кўрқманг, хола, деди, буям кўричакни кестиришдек гап, қийналиб юрасизми бунақа қилиб, ундан кўра кестиринг-у, қутулинг деди.

– Кватирангизда неча киши туради, деяпман?

- Одамни унақа қўрқитмагин-да, холанг айлансин. Мана, ҳамма қоғозларни обкеганман. Уйни налугини вақтида тўлайман, ўғлим. Мана, ойма-ой тўлаганман.

- Уфф, неча киши турасизлар?

- Нима қилай, холагинанг айлансин. Битгаю битга қизимни жўжалариминан кўчага ҳайдаб қўяйми? Тор қорнимга сиққан, кенг уйимга сиғмайдими?.. Бошида айтгандим. Умида, жон қизим, эсингни йиғ, бўладиган савдо эмас, бу боланинг кўзи бежо, дегандим. Ҳозирги ёшларни биласан-ку! «Ўламан саттор, шундан бошқасига тегмайман», деб туриб олди. Мана нима бўлди?

- Мен қизингизни сўраётганим йўқ, гражданка Тўлаганова! Ким билан турасиз, деяпман. Савол тушунарлими?

- Бўлмаса, неча участкавой кунора кириб сиёсат қилади? Квартиранинг майдони тўрт кишига тўғри келмайди, дейди? Кечаям борди. Нўрмага тўғри келмасмиш. Бўлмаса, уй олиб бер, уч хоналими, тўрт хоналими, десам, мен сизга квартир берадиган исполком эмасман, дейди. Комиссар неча марта айтди: куёвингни сўтга бер, қизинг билан невараларингга уй олиб беради, деди. Умида бир жаҳлга минганди, насиҳат қилдим. Қўй болам, шайтонга хайф бер, пешонангдагини кўриб кетарсан, дедим. Нима қилади жанжал кўзгаб. Тўғрими? Куёвим яхшими-ёмонми, уям Худонинг бир бандаси-да! Иккинчи хотинидан боласи бор. Умида эрига жабр қилса, ўша боланинг ҳам кўнгли ўксийдими, ахир?

- Миямни қоқиб, қўлимга бердингиз-ку, хола. Айтяпман-ку, мен бошқа нарсани сўрамоқчиман.

- Сўрайвер, болам, сўрайвер.

- Шоматов Рустамни танирмидингиз?

- Анави... куёвними? Албатта, танирдим. Яхши бола эди, раҳматли. Ҳар кўрганда «Ҳорманг, хола, чарчаб қолмадингизми?» деб сўрарди. «Сизни Пискентга олиб бориб, бир ўйнатиб келаман», дерди. Бу дунёга келиб нима кўрди, бола шўрлик! Қандоқ яхши йигит эди...

- Йиғлашнинг ҳожати йўқ. Шоматов билан кириш-чиқишинглар бормиди?

– Албатта, бор эди! Келин-куёв дүмга күчиб келган кунлари энг аввал мен билан танишган...

– Шоматовнинг оиласи билан муносабати қандай эди?

– Келин биланми? Қўш каптардек иноқ эди. Қанийди, менинг куёвим ҳам Умида билан шунақа тотув бўлса, деб орзу қилардим.

– Наҳотки, Шоматов хотини билан ҳеч уриш-жанжал қилмаган бўлса?

– Бегуноҳ бандасига тухмат қилиш – одам ўлдириш билан тенг, жон болам.

– Ҳарқалай-да! Турмушда нималар бўлмайди.

– Тавба! Худоё тавба! Мен кетсам бўладими? Ҳализамон невараларимни боғчадан олишим керак. Бу ҳафта Умида иккинчи исменда... Анави участковойингга айтиб қўясанми? Уйимдан ҳайдаб чиқармайдими?

– Ўтиринг, гражданка Тўлаганова! Соат энди тўрт ярим бўлди.

– Хўп дегин, умрингдан барака топгур. Асир намозим қазо бўлмасин...

– Намоз ўқийсизми?

– ...

– ...Намоз ўқийсизми, деб сўраяпман. Ҳозир диндорларга қарши қанақа кураш олиб борилаётганини биласизми?

– Ўқисам, ўзим учун ўқийман-да, болам. Комиссарга айтмай қўяқол бу гапни.

– Қизиқ хотин экансиз-ку... Айтинг-чи, эрталаб барвақт турасизми?

– Албатта-да! Одамлар ишга кетгунча йўлкаларни супуриб қўйишим керак-ку!

– Шоматовнинг хотини эрталаблари кўчага чиққанини кўрганмисиз?

– Шаҳнозами? Кўрганман! Худойлигимни айтаман, ҳар куни бўлмасаям кунора бидон кўтариб сутга чиқарди. Сут дўкони – гастронимни ёнбошида. Тонг отмасдан турнақатор очирид бўлиб кетади. Қараб туриб ёқамни ушлайман. Сенга ёлғон, Худога чин. У ёғи Тепақўрғон, бу ёғи Қатортол қандоқ жойлар эди. Ҳаммаёқ – боғ, ҳамма-

ёқ – дала. Ҳар хонадонда ўлдим деганда, биттадан сигир бўларди. Бешёғочга сут обориб сотардик. Энди-чи? Эрта-лабдан сутга очирид...

– Уфф! Келин ўша куни ҳам сутга чикдимми?

– Қайси куни?

– Эри ўлган куни!

– Кўрмадим. Ёлгон гапиришга Худодан кўрқаман. Тағин билмадим. Туман эди. Қуюқ туман. Худо билади-ку, ё мен пастга тушишимдан олдин, ё уйнинг орқа томонига ўтиб кетганимда сутга борган бўлишим мумкин.

– Эслаб кўринг-чи, уй атрофида биронта бегона одамни учратмадингизми?

– Йўқ!.. Тўғри, анча нарида бир шарпа кўрингандек бўлди. Назаримда, мени кўриб дарахт панасига ўтганга ўхшади... Тағин, билмадим. Туман эди.

– Бўй-бастини илғагандирсиз, ахир! Келбати қанақайди? Семизми, ориқми? Новчами?

– Назаримда, бошида тўқима қалпоқча бордек кўринди. Анавинақа, ёш болалар совукда киядиган қалпоқча бўлади-ку...

– Ўша одамни ҳозир кўрсангиз танийсизми?

– Вой ўлмасам! Қаёқдан танирканман? Айтдим-ку, туман эди. Ўн қадам нарини кўриб бўлмасди.

– Айтинг-чи, Шоматовни охириги марта қачон кўрган эдингиз? Яъни ўлмасидан олдин?

– Рустамжонними? Байрам куни кўрдим. Кечга томон дўкондан невараларимга кампут олиб келаётгандим. Кичик неварам кампутга ўч. Ошгаям кампут қўшиб ейди...

– Рустам нима қилаётган экан?

– Рустамжонми? Кўча бўйида турган экан. Салом берди. «Келинни олиб уйга киринглар, Умида ош дамла-япти» десам, «раҳмат» деди...

– Кейин-чи?

– Кейин... Умидага айтдим, «янги қўшнилар меҳмонга чиқиб қолиши мумкин, аччиқ-чучук қил, труп тўғра», дедим.

– Чиқишдимми?

– Йўқ... Аксига олиб, чироқ ўлгур ўчиб қолса дегин... Уйингга буғдой тўлгур невараларим қоронғидан кўрқадди. Чироқ ҳадеганда ёнавермади. Иккаласи хархаша қилишга тушди. Уйда шам қурмагур тамом бўлган экан. Пастга тушдим. Қарасам, тўртинчи қават деразасида нур бор. Янги кўшниларикида.

– Шоматовларникидами?

– Ҳа. Чиқдим.

– Эшикни ким очди?

– Келин, Шаҳноза. Шунақа-шунақа, дедим. Биттагина шам бериб...

– Шошманг. Ичкарида ким бор экан?

– Ичкари кирмадим.

– Ҳеч қандай овоз ҳам эшитилмадимми?

– Йўқ... Назаримда эшикни тақиллатаётганимда ичкаридан Рустамжоннинг овози келгандек бўлувди.

– Нима деди Рустам?

– Тавба! Бировнинг гапига қулоқ солиш гуноҳ-ку, холанг айлансин!

– Келиннинг кайфияти қандай эди?

– Қоронғида кўриб ўтирибманми? Бинойидек эди, шекилли.

– Уйқингиз зийракми?

– Билмасам... Баъзан кечалари ўт қопим оғриб, тўлғаниб чиқаман.

– Ўша кеча Шоматовларнинг уйи томонидан шубҳали овоз, бақариқ-чақариқ эшитилмадимми?

– Йўқ. Рустамжонлар икки йўлак нарида туради.

– Яхши... Билишимча, сиз ҳамма кўшнилари яхши танийсиз. Тўғрими?

– Йигирма беш йил бирга тургандан кейин...

– Одатлариниям биласизми?

– Бу нима деганинг?

– Яъни... масалан... Кимникига ким киради, ким чиқади. Ким-ким билан яқин?

– Бировнинг турмушига аралashiш - шайтоннинг иши... Ҳадиси шарифда айтганларки...

– Хўп. Ҳадисингизни қўя тулинг. Ўша куни эрталаб Шоматовларнинг подъездидан биронтаси чиқмадимиз?

– Худо шоҳид: ҳеч кимни кўрмадим.

– Ўша томондан шовқин-сурон, дейлик, дераза сингани эшитилмадимиз?

– Йўқ.

– Шоматовнинг жасадини биринчи бўлиб сиз кўрдингизми?

– Ертўла зинасида ётган Рустамжон эканини қаёқдан билибман? Эсимга тушса, юрагим туздек ачийди! Қандоқ яхши бола эди! Ўн гулидан бир гули очилмаган ёшгина йигит нима қилувди сенларга, Худо беҳабарлар! Бировнинг жонига қасд қилишдан оғир гуноҳ борми? У ёқда бола бечоранинг ёш жони кетди. Бу ёқда келин шўрлик чирқиллаб қолди...

– Жасад устига биринчи бўлиб отставкадаги полковник Ғаниев бордимиз?

– Комиссарни айтаяпсанми?

– Ҳа, ўша кишини!

– Тўғри, худойлигимни айтаман. Аввал Комиссар борди, кейин мен...

– Айтинг-чи, хола... Комиссарни яхши танийсизми?

– Танийман, ўғлим. Яхши танийман. Ҳаммамиз тепақўрғонлик бўлганимиздан кейин...

– Нима учун намоз ўқишимни Комиссарга айтма, дедингиз?

– ...

– Сизнингча Комиссар қанақа одам?

– ...

– Нега индамайсиз?

– Нима дей, болам. Уям Худонинг бир бандаси...

– Қизиқ экансиз... Майли, сизга рухсат. Бориб, намозингизни ўқийверинг. Фақат... Бу гапни мен айтмадим, сиз эшитмадингиз. Тушунарлими? Манави пропускни эшикдаги дежурнийга берасиз... Бормайсизми, ахир?

– Бир нарса сўрасам, майлими, болам? Отинг нима?

– Буёғи қизиқ бўлди-ку! Терговчи менми, сизми?

- Айтақол, жон болам.
- Ана! Повесткага ёзилган-ку: «Старший торговчи Сайдалиев С.» деб, Фамилиям Сайдалиев, отим – Саидаъзам.
- Бундан чиқди, саидлар авлодидан экансан.
- Ғалати гапларни гапирасиз, хола! Бунинг нима аҳамияти бор?
- Яна битта гап айтсам, кўнглингга келмайдими?
- Оббо! Боринг, энди!
- Кетаман, болам. Ҳозир кетаман. Худо ҳаққи, эшигингдан кириб келганимда кўрққан эдим. Кейин... қарасам, юзингда нур бор. Мана энди тушундим. Палагинг тоза экан.
- Жа-а, бошни айлантириб юбордингиз-да, хола?
- Билдимки, руҳинг тоза, болам! Бировга ёмонлик қилиш қўлингдан келмайди. Аждодларингни арвоҳи йўл қўймайди.
- Бўпти, хайр, гражданка Тўлаганова!
- Яна битта гап айтсам майлими?
- Уфф! Боринг дедим-ку!
- Бу хунар сенга ярашмайди, холанг, айлансин! Бўлак тирикчилик қил... Бунақа хунарнинг нонини ейдиганлар бошқача бўлади.
- Терговчилар ёмон одам деб ким айтди сизга?
- Бошимдан ўтган, болажоним! Бошимдан ўтган...

ХОЛАНИНГ ЭРТАКЛАРИДАН

Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим замонда етти иқлимни сўрайдиган пошшо ўтган экан. Пошшонинг Худодан тилаб-тилаб олган якка-ёлғиз ўғли бор экан. Бола – барибир бола-да! Бир куни шўхлик қилиб, дарахтга чиқибди. Йиқилиб боши ёрилибди. Пошшо чопиб бориб, ўғлини ердан кўтариб олибди. Қараса, боласининг ёрилган пешонасида «Никоҳ куни бўри ейди» деган ёзув бормиш. Пошшо бу синоатни ҳеч кимга айтмабди. Табиблар болани тез кунда тузатиб юборишибди. Аммо ўғли катта

бўлган сайин пошшонинг кўнглига ғулғула тушаверибди. Юртидаги жамики бўриларни қириб ташлашга фармон берибди.

Орадан ой ўтибди, йил ўтибди. Пошшо шаҳзодани уйлантирадиган бўпти. Ой деса юзи, кун деса кўзи бор келин топишибди. Тўй куни пошшо саройнинг атрофига мингта соқчи қўйибди. Куёв билан келин қўшиладиган куни остонада ўзи пойлаб ўтирибди. Бир маҳал ичкаридан дод-фарёд эшитилибди. Пошшо қиличини яланғочлаб кирса, келин куёвнинг бўғизини ғажиб турганмиш. Пошшо бу нима қилганинг, деб келиннинг боши устида қилич кўтарса, келин айтибди: «Нима бўлганини ўзим билмайман, осмондан «сен бўрисан, ёнингдаги кўзичоқни ейишинг керак», деган нидо келди», дебди.

ОЛЛОҲ ҲАР НАРСАНИ КЎРГУВЧИДИР

Қора плаш кийган сўхтаси совуқ кишилар дадасини олиб кетганида Қурбоной ўн тўрт-ўн беш ёшларга бориб, бўйи чўзилиб қолган эди. Олиб чиқиб кетишаётганда дадаси йўлак бошида туриб, «Қизимни эҳтиёт қил», дегани Қурбонойнинг қулоғидан кетмас, кечалари маъюс кулимсираб турган отаси тушларига кириб чиқар, аясига билинтирмай бурчак-бурчакка бориб, юм-юм йиғлар эди.

Аяси бир гапни қайта-қайта такрорларди:

- Дадангда гуноҳ йўқ, болам! Даданг – фариштадек тоза одам. Нима қилайлик, ёзиғимиз шу экан. Буванг қамалди, тоғанг урушда бедарак кетди. Дадангни қисмати бу бўлди... Майли, яратган Эгам суйган бандасининг бошига шунақа синовлар солар экан.

Сентябрь ойида одатдагидек ўқиш бошланди. Қурбоной еттинчига кўчган эди. Одатдагидек, мактабга борди. Ўқитувчиларнинг муомаласи ўзгариб қолганига, синфдошларининг бири ачиниб, бири хавотирланиб қараётганига эътибор бермасликка ҳаракат қилар, дадасидан эса на хат, на хабар бор эди. Қурбоной, ило-

жи борича яхши ўқишга уринар, дадаси қулоғига қайта-қайта қуйган гап эсидан чиқмас эди. «Сен, шунчаки ўқувчи эмас, муаллимнинг қизисан, болам, аъло ўқишга, ўртоқларингга намуна бўлишга мажбурсан... Бирон фандан «тўрт» баҳо олсанг, хафа бўламан. Активист бўл, жамоатчилик топшириғини сидқидилдан бажар!»

Кеч куз кунларидан бирида ғалати воқеа рўй берди. Қурбоной синф бўйича навбатчи эди. Катта танаффусдан кейин латтани ҳўллаб келиб, доскани хафсала билан артди. Кейин... дугоналари билан ўйнаб кетди... Дарсга кўнғироқ бўлганида югуриб, синфхонага кирса, синфдош болалардан қай биридир шумлик қилиб доскага бўр билан чизма-чизиқ тортиб ташлабди. Қурбоной, зир югуриб, латта излайдики, топса қани?

Бир маҳал, ғиштин «плита-печка» дудбуронининг қир учига илиб қўйилган латтага кўзи тушди. (Кўтармадаги Сталин номли мактаб «энг катта», «энг намунали» ҳисобланар, бу даргоҳда синфхоналар жўн тунука печкалар билан эмас, ғиштин «плита-печ» билан иситилар эди.) Жон холатда плитага тармашди. Оёғини печка қирасига тираб, энди латтага қўл чўзган эди, «плита» четдаги ғишт кўчиб кетди-ю, Қурбоной ёнбошига йиқилди. Бир амаллаб қаддини ростлади. Кўнгли беҳузур, чап тўпиғи сирқиллаб оғрир эди.

Бир маҳал қараса, бошида рус тили муаллими Хайруллин турибди.

– Сволиш! Чуждий элемент! – деди дағдаға билан. – Ни қилдинг, враг народа?! Совет печкасини специально ломать иттинг!

Қизиқ... Қурбоной йиғлагиси келди-ю, йиғламади. Йиғлай олмас эди...

Кейин... мажлис бўлди... Уч кеча... Дарсдан кейин... Айнан, дарсдан кейин... РайОНОдан одамлар келди. «Номи айтиб бўлмайдиган» ташкилотдан вакил иштирок этди. Уч кун мажлис қилиб, бир қарорга келдилар. Еттинчи синф ўқувчиси Тўлаганова Қурбоной совет мактабининг печкасини атайлаб синдирди. Эрта-индин совуқ тушса,

ўқувчилар ўртасида норозилик кайфиятини туғдириш учун қасддан шундай қилди. Бобоси эшон бўлган. Сибирга сургун қилинган. Онаси – Фотима – ашаддий халқ душманининг қизи. Отаси – Ҳакимов Тўлаган шу мактабда математикадан дарс берган. Афсуски, мактаб педагогика коллективи Ҳакимовнинг япон разведкаси билан алоқаси борлигини ўз вақтида тушуниб етмаган. «Тегишли ташкилот»ларнинг хушёрлиги билан Ҳакимов керакли жазосини олган. Аммо шунда ҳам мактаб педагогика коллективи сиёсий хушёрлик кўрсатмаган. Яъни, ўқувчиларга собиқ математика ўқитувчиси Ҳакимов Тўлаган халқ душмани эканини тушунтирмаган...

Эртасига мактабда умумий «сбор» бўлди. Юқори синф ўқувчиларини сафга тизиб қўйиб, аввал Ҳакимов Тўлаганнинг жиноятини бирма-бир исботладилар. Кейин ўша душманининг қизи – бузғунчи Қурбонойнинг қисмати ҳал этилди. Хулоса шу бўлдики, Тўлаганова Қурбонойга совет мактабида ўрин йўқ. Хушёр бўлиб турилмаса, бу қиз эртага мактабни портлатиб юборишдан ҳам тоймайди...

Ажаб! Онаси ҳам, ўзи ҳам бу нарсани оддий ҳақиқат деб қабул қилишди. Қўни-қўшнилар у ёқда турсин, қариндошларинг ҳам қадамини тортиб қўйганда, мактабдаги муаллимлар халқ душманининг қизини жиноят устида қўлга тушириб, ўқишдан ҳайдаса, нима бўпти!

...Бундан қарангки, улуғ дохий мактаб муаллимларидан бошқачароқ фикрлар экан. «Ота учун бола айбдор эмас!» деган шиор бор экан. Бундан чиқди, Қурбоной гуноҳкор эмас! Тўғри, бобоси – эшон, яъни душман, отаси – япон разведкаси агенти, у ҳам душман. Бироқ Қурбоной душман эмас. Унсур бўлсаям онгсиз, тасодифий унсур. Башарти совет печкасини қасддан бузган тақдирда ҳам уни тарбиялаш керак. Устига-устак етти йиллик мажбурий таълим деган қонун бор. Бундан чиқди, Кўтармадаги Сталин номли намунали мактаб ўқувчиси Тўлаганова Қурбоной етти йиллик тўлиқсиз ўрта маълумотни олиши – мажбурий!

Барибир, Қурбоной мактабга бормади. Ўқишдан кўнгли муз бўлиб кетган эди.

Қурбоной аясига кўшилиб дўппи тикишни ўрганди. Намоз ўқийдиган, рўза тутадиган бўлди. Ҳайҳотдай ҳовлида она-бола шумшайиб қолишган, аммо аяси ҳеч қачон ҳеч кимга ҳасрат қилмас, дўппи тикиб топган чақаларига амаллаб рўзғор тебратиб туришарди.

Эшон бувадан қолган кўрғоннинг деворлари баланд, ҳовли саҳни кенг эди. Ўртадаги бир туп азамат тут ҳовлига салқин бериб турар, этакдаги отхоналар, бостирмалар ҳувиллаб ётарди. Аясининг айтишича, бир замонлар отхоналару кўралар назир-ниёзга тўлиб кетаркан. Аммо Эшон бува элдан тушган назирларни элнинг ўзи билан баҳам кўрар, етим-есирларга хайр қиларкан. Шунинг учун ҳам муридлар Эшон бувага айрича ихлос кўйишган экан.

Қурбоной аясининг гаплари ростлигига шубҳа қилмасди. Буvasи шундоқ машҳур эшон бўлса ҳам, мол-дунё тўпламагани аниқ. Дунёга ҳирс кўйса, атиги бир уй, бир айвонга қаноат қилмай, кўша-кўша иморатлар солдирган бўларди.

Қурбонойнинг эсидан чиқмайди. Дадаси қамалган йили қиш қаттиқ келди. Кетма-кет қор ёғиб, совуқ забтига олди. Ҳовлидаги тут шохлари қор залвори остида эгилиб турар, мусичалар айвонда пилдираб нон-ушоқ излар, она-бола или-милиқ танчага тиқилиб, кечалари алламаҳалгача ухлолмай ётишарди.

Шундай кечалардан бирида кўча эшик қаттиқ гурсиллади. Қурбоной сандалнинг нариги томонида ётган онаси «Астағфурулло, ўзинг паноҳингда асра, Худойим», деб ўрнидан турганини кўрди. Онаси тоқчадаги еттинчи лампани ёқди. Қурбонойнинг юраги гупиллаб урар, ўрнидан туришга мажоли йўқ эди.

– Ким, ая? – деди кўрқувдан титраб.

Кўча эшик ҳамон гурсиллар эди.

– Билмасам... – Онаси эгнига эски камзулини кия туриб тағин Оллога тавалло қилди, – ўзинг асра, яратган Эгам!

Қурбоной лампани кафти билан пана қилган кўйи айвонга йўл олган аясига эргашди. Ҳовлини қалин қор босиб ётар, аммо ҳаво очиқ, совуқ эди. Она-бола калишни пойма-пой кийганча, катагига мушук оралаган каптардек типирчилаб, эшик олдига боришди.

– Кимди? – деди онаси овози қалтираб.

Дарвоза ортидан эркак кишининг дағдағали буйруғи эшитилди:

– Очинг!

Онаси баттар титраб-қақшаган кўйи қайта сўради:

– Кимсиз ўзи?

– Қонун номи билан буюраман! Оч!

Буйруқ шу қадар қатъи эдики, онасининг қўли қалтираб, лампанинг шишаси жиринглаб кетди. Беҳуш бир тарзда тамбани сура бошлади.

– Очманг, ая! – деди Қурбоной йиғламсираб. – Очманг, ёмон одамлар!

– Бўласанми-йўқми? – Нариги томондан янаям дағдағали товуш келди. – Буйруққа бўйсунмасанг, қонун олдида жавоб берасан!

– Мана, ҳозир... – Онаси титроқ қўли билан, амаллаб тамбани сурди.

Ўша заҳоти эшик очилиб қора чарм плаш, шапка кийган одам остона ҳатлаб кирди.

– Ўлиб қолганмисан! – деди ғазабдан тиши ғижирлаб.

Қурбоной чироқ ёруғида таниди: бу ўша! Дадасини олиб кетган одам. Соқоли қиртишлаб олинган. Шапкасини қуюқ қоши устига бостириб кийган, кўзлари ёниб турибди.

– Ким бор уйингда? – деди атрофга аланглаб.

– Ўзимиз... – онаси шапкасининг кетидан бошқалари ҳам келиши муқаррардек тагин бир лаҳза туриб қолди. Ҳамон кўллари қалтирар, лампа шишаси нола чеккандек ожиз жирингларди.

– Бошла! – деди шапкали ияги билан имо қилиб.

Аввал онаси, кетидан шапкали, унинг кетидан Қурбоной қори куралган сўқмоқдан тизилишиб айвонга

чиқишди. Онаси калишини ечмай кавшандозда туриб қолди.

Шапкали паст, таҳдидли оҳангда тағин ҳукм қилди:

– Бошла!

Онаси каловланиб уйга кирди. Шапкали унинг кетидан эргашди. Аммо ичкари кирмади. Кавшандозда тўхтаб қолди.

– Чироқни қўй! – деди сандалга имо қилиб.

Қурбоной айвон ўтасида тўхтаб қолган, шапкалининг нияти нималигига ақли етмас, ҳамон қўрқувдан юраги гурсиллаб урар, фақат бир нарсани аниқ билар эди: бу ёмон одам. Дадасини олиб кетган!

Онаси талмовсираб, ичкари кирди. Чироқни сандал устига қўйди, шекилли, айвонни ярим зулмат чулғади. Фақат очиқ эшикдан чироқнинг қизғиш нури тушиб турарди.

Шапкали этигини ечмай, шиддат билан уйга отилиб кирди. Қурбоной нима гаплигига ҳамон тушунолмай, кавшандозга келди. Онаси сандал ёнида қўрқувдан кўзларини катта-катта очганча қунишиб турарди. Шапкали негадир ўнг қўлини чарм пальтосининг чўнтагига суқиб, уй тўрига борди. Чап қўллаб кирпеч, дорпечларни шарт-шарт узиб туширди. Кўрпа-тўшак йиғилган тахмонларни бирма-бир кўздан кечириб чиқди. Кўрпача устига этикли оёғи билан чўккалаганча сандал кўрпасини ҳам кўтариб кўрди. Қизиқ ўнг қўли ҳамон чўнтагида эди.

Охири, кўнгли бир қадар жойига тушди, шекилли, қаддини ростлади.

– Кўтар! – деди чироққа имо қилиб.

Қурбоной аждар сеҳрига дуч келган қуёндек ҳамон қотиб турган онасига қаради-ю, дод солиб йиғлагиси келди. Ажаб, негадир йиғлай олмади. Ич-ичидан отилиб келган фарёд томоғида тиқилиб қолганга ўхшарди.

– Кимни қидиряпсиз? – деди ниҳоят онаси тилга кириб. – Ким керак ўзи сизга?

Шапкалининг кўзлари тағин чақнади.

– Кўтар! – деди таҳдид билан.

Онаси чироқни кўтариб кавшандозга чиққанида Қурбоной беихтиёр четлаб, йўл берди. Шапкали унга қайрилиб ҳам қарамади. Гўё қадами остида пайдо бўлган чувалчангни кўрмагандек.

Қурбоной сарпойчан калиш кийган онасининг чироқ тутганча гарч-гурч қор босиб бораётганини кўриб турар, ачинар, аммо нима қилишини билмас эди. Шапкали эса унинг кетидан эргашиб борарди.

Бостирмага, молхонага, ҳатто ҳовли бурчагидаги ҳожатхонага ҳам кириб-чиқишди. Қурбоной айвон устунига суяниб турар, эски калишидан зах ўтиб, оёқлари музлаб кетганини ҳис этар, жойидан жилишга кўрқар эди. Ҳовлининг бурчак-бурчакларини айланиб чиқишди. Олдинда чироқ тутган онаси, орқасида чарм пальтосининг ўнг чўнтагига қўл солган, мушукдек эҳтиёткорлик билан қадам босаётган шапкали...

Ниҳоят, айвонга қайтиб келишди. Онасининг эс-ҳуши энди жойинга келдими, ё қизи совуқда дилдираб кетганини ҳис этдими, хийла дадил, меҳрибон оҳангда койиди:

– Уйга кирмайсанми, жон қизим! Музлаб кетдинг-ку!

Шапкали Қурбонойга тезгина қараб олди-ю, ҳеч нима демади. Кавшандозда энгашиб, этигини ечди. Лекин ўнг қўлини ҳамон чўнтагидан олмади.

Сандалга оёғини тикқанидан кейингина Қурбоной совуқ жон-жонидан ўтиб кетганини сезди. Елкалари силкинар, аъзойи бадани титрар, негадир нафас олишга қийналарди.

Қизиқ, шапкали ҳам сандалнинг бир томонига чўкди. Оёғини сандалга тикиб, бир зум кўзларини юмиб турди-да, буюрди:

– Ўтиринг! Нега қаққайиб турибсиз?

Ажаб, бу сафар негадир сизлаб гапирди.

Токча олдида турган онаси бош чайқади.

– Зиёни йўқ, мен туравераман...

– Ўзингиз биласиз... – Шапкали бошидан шапкасини ечиб, сандал устига тўнкариб қўйди. Икки чаккасидаги сочлари ёйилиб, қулоғига тушди. Уч ой олдин дадасини

олиб кетаётганида бу одам Қурбонойнинг кўзига Азроил-дек ваҳимали кўринган эди. Йўқ, ҳаммага ўхшаган одам экан. Қалин қошли, юзлари қорамағиз. Лаблари юпқа... Фақат сояси девга, сочлари пахмайган алвастига ўхшайди.

– Сандал – жоннинг роҳати-да, – деди тўсатдан. – Бирпасда баданинг яйрайди.

Шундай деб, жилмайди. Қаранг! Жилмайиши ҳам одамга ўхшаркан! Юпқа лаблари ёйилиб, кўзлари сузилиб кетаркан.

– Э, ўтирсангиз-чи, Фотимахон! – деди бир қадар самимият билан.

Қурбоной онасига илтижо аралаш термилди. Ўтирсачи аяси! Нима қилади жаҳлини чиқариб?

Онаси бир нуқтадан кўз узмай турар, сарпойчан оёғи гўштдек қизариб кетган эди.

– Дадаси тирикмилар? – деди ниҳоят тилга кириб. – Жонлари омонми?

– Буниси сизга боғлиқ! – Шапкасини ечиб қўйган «шапкали» тагин кулимсиради.

– Хат-хабар борми?

– Бунисиям сизга боғлиқ! – «шапкасиз шапкали» сандалдан қўлларини чиқариб, кафтларини ғайрат билан ишқалади. – Бизга бир хатни топишда ёрдам берсангиз, эрингиздан хат олишга рухсат этамиз.

– Нима деганингиз бу? Қанақа хат? – Онаси кўзлари ҳайратдан кенгайиб сўради. – Тўлаган акамнинг ҳамма нарсаларини олиб кетдинглар-ку, яна нима керак?..

«Шапкасиз шапкали» қаҳ-қаҳ уриб кулди. Қурбонойнинг юраги зирқиллаб кетди. Умрида бунақа совуқ қақаҳани эшитмаганди. Йўқ, бу кулги эмас, калтакесакнинг хонишига ўхшаган мудҳиш бир товуш эди.

– Вой Фотима-ей! Вой муғомбир-ей, – «шапкасиз шапкали» тагин калтакесакдек чирқиллади. – Сен бизни шунчалик содда деб ўйлайсанми? Хат қани, хат? – тўсатдан вазоҳати ўзгариб, шу қадар ғазаб билан сандалга муштладикки, лампа пилиги лопиллаб кетди. – Эринг япон разведкачисидан олган хатни қаёққа тикдинг?

Қурбоной кўрқув ичида ўрнидан туриб кетди. Онаси мадори қуригандек сандал четига чўккалаб қолди.

– Соат ака! – деди илтижо қилиб. – Бандаси билмаса, Худойи таоло кўриб турибди-ку! Бир жойдаги одам-миз-ку! Оллоҳ шоҳид, эримнинг гуноҳи йўқ! – У алам билан сандал четигаги кўрпачани чангаллади. – Йўқ! Йўқ! – деди бутун гавдаси билан тебраниб. – Нега бунча қийнайсиз одамни, барака топгур! – Тиззаси билан судралиб келди-да, кўзидан дув-дув ёш оқиб ёлборди. – Илоё мартабангиз бундан ҳам баланд бўлсин. У дунёи бу дунё ғам кўрманг! Дадасини чиқариб юборинг, Соат ака! Биттагина боламни етим қилманг!

– Нарӣ тур-э! – «Соат ака» ҳазар қилгандек, ўзини четга олди. – Хат қани, хат? – деди ўқиб.

«Соат ака»нинг вазоҳати шу қадар таҳдидли эдики, Қурбоной онасига ёпишди.

– Туринг ая! – деди чирқиллаб. – Йиғламанг, аяжон!

Шунда... онасининг ҳам қиёфаси бирдан қаҳрли тус олди. Қурбоной аясини бунақа алпозда биринчи кўриши эди.

– Қачон қонга тўясан, одамхўрлар! – деди ўтирган жойида намати муштлаб. – Отамни ўлдирдиларинг, укамни бедарак йўқотдиларинг. Энди боламниям етим қилмоқчимисан, Худо беҳабар!

– Ая! – Қурбоной онасининг кўлтиғидан кўтаришга уринар, аммо кучи етмасди. – Бўлди, аяжон!

– Эрим билан бирга ўқигандинг-ку, имонсиз! – Онаси сочлари ёйилганча фарёд чекди. – Душман эмаслигини билардинг-ку, виждонсиз! Обкеб бер! Обкеб бер, боламнинг отасини! – Шундай деб «Соат ака»нинг ёқасига ёпишди.

«Соат ака»нинг ранги гезариб кетди. Кучи борича тарсаки туширган эди, онаси Қурбонойнинг оёғига остига шилқиллаб йиқилди.

– Мана сенга, унсурвачча! – «Соат ака» тагин мушт кўтарган эди, Қурбоной чирқиллаб кўлига ёпишди.

– Урманг! Жон амаки, урманг, аямни! Аяжон! Кўзингизни очинг, аяжон!

– Обке, сув-пув! – «Соат ака» кўзи олайиб Қурбонойга дағдаға қилди.

Қурбоной калиш билан қор кечганча қоронғи бостирмага югурди. Пақирдаги сув музлаб қолган экан. Ёғлоқ билан уриб, музни синдиргунча талай фурсат ўтди. Ниҳоят, титроқ кўллари билан тўкиб-сочиб ёғлоқда сув олиб келди.

Онаси кўзини очган, ўнг юзи моматалоқ бўлиб кетган эди. Сандал четида худ-бехуд чайқалиб ўтирар, «Соат ака» бир нималарни гапирарди. Қурбоной унинг сўнгги сўзларини эшитиб қолди:

– Гапинг тўғри, Фотима! Бир жойдаги одаммиз... Лекин нима қилай, мен ҳам давлатнинг одамиман-да...

Онаси Қурбоной тутқизган сувдан бир култум ичиб, ёғлоқни кафти билан нари сурди. Кўзидан шашқатор ёш оқиб ялинди:

– Соат ака! Тўлаган акам туҳматга қолганини бошқалар билмаса, сиз биласиз-ку, барака топгур!

«Соат ака» бир зум ўйланиб турди-да, чарчаб кетгандек хўрсинди:

– Болам етим бўлмасин, десанг, хатни топ!

– Қанақа хат, туҳмат қилмай, туҳмат балосига йўлиққур, қанақа хат! – Онасининг чеҳрасида яна чексиз алам, қайсар қатъият пайдо бўлди. Кўшқўллаб, тиззасига шапатилай кетди. – Нима қилай, ахир! Нима дей? Худога ишонмасанг! Қуръонга ишонмасанг! Биттаю битта боламини ўртага қўйиб онт ичсам, ишонасанми? Ёлғон гапирсам илоё, яккаю ёлғиз қизимнинг ўлигини устида ўтирай! Майлими? Агар сен туҳмат қилаётган бўлсанг, у дунёю бу дунё кун кўргин-у, кун рўшнолик кўрмагин! Хўпми? Болаларингнинг ўлигини устида ўтиргин, майлими?

«Соат ака» пинагини бузмади.

– Хат? – деди истехзоли кулимсираб. – Хат қани?

– Ана! Хоҳлаган жойингни қидир! – онаси қатъий қарорга келди, шекилли, Қурбонойга анчайин осойишта оҳангда буюрди. – Ёт, қизим, ухла!

Қурбоной ҳамон қўлида тутиб турган ёғлоқни токчага қўйди. Энди сандал четига ўтирмоқчи эди. «Соат ака» гудранди:

– Қизингга айт, чиқиб кетсин. Обиск қиламан. Қўлимда ордер бор!

– Қизим сенга халақит бермайди, – деди онаси алланечук вазминлик билан. – Хоҳлаган жойингни текширавер.

– Чиқсин! – «Соат ака» тишларини ғижирлатди. – Мен ёш авлодда совет органларига қарши кайфият уйғотишни хоҳламайман! Айт, чиқиб кетсин!

Онаси бир зум иккиланиб турди-да, эгнидаги камзулни ечиб Қурбонойга узатди.

– Кий, болам... Майли, айвонга чиқиб тур.

Қурбоной айвонга чиқиб, устунга суянди. Тиниқ осмонда етим ой ғариб мўлтирар, совуқ юлдузлар дийдирар эди. Ичкаридан садо чиқмас, фақат аҳён-аҳёнда қоғозларнинг шитир-шитири эшитилиб қоларди... Қурбоной шу кўйи анча турди. Оёғидан ях ўтиб кетди. Ичичидан музлатиб юбораётган совуқ титроқни босиш учун чуқур-чуқур нафас олиб кўрди. Тишлари такиллаб ер тепинди. Охири, уйқу босди. Айвон бурчагига бориб, ғужанак бўлиб ўтирди. Кўчада қолган мушук боладек...

Бир маҳал эшик занжири шиқиллагандек бўлди. Умид билан ўша томонга қаради-ю, негадир ичкаридан нур тушмай қолганини кўрди. Нимадан кўрқаётганини ўзи англамай, оёқ учида эшик олдига борди.

Қулоғига хансираган овоз кирди.

– Ечин! Бўл тез!

– Йўқол! Қоч, ифлос! Ҳозир додлайман!

– Додла! Додлайвер, унсур! Обиск пайтида менга пичоқ ўқталди, дейман-да, отиб тишлайман!

– Бу қанақа бедодлик!

– Яхши кўраман, сени, тентак! Эсингдами, ҳов ўшанда қор отганим? Ҳазиллашган эдим, жинни! Ёмон қарғагандинг... Мен сени... сени... Ўшанда яхши кўриб қолганман.

– Қоч! Қоч, имонсиз! Ё Худо! Бу қандай шармандалик! Айвонда бўй етган қизим турибди!

Қурбоной эшикни итарган эди, очилмади. Ичкаридан занжирлаб қўйилган экан.

– Ая! – деди чинқириб. – Аяжон! Очинг! Қўрқиб кетяпман!

Эшикни муштлай бошлади.

Ичкарида бир зум сукут чўқди. Кейин «Соат ака»нинг ғўлдираган овози келди.

– Қизингнинг бўйи етиб қолганми?.. Яхши! Чақи-рақол, қизингни!

– Ая! – Қурбоной эшикни тепкилади. – Аяжон!

– Давай! – «Соат ака» тагин ғўлдиради, – ўзинг ҳал қил. Ё сен, ё қизинг...

– Қурбоной! – Бу онасининг овози эди. – Қурбоной! Кет! Кет бу ердан! Тезроқ!

Қурбоной кетиши кераклигини тушунди. Аммо қаёққа борсин ярим кечада? Кимникига боради? Эшик олдади тураверди.

Ичкаридан яна ҳансираган товуш келди:

– Сочинг мунча узун, Потти? Айб ўзингда. Халқ душманига бало бормиди? Менга тегсанг-ку... Менга қара, Потти... Йиғламагин... Ҳалиям бўлса кечмас... «Эрим халқ душмани эканини билмагандим, воз кечаман», деб битта тилхат ёзсанг, газетада чиқарамиз. Кейин... Қизингни энг яхши институтларда ўқитамиз, идрокли кўринади. Фотима, бўлди, энди, йиғламагин...

Қизик, Қурбоной ҳеч нимани ўйлагиси келмасди. Энди оёқларидан муз ўтмас, совуқдан елкалари титрамас, фақат уйқуси келарди. Шуурсиз бир алпозда айвон бурчагига борди. Бошини муздек деворга босган кўйи уйқуга кетди. Туш кўрибди. Гуллаган олмазор эмиш. Қор ёғиб турганмиш. Қорлар ёғиб-ёғиб олма шохларига қўнармиш-да, гулга айланиб қолармиш. Қурбоной олма тагида ётган эмиш. Бир маҳал гуллаган олмазор орасидан дадаси чиқиб келибди. Бошида янги дўппи, эгнида жужунча халат, шим эмиш. «Қурбоной, тур, жон қизим, сени соғиниб кетдим-ку», дермиш. Қурбоной ўрнидан туриб дадасининг бағрига отилмоқчи

бўлармиш-у, қаддини ростлай деса, оёқ-қўли қимир-ламасмиш.

– Қурбоной! Турақол, жон қизим!

Билмайди, бу гапни тушида эшитдими, ўнгидами? Шуниси эсидаки, онаси – сочлари тўзғиб кетган онаси қўлтиғидан кўтарганича судраб уйга олиб кирди. Сандал четига ётқизиб оёқларини уқалади, устига кўрпа тортди.

– Чой ич, жон болам, чой ич! – деди йиғлаб.

Қурбоной кўзларини ярим-ёрти очди. Шунда аясининг қовоқлари шишиб кетганини ғира-шира кўрди. Тагин уйқу босди.

– Ухлайман, ая, – деди бемажол шивирлаб.

Онаси унинг бошини силади, узоқ силади. Кейин юзидан ўпди. Қурбоной юзига иссиқ ёш томчилари ёғилаётганини элас-элас идрок этар, аммо кўзини очишга мадори йўқ эди.

Қанча ётганини билмайди. Бир маҳал эти жунжикиб уйғонди. Сандал совиб қолган, уй ичи нимқоронғи эди. Хаёлига «ҳалиям тонг отмабди-да», деган ўй келди. Яна бирпас ухламоқчи эди, негадир кўнглига ғулғула тушди.

– Ая-я! – деди ётган жойида.

Уй ичи жимжит. Токчадаги мушук кўзли соат шошқин чиқиллар, миллари олтини кўрсатиб турарди. Ҳеч нимага идроки етмади: эрталабми ҳозир, кечқурун?

– Ая! – деди тагин. Садо бўлмагач, сирғалиб кўрпа ичидан чиқди. Каловланиб айвон томон юрди. Вужудида мадор йўқ. Негадир оёғининг бармоқлари ачишиб оғрирди.

– Ая-я! – товуши пастак айвоннинг шифтига урилиб қайтди. Ҳовли ўртасидаги тутнинг қор босган новдалари совуқ шамолдан титрар, шохларнинг уч-учида оқшом шафағи ялтирарди. «Кун ботаяпти, шекилли, кечгача ухлабманми?» деган ўй хаёлидан лип этиб ўтди. Оёғига эски калиш кийиб, ҳовлига тушди. Яна онасини чақирди.

Кечаси бўлган воқеани эсламасликка ҳарчанд уринмасин аясининг зор қақшаб йиғлагани, анави «Соат ака»нинг дағдағалари ёдига тушиб, юрагига ваҳима ўрмала-

ди. «Ҳадича холамникига чиққанлар», деди ўзини-ўзи юпатиш учун пичирлаб. Муздек калиш ичида оёғининг бармоқлари баттар санчиб оғрий бошлади. Айвон бурчагида ғужанак бўлиб ўтиргани, онасининг анави кишига ялинганлари яна эсига тушди. Йўлак томонга юрди.

Кўча эшик тақа-тақ берк, тамба бостирилган эди. Ваҳимаси кучайиб кетди. Оёғининг ачишгани ҳам ёдидан чиқиб, калиши қорга тўлганча ҳовли бурчагидаги молхона эшигига борди. Йиғламсираб чақирди:

– Ая-я!

Кўрқув ичида молхона эшигини очди. Нимқоронғи молхонадан чириган хазон, эски гўнг ҳиди келар эди. Қор кечиб бостирма олдига борди. Пастак эшикни тортган эди, негадир очилмади. Эшик ҳалқасидан тутганича куч билан қўшқўллаб силтай бошлади. Занжир ичкаридан илиб қўйилган, асабий шиқирлар, аммо очилмасди.

– Очинг, ая! Кўрқиб кетяпман! – деди Қурбоной баралла йиғлаб.

Жон-дахди билан тортган эди, занжир узилди чоғи, пастак эшик нолали ғийқиллаб очилди. Ичкаридан кўзлари йилтираб турган бир нима отилиб чиқди-да, шувиллаб ёнидан ўтиб кетди. Қурбоной кўрққанидан додлаб юборди. Аммо овози чиқмаганини кейин пайқади. Қараса, муз босган остонада ўтирибди. «Мушук-ку!» деди ўзига-ўзи далда бериб. Мушук айвон зинасида тўхтаб, унга ёвқараш қилиб қўйди. Қип-қизил, юпка тилини чиқариб, лабини ялади-да, унсиз сакраб айвонга чиқди. Қурбоной қорга беланган этагини кафти билан тозалаган бўлди. Қоронғи бостирмага бош сукди. Ичкари киришга юраги бетламади, бир зум туриб қолди. Кейин, дадилланиб остона ҳатлади. Икки қадам босиши билан кўкраги аралаш юзига муздек нарса урилиб, лопиллаб кетди. У бошини кўтариб қаради-ю, шундоқ тумшуғи тагида икки оёқ шалвираб турганини кўрди. Сарпойчан оёқлар қоронғида сарғимтир рангда кўринар, вазмин лопиллаб уёқдан-буёққа бориб келарди.

Қурбоной даҳшат ичида орқасига тисарилар экан, вассажуфтига илинган арқонни, арқонда осилиб ётган гавдани кўрди. Кўрқувни ҳам унутиб, сарпойчан оёқларни чангаллади.

– Ая, аяжон! – деди чинқириб. Шундай қилса арқон узилиб, онаси ҳалос бўладигандек оёқларини пастга торта бошлади.

– Унақа қилманг, аяжон! Жон, аяжон, унақа қилманг!
Онасининг оёқлари муздек совуқ, таёқдек қаттиқ эди.

ХУДО УРГАН ОДАМ

Қурбоной хола одатдагидек эрта уйғонди. Ачом қилиб ётган неварасини оҳиста бағридан чиқариб, устига кўрпа тортди. Таҳорат олди. Ошхонага кириб, газга чой қўйди. Бомдодни ўқиб бўлиб, ўтганларга имон, жумла-мўмин қатори Умидага, невараларига умр тилади. Қуруқ тухматдан, бевақт ўлимдан сақлашни Тангридан илтижо қилди. Бир қўлида курак, бир қўлида супурги билан пастга тушди. Хайрият, ҳаво анча илибди.

Гастрономнинг эшиги тепасида қизил чироқ ёниб турибди... Нон дўкони олдига машина келиб тўхтади.

Қурбоной хола шошилмасдан қор курай бошлади. Бирпасда терлаб кетди. Орқа томондан Комиссарнинг йўғон овози келди:

– Ҳорма, қизим!

Қурбоной хола куракка суянган кўйи хотиржам бурилиб қаради.

– Саломат бўлинг, – деди салом бериб.

Комиссар қора пальто кийган, томоғини ола-була шарф билан ўраб олган, қўлида сут бидонча кўтариб турарди.

– Совқотмадингми? – деди меҳрибонлик билан.

– Йўқ! – Қурбоной хола жун рўмоли остида терлаб чаккасига ёпишиб қолган сочини кафти билан силади. – Кун ташлабди-ку, анча...

Комиссар томоқ қириб қўйди.

– Хабаринг йўқми, анави болани ўлдирганлар топилибдими?

– Билмасам, – Қурбоной хола елка қисди. – Топилар...

– Топилади! – деди Комиссар ишонч билан. – Топилмай қаёққа борарди?

Қурбоной хола индамади.

– Келин қалай, келин? – Комиссар тўртинчи қаватга, Рустамларнинг деразасига имо қилди.

– Жабр бўлди, бечорага! Қон йиғлаб ўтирибди, шўрлик...

– Оёқ олиши қалай? Олдига бегоналар келмаяптими?

– Вой, манов одамни! – Қурбоной хола астойдил ажабланди. – Худодан қўрқмайсизми?

Комиссар бирпас қор тепкилаб турди-да, тўсатдан сўради:

– Қалай, намоз ўқиб турибсанми?

Қурбоной холанинг юраги шиғ этди. Кечаги терговчи айтган! Яхши болага ўхшовди-ку? Ким билсин, тағин...

– Ким айтди? – деди шошилиб. – Мен намоз ўқимайман.

– Ўқийса-а-н! – Комиссар бармоғи билан пўписа қилди. – Билама-а-ан! Мен ҳамма нарсани биламан.

– Сут бор эканми? – деди Қурбоной хола гапни айлан-тириб.

– Бор экан, – Комиссар ўйланиб қолди. – Энди бориб манний каша пишираман.

– Болаларингиз хабар олмайдими? – деди Қурбоной хола. – Ўғлингиз бор... Невараларингиз...

– Хэх! – Комиссар истехзоли кулди. – Ҳаммаси – бир гўр!

– Унақа деманг, – деди Қурбоной хола астойдил ранжиб. – Боланинг ёмони бўлмайди.

– Тфу! – Комиссар асабий қўл силтади. – Бола-чақа боқиб роҳат кўраман, деганнинг падарига лаънат!

Қурбоной холанинг юраги сиқилди. Индамай қор курашга тушди. Бирпасдан кейин қулоғи остида тағин Комиссарнинг ғўлдираган товуши эшитилди:

– Менга қара, Қурбоной.

Қурбоной хола қадини ростлади. Комиссар сут бидонини қор устига қўйиб, алланечук қунишиб турар, заҳил юзи ўйчан эди.

– Ростингни айт! – деди кинояли илжайиб. – Жойна-моз устида ҳар куни қарғасанг керак мени? Ота-онанг учун, ўзинг учун... Фақат тўғриси айт!

– Ўзимга нима қипти? – деди Қурбоной хола дили оғриб.

– Хэх! – Комиссар калтакесакдек чирқиллаб кулди, – ўзинг бўлмаса ота-онанг учун...

– Мен ҳеч кимни қарғамайман, – деди Қурбоной хола ишонч билан. – Қуръонда битилган: Оллоҳ ҳар нарсани кўргувчидир. Тангрим ҳаммасини кўриб турибди.

Комиссар бирпас гезариб турди-да, бидон бандидан кўтарди. Индамай нари кетди.

Қурбоной хола куракнинг муздек дастасини чангаллаган кўйи узоқ туриб қолди.

Нима деса бўлади бу одамга?! Бутун аждодига қирон келтиришга келтирди. Бувасини ўлдирди, отасини ўлдирди, онасидан жудо қилди. Аммо ўзининг бахтсиз бўлишида бу одамнинг айби йўқ...

Қурбоной хола эридан ажрашгани учун ўкинмайди. Шунчаки, турмуши келишмади, холос.

...Онаси ўлганидан кейин амакилари ота ўрнида оталик қилди. Ўраб-чирмаб узатди. Эри яхши йигит эди. Ҳалол, меҳнаткаш... Фақат қайнота-қайнонаси Қурбонойни ҳеч иқи суймади. Келин бўлиб тушган оиласи замонавий экан. Қайнотаси олим, қайнонаси – инженер. Қурбоной атеизм деган илм қанақа бўлишини билмас эди. Қайнотаси ўша илм бўйича олим экан. Қурбоной бурчак-бурчакда яшириб намоз ўқиб юрди-ю, рўза тутганда қўлга тушиб қолди. Ўшанда Умида икки ёшга чиққан эди. Қайнотаси бир коса сув келтириб, ҳозир ичасан, деб туриб олди. «Ўзим коммунист бўлатуриб, атеист бўлатуриб, оиламда диндорлик авж олишига йўл кўймайман», деди. Орага куёв аралашган эди, «феодализм давридан қолган бу махлуқни қаёқдан топгансан?» деб ўдағайлади...

Қурбоной қараса, ота-бола ёқалашиб кетадиган. Қизчасини кўтарди-ю, чиқди-кетди. Эри сўроқлаб келган эди, тушунтирди. «Жон дадаси, мен сиздан мингдан-минг розиман. Хафа бўлманг, барибир турмушимиз тўғри келмай-

ди. Мен сизга муносиб эмасман. Ўзингиз рози бўлиб, талоқ кўйинг...» Ёзуғи шу бўлса, нима қилсин!

...Комиссар бўлса мени қарғайсанми, дейди.

Қурбоной хола ҳамон курак дастасидан тутиб тураркан, хўрсинди:

– Худонинг ўзи уриб кўйибди-ку сени, мен нимангни қарғай.

ҚУРБОНОЙ ХОЛАНИНГ ЭРТАКЛАРИДАН

Бир куни Ҳаж сафаридан қайтаётган карвон шаҳарга яқин жойда тўхтаб, дам олибди. Ўша ерда булоқ бор экан. Сув ичишибди, салқинлаб, хордиқ чиқаришибди... Карвонда учинчи марта Ҳаж қилган нуруний чол ҳам бор экан. Чол сафар бўйи ҳамманинг ҳожатини чиқарган, донишманд одам экан.

Бир маҳал шаҳар томондан битта отлиқ елиб келибди. Бўза ичиб олган, маст йигит одан сакраб тушибди-да, югура келиб, чолни тарсакилаб юборибди. Карвондагилар йигитни ўраб олишибди. «Бу одам сенга нима ёмонлик қилди?» – дейишса, маст йигит индамасмиш. Одамлар унинг адабини бермоқчи бўлиб шайланиб турган экан, чол уларни шаштидан қайтарибди. «Тегманглар, бу менинг ўғлим бўлади», дебди. Одамлар баттар ғазабга минибди. «Бу қандай фарзандки, ўз отасига қўл кўтарса!». «Майли, – дебди чол шунда. – Бу болада айб йўқ. Менда ҳам гуноҳ йўқ. Отамнинг жазоси менга қайтди. Болалигимда қулоғимга чалинган эди: бир вақтлар отам ёшлиқ қилиб бувамни урган экан. Ўшанда бувам дуойибад қилган экан...»

ҲАЁТНИНГ БОШ МАЗМУНИ – ПРИНЦИПАЛЛИК

Қурбонойга нега унақа деди? «Жойнамоз устида мени қарғайсанми?» эмиш! Шуям гап бўлди-ю! Қарғиш-парғиш, дуо-дуойибад. Ҳаммаси абсурд! Чепуха! Нега шу эшонвачча уборшица билан пачакилашди? У ким-у, фаррош ким?

Комиссар сут бидонни кўтариб бораркан, ўзининг гапи ўзига нашъа қилиб, ғижинар эди. Қарияпсан, биродар, қарияпсан. Кўп гапириш – кексалик белгиси, чекист эса кўп гапирмаслиги керак...

... Ўша ҳодисадан кейин уйланишга қарор қилди. Биографиясига доғ тушиб қолиши мумкин эди. Орган бунақа нарсаларни кечирмайди. Албатта, Фотима ўзини осиб кўйгани учун полковник Ғаниевни айблайдиган мард йўқ эди. Ғинг деб кўрсин-чи, «халқ душмани»ни ҳимоя қилган шубҳали шахс сифатида қия бўлиб кетади! Нима қипти, Ғаниев «халқ душмани»нинг уйида тинтув ўтказди. Ҳакимовнинг хотини ўзини осиб ўлдирди. Бунга Ғаниевнинг нима дахли бор? Эшонзода Фотима Обидхонованинг айби бўйнидадирки, ўзига ўзи сиртмоқ илгандир! Қизи масаласига келсак... Ёш қизалоқ нимани биларди? Оила аъзосининг гувоҳлиги инобатга ўтмайди. Факт шуки, Ғаниев Обидхоновага зуғум қилмади, тан жароҳати етказмади. Ҳар ким ўз жонига ўзи хўжайин. Обидхонова ўлгиси келган бўлса, марҳамат, ўлаверсин!

Комиссар, мабодо, устидан шикоят тушгудек бўлса, далилларни қаторлаштириб кўйган эди. Ҳеч қандай шикоят тушмади. Бироқ Соат Ғаниевич энди уйланмаса бўлмаслигини ҳис этди. Ўйлаб қараса, ёши ҳам ўттиз бешга борибди... Ана, тенгдоши Тўлаганнинг қизи бўйига етиб қолибди. Эрта-индин эрга тегса, болали бўлади. Душманми, баломи, ишқилиб уйланибди, ҳузур-ҳаловат кўрибди. Соат Ғаниевич нима кўрди дунёга келиб?

Кўз очиб кўрган хотининг бошқача бўларкан-да! Назира ҳалиям тушларига киради. Ювошгина эди. Майингина... Тўғри, у пайтда «Қизил тўй» қилиш удум бўлмаганди. Назиранинг отаси «Бир камим қизимнинг шунча меҳмон олдида куёв билан ўтиришини томоша қилишим қолувди!» деб туриб олди. Куёв унча-мунча одам эмас, полковник эканини, НКВД билан ҳазиллашиб бўлмаслигини тушунтириб қўйишди, шекилли, чол шаштидан қайтди. Эсида, тўй ниҳоятда хушчақчақ

ўтди, ҳатто генералнинг ўзи ҳам келди. Соат оилавий бахт деганлари қанақа бўлишини илк бор тотиб кўрди. Ярим кечада келадими, тонг-отарми, ош-овқати тайёр. Формаси дазмолланган. Туфлиси ялтиратиб артиб қўйилган. Уйи – чинни-чироқ...

Соат тўйнинг эртасига Назирага масалани кўндаланг қўйди:

– Уйдан чиқиб кетаётганимда қаёққа кетяпсиз, қачон келасиз, демайсан. Келганимда қаердан келдингиз, нега шунча йўқ бўлиб кетдингиз, демайсан. Ишим тўғрисида умуман сўрамайсан. Вазифам шунақа!

Назира эрининг ҳукмини қулоқ қоқмай бажарадиган аёллар тоифасидан экан. Соат нима деса, ҳаммасини ўрнига қўйди... Соат уйда кам бўлар, бор пайтида ҳам эр-хотин деярли гаплашишмас эди. Қизиқ, улар ўртасида қандайдир сирли, хатарли девор турганга ўхшар, иккови ҳам ўша деворга яқин келса, бирон корҳол рўй беришидан ҳадиксираб туришарди.

Бир куни Назира «ёрилди». Соат кечаси уйғониб кетди. Қараса, чироқ ёниқ. Тепасида хотини термилиб ўтирибди. Юзини доғ босган, қорни катта. Пишиллаб нафас олади.

– Нима гап, Назира? – деди Соат.

Хотини индамади. Киприк қоқмай ўтираверди. Баайни ҳайкал! Кўзи унда-ю, хаёли бошқа жойда.

– Ҳой, – деди Соат туртиб, – кўзингни очиб ухляяпсанми? Хотини алланима деб пичирлади.

– Нима? – Соат унинг елкасига беозор қўл ташлади.

Назира негадир ўзини четга олди.

– Қўрқаман... – деди пичирлаб.

Соат кулиб юборди.

– Нимадан кўрқасан, овсар!

– Қўрқаман... – Назира тағин пичирлади. – Сиздан кўрқаман!

– Мендан? – Соат унинг юзини силамоқчи эди, Назира тағин ўзини орқага ташлади.

– Сиз – кўрқинчли одамсиз! – деди юзини ўгириб.

Соатнинг жаҳли чиқиб кетди.

– Нима деяпсан, аҳмоқ! – деди зарда билан. Қаддини ростлаб, иягидан тутганча хотинининг кўзига чақчайди.
– Қаёқдан олдинг бу гапни?

Ажаб, Назира қилча ҳам чўчимади. Бир нуқтага тикилиб ўтираверди. Анчадан кейин ўйчан оҳангда сўради:

– Кўп қарғиш олганмисиз?

Соатнинг хаёлига лоп этиб Фотима келди. Юраги шувиллаб кетди. (Ажаб, ҳеч қачон бундай бўлмаган эди). Ўзининг бир лаҳзалик ожизлигидан ўзи ғазабга минди.

– Ким айтди? – деди дағдаға билан.

– Ҳеч ким. – Назира юзини девор томон бурди.

– Йўқ, айтасан! – Соат муштини тугди. – Ким ўша ифвогар?

– Ҳеч ким! – деди Назира унинг кўзига тик қараб. Кейин тўсатдан йиғлаб юборди. – Соат ака! – деди бўйнидан қучоқлаб. – Туғишдан кўрқаяпан... Кўнглим сезиб турибди. Ўлиб қоламан!

Соат бир қадар енгил тортди: ҳа-а, гап буёқда экан-ку!

– Жиннимисан! – деди юпатиб. – Хотин киши туғди-да! Битта сенмисан?

– Соат ака! – Назира унинг бўйнига янаям қаттиқроқ тармашди. – Бўшанг ишингиздан, тезроқ бўшанг! Билман, бу ишингизда гуноҳга ботасиз, жон Соат ака! Биттаси бўлмаса биттаси қарғайди. Ўзингдан қайтмаса, бола-чақангдан қайтсин, дейди. Барибир айтади.

Назира эс-хушини йўқотиб қўйганга ўхшар, нуқул «бўшанг! бўшанг!» деб ёлборарди.

– Э, ўчир-е! – деди Соат тоқати тоқ бўлиб. – Биринчидан, отставкага чиқишимга ҳали анча бор. Иккинчидан, мен совет офицериман, бурчимни бажаряпман. Тушунасанми шуни, аҳмоқ хотин!

Ўша кеча хотини тонггача ҳиқиллаб ётди. Эрталаб тўлғоқ бошланди. Назира бекорга кўрққан экан... Паҳлавондек ўғил туғди. Отини Маузер қўйишди.

Икки йил ўтиб, яна бир ўғил кўришди. – Мэлс!

Соат тўнгич ўғлига айрича меҳр қўйган эди. Маузер ўзига ўхшаган офицер бўлишини хоҳларди. Ҳарбий ин-

тизомга ўрганса, юрганида ер титраса... Йўқ, Маузер ота йўлидан кетмади. Журналист бўлармишлар. Газетада ишлармишлар. Аҳмоқ! Колхозма-колхоз юриб хабар ёзи- шинг қолувди энди. Отанг кўрган, бунақа «ёзувчи»лар- дан қанчасини! Ҳамма ерга бурнини суқади. Бировлар- нинг қабулхонасида соатлаб ўтиради...

...Йўқ! Маузер Соат Ганиевичнинг ўзига ўхшаган қай- сар чиқди. Журналистликка ўқишга кирди. Бу пайтда Комиссар истеъфога чиққан эди. Ўғлининг раъйига кў- нишдан ўзга чора тополмади. Маузер бешинчи курсни битираётганида уйлантиришди. Келин инсофли эди. Хушрўйгина, одоблигина. Энг муҳими – камгал... Назира икки гапнинг бирида келинни мақтар, ўғлининг пешо- наси ярақлаганидан хурсанд эди... Маузер ўқишни бити- риб республика газетасида ишлай бошлади...

...Бир куни уйни меҳмон босди: Маузернинг ўртоқла- ри. Ярим соат ўтмай квартирада қадахлар жаранги, қий- қириқ кулгу авжига чиқди. Комиссарнинг ғаши келди. Бу хонадонда ҳеч ким, ҳеч қачон қийқириб кулган эмасди.

– Нима бу, ҳайвонот боғининг эшиги очилиб кетдими? – деб ўдағайлаган эди, Назира имлаб, ошхонага чақирди.

– Одамни шарманда қилманг, жон дадаси! – деди яли- ниб. – Ўғлингиз ўртоқлари билан гап еган. Бугун Маузер- нинг навбати...

Орага Мэлс кўшилди:

– Қизиқсиз, дада! Акам уйимизга меҳмон чақирса, ёмонми?

Нимани биледи булар? Нима тушунади? Ўттизинчи йилларда худди шунақа «гап» туфайли қанчаси қар- моққа илинган!

Киши билмас кулоқ солди. Бири латифа айтади, бош- қаси сиёсатдан олади. Сиёсатдан! Комиссар Ганиевнинг ўғли аллақандай қинғир-қийшиқ улфатлари билан сиё- сат сўқияпти!

Зиёфат тугагунча тишини тишига қўйиб чидади. Меҳ- монлар кетгач, Маузерни сиқувга олди.

– Ким булар?

– Дўстларим, – деди ўғли ҳайрон бўлиб.

– Қаерда ишлайди? Фамилияси нима?

Маузер ичган эди. Кўзлари сузилиб, илжайди.

– Ҳаммасининг анкетаси керакми?

Орага яна Назира қўшилди.

– Жон дадаси, – деди ёлвориб. – Ухланглар. Кеч бўлди.

Эрталаб гаплашасизлар.

Соат Ғаниевич қараса, ўғлидан тузук-қуруқ гап чиқадиغان эмас. Эрталабгача кутишга қарор қилди. Тонг-саҳарда Маузерни қайтадан сўроққа тутди:

– Кечагилар ким эди?

– Ўртоқларим, – деди Маузер оромкурсида ўтирган кўйи хотиржам сигарет тутатиб.

– Нега сиёсатга аралашади?

– Ижтимоий ҳаётга аралашмаган журналист йўқ, – деди Маузер ғўлдираб.

– Сен ҳам аралашасанми ижтимоий ҳаётга?

– Албатта!

Комиссар уриб юборишдан ўзини аранг тийиб, ўйла-ниб қолди. Хаёлига ғалати фикр келди.

– Майли, – деди ён бериб. – Гапга қўшилишингга қарши эмасман. Биламан, йигит кишининг улфати бўлиши керак. Фақат... – У ёғини иложи борича ботмайдиган қилиб, осойишта тушунтирди. – Биласанми, ўғлим... Сенлар ёшсан, ҳаётни яхши билмайсан... Ораларингда система-мизнинг душманлари бўлиши мумкин... – Шундай деб, ўғлининг кўзига қаттиқ тикилди.

Маузер бўзрайиб қолган, киприкларини овсарларча пирпиратар эди.

– Яхши! – Комиссар унинг елкасига қоқди. – Бемалол гапга қатнайвер. Ҳаммасининг гапини эшит... Фақат... Биронтаси жамиятимизга душман эканини пайқаб қолсанг...

Маузернинг оғзи ланг очилиб, башараси янаям аҳмоқона тусга кирди.

– Нима? – деди ниҳоят, – сиз мени... мени... агент қилмоқчимисиз?! – ўша заҳоти ранги гезариб кетди. – Овора

бўласиз! – деди бақириб. Шахт билан турди-да, хонадан чиқиб кетди.

Комиссар умрида бундай аянчли аҳволга тушмаган эди. «Аҳмоқ!» деди ижирганиб.

Икки ҳафтагача уйлари сув қуйгандек сукутга чўмди. Ота-бола гаплашмай юришди. Мэлс бўлса, умуман, камгап йигит. Шарқшунослик факультетининг урду бўлимида ўқийди. Эрта кетади, кеч келади.

Икки ҳафталик сукунатдан сўнг портлаш рўй берди. Маузер навбатдаги гапдан ғирт маст бўлиб келди. Оёқда туролмайди. Келин қўлтиғидан олиб, ётоққа бошлаётган эди, Маузер нари итарди.

– Шошма! Д-д-дадам билан г-гаплашиб олишим к-к-ерак!

Назира келиннинг ёнига кирди. Айланиб-ўргилиб, ўғлини инсофга чақирди.

– Қўй, болам, ҳар қанча гапинг бўлса, эртага гаплашасан.

– Йўқққ! – деди Маузер оғзидан кўпик сачратиб. – Ё ҳоз-з-зир, ё ҳ-ҳ-ҳеч қачон!

Аҳволини қара, бу молнинг! Қўйиб берса Гамлет монологиниям ўқиб беради, мишиқи интеллигент!

– Қани, буёқа юр-чи!

– Дадаси, жон дадаси. – Назира палапонини қўриқлаган она чумчуқдек чирқиллаб қолди. – Кўриб турибсиз-ку, ҳолини, дадажониси!

– Маузер ака, қўйинг, – деди келин қўрқиб. – Юринг, дамингизни олинг.

– Сиз нари туринг, келин, – Соат Ғаниевич ғазабини тийиб, осойишта тушунтирди. – Қани, нима гапи бор экан? Эштайлик-чи.

Ота-бола рўбарў ўтиришди. Бири столнинг у томонида, бири бу томонида.

– Хўш, гапир. Қулоғим сенда! – деди Комиссар.

– Йў-ўқ, – деди Маузер. – Аввал булар чиқиб кетсин. Ойи, чиқиб туринг, ил-л-лтимос. Гуля, сен ҳам чиқ-қ-қиб тургин. Ж-жон Гуля... Ўз-з-зинг ақлл-лисан-ку!

– Бўлдими? Гапир энди!

Маузер негадир кулди – оғзидан сўлак оқишиб, жуда хунук кулди.

– Дад-д-да! – деди илжайиб. – Н-н-нега менинг отимни Маузер кўйгансиз. Н-н-нима? М-м-мен тўппончаманми?

Комиссар дафъатан эсанкираб қолди. Чиндан нега Маузер? Иккинчи ўғлига-ку, улуғ доҳийлар исмини кўйган. Бунга-чи?

– Шу проблема қизиқтириб қолдимиз? – деди қовоғини солиб.

– Қ-қ-қизиқтиради. Д-д-доим қизиқтиради. – Маузер шимининг чўнтагидан ғижимланган сигарет олиб тутатди. – Н-н-нима? – деди ҳамон илжайиб. – М-мен билан б-б-бировни от-т-тмоқчимисиз?

– Аҳмоқ! – деди Комиссар беозор койиб. – Мен сен қуролдек кучли бўлишингни хоҳлайман, билдингми?

– Ш-шунақа денг! – ўғли кўзлари юмилиб-юмилиб сигарет тортди. – Ўз-з-зига ишонган одам, – деди дудуқланиб, – бир-р-ровга тўп-п-понча ўқталмайди. С-с-сиз ўзингизга ишонмайсиз! – Шундай деди-да, тагин кулди. – Танийсизми? – деди тўсатдан. – Фақат р-р-ростини айтинг. Ҳамидов деган ак-ак-академикни танийсизми?

– Қанақа Ҳамидов?

– Танийси-и-из! – Маузер бош чайқаб бармоғи билан пўписа қилди. – Ёлғон гапирма-а-анг! Танийсиз.

– Мен ҳеч қанақа академик Ҳамидовни танитайман.

– Бўлмаса... – Маузер мастона кўзлари билан қаттиқ тикилиб таъкидлади. – Бўлмаса... у сизни танийди. Билдизми! У мендан с-сўради. Сиз ўша Комиссар Ғаниевнинг ўғлимисиз, деди.

– Мен ҳеч қанақа Ҳамидовни танитайман! – деди Комиссар ғижиниб.

– Алдаманг! Уни с-с-сиз сўр-р-роқ қилгансиз. Т-тарихни бузиб кўрсатдинг, деб с-с-сиз қамагансиз! – Маузер кўлини бигиз қилиб чўзди. – С-сиз юборгансиз К-к-курул оролларига! Йигирма беш йилга с-с-сиз жўнатгансиз.

– Мана сенга Ҳамидов! – Комиссар кучи борича мушт солган эди, Маузер ўтирган стули билан қўшилиб ағдарилиб тушди. Бурнидан шариллаб қон келди.

Хонага Назира билан келин учиб киришди.

– Вой ўлай! Вой ўлмасам! – Назира титраб-қақшаб Маузерни бошидан кўтарди. – Гулнора! Сув обкелинг! Тезроқ!

Маузер кафтининг орқаси билан оғиз-бурнини артди. Қизиқ, бирпасда кайфи тарқадими, бурро-бурро гапира бошлади.

– Билиб қўйинг! – деди таҳдид билан. – Сиз ўша академикнинг тирноғига арзимайсиз!

– Ўчир овозингни! – Комиссар столни бор кучи билан муштлади. Гулдон ағдарилиб, сиренлар сочилиб кетди. Дастурхон устига жилдираб сув оқди.

– Урмоқчимисиз? – Маузер хотини келтирган сувга ўтирган жойида чала-чулпа юз чайқади. – Уринг! – деди аччиқ илжайиб. – Сиз уришга устасиз, Комиссар Ғаниев. Аммо, билиб қўйинг, эрта-индин ҳаммангни сиринг очилади.

Комиссар столни шитоб билан айланиб ўтди. Ўғлининг елкасига тепиб ерга михлаб қўймоқчи эди, Назира дод солиб, йўлини тўсди:

– Вой ўлмасам! Бу қандай кўргилик!

– Қўяверинг ойи, ураверсин! – деди Маузер. Сўнг отасига тик қаради-да, дона-дона қилиб айтди. – Сиз – қотилсиз! Ҳамманг қотилсан! Йигирма миллион одамни гумдон қилган жаллодсан!

– Йўқол кўзимдан!

– Отлан, Гуля! – Маузер чайқалиб ўрнидан турди. – Бу уйда тургандан кўра ваҳший ҳайвонлар билан яшаган яхши. – Отасидан жиркангандек четлаб ўтди-да, эшик томон йўл олди.

Онаси ўкраб йиғлаганча этагига осилди.

– Унақа дема, болам. Отанинг юзига тик қараб бўлмайди, Маузержон! Эсингни йиғ, жон болам.

Маузер онасининг қўлтиғидан кўтарди.

– Туринг ойи, кетамиз. Юринг, биз билан. – Тўсатдан йиглаб юборди. – Ойи! Мен бу одамнинг ўғли бўлганимдан уялиб кетаяпман, ойи!

Комиссар кечаси билан тўлғониб чиқди. Уйда бир ўзи қолган.

Мэлс негадир келмаган. Назира эса ўғли билан келинининг кетидан ҳайҳайлаб югурганича, аллақайси гўрга ғойиб бўлган эди.

Қаранг, бу олифта интеллигентни! Ўз отангни тергашни ким қўйибди сенга! Замон қанақа бўлганини сен қаёқдан биласан! Инқилоб ғалабаларини ҳимоя қилиш керакмиди? Мамлакатни ички душманлардан тозалаш керакмиди? Бундан ташқари ҳарбий қасамёдга садоқат, офицерлик бурчи, деган гаплар бор! Нега шунча йил писиб юрган экан ўша академигинг! Замон ўзгариб, энди тиллари чиқиб қолибдими? Курилга жўнатилганми, ундан наригами, итдек ўлиб кетмаганига шукур қилмайдими! Кўрамиз, ҳали чархи гардуннинг ғилдираги қаёққа қараб айланаркин? Ер юзида коммунизм тўла ғалаба қозонмагунча, душманлар бўлаверади. Демак, қора кучларга қарши курашадиган ташкилот ҳам бўлаверади!

...Назира эртаси кечқурун қайтиб келди. Бир кунда чаккасидаги сочларининг оқи кўпайганга ўхшар эди. Унинг айтишича, Маузер Юнусободдаги сўққабош кампирниқидан ижарага бир хона олганмиш.

– Баттар бўлсин! – деди Комиссар энсаси қотиб. – Бурнига озгина сув кирсин, вайсамайдиган бўлади.

– Дадаси, жон дадаси! – Назира унинг оёғига йиқилди. – Хафа бўлманг, ўғлингиз ёшлиқ қилди. Кайф устида алжиради-қўйди, гуноҳидан ўтинг!

Маузернинг кечаги гаплари эсига тушиб Комиссарнинг вужуди ёниб кетгандек бўлди.

– Йўқ! – деди қатъий қилиб. – Бу – принципиал масала! Менинг Маузер деган ўғлим йўқ! Бу мавзуда бошқа гаплашмаймиз!

...Икки орада Назиранинг касалга чалиниб қолгани чатоқ бўлди. Ёши эллиқдан ўтиб-ўтмай қон босими кўтарилади-

ган одат чиқарди. Комиссар ўзини юпатди. Майли, Маузердан кўрмаганини Мэлсдан кўради. Мэлс – эсли бола. Камгап, мулоҳазали. Мактабни олтин медал билан битирди... Ўшанда Назира ғалати гап айтган эди:

– Болаларингиз антиқа чиқди-да, дадаси! Маузер ўз киндигини ўзи кесган хилидан. Қиламан деган ишини қилмай қўймайди. Кичиги бўлса ичимдагини топ дейди. Яккаш ўй ўйлайди. Минг ерига пичоқ урса, бир еридан қон чиқмайди. Ҳайронман...

Хотин киши хотинча ўйлайди-да! Мэлс кам гапириб, кўп ўйласа, ёмонми? Ўқиши аъло, мана, урдудан ташқари инглиз тилини ҳам мукамал ўрганиб олди. Институтни битирса, чет элларга бориб ишлайди. Жамият равнақи-га ҳисса қўшади. Анави телба акасига ўхшаб кўча-кўйда вайсаб юрмайди. Комиссар Ғаниевнинг ўғли қанақа бўлишини кўрсатиб қўяди.

Она – барибир она экан-да! Назира кунора Маузернинг олдига қатнар, ҳар гал янги гап топиб келар эди. Ишхонасида Маузернинг ҳурмати зўр эмиш. Бир йил ичида уй беришармиш. Гулноранинг анор егиси келаётганмиш... Аммо бирон марта «ўғлингиз қилмишидан пушаймон, узр сўради», деган гап бўлгани йўқ...

...Комиссар ўйлаб-ўйлаб, бир қарорга келди: Мэлсни уйлантириш керак. Шунда онасининг кўнгли жойига тушади. Анави аҳмоқнинг олдига камроқ югурадиган бўлади...

Мэлс ювош кўрингани билан бало экан. Тўй ҳақида гап очилганида онасига Лоланикига совчи бўлиб боришни тайинлабди. Лола дегани автодорожний институтда ўқиркан...

Тўй рисоладагидек ўтди. Айни меҳмонлар тўпланаётган пайтда Назира югургилаб келиб қолди.

– Дадаси! – деди яйраб-яшнаб, – ўғлингиз келди! Чиқинг, сўрашинг мундоқ!

Комиссар гарангсиб турган эди, тушунтирди:

– Маузер келди! Қаранг, укасига қанча нарса обкепти!

Комиссар энсаси қотиб, ҳовлига тушди. Бир четда юк машинаси тўхтаб турар, Маузер тўйхонадаги йигитларга

кўмаклашиб, машинадан қутига солинган телевизор, холодильник туширар эди. Ёнида қорни дўппайиб қолган Гулнора турарди.

Эр-хотин барабар ярқ этиб шу томонга қарадилар. Гулнора ийманиб, салом берди. Маузер илжайиб яқин келаётган эди, Комиссар юзини чириллатиб ўгирди-да, бурилиб кетди...

...Ростини айтганда, Лола Комиссарга маъқул тушди. Хушчақчақ, чаққон. Ишниям боплайди, гапниям! Бир ой ўтмасдан ҳаммага лақаб қўйиб улгурибди. Назира айтиб қолди:

– Эшитдингизми, дадаси, менинг отим амортизатор эмиш.

– Нима дегани у?

– Уй ичимизнинг тинчини тутиб турган эмишман. Мен бўлмасам, ҳаммаёқ алғов-далғов бўлиб кетармиш.

Комиссар ўйлаб туриб, келиннинг мулоҳазаси жўяли эканига тан берди.

– Ўғлингнияма лақаби бордир?

– Бор! – Назира кулди. – Домкрат!

– Нега энди домкрат?

Назира нечундир қизариб, елка қисди.

– Билмасам...

– Ўзи-чи? Ўзигаям от қўйганми?

– Бўлмасам-чи? Лолахон тушмагур биринчи бўлиб ўзига лақаб топган-да! Ойна тозалагич эмиш. Дворник.

Комиссарга нашъа қилди.

– Дворник? Буни қара-я! Биров уни чўри қилиб қўйгани йўқ, шекилли?

– Мен ҳам шуни сўрадим. Йўқ, дейди. Мен чўри эмасман, шунчаки, ойна тозалагичман, мен бўлмасам, бу хонадонга нур кирмасди, дейди.

Бу гаплар Комиссарнинг эсидан чиқиб кетган эди-ку, бир куни хаёлига ғалати ўй келди. «Менгаям лақаб қўйган бўлса-чи, бу маҳмадона!» Назирадан шуни сўраган эди, бош чайқади:

– Ўлибдими? Сиздан қаттиқ ҳайиқади келин!

Йўқ, бирон ҳафталардан кейин Назира кулиб-кулиб айтиб берди:

– Сизникиям бор экан: глушитель!

– Рул десин, мотор десин... Глушителни нимаси?

– Машинанинг тутун чиқарадиган жойи бор-ку, ўша-нақа нарса экан.

– Мен шунақа эканманми? – деди Комиссар азда-базда ранжиб. – Ким қўйибди бу жиблажибонга...

– Йў-ўқ, дадаси, – Назира тушунтирди. – Гап тутунда-мас. Сиз овоз ўчирадиган аппарат эмишсиз. Бу хонадонда фақат шивирлаб гаплашиш мумкинмиш.

...Айни қиш чилласида Назира эшикдан ҳовлиқиб кирди:

– Суюнчи беринг, дадаси, неварали бўлдингиз! Гулно-ра ўғил туғди!

Комиссарнинг кўнглини мубҳам бир илиқлик силаб ўтгандек бўлди. Бироқ Маузернинг маст бўлиб айтган гаплари тағин эсига тушиб, юрагидаги муз янаям қалин-лашди.

– Хотин бўлгандан кейин туғади-да, – деди совуққина қилиб.

Назира каттакон сумкани диванга қўйиб, ичидан бир кучоқ латта-путталар чиқарди: йўргаклар, кўй-лак-иштончалар, халатчалар...

– Жон дадаси, – деди ёлбориб. – Эртага чақалоқни туғруқхонадан олиб чиқишади. Умрим бино бўлиб сиздан ҳеч нима сўрадимми? Илтимос, бир марта хўп денг, борайлик... Майли, кўпмас, беш минутга... Бир оғиз таб-риклаб чиқинг. Бува бўлдингиз ахир.

Комиссар хотиржам қўл силтади:

– Ўзинг боравер!

Назиранинг кўзида ёш ғилтиллади.

– Одамсиз ўзи, нимасиз?! – деди илтижо қилиб. – Бир оғиз гап учун ўз пушти камарингиздан бўлган фар-зандингиздан кечасизми?

– Кечаман! – Комиссар ҳар сўзини чертиб таъкидлади.

– Мен принцип учун онасидан кечган одамман!

...Диалектика қонунлари қизиқ экан. Бугун йўқотасан, эртага топасан... Маузернинг хотини битта ўғил туққан бўлса, Мэлснинг хотини бир йўла иккита – эгизак туғиб берди: Ҳасан-Ҳусан! Бирпасда уйлари тўлди-қолди...

Болкайларнинг бижир-бижир тили чиқди, йўлга кирди. Бора-бора Назира ҳам неваралари билан андармон бўлиб, Маузерни кўп гапирмай қўйди. Невара яхши бўларкан. Хонадонга алланечук файз кирди. Ҳасан-Ҳусанлар боғча ёшига етгач, «дедушка»га ҳам иш топилди. Иккаласини икки ёнига олиб, эрталаб боғчага элтади, кечқурун олиб келади.

...Мэлсни аспирантурада олиб қолишди. Комиссар бунга асло ажабланмади. Билими чуқур, ҳар томонлама етук... Бошқаларга ўхшаб домлаларга пул тиқиштириб ўқимади.

Бир йилдан кейин ўғли маслаҳат солди:

– Покистонга стажировкага юборишмоқчи. Уч ойга.

– Бориб кел! – деди Комиссар. – Тилни тағинам мукамал ўрганасам. Ҳаётни кўрасан...

– Шунақа-ку.. – Мэлс кўзойнагини йилтиратиб, хижолатли жилмайди. – Баъзи ташкилотлар...

Комиссар дарҳол тушунди. Хэх! Булар Комиссар Ғаниевнинг фарзандига ишонмаса...

– Чамадонингни тайёрлайвер, – деди ишонч билан.

...Бирон ойлардан кейил «уёқ»дан телефон бўлди. Эртага эрталаб соат ўнда «Тошкент» меҳмонхонасининг фалон номерида кўришсак, деб илтимос қилишди.

Комиссар ажабланмади. Отставкага чиққан бўлса ҳам тажрибали ходим сифатида маслаҳатга ва умуман... «баъзи юмуш»ларга чақириб туришарди.

Фуқаро кийимидаги ходим очиқ чехра билан кутиб олди. Комиссар уни биринчи кўриши эди. Ходим комиссарни орқаворотдан яхши танишини, ҳурмат қилишини айтди. Соғлигини суриштирди, фарзандлари, невараларининг кайфиятини сўради...

Даромад чўзилиб кетганидан Комиссарнинг кўнгли гаш тортди. Хаёлига лоп этиб Маузер келди. «Яна бир

қилиқ қилган бу эшшак! Ким билсин, газетада қалтис мақола чиқарганми? Қачонгача отасини шарманда қилади аҳмоқ!»

– Бўпти, ўртоқ – деди лўнда қилиб. – Мақсадга ўтайлик!

– Яхши, ўртоқ полковник! – ходим тортмани очиб, унинг олдида бир тўп газета ташлади. – Қараб кўрингчи, шулар орасида биронтасини танийсизми?

Комиссар, ҳайрон бўлиб инглизча газеталарни варақлай бошлади. Деярли ҳар биттасида Мэлснинг кўзойнак ортидан илжайиб турган сурати босилган эди.

– Нима бу? – деди оёқ-қўлидан мадор қочганини ҳис этиб.

– Нима эмас, ким денг? – ходим истехзоли кулди. – Танимаётган бўлсангиз, эслатиб қўйишим мумкин: бу кимса собиқ совет фуқароси Мэлс Соатович Ғаниев бўлади! Сизнинг ўғлингиз!

Комиссар бошидан ҳуши учиб бораётганини, ҳозир йиқилиб тушиши муқаррарлигини сезиб турар, тили калмага келмас эди.

– Тухмат! – деди ниҳоят бутун иродасини йиғиб. – Бўхтон! Менинг ўғлим унақа бўлиши мумкин эмас!

– Мумкин экан-да! – Ходим алланечук хотиржам жилмайди. – Мэлс Соатович Ғаниев Карачидаги Англия консулхонасига сиёсий бошпана сўраб борган. Совет Иттифоқида эркинлик йўқлигини айтиб, расмий баёнот берган, совет фуқаролигидан воз кечишини айтган... Ўқиб берайми?

Комиссар туш кўраётганга ўхшар, пешонасидан дўлдек тер қуйилаётгани, ўтирган жойида муттасил чайқалаётганини ўзи билмас эди. Бир маҳал қараса, ерда чўзилиб ётибди.

Ходим уни қўлтиғидан кўтариб, оғзига стаканда сув тутди.

– Генералга кираман! – деди Комиссар хириллаб. – Мен... бораман! Бориб, ўз қўлим билан отиб ташлайман! Отмасам, мени отинглар!

Бу гапларни сидқидилдан айтар, аммо айна пайтда қийноқ камералари, карцерлар, одам бошига ит кунини

соладиган, нажас ейишга мажбур қиладиган рецедивистлар, каламушли горшоклар бирма-бир кўз ўнгидан ўтар эди.

– Отаман! – деди ҳайқириб. – Менинг бунақа ўғлим йўқ! Отаман!

Қизиқ. Уни қўйиб юборишди. Ҳатто «Волга»да уйига-ча кузатиб ҳам қўйишди.

«Бу ҳам бир манёвр! – Комиссар шаҳар марказидаги тўрт хонали уйига ҳорғин чиқиб бораркан, хаёлидан аламли ўй кечди. – Одатдаги усул. Энди менинг ким билан алоқам борлигини кузатишади... Керак бўлса, квартирага эшитувчи аппаратураларни жойлаб қўйишади... Хэх! Аллақачон жойлаб қўйган бўлса-чи?!»

Эшикни Назира очди. Эрининг вазоҳатини кўриб кўрқиб кетди.

– Нима гап? – деди қути ўчиб. – Нима бўлди?

– Ўл бўлди! Дард бўлди! – Комиссар алам устида хотинига тарсаки солди. Назира юзини чангаллаганча кавшандозга чўккалаб қолди.

Ичкаридан йилтироқ халат кийган Лола югуриб чиқди.

– Болалар ухляпти, дада! – деди таънаомуз. – Секинроқ гапириш мумкинми?

– Нима? Болалар?! – Комиссар квартирага ўрнатилиши эҳтимол бўлган «қулоқлар» ёки пастда, йўл четида пойлаб турган машинадаги «локатор» эшитсин учун овози борича ҳайқирди. – Итдан бўлган қурбонликқа ярамайди! Эрингни нега Покистонга жўнатдинг? Ниятинг нима эди, унсур! Айт! – деди Лоланинг ёқасига чанг солиб. – Ҳозир айтасан! Эринг Англия разведкасига сотилганини нега яширдинг?

Лола кўзлари ола-кула бўлиб, нуқул талпинар, аммо қайнотасининг чайир чангалидан чиқиб кетолмасди.

– Дада! – деди бир маҳал чинқириб. – Ойим ўлаяптилар, дада!

Шундагина Комиссар чангак бўлиб қолган бармоқларини келинининг ёқасидан бўшатди. Иштончан Ҳасан-Хусанлар ётоқ эшигидан мўралаб турар, негадир

иккаласи ҳам илжаяр эди. Назира йўлакда узала тушиб ётар, юзи қордек оппоқ, қимир этмасди. Назарида хотини маккорлик қилаётгандек туюлди.

– Тур, – деди хотинининг елкасига нуқиб. – Тур, алвасти! Бу ҳайвонларни сен туққансан! Уларни менга қарши сен қайрагансан!

Ажаб! Назира қилт этмади. Комиссар энкайиб хотинининг юзига кафтини босди. Назиранинг юзи муздек эди. Худди холодильникдаги гўштдек... Қўрқув ичида қўлини тортиб олди.

– Чақир! – деди бақириб. – Скорий чақир! Тезроқ!

Лола нариги хонага, телефонга югурди. Комиссар хотинининг ёнига мук тушди.

– Назира! – деди елкасидан силкитиб. – Онаси! Кўзингни оч, онаси!

Комиссар кўп ўлимларни кўрган, аммо инсон боласи бу қадар тез, бу қадар осон ўлиши мумкинлигига ақли етмасди. Назира ҳаётида ҳеч ким билан олишишни истамагани каби ўлимда ҳам ажал билан тортишиб ўтиргиси келмагандек осойишта ётар, лабларида аламли табассум қотиб қолган, гўё охир-оқибат, бу азоблардан қутулганига шукр қилгандек, сен билан ўтган умримга ҳам, дунёнинг ишларига ҳам пушаймонман деб маъюс кулаётгандек эди...

– Назира... – Комиссар ўкраб йиғлаб юборди. – Ташлаб кетма мени, Назира!..

Бу унинг умрида биринчи ва охирги марта йиғлаши эди...

Бирпасда тумонат одам йиғилди. Маузер билан Гулнора тўрт яшар ўғилчасини етаклаб келишди. (Комиссар неварасининг оти Алишер эканини энди билди). Хотин-халаж, тўн кийган, салла ўраган чоллар, Маузернинг ҳамкасблари бўлса керак, оёғи олти, қўли етти бўлиб югургилаган ёш-яланглар тўпланди. Комиссар эшик тагида гарангсиб турар, кўнгил сўраганларга нима деб жавоб қилишини билмас, шунчаки, бош силкиб қўя қолар,

нукул атрофга аланглар эди. Ким булар? Уни қаёқдан та-нишади? Нега бунчалик меҳрибонлик қилади ҳаммаси!..

...Тобутни олиб кетишаётганида Лола айниқса кўп гирён қилди:

– Онасиз ўсгандим, ойижон! Энди онали бўлдим, де-гандим, ойижон!

...Комиссар уч кун эшик тагига харрак қўйиб ўтириш-га мажбур бўлди. Тўн кийиб, бел боғламаса ҳам, ҳарқа-лай бошига дўппи кийди.

...Учинчи куни кечқурун Маузер дадасини юпатди:

– Сиқилманг, дада. Бизникига бориб тураверасиз. Мен бор, неварангиз бор...

Комиссарнинг кўнгли юмшаш ўрнига адоватга ўхша-ган нарса уйғонди. «Шуни кутиб юрган экансан-да, кўр-намак. Сеникига бораманми? Сеникига-я?!»

Қизиқ, Лола бир ой ичида лабларининг икки чети ти-ришиб қаримсиқ бўлиб қолди. Назарида ўзи ҳам арвоҳга айланиб қолгандек эди. У хонага киради-чиқади. Бу хо-нага киради-чиқади...

Лола у билан гаплашмасди. Гўё рўй берган кўшалок фалокат учун қайнотаси айбдордек.

Комиссар ўйлаб қараса, умрида биронта улфатга кўшилмабди. Биронта жонкуяр дўст орттирмабди. Уёқда Мэлс масаласида жони ҳалак. Қачон чақириб қоларкин, деб юрагини ҳовучлайди. Йўқ... Уни тинч қўйишди. Персональный пенсиясини ойма-ой олиб туради. Ҳеч ким изидан кузатмайди. Фақат сиқилади. Ошхонага кирадими, ваннахонагами, рўпарасидан На-зира чиқиб келаётгандек бўлаверади. Буёқда келин-нинг зардаси...

Эркак кишига ёлғизлик оғир бўларкан. Ётиши бор, ту-риши бор... Нима қипти? Ёши энди олтмиш тўртга чиқди. Яшаши керакми, ахир? Лола тенгини топиб кетса, ўзи ҳам...

Бир куни келинини ёнига ўтқизиб қўйиб, гапни узоқ-дан бошлади.

– Анави хоин энди қайтиб келмайди, – деди ишонч би-лан. – Башарти келса ҳам, ўзим бўғиб ўлдираман... Бир

нарсага ақлим етмайди. Нима етишмабди экан бу аблаҳ-га! Уйи бўлса, жойи бўлса, гулдек хотини бўлса...

Лола унга ёвқараш қилиб мум тишлаб ўтираверди.

– Сиз нима деб ўйлайсиз, қизим? – деди Комиссар вазиятни юмшатиш ниятида маъюсланиб. – Нега шунақа қилдийкин? Нима етмаган экан, унга?

Келин истехзоли кулди...

– Нима етмаганини билмайсизми? – деди лабини асабий буриб. – Меҳр етишмаган! Тушундингизми, меҳр! Бу одам (Лола «Мэлс акам» демади, «отаси» ҳам демади, «бу одам» деди), бу одам умрбод ўз уйида бегона бўлган, тушунасизми шуни?

Комиссарнинг ғаши келди. Нима бало, келини оқла-япти, шекилли, ўша ватан хоинини?

– Болалари-чи? – деди ғазабдан кўзи ёниб. – Ҳеч бўл-маса болаларини ўйламайдими, бадбахт?!

Лола янаям истехзоли кулди:

– Қуш уясида кўрганини қиларкан-да...

Гап тамом бўлган, Комиссар уёғини қандай «улаш»ни билмасди. Лола ўрнидан туриб кетаётган эди, тўхтатди.

– Шошманг, – деди вазминлик билан. – Бўлар иш бўл-ди. Сиз ёшсиз. Дунёдан тоқ ўтиб кетолмайсиз-ку, тўғри-ми, қизим? Зўр келса, болаларни интернатга берамиз. Яхши интернатлар кўп. Танишларим бор.

Лола эшик олдида тўхтади. Кўзи ғазабдан қисилиб кетди.

– Эрга тегаман деб кўзим учиб тургани йўқ! Ўзим етимхонада ўсиб мана бундай бўлганман, – деди кафтининг қиррасини томоғига тираб. – Болаларимни интернатга бермайман! Ўзингиз уйланишни хоҳлаб қолган бўлсангиз, катта кўча! – Шахт билан хонадан чиқаркан, эшиттириб пичинг қилди. – Бетингдан бузилгур, юзсиз! Ойимнинг кўзига тупроқ тўлмасдан туриб...

Ўша гапдан кейин Лола бутунлай ўзгарди. Неваралари «дедушка» деб этагига ёпишса, бобиллаб беради. «Эмасанми дедушкангни? Бор ухла, кўмилиб!». Товоқни қошиққа, қошиқни товоққа уриб тўнғиллайди: «Чол

одам дегани мачитга чиқади, чойхонага чиқади, бу ни-
маси, эртадан кечгача уйда биқсиб ўтириш!»

Хэ! Бир ками салла ўраб намоз ўқиши қолувди. Ко-
миссар Ғаниев намоз ўқиса! Чойхонада пишириб қўйиб-
дими? Носкаш чолларнинг висир-висирини эшитадими?

Комиссар қатъий қарорга келди. Уйланади! Ҳар ким-
нинг жони ўзига керак. Бу жиблажибон билан ҳар куни
юрагини қон қилишдан наф йўқ. Уй ўзининг номида.
Ғинг деса ҳайдаб чиқаради...

Ўша кеча Назира тушига кирди. Бошига оппоқ рўмол
ўраб олганмиш. Худди отинойиларга ўхшармиш. Ҳеч га-
пирмасмиш-да, нукул юм-юм йиғлармиш. «Ҳеч рўмол
ўрамасдинг-ку, онаси, бу қанақаси?», деб ёнига борса,
Назира ўзини орқага ташлабди. «Қочинг! Қўрқаман сиз-
дан. Маузерни нега урдингиз?»

Комиссар таъби тирриқ бўлиб уйғонди. Ваннахона
томондан невараларининг баравар йиғлаётгани, Лола-
нинг бобиллаши эшитилди:

– Э, авлодингга ўт тушсин! Совунлаб ювин деяпман!

Йўқ! Бу аҳволда узоққа боролмайди. Ё келинини чо-
пиб ташлайди, ё ўзи инфаркт бўлиб ўлади! Чала-чулпа
чой ичиб, кўчага чиқиб кетди. Узоқ айланиб юрди. Ҳаво
дилгир, оёқ остида хазон шитирлайди... Бир маҳал қорни
очгани билинди. Боши айланиб, «Лаззат» қаҳвахонасига
кирди. Сосиска олиб еди... Эртаси ҳам, индини ҳам...

Аввалига қаҳвахонада янги хизматчи пайдо бўлгани-
ни сезмади. Аникроғи, дуруст разм солмаган экан. Кир-
роқ оқ халат кийган хушрўйгина дўмбоқ жувон ҳар куни
столни артиб, санчқи-тарелкаларни йиғиштириб олаёт-
ганига кейин эътибор берди. Гапирай деса, қўрқади. Бир
куни дастурхон устидаги нон ушоқларини сидириб ола-
ётганида ташаккур билдирди:

– Раҳмат! Овқатинглар ширин бўпти.

– Ош бўлсин! – деди жувон жилмайиб.

– Мен ҳар куни шу ерда тушлик қиламан, – деди Ко-
миссар.

– Биламан, – Жувон яна самимий жилмайди.

- Қаердан келгансиз?
 - Свердловскдан.
 - Қачон.
 - Яқинда.
 - Тошкент ёқдими? – деди гапга солиб.
 - Бўлмаса-чи!
 - Раҳмат сизга! – деди Комиссар айрича меҳр билан.
- Тўғри қилди. Бу сафар шунисиям етарли эди.

Бир ҳафта ичида Наташа билан яқиндан танишиб олди. Тошкентга келганига икки ой бўпти. Ўттиз бир ёшда экан. Пропискаси йўқмиш. Шу боисдан қаҳвахонанинг ўзида ётиб юраркан.

– Менга эрга тегмайсанми? – Комиссар бу гап оғзидан қандай чиқиб кетганини ўзи билмай қолди. Юмдалаб ташласа, нима қиламан, деб юраги пўкиллаб турган эди, Наташа ундай қилмади.

Отаси (эҳтимол бобоси) тенги бу одам нима деётганини дафъатан тушунолмагандек, бир зум киприкларини пирпиратиб турди-да, мовий кўзларида табассум пайдо бўлди.

– Пропискадан ўтказсанг, тегаман!

Сенсирадими, демак яқин олгани шу! Мана буни очиқча савдо деса бўлади! Дунёда ўзбек хотинларидан инжиқ, кажбахси йўқ. Гўё уйланиш фақат эркак учун керакдек! Уйландингми, бўйнингга бўйинтуруқ қилиб осиб юришга мажбурсан! Оила қуриш ҳар иккала томон учун зарурат эканини ўйлаб ўтирмайди бу ойнисалар! Назиранинг арвоҳи чирқилламасин-ку, аслида бор гап шу.

– Наташа! – деди жиддий қилиб. – Сен нима хоҳласанг, ҳаммаси бўлади. Прописка ҳам, ЗАГС ҳам... Хотиржам бўл, ўзимдан тинчиганман. Ёлғизлик жонимга тегди.

– Мени ҳам! – деди Наташа ўйчан. Бу гапни оддий ва самимий айтди.

Лола Наташани кўрган заҳоти ҳаммасини тушунди. Серрайиб қараб тураверди. Ичкаридан неваралари чиқиб, Комиссарнинг оёғига ёпишди.

– Дедушка!

– Дедушканг сенларга янги бабушка олиб келди! – деди Лола асабий кулиб. – Яқинда бабушканг сенларга дядя туғиб беради. Сенлар кўтариб юрасан!

Комиссар муштини тугиб бақирди:

– Ўчир овозингни, қанжиқ!

– Мен қанжиқ эмасман! – деди Лола дона-дона қилиб. – Орқасидан ит эргаштириб юрганларни қанжиқ дейди!

– Марш бу ердан итваччаларинг билан! – деди Комиссар оёқ-қўллари асабий қалтираб. – Бўшатиб қўй уйни!

Лола киприк қоқмай тикилиб тураверди.

– Биринчидан, – деди осойишта оҳангда. – Ойимларнинг суви тўкилган уйдан кетмайман. Иккинчидан, болаларим билан кўчама-кўча тентираб юрмайман! Мен – Гулнора эмасман.

Наташа ҳайрон бўлиб қолган, гоҳ Комиссарга, гоҳ Лолага мўлтираб қарар эди.

...Комиссар уй топмаса бўлмаслигини тушунди. Келинини иккита боласи билан ҳайдаб чиқаролмайди. Устига-устак Мэлс масаласи қўзғалса, ўзига яхши бўлмайди. Аммо бу алвасти билан бир хонадонда туришнинг ҳам иложи йўқ.

Начора! Елди-югурди. Ватан олдидаги хизматларини ҳисобга олишди. Горисполкомнинг уй тақсимооти бўйича жамоат комиссиясига аъзо бўлганлиги ҳам иш берди. Эр-хотин Қатортолдаги мана шу бир хонали уйга кўчиб келишди.

Наташа чаққонгина экан. Бир кунда янги уйга файз кирди-қолди. Ҳаммаёқ саришта. Турмушиям тартибга тушгандек бўлди. Хотини саҳарлаб сутга ғириллатади. Ширгуруч пишириб беради. Тушда «Сагатчик, яхши ўтирибсанми, колбаса олиб чиқиш ёдингдан кўтарилмадими», деб телефон қилади. Кечқурун қаҳвахонадан котлетми, бифштексми олиб келади. «Совумасдан еб олгин», деб оғзига тутади. Жиндай олсанг, қонинг юришади, деб коньяк ҳам ичиради...

Буни қаранг: умрида қўлига капгир ушламаган Комиссар бир ойда бинойидек ош дамлашни ўрганиб олса денг! Наташа ўзбекча паловни хуш кўраркан.

Албатта, ёш хотин билан туришнинг ўзига яраша ғалвалари ҳам бўларкан. Наташа бир куни туфли кўтариб келади. Оёғига кийиб у ёққа юради, бу ёққа юради. «Ярашдими?» дейди-да, диркиллаб келиб эрининг юзидан ўпади. «Юз эллик сўм». Эртасига пальто олиб келади. Индинига чўмилганда кийиладиган костюмча. Бафуржа қип-яланғоч бўлиб ечинади-да, костюмчани кийиб кулади. «Сагатчик, қалай, ёзда Ташморьяга оборасанми, жаҳлинг чиқмасин, қиммат эмас, юз сўм»...

...Спортчиларда «иккинчи нафас» деган гап бор. Силланг қуриб, тамом энди, йиқилиб қоламан деганингда, тўсатдан «иккинчи нафас» очилади-ю, вужудингда янги куч, янги ғайрат пайдо бўлади... «Анавинақа» масалада ҳам шунақа ҳолатлар рўй бераркан. Ёнингда оппоққина, ёшгина, сўлқиллаган жувон ётса... Бундай паллада Наташа уни қойилмақом қилиб эркалатар эди.

«Ах, кобель! Ах, паразит! Ўн етти яшар йигитчага ўхшайсан-а!» Унга сайин Комиссар ғайратга минар, «мақтов»нинг биринчи қисми – «итлиги», «битлиги»ни эмас, ўн етти яшар йигитчага ўхшадини ўйлаб, ўзидан ўзи фахрланиб кетар эди: «Молодец Комиссар! Баданингда сув бор эканки, шундоқ ёш жувонни эплайсан! Молодец Наташа! Хотин киши дегани мана бунақа бўлади! Назирага ўхшаб молдек пишиллаб ётмайди. Минг хил «поза»ни билади!»

...Шунақа-ку... «иккинчи нафас» қурғур ҳар куниям очилавермас экан.. Наташа бўлса, ақалли кунора эри «ўн етти яшар йигитга айланиши»ни хоҳлайди... Устига устак, ўзинг қари, хотининг ёш бўлса, ҳуда-беҳудага рашкинг қўзғайвераркан... Орадан бир-икки ой ўтиб, Наташа ишидан алла-паллада келадиган одат чиқарди. Комиссар сиқувга ола бошлади. Деярли кунора шу ғалва. Комиссар сўроққа тутуди:

– Қаёқда юрибсан? Қара. Соат неча бўлди?

– Қизиқмисан, Сагат? – дейди Наташа жўнгина қилиб.

– Ишимни биласан-ку. Тўй бўлди. Ўзбекнинг нимаси кўп

– тўйи кўп. Тағинам эримнинг жаҳли ёмон деб, шефдан рухсат олиб келдим.

Ҳаммаси рисоладагидек кетаётган эди-ю, янги йил кечаси хунук ҳодиса бўлди. Наташа ярим кечагача қолиб кетди. Янги йил киришига ярим соатча қолган эди. Бир маҳал эшик жириглади. Комиссар эшикни очса, турибди илжайиб: кўзлари сузилган. Комиссар:

– Ичдингми? – деб дағдаға қилган эди, Наташа ёш боладек эркаланиб юзидан ўпди.

– Палов тайёрни? Шампан борми? Молодец! А, менинг сенга сюрпризим бор. Меҳмон олиб келдим. – деди кулиб. – Володя, келавер. Танишинглар. Бу – менинг эрим Сагат Ганиевич! Володя – синфдош дўстим. Янги йил кутиш учун атайлаб Свердловскдан келибди.

Комиссар эс-хушини йиғиб олмасидан оғзидан гуркираб ароқ ҳиди анқиб турган, штанга кўтарадиганларга ўхшаш бақувват келбатли йигит сурбетларча илжайиб қўл узатди:

– Салом! Янги йил билан!

– Сагат Ганиевич пиширган паловни есанг, бармоғингни ялаб қоласан! – деди Наташа яйраб-яшнаб. – Володя умрида ўзбекча палов емаган. Тезроқ бўлақол, Сагатчик!

Палов егиси кептими? Минг лаънат меҳмонинггаям, ўзинггаям! Комиссар ижирғаниб ошхонага кирди. Ошнинг гуручи сув теришини кутди.

Қозонга товоқ босиб, уйга кирса, ароқлар очилган, шампанлар қуйилган... Қай кўз билан кўрсинки, «штангачи» диванда Наташани бамайлихотир эзгилиб ўтирибди! Комиссар ғазабдан қалтираб қолди. Тили калимага келса қани!

– Марш! – деди аламноқ гулдираб. – Йўқол икковинг ҳам!

– Секин, қария, секин! – деди Володя пинагини бузмай.

– Нима қилти! – Наташа хандон отиб кулди. – Ўзинг эплолмаганингдан кейин...

– Ма-а-рш! – Комиссар қўлидаги капгирни отди. Капгир деворга урилиб, сакраб столга тушди. Шампан шишасини баранглатиб ёриб юборди. Володя сапчиб ўрнидан тураётган эди, Наташа қўлидан тортиб қолди.

– Керакмас, – деди юзига сачраган шампанни кафти билан сидириб. – Арзимаиди. Ўлдириб қўйиб, балосига қолиб юрма тагин.

Пальтосини киятуриб дона-дона қилиб таъкидлади:

– Эй, пичанни қўриқлаб ётган қари ит! Билиб қўй, ЗАГСдан ўтганмиз, квартирада менинг ҳам улушим бор. Бир ой ичида уй топиб бермасанг, Володя билан кўчиб келиб, шу ерда тураммиз...

Яхшиям, Комиссар қонун кодексини сув қилиб ичиб юборгани. Бўлмаса энка-тинкасини чиқариб юборарди бу хотин! Шунда ҳам уйдаги бор буд-шудини шилиб кетди.

Жаҳонда энг донишманд халқ биласизми, ким? Австралия аборигенлари! Оғир жиноят қилганни қамамайди. Отмайди. Осмайди. Ёлғиз қолдиради. Битта ўзини! Мана, ўн йилдан ошдики, Комиссар танҳо... Битта ўзи!

Тўғри, ора-чора ветеранлар йиғилишига, шаҳар ижроқўмидаги уй тақсимоти комиссияси мажлисига чақириб туришади. Лекин, мажлис дегани ҳар куни бўлмайди-да.

Уч-тўрт бор Маузер келди, хотини билан. Юринг, дада, бунақа ғариб бўлиб ўтирманг, деди. Очиғи... Комиссарнинг кўнгли сув ичмади. Билади, ўғли бутунлай бошқа дунё. Ҳафта ўтмай ораларида ихтилоф чиқади.

Соғлигидан-ку, шикоятти йўқ. Фақат асаблари чарчади, шекилли. Уйга киргиси келмайди.

...Кундузи-ку, ўзига юмуш топади. Саҳарлаб сутга чиқади. (Наташа ўргатган одат). Сут олиб қайтаётганида албатта, Қурбонойни кўради. Гапга солади. «Арслон қариса, куни сичқон тутишга қолади» деганлари шу бўлса керак-да! Ақалли шу хотин билан гаплашса ҳам ҳарна-да. Вақт ўтади...

Шошилмасдан юриб уйига киради. Манний каша ёки ширгуруч қилади. Унгача газета дўкони очилади. Очирид туриб газета олади.

Ундан гастрономга киради. Очиридга туради. Нима беряпти, нима сотяпти, аҳамияти йўқ. Очиридда турса бас. Очирид қанча катта бўлса, шунча яхши. Одамларнинг гапига секин қулоқ соласан. Янгиликларни эшитасан...

Кеч кирган сайин юраги сиқилаверади. Ёлғиз овунчоғи – телевизор. Ярим кечага бориб, унинг ҳам овози ўчади. Ётишга кўрқади. Ётса, уйқусида ўлиб қолаётгандек. Ҳаммаёқ жим. Ҳаммаёқ зимистон...

Уни хаёл олиб қочади. Кейинги пайтларда ҳар куни эмас-ку, гоҳо-гоҳо кўнглининг бир бурчида мавҳум саволлар ғимирлаб қолади.

(Нега шунақа бўлаётганини ўзи билмайди. Бугун Қурбонойга «жойнамоз устида мени қарғасанг керак», дегани ҳам шундан бўлса эҳтимол).

Балки, Назира ҳов ўшанда – тўнғичини туғиш арафасида кўп қарғиш олганмисиз, деб сўрагани бежиз эмасдир? Балки, ўзи ҳам жиндай ҳаддидан ошиб кетгандир? Шунча одамнинг умрига зомин бўлиб тўғри қилмагандир?

У хира пашшадек бемаъни ғинғиллаган саволларни ўша заҳоти қувиб солади. Биринчидан, у умрбод кетмон уриб, ер ковлаб ётадиган аллақандай колхозчи эмас! Қайси томондан илиқроқ шамол эсса, ўша ёққа қараб эгиладиган, бир қарасанг феодал ўтмишни улуғлайдиган, бир қарасанг ғарбга топинадиган бетайин зиёли ҳам эмас! Комиссар Ғаниевнинг букилмас эътиқоди бор! У ўзи чин дилдан ихлос қўйган жамиятни ички ва ташқи душманлардан ҳимоя қилди. Керак бўлса, энди ҳам ҳимоя қилади. Иккинчидан эса, буйруқни бажарди!

Офицер деганнинг биттаю битта ҳуқуқи бор: у ҳам бўлса, буйруқни бажариш! Юқоридан фалончини қама, деган буйруқ келдими, ўша заҳоти қамайди. Сургун қил, деса, сургун қилади. От деса, отадиям... Башарти эртабириси куни фалончи бегуноҳ экан оқлансин, деган ҳукм бўлса, оқлайди! Бу дунё – муттасил айланиб турадиган мураккаб механизм. Одамлар ўша механизмнинг кичик бир винтчаси, холос. Ҳар битта винтча ўз вазифасини адо этмоғи керак. Биттаси ишламай қолса, кўрасан нима бўлишини! Бутун бошли механизм чок-чакидан сўкилиб кетади... Йўқ, Комиссар Ғаниевнинг бировдан тили қисқ жойи йўқ. Нимаики қилса, бурчини адо этди. Виждонан адо этди...

У илиқ сув билан уйку дори ичади-да, тўшакка чўзилади (назарида тўшак лаънати кун сайин совиб бо-раётганга ўхшайди). Чузилади-ю, кўзини юмади. Тун – ёлғизларни синаш учун юборилган жазо элчиси. Аввал кўзингни кўр қилади. Кейин қулоғингни шанғиллатади. Ундан кейин юрагингни ғижимлай бошлайди. Шошил-масдан... Алоқ-чалоқ тушлар кўрасан...

Яна бошландими?.. Анави ким? Башараси таниш кўри-нади? Ие, Хусанхўжа-ку! – «Ўлмаганмидинг?» – «Ўрик ей-сизми, ака-а-а? Манг ўрик». – «Обор! Обор ўригингни!» – «Енг ака, битта енг!» – «Йўқол дейман». Кулишини қаранг! Кулиши мунча хунук! Ие, скелет-ку, бу! Хусан-хўжанинг скелети! Тишлари иржайиб турибди. Оғзини каппа-каппа очиб «ака-а-а» дейди. Йўқол! Ифлос, унсур! Пистолетим қани, пистолетим! Ким бор? Ёрдам беринг-лар!..

Уфф... Нима бўлди? Нега титрайди? Туш кўрди-ку, туш. Тушдан ҳам кўрқадими, одам? Йўқ, ухлагани йўқ эди, шекилли. Аниқ кўрди-я! Девор орасидан сирғалиб чиқса бўладими? Валидол қаёқда эди. Уф-ф-ф..

РУСТАМНИНГ ИККИНЧИ КУНДАЛИГИДАН

Май ойининг ўн олтинчи куни

«Ил-76»да кетяпмиз. У ёққа олиб кетишаётганда сол-датларни қандай «босишган» бўлса, бу ёққа келаётганда ҳам, шундай зичлаб жойлаганлар. Фарқи шуки, у ёққа борганлар орасида дўстларим бор эди: Хайридин, Темур ака, Саша... Ҳозир атрофдаги болаларни деярли танимай-ман: турли қисмлардан тўпланган «дембиллар». Яна бир фарқи бор: у ёққа сумка кўтариб кетган эдик. Бу ёққа ҳар бир солдат биттадан «дипломат» кўтариб келяпти.

Мотор товуши ғўриллаб, қулоқни қоматга келтиради. Аскар болаларнинг ҳаммаси жим. Ҳамма бир нарсани ўй-лаб турибди-ю, айтолмайди. «Самолётга «Стингер» тег-маса бас!»

Хаёлимга бемаъни ўй келди. Самолётда «икки юзинчи» юк бормикин? Йўқ бўлса керак. Ўлик ташийдиган махсус самолёт бўлади, дейишади. Аслида-ку, темир кутида ётганларга барибир. Самолётда олиб келадими, Хайратондан машинада олиб ўтадими? Нима фарқи бор?

Хўп, онанг сочини юлиб дод солади. Отанг кавшарланган сандиқни кучоқлаб, «ўғлим, жон болам» деб изиллайди. Қаёқдан билиб ўтирибди: кутида қонга беланган жасадинг ётибдими, бир пой этигингми, ё шунчаки тузми?.. Севган қизинг (агар бўлса) «у ёқ»дан юборган сурастингни юзига босиб, кечаси билан унсиз йиғлаб чиқади.

Бир маҳал кабина тепасидаги қизил чироқ таҳдидли ёниб-ўча бошлади. Ҳамма беихтиёр ўша томонга қаради. Эшиқ очилиб, учувчи кўринди.

– Йигитлар, чегарадан ўтдик! – деди жилмайиб.

Самолёт ичи бир зумда шодон шовқинга тўлиб кетди. Биров Тошкентнинг ҳавоси қандай экан, деса, бошқаси кулупнай егиси келаётганини айтди. Нарироқда дипломат устида омонат ўтирган бир бола кафти билан юзини тўсганча юм-юм йиғлаяпти...

Аэропорт Тошкентга ўхшамас эди. (Бошқа аэродромга кўнганимизни кейин билдим). Торгина залга кирдик. Божхонанинг бадқовоқ ходимлари худди биров Афғонистондан атом бомбаси ўғирлаб келаётгандек ҳар битта солдатнинг дипломатини тит-пит қилиб текширишга тушди.

Бир чеккада сигарет чекиб турарканман, қулоғимга жуда азиз, жуда қадрли куй эшитилди. Радиода «Муножот»ми, «Чўли Ироқ»ми янграр, номини эслай олмасдим-у, йиғлагим келарди.

Ташқари чиқишим билан сурмаранг такси ғириллаб келиб шундоқ ёнбошимда тўхтади. Ёш бўлса ҳам афти қаримсиқ таксичи қўлимдаги дипломатга ёпишди.

– Чамадонинг қани, солдат? – деди шанғиллаб.

– Чамадон йўқ, – деган эдим, шоширди.

– Ўтир! Тезроқ бўл! Бу ерда тўхташ мумкинмас. ГАИ талонимни тешади.

Қанақа одам бу? Мен такси чақирган бўлмасам!

– Автостанцияга! – дедим ёнига ўтириб.

– Уйинг қаерда ўзи?

– Узоқда. Автостанцияга оборсансиз бўлди.

– Қаерда турасан? – Таксичи машинани чаққон ғизиллатиб кетди.

– Пискентда.

– Қизиқ экансан-ку, Ҳиротга бўлсаям обориб кўярман!

– У ёққа таксида боришга пулим етмайди! – дедим тўғриси айтиб. – Автостанцияга оборсангиз бас.

– Пули билан нима ишинг бор! – У қўлини пахса қилди. – Пискентнинг ўзига борасанми, ахир?

Индамай бош ирғаган эдим, сўради:

– «Афғонмисан?» Хўп, дейвер, ука! Қалай, омон-эсон келдингми, ишқилиб? Суянганидан уйингдагиларнинг юраги қоқ ёриладиган бўлди-да! Мен-чи, вей! «афғонларни» узоқдан танийман. Сениям кўриб, дарров билдим. Шошма, дедим, шу болага бир хизмат қилиб кўяй, дедим.

Мунча шақиллайди бу шопир!

Тошкент ўзгармабди. Ўша-ўша шаҳар. Ўша-ўша кўчалар. Йўл четида ям-яшил дарахтлар яшнаб ётибди. Машиналар бир-бирини қувиб, шамолдек елади. Гўё ўн беш қадам олдинда бораётган машина минага дуч келиб, портламайдигандек! Кўчада одам мунча кўп? Гўё олисда, қоялар орасида биқиниб турган снайпер хоҳласа беш минутда йигирматасини ер тишлатмайдигандек...

– «Сув париси»дан борми, солдат?

Нима дейди бу?

– Нима?

Таксичи қаҳ-қаҳ уриб кулди.

– Мен шохида юрсам, сен баргида юраркансан, солдат!

Отинг нима?

Айтдим.

– Вой, Рустамжон-эй! Вой муғомбир-эй! – У навбатдаги машинани қувиб ўтаркан, сигнални бибиблатди. – Мендан ҳам қув экансан. Кўрдим, дипломатинг енгил! Аммо-лекин битта дипломатга анча-мунча «сув париси»-

ни жойласа бўлади! Бизда бир кийими беш юз туради! Эшитдингми, беш юз! Хўп десанг, пуллаб бераман! Қуруғини арра қиламиз! Келишдикми?

– Йўлга қаранг, ака! – дедим тишимни тишимга қўйиб. – Менда ҳеч қанақа «сув париси» йўқ!

– Ола-а! – Таксичи ишонқирамай юзимга қараб қўйди, – ўтган ҳафта битта капитанни Севера Востокка обориб қўйган эдим. Сенга ўхшаб гаплашиб кетдик. Аммо-лекин маладес! Кўнгли очик одам экан. Ўзиям Афғонистондан тўртта чамадон билан келди, азамат. «Мен офицерман, бунақа ишларга уқувим йўқ, деди. Кўмаклашиб юборсанг, бизнес қиламиз», деди...

Шаҳардан чиқдик. Ям-яшил далалар бошланди. Йўл четида хўппайган толлар, осмонга хитоб қилган мирзатераклар... Димоғимга алланечук қадрдон ис урилди. Аввалига эслолмадим. Нима бу? Маст қилувчи ҳид қаёқдан келаяпти? Бир чақиримча юргач, ўнг томондаги кумуш япроқли жийдаларга кўзим тушди-ю, дилим яйраб кетди. Жийда гуллабди, жийда!

– Ростини айт, ука! – деди таксичи машинани шиддат билан ҳайдаб бораркан. – Чиндан ҳам ҳеч нима обкелмадингми Афғонистондан?

– Олиб келдим! – дедим тоқатим тоқ бўлиб. – Пистолет олиб келдим. Чўнтагимда турибди.

Худога шукур! Уни ўчди. Йўл чети ям-яшил... Бедазорлар, энди қўшқулоқ бўлиб чиққан пахтазорлар. Унда-мунда қўйлар, ола сигирлар ўтлаб юрибди.

Таксичи кўчамиз бошида машинани тўхтади.

– Қайси уй? – деди шанғиллаб.

– Ҳов ана! Тол соясидаги дарвоза.

– Бўпти! Тушавер! – у азза-базза машинасини айланиб ўтиб, ўнг эшикни очди. – Аввал суюнчисини чўзиб қўйишсин-да, мундоқ.

Эс-хушимни йиғиб олгунча такси чанг кўтариб, дарвозамиз томон елди. Узоқдан кўриб турибман. Машина дарвоза олдида тўхтади. Таксичи жонсараклик билан дарвозани қўшқўллаб муштлади. Зум ўтмай ўзини ич-

карига урди. Бирпасдан кейин эгнида янги тўн, бошида дўппи билан қайтиб чиқди. Мен томонга имо қилиб, бир нималар деди. Дарвоза олдида турган Илҳом акамни кўрдим-у, юрагим орзиққанча югурдим. Таксичи дипломатни тол тагига қўйди-да, машинасини шиддат билан орқага қайтарди. Акам ҳам мен томонга чопди.

Машина менга рўпара келганида бир сония секинлади.

– Солдат! – деди таксичи деразадан бошини чиқариб.
– Аканг берган уч юзига рози бўлсин.

Юрагим қинидан чиқиб кетаётганга ўхшар, жон ҳолатда уйим томон югурар эдим.

Акамнинг қучоғидан чиқдим-у, бўйнимга осилган онамни бағримга босдим. Шунда ойим таниб бўлмас даражада ўзгариб кетганини оғриқ билан ҳис этдим. Рўмоли елкасига сирғалиб тушган, сочлари дув оқарган, билаклари косовдек қорайиб, ингичка тортиб кетган. Хиралашган кўзларидан дув-дув ёш оқар, нукул «болам, жон болам», деб юзларимни силар эди.

Димоғимга райҳон ҳиди урилиб, юрагим қалқиб кетди. Болалиқдан шууримга сингган, унутилаёзган қадрдон ис... Шунақа-ку, сочлари нега бунча оқариб кетган? Кетаётганимда бунақа эмасди-ку! Гавдаси нега бир тутам бўлиб қолди. Одамзот шунчалик тез ўзгариши мумкинми?

– Йиғламанг, ойи, – дедим кулиб. – Мана, мен келдим-ку!

Ойим ҳамон бўйнимга осилганча ҳиқилллар эди.

– Йиғлаётганим йўқ болам, – деди кўз ёшларини артиб.
– Сен келдинг, болажоним. Энди ҳечам йиғламайман.

Қизиқ, келинойим ҳам аллақандай қаримсиқ бўлиб қопти. Пешонамдан ўпаркан, ҳорғин кўзларида қувонч порлади.

– Бўлди, ойижон! – деди онамни юпатиб. – Худога шукур, Рустамжон соғ-саломат қайтдилар. Энди тўй қиламиз.

– Албатта қиламиз! – Ойим кўз ёшлари аралаш жилмайди. – Худо хоҳласа, тезлаштирамиз тўйингни, Рустамжон!

Остона ҳатлаб ўтишим билан ойим жонсарақ алпозда келинойимга буюрди:

– Салимахон! Тез бўлинг, жон болам! Патирни олиб чиқинг! Чаққон-чаққон!

Келинойим бирпас гарангсиб турди-да, уйга югурди. Зум ўтмай бир чеккаси тишланган патирни қўшқўллаб кўтариб чиқди. Онам патирни менга тутқизди.

– Бисмилло, деб тишла, болам! – деди овози қалтираб.

Икки йил аввал худди шу остонада туриб бир четини тишлаб кетган патирни қўлимга олдим. Патирнинг кемтик қиррасида ўзимнинг тишларим изи кўриниб турарди. Бир томонида ип осилиб қолган. Ажаб, икки йил деворда осиглиқ турган нон моғорламаган, ҳатто гард ҳам кўнмаганди.

– Илоҳи оми-ин! – Ойим косовдек қўлларини фотиҳага очди. – Омон-эсон келганинг рост бўлсин, болам! Жумла-мўминни дилидаги ниятига етказсин. У дунёю бу дунё уруш бўлмасин! Сув балосидан, ўт балосидан, тухмат балосидан яратган Эгамнинг ўзи асрасин!

Ҳовли ўзгармабди. Этақдаги икки уй бир айвон томига чиқариб юборилган сўритокда узум шўралари осилиб турибди. Бурчақдаги тандир ҳам, эшиги қия очиқ молхона ҳам, чап томондаги акамнинг шифер томли уйи ҳам ўша-ўша.

Пастак девор олдидаги икки туп гилос шиғил мева солибди. (Пастдаги шохларни жиянчалар «қийратгани» аниқ). Сўри ёнидаги олма гулини тўккан, аммо тугган меваси ҳали майда, шекилли, қалин япроқлар орасида кўзга илинмайди. Ҳовли ўртасида бир вақтлар дадам атайлабдан Бешариқдан ҳавас қилиб олдириб келган кўқонгуллар яшнаб ётибди. Зангори, қизил, напармон... Гулзорнинг чор атрофи яшил рангга бўялган пастак сим панжара билан ўралган. Панжара ортида райҳонлар...

Келинойим бирпасда ёғоч сўрига жой қилди. Қават-қават пойандоз ташлади. Дастурхон ёзди. Ойим сўри четига омонат ўтирган кўйи тагин узундан-узоқ фотиҳа ўқиди, келинойим ҳовлига кўлоблатиб сув сепаётганда райҳон иси гуркираб кетди.

Ростини айтсам, очиққан эдим. Тандир нонни иштаҳа билан еб, кўк чой ичарканман, боядан бери хаёлимда айланаётган саволга энди жавоб топгандек бўлдим. Ҳовлида нима етишмаётганини билдим. Кираверишда, тепасини ёпиб, гаражга мослаштирилган йўлакда одатда сарғиш «Нива» турарди. Дадам уни деярли минмас, акам шаҳаргами, районгами борганда ҳайдар эди. Ҳозир «гараж» супуриб-сидириб қўйилган, девор четида турадиган эски канистрлар ҳам кўринмасди. «Дадам миниб кетгандир-да!»

– Дадамга хабар қилдингларми? – дедим чой хўплаб.

– Хабар қилдик, укам, хабар қилдик! – деди акам елкамга қоқиб. – Қани, нонга қара. Ойимларнинг нонларини соғингансан! Ойим маладеслар-да, Рустам! Нонни ўзлари ёпмасалар, кўнгиллари жойига тушмайди. Бугун эрталаб ишга кетаётсам, хамир қориб ўтирибдилар. «Нима зарил, Салиманинг ўзи ёпади» десам, нима дейдилар дегин? Нима дедингиз, ойи, ўзингиз айтинг!

Ойим бир акамга, бир менга қараб, кулимсираб қўйди-ю, индамади.

– Айтдиларки, – деди акам тантанавор оҳангда, – мени айтди, дерсан, Илҳом, бугун укангдан ё дилгиром келади, ё ўзи кириб келади, хамир учди, дедилар. Тўғрими, ойи?

– Туш кўрсам... – деди ойим ёшланган кўзларини дастурхон попугидан узмай, – боғ эмиш. Ка-а-атта боғ... Бир маҳал ичида от кўринибди. Оппоқ от. Қарасам, от устида сен ўтирибсан. Вой, болам, қачон келдинг, десам, индамай кулиб турибсан. Қарасам, отни жиловни йўқ. Қўрқиб кетдим. Тушақол болам, тезроқ туш, йиқилиб нетиб юрмагин тағин десам, яна индамайсан. Бир маҳал даданг пайдо бўлиб қолдилар. Ҳой, дадаси, ушланг анави отни, Рустамжонни опқочиб кетмасин, десам... – Ойим тўсатдан жимиб қолди. Ошхона томонга қараб, ожиз, йиғлоқи овозда чақирди:

– Салимахон-у-у! Ҳой, Салима! Рустамжонга қатиқ бермабсиз-ку!

Ошхона эшигидан келинойим мўралади.

- Чопинг! - деди ойим тайинлаб. - Ақиданикига чиқинг. Бир коса қатиқ берсин. Рустамжон келди, денг.

Келинойим ошхонадан чиқиб, кўчага зинғиллади.

Ҳайрон бўлдим.

- Ўзимизнинг сигир-чи?

- Ўлсин! - Ойим шоша-пиша қўл силтади. - Қисир қолувди, сотиб юбордик.

- Яна биттаси бор эди-ку! - дедим ҳайратланиб.

- Унисини гўштга топширдик. - Акам беписанд кулди.

- Қорни шишиб кетди. Жиянларинг ўйинга андармон бўлиб, беда оралаб кетганини билмай қолибди... Шўх-да, шумтакалар!

Ростини айтсам, жаҳлим чиқди. Қишлоқда туриб сигир боқмаса, қанақа гап бу?

Акам кўнглимдан ўтганини сезди чоғи, елкамга шапатади.

- Э, ука! Шунгаям ота гўри - қозихонами? Бош омон бўлса, дўппи топилади.

- Салима чиққунча мен овқатга қарай, - онам инқилаб сўридан тушаётган эди, дарвоза томондан шодон қийқириқ эшитилди:

- Ур-ре! Кичик дадам кептилар!

Акамнинг икки ўғли ҳовлига отилиб кирди. Ўқдай учиб келиб, иккаласи икки томондан ёпишди. Иккови аллақарерда роса футбол тепган, шекилли, терга ботиб кетган.

- Менга нима обкелдиз? - деди каттаси.

- Менга-чи? - деди кичиги.

- Сенларгами? - дедим дилим яйраб. - Жевачка олиб келдим.

Яна ғалва бошланди:

- Менга ўнта берасиз!

- Менга ўн бешта, хўп?

- Беради! Иккалангаям беради! - Ойим болаларни мендан нари сурди. - Аввал кўшнилардан суюнчи олмайсанларми? Кичик дадам келдилар, демайсанларми?

Жиянчалар бир зумда бутун қишлоққа хабар қилибдими, кун ботмасдан меҳмон босди. Биринчи бўлиб, Тур-

сунбой ака чиқди. Белимдан силтаб-силтаб бағрига босаркан, ойимга хитоб қилди:

– Айтмабмидим, хола! Рустамжон бирон ери тир-налмасдан, келади, демабмидим! Сиз бўлсангиз йиғлаб юрибсиз! Тўйни тезлаштиринг, тўйни! Укамга ўзим куёвжўра бўламан! – У менга қараб, гапини тасдиқлатиб олди. – Тўғрими, гапим? Хатда ёзганмидим шуни? Ана! Гап битта бўлади!

Ҳовлига катта жой солинди. Шўрва тортилди, ош дамланди.

Шу пайтгача дадам келмаганига жаҳлим чиқа бошлади. Акам юпатди:

– Тошкентда сессия бор экан. Ҳали-замон келиб қоладилар.

...Меҳмонлар тарқаб, ҳовли жимжит бўлиб қолди. Олма тагидаги сўрида тагин тўртовлон қолдик. Ойим, акам, келинойим, мен... Вақт алламаҳал бўлиб қолган, дарвоза рўпарасидаги тол тепасида муаллақ тўхтаган тўлин ой мўл-мўл нур сочар, чигирткалар куйиб-ёниб чириллар эди.

Ой бунақа ёруғ бўлиши ёмон. Заставада пешоб қилгани ҳам боролмайсан. Маскахалат-ку, гавдангни асрайди. Қоялар панасида кўзга кўринмайсан. Аммо соянг бор-ку, соянг! Бир чақирим нарида пойлаб турган «дух» снайпери соянгни кўрмайди, дейсанми? БУР тепкисини битта босса...

Нима бўлди менга? Афғонистон қолиб кетди-ку! Ҳов олисларда! Совуқ тоғлар ортида. «Қизиқ, нега дадам йўқ? Соат неча бўлди, ўзи? Мажлис шунча чўзиладими?»

– Дадам қачон келадилар, ака? – дедим тоқатим тоқ бўлиб.

– Келадилар, укам, келадилар. – Акам ғайрат билан чой қайтаришга киришди. – Баъзан сессия уч кунлаб чўзилади. Биласан-ку, депутат бўлгандан кейин...

...Айвонда майкачан жияним кўринди. Кичиги.

– Ая-я! – деди йиғламсираб. – Сияма-ан!

Келинойим югуриб айвонга чиқди. Болани ҳожатхона томон етаклади. Ўша ёқдан «бўл тез, жойингга бориб ухла!» дегани эшитилди.

Келинойим қўлидан етаклаб кетаётган эди, бола гулзор рўпарасида тўхтади. Сўри томонга бурилиб қаради-да, ер тепиниб хархаша қилди.

– Жевачка! Кичик дада, жевачка! – деди йиғламсираб.

– Жиннивой-эй! Сенга жевачка ваъда қилувдим-ку! – Сўридан сакраб тушиб, айвонга чиқдим. Бурчақда турган дипломатни очиб, тиш чўтка, сочиқ сингари лаш-лушлар орасидан бир қути сақични олдим.

– Ма! – дедим кулиб. – Юзта!

– Битта ўзимгами? – Болакай кузлари ҳайратдан очилиб сўради. – Акамга-чи?

– Аканггаям бор! – дедим меҳрим товланиб.

Келинойим боланинг бошини силади.

– Бўлдими, юр энди. Ухла!

Қайтиб келиб сўрига ўтиришим билан жиянчам останада тагин пайдо бўлди. Сув сепилган ҳовли саҳнида дикир-дикир югуриб ёнимизга келди. Чамаси, бутунлай уйқуси ўчиб кетган эди.

– Очиб беринг! – деди сақични узатиб. – Очиб беринг, кичик дада-а!

Болани тиззамга олиб, сақич қоғозини очдим. Бола мацца қилиб чайнарган, сўлаги оқиб илжайди.

– Вой, кичик дада, қулупнайга ўхшаркан! – Бир зум қарсиллатиб чайнаб турди-да, бўйнимга осилди. – Кичик дада-а, – деди қоп-қора кўзларини катта-катта очиб. – Сиз келдингиз-а?

– Кўриб турибсан-ку, келдим, – дедим кулиб.

– Энди кетмайсиз-а?

– Йўқ, – дедим гапи нашъа қилиб. – Кетмайман!

Болакай бир зум ўйланиб турди-да, сўради:

– Бобожоним қамоқдан чиқадилар-а?

Ичимда бир нима узилиб кетгандек бўлди.

Келинойим югуриб келиб, боланинг билагига чанг солди.

– Юр! – деди таҳдид билан. – Ухласанг ўласанми, зумраша!

– Йў-ў-ўқ! Кичик дадамминан ўтираман! – Бола оёқ-қўлларини типирлатиб чинқирди. – Ухламайман! Ухламайман!

– Ўчир! – Акам қўлини пахса қилиб келинойимга ўдағайлади. – Обкир уйга!

Ойим ўтирган жойида тебраниб йиғлаб юборди:

– Худо уриб қолди бизни, болам! Худога нима ёзувдик, ўғлим! Отанг бечора шунча йил меҳнат қилиб, кўрган куни шу бўлдими, Рустамжон?

– Юр, ука, уйга кирайлик. – Акам ўрнидан турди. – Ойи, – деди юпатувчи оҳангда. – Сиз дамингизни олинг. Ака-ука бир отамлашайлик.

Онам индамади. Аммо ёнимизда ўтиргиси келаётгани кўриниб турарди.

– Хоҳласангиз, юринг, сиз ҳам... – Акам онамнинг қўлидан тутиб, сўридан тушишга кўмаклашди.

Учовлашиб, Илҳом акамнинг «катта зали»га кирдик. Акам чироқни ёқиши билан гарангсиб остонада туриб қолдим: уй деярли шип-шийдон эди. Янгам иккита болали бўлганда ҳам «катта зал»ни келиннинг уйидек безатиб қўядиган одати бор эди. Сервантда дид билан терилган сервизлар, тахмонда қўша-қўша бахмал кўрпалар, деворда чўғдек гиламлар... Энди бўлса, уй ўғри ургандек ҳангиллаб қолибди. Ўртада хонтахта. Атрофида тўртта кўрпача. Бурчакда болалигимда дадам олиб келган «Электрон» телевизор. Бор жиҳоз – шу. Ҳатто нафис дарпардалар ҳам қаёққадир гумдон бўлган. Деразаларнинг ярмини тўсган оддий сарғиш парда ғариб мунғайиб турибди.

– Ўтир, ука. – Акам юзимдаги саволни уқиб, хижолатли илжайди. Шоша-пиша кўрпачага имо қилди. – Юқори чиқинг ойи.

Ойим қўллари қирсиллаганча, хонтахта қиррасидан ушлаб, тўрдага кўрпачага чўкди. Акам токчадан очилган ароқ, иккита пиёла олди.

– Салима! – деди айвон томонга қичқириб. – Обке, ре-
диска-педискадан!

– Шу ўлгурни ичмасаларинг нимаиди-я? – деди онам
норози бўлиб.

– Кўпмас, ойи, жиндай... Қани? Омон-эсон қайтганинг
учун!

Биринчи пиёладан кейин акамнинг кўзлари қизариб,
пишиллаб нафас ола бошлада.

– Ҳайрон бўлаяпсанми? – деди шип-шийдон уйга қа-
раб. – Сотдик! Қани, ол... Майли ука, бош омон бўлсин!
Дадам соғ-саломат келсалар бас! – Бир нима дафъатан
ёдига тушгандек, кулимсиради. – Аммо сенинг тўйингга
аталган нарсаларнинг нинасиниям қимирлатганимиз
йўқ. Тўғрими, ойи?

Онам индамай бош ирғаб қўйди.

– Анави исковичлар хўп ёпишди, – деди акам. – «Бу қа-
нақа атлас?. Қаердан келган?. Шунча аждели нима қиласан?
Кимдан пора олгансан?» Ўзбекнинг тўйи шунақа бўлади,
келинга қилмаса бўмайди, десак, кулоқ солса қани!

Акам яна ароқ қўйди.

– Қўяқол энди, болам, – деди ойим ташвишланиб. –
Уканг толиққан, дамани олсин, эртага гаплашарсанлар.

– Йўқ! – Акам алам билан бош чайқади. – Эшитсин!
Сен уёқда дадамдан нега дарак йўқ, деб ёзасан... Буёқда
дадамни тиқиб қўйган. Бир кечада идоранинг ўзидан
олиб кетган. Қўшиб ёзганмиш. Пора олганмиш... Кунора
сўхтаси совуқлар уйга бостириб киради. Яширган тилла-
ларингни топ дейди... Қўлида мина излайдиган таёққа
ўхшаган нарса. Ҳамма ёқни титкилайди. Халажойгача
кавлаб кўрди, тўғрими, ойи?

Онам бошини бир ёнга ташлаган кўйи номаълум
нуқтага термилиб ўтирар, униқиб кетган мошранг рўмо-
ли сирғалиб елкасига тушган, оппоқ сочлари тўзғиган,
кўзларида маъно йўқ эди.

Ич-ичимдан титроқ уйғониб, тўсатдан миямда чидаб
бўлмас оғриқ турди. Бармоқларим музлай бошлади. Ҳо-

зир, ҳозир бошланади! Онам! Бечора онамнинг бир ками шу томошани кўриш эди! Жон ҳолатда ароқ шишасини юлқиб олиб, пиёлага тўлдириб қуйдим. Гирихланиб қолаётган тишларим орасига пиёла қиррасини зўрлаб тикиб, ичдим... Қанча вақт ўтганини билмайман. Ниҳоят, кўз ўнгимни қоплаган сарғиш туман тарқалгандек бўлди. Хайрият!

Қарасам, акам кўзлари ҳайратдан чақчайиб, юзимга синчиклаб тикиляпти. Бошимни нимадир таталаётганини ҳис этиб, ғашим келди. Ойимнинг қўллари экан. Бурилиб қарасам, онам, орқамда тик турганча икки букланиб бошимни уқалаяпти. Пиёла хонтахтада тўнкарилиб ётибди.

Қути учган келинойим тумшуғимга коса тикиштирди.

– Ичинг, ича қолинг, Рустамжон! – деди ялиниб.

Сув экан.

Косани кафтим билан нари сурдим.

– Керакмас.

Ойим бошимни уқалашдан тўхтади.

– Сенга нима бўлди, болам! – деди икки юзимни силаб.

– Онангни нега кўрқитасан, жоним болам?

Энди уйиғламас, қовжираб қолган кўзларида кўрқинч, хавотир бор эди.

– Ҳеч нима! – дедим илжайишга уриниб. – Нега ваҳима қиласиз!

– Шу ўлгурни ичма девдим-ку! – Ойим акамга дашном берди. – Юр, болам, – деди елкамни силаб. – Жойингни солиб бераман. Чарчагансан.

Худога шукур! Хуруж ўтиб кетди. Бояги арақни ичганим яхши бўлган экан. Титроқ босилди. Кўлимнинг музлаши қолди.

– Ойи, – дедим ялиниб. – Сиз кириб ётинг. Биз акам билан гаплашиб олишимиз керак.

Барибир онам ёнимга ўтириб олди. Биламан, энди бир қадам ҳам жилмайди.

– Бу ҳангомалар, – деди акам хўрсиниб, – августда бошланди. Мактаб ремонт охирида қолганди. Эрта-ин-

дин август кенгаши бошланади... Директор уйга одам юборибди. Вилоятга кимни юбориш муҳокама қилиниши керак экан. Мажлисни илмий мудир ўтказди. Чорак соатчадан кейин директор кириб келди.

«Ўртоқ Шоматов, сизни сўрашяпти», деди. «Ким?» десам, «Чиқсангиз биласиз», дейди. Ўшандаям хаёлимга ёмон ўй келгани йўқ. Фақат ҳайрон бўлдим. Директор доим отимни айтиб, Илҳомжон, деб чақирарди. Чиқсам, мактаб ҳовлисида ҳеч ким йўқ. Дарвоза олдига келсам, кўк «Жигули» турибди, нол олти. Сен тенги йигит ёнимга келиб: «Сиз Шоматов Илҳом бўласизми?» деди. «Ҳа», дедим. Машинанинг орқа эшигини очди: «Марҳамат, ўтиринг, гражданин Шоматов!» деди.

Акам «Полёт»ни тутатиб, чуқур-чуқур сўрди. Зимдан онамга разм солдим. Ойим пинжимга тиқилиб жимгина мунғайиб ўтирар, акамнинг бу ҳикояларини ўнлаб, юзлаб марта эшитган бўлса керак, гапга аралашмас, чама-си, эшитишни ҳам хоҳламасди.

- Шопирдан бошқа яна икки киши бор экан. Биттасиниям танимайман. Шопир олдида, ўшаларнинг хўжайини бўлса керак, битта семиз киши ўтирибди. Бояги йигит мени орқа ўриндиққа ўтқизди. Ёнбошимга ўзи ўтирди. Худди киноларда кўрсатадиган шпионни қўлга олгандек. Чап томонимда биттаси, ўнг томонимда биттаси.

«Шоматовнинг уйига!» деди олдинги ўриндиқдагиси.

Юрагим ғаш тортди. Бояги йигитдан сўрадим: «Тинчликми, брат?» десам, ҳалигина илжайиб турган одам кўзини ола-кула қилди. «Мен сенга брат эмасман, алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчи Шевелев бўламан!» дейди. «Отанг Шоматов Шомансур приписка қилгани, катта миқдорда пора олиб, пора бергани учун қамоққа олинди», дейди. Рост, оёқ-қўлим бўшашиб кетди. «Сизлар адашяпсиз, менинг отам унақа одаммас, бир умр ҳалол ишлаган. «Ленин ордени» бор, депутат», дедим. Олдинда ўтиргани мен томонга қараб, мазах қилиб кулди.

Қоронғи тушгунча ҳамма нарсани рўйхатга олди. Ҳамма ёқни тит-пит қилиб ташлади.

«Нима керак сизларга, айтинг, ўзим топиб бераман», десам, «Ўчир овозингни!», дейди. Аммо ойим – маладес! – Акам ҳамон мунғайиб ўтирган онамга қараб қўйди. – Сенинг тўйингга аталган кўрпа-тўшакларни ағдар-тўнтар қилаётган эди, қўлига ёпишдилар. «Келиннинг сарпосига тегма, ўғлим келса, уйлантираман деб, ўз қўлим билан тикканман», дедилар,. Барибир, кўрпаларнинг пахтасигача титиб чиқди. «Миллионнер бўлмасанг, келинингга шунча падаркани қаёқдан олдинг?» дейди. Ойим айтдилар. «Нима қилай бўлмаса, сенларга ўхшаб тўрт шиша ароқ билан ўғил уйлантирайми? Мен бу нарсаларни йиллаб тўплаганман» десалар, масхара қилиб кулади. «Миллионни топсанг, эринг қутилиб чиқади, бўлмаса эринг ҳам кетади, ўғлинг ҳам хотин ололмай холостяк ўтади», дейди.

– Ароқдан борми? – дедим ичимдан тагин титроқ келётганини сезиб.

Ойим кўзимга хавотирланиб қараб қўйди.

– Топилади! – Акам айвон томонга овоз берди. – Сали-и-и! Ошхонани қарагин, яна битта шиша бор эди.

Онам энди оғиз очишга шайланганди, кескин илтимос қилдим:

– Қўрқманг ойи, кўп ичмаймиз. Фақат... йўқ деманг. Илтимос.

Келинойим... Итоаткор ва ҳамиша жилмайиб турадиган келинойим арақ шишасини келтириб, хонтахтага қўйди.

– Овқат иситиб келайми? – деди мунғайиб.

– Обке! – Акам жонланиб, шиша қопқоғини бурай бошлади. – Бояги жаркопдан опке.

– Қишлоққа офат дориди, Рустам! – деди акам бош чайқаб. – Битта «Коммунизм»нинг ўзидан йигирма саккиз киши қамалди. Ишонасанми, дадамни изламаган жойимиз қолмади. Кунора кеннайинг билан тугун-терсак кўтариб йўлга тушамиз. МВДга борамиз, «Коммунизм» колхозининг раиси Шоматов қаерда?» десак, «Билмаймиз, тоштурмага бор», дейди. Тоштурмага борсак,

«КГБга учраш», дейди. Буёқда биз дадамни излаб юриб-миз, уёқда анавилар ҳар куни келиб, оймни қўрқитади. «Эринг гумдон қилган миллионни топасан!» дейди.

Акам толиққандек узоқ сукутга чўмди.

– Салима! – деди бақириб. – Нима бало, ўзингам жар-коп бўлиб кетдингми?

Янгам товоқда қовурдоқ кўтариб келди.

– Кейин... – Акам яримта картошкани қошиққа илиб чайнарган, бўйнини чўзиб ютинди.– Кейин мениям қамоққа тиқишди. Икки ой ушлашди... Ичасанми, яна жиндай?! Икки ой ушлашди... Қийнашга қийнади. Икки кеча-кундуз сув бермади. Ухлатмади. Нима? Сен билмайсан-да, ука. Кундузи тик оёқда турғазиб қўяди. Кечаси билан сўроқ қилади. Аммо ростини айтишим керак. Ургани йўқ. Бундан кўра ургани яхшийди! Саволи нуқул битта: «Отанг яширган хазина қаерда? Қанча тез топсанг, шунча яхши, отанг ҳам чиқиб кетади, сен ҳам!». «Ҳой, одам! Отамда қанақа хазина бўлсин, умрбод ҳалол меҳнат қилган, на колхознинг, на давлатнинг бир тийинига кўз олайтирмаган» десам, ҳаммасини қайтадан бошлайди. Бухгалтер тан олди, пахта пункти қабулчиси показание берди, райком тан олди, обком тилхат берди. Ҳаммасини биламиз, дейди. Отанг биридан пора олиб, бирига берган, ўртада ўзига ҳам чўтал олиб қолган дейди. Тамом – вассалом!

– Бир куни... – Акам энг муҳим нарса эсига келгандек, келинойимни чақирди. – Сали-и! Салима!

Келинойим остонада шарпадек пайдо бўлди.

– Ўтир! – деди акам ёнбошига имо қилиб, – ўтир! Рус-там эшитсин! Ҳаммасини эшитсин! Бир куни эрталабдан соқолимни ҳафсала билан қиртишлаб қолди. Юзимга атир сепди. Машинага ўтқизиб турмадан шаҳарга олиб келди. Битта хонага обкирди. Қарасам, стол тўрида бурни чўмичдек кимса ўтирибди. Кейин билдим, Москвадан ўзбекни бошига қирон солиш учун келган генерал Амбарцумян дегани шу экан. Хўп мулойим гаплашди. «Сиз – Шоматов интеллигент одам кўринасиз, мактабда дарс бераркансиз», деди. Индамадим. «Демак, сиз ёш ав-

лодни совет жамиятининг ғалабалари руҳида тарбиялашингиз керак», деди. Индамай туравердим. «Шундоқ одам нега отангиз тўплаган миллионларни яширасиз, ваҳ-ваҳ-ваҳ», дейди. Отам ҳеч қачон ҳеч кимдан пора олмаганини, қўшиб ёзмаганини айтдим. Гувоҳинг бўлса, юзлаштир, дедим. Шунда нима қилди, дегин? – Акам энтикиб нафас ола бошлади. Кўзлари аланг-жаланг бўлиб буюрди. – Чиқ, Сали! Чиқиб кет! Ойи, – деди ёлбориб. – Жон ойи! Сиз ҳам чиқиб туринг! Илтимос! Беш минутга...

Келинойим онамнинг қўлтиғидан олиб, чор-ночор айвонга йўналди.

– Эшикни ёп! – деди акам бақириб. Кейин овозини пасайтирди. – Бурни чўмичдек ўша Амбарцумян гувоҳ керакми сенга, деди-да тугмачани босди. Эшикда кўринган соқчига, Шоматовани олиб кир, деб буюрди. Қарасам, остонада янганг турибди. Эгнида эски пальто, бошида рўмол... «Илҳом ака», деб мен томонга юрган эди, арманни соқчига «олиб чиқ» деб буюрди. Янгангниям, мениям оғзимдаги оғзимда, бўғзимдаги бўғзимда қолаверди. Кейин... – акам титроқ қўллари билан сигарет тутатди. – Кейин... биласанми нима деди ўша генерал! – Шоматова Салима сенинг хотининг бўлади-а? деди. Агар отангни устидан показание бермасанг, ўмарилган миллионни топмасанг, ажойиб томоша кўрасан, деди. Биласанми, яна нима деди? – Акам ҳиқиллаб қолди. Кафтининг тескариси билан кўз ёшларини артди, – ўн минутдан кейин хотинингни учта рецидивист бирваракай зўрлаётганини кўрасан, деди... Биттаям бутун жойи қолмайди, деди. Ўша хунаса Амбарцумян хотини ўнта ўйнаш тутса, хайрон бўлмас. Аммо ўзбек бунақа гапга чидайдими, укам?

Акам унсиз йиғлар эди.

– Ўша гапдан кейин тамом бўлдим! – Акам юраги ёниб кетаётгандек кўксини чангаллади. – Дадам пора олганмас, аммо сизларга пул керак бўлса, топиб бераман, дедим. Эртасига дадам ўз қўли билан ёзган хатни олиб келишди. Ўша хатни ҳар битта ҳарфигача эслайман. «Ўғлим! – деб ёзибди дадам. – Онангга тушунтир. Мен-

ку, айбсиз айбдор бўлишга бўлдим. Бор бисотни топширинглар! Жон омон бўлса, мол топилади. Онангни эҳтиёт қил. Сенлар тинч бўлсанг, мен ҳам тинчийман. Рустам бу гапларни эшитмасин...» дебди. Уч кундан кейин мени чиқариб юборишди. Биласанми, Рустам? – акам алам билан титради, – ўша куни Салимани эринг билан свидание қилдирамиз, қайнотангни ҳам кўрасан деб олиб борган экан. Нариги хонада дадамга ҳам кеннойингни кўрсатишибди. Менга нима деган бўлса, дадамга ҳам шуни айтган экан. Келинингни уч киши зўрлаётганини томоша қиласан, дебди!

Оғир, чуқур сукунат чўқди. Айвон эшигидан онам журъатсиз мўралади.

– Бўлди энди, – деди мунғайиб. – Қолганини эртага гаплашарсизлар.

– Кейин-чи? – дедим ғазабдан тишим ғижирлаб. – Нима бўлди?

– Кейинми? – Акам истеҳзоли илжайди. – Сотдик! Ҳаммасини сотдик! Машинани, сигирларни, мебелни! Келинойингнинг тақинчоқларини! Ҳаммасини! Ҳатто бувамдан ойимга ёдгорлик бўлиб қолган билакузукларни ҳам... Йиғиштириб келганда, юз мингга бормади. Миллионни топсанг, отангни чиқариб юбораман, деган Амбарцумяннинг корчалонига элтиб бердим.

Акам яна сигарет тугатди. Чуқур хўрсинди.

– Суд Москвада бўлди, – деди йўталиб. – Аҳмоқ! Эшшак! – Акам шиддат билан қўшқўллаб бошига муштлади. Тўсатдан хўнграб юборди. – Мен аҳмоқман! Эшшакман! Эшшак! – деди ҳансираб, – ўз кўлим билан дадамни қамоққа тикдим. Мана шу кўлларим билан. Эшитяпсанми, мана шу кўлларим билан! Нима қилай, укам, чопиб ташласам, қутиламанми кўлларимни! Дадам судда айтди: терговда берган показиналаримни тан олмайман, меням, ўғлимниям мажбур қилишган, деди. Ҳеч ким кулоқ солмади. Шоматовнинг ўғли тергов гуруҳига саксон уч минг пул, яна ўттиз минг атрофида баҳоланган тилла буюмлар топширган. Демак, Шоматов – миллионер, деб туриб олди.

Май ойининг йигирманчи куни

Автостанция чеккасидаги автомат-телефонда рақам терарканман, қўлим титрар эди. Бугун якшанбами? Университетга боришдан наф йўқ. Шаҳноза – уйда. Анави қақажон синглиси дастакни кўтариб қолса, яна бошни қотиради. Хайрият, Шаҳнозанинг ўзи олди.

– Лаббай?

Юрагим гурсиллаб кетди. Икки йил кутгандим бу овозни. Икки йил! Совуқ қиш кечалари заставадаги «уйча»да ётганимда, карвонни кузатиб қайтаётиб, олис йўл азобидан толиқиб, танк ичида мудраб қолганимда, мана шу овоз бехосдан қулоғимга чалиниб, чўчиб уйғонган пайтларим кўп бўлган...

– Шаҳноза! – товушим бўғиқ, ишончсиз чиқди. Симнинг у томонида бир лаҳза сукут чўкди-ю, ҳайрат аралаш қувончли хитоб эшитилди.

– Вой! – Шаҳноза энтикиб қолди. – Вой?!

– Бугун соат учда, ўша жойда... – дедим-да, дастакни илиб қўйдим. Ҳамон юрагим гурсиллар, шу топда бошқа гапиролмаслигимни билардим. Нарироққа боргандан кейин, ўзимни сўқдим. «Э, ўл, тўнка! Ақалли ҳол-аҳвол сўрамайсанми? Уйдагилар яхши ўтиришибдими, демайсанми? Бўлар иш бўлди. Военкоматга бориш керак».

Тахта тўсиқ ортида ўтирган новча капитан норизо қиёфада ўрнидан турди.

– Нега честь бермайсан, сержант? – деди кўзимга тикандек қадалиб.

Ё, Худо! Хўн, ғалати нарса-да, бу «ҳарбий интизом» дегани! Унвони ўзингдан бир поғона баландми, қоққан қоқиқдек ўдайгин-да, честь бер! Танисанг ҳам честь бер, танимасанг ҳам. Ҳурмат қилсанг ҳам честь бер, қилмасанг ҳам! Ўзини бир тийинга олмаслигинг мумкин. Аммо эгнида мундир, елкасида погон бор.

– Салом, ўртоқ капитан! – дедим фуқарочасига оддий қилиб. Киссамдан ҳужжатларимни олиб, тахта тўсиқ устига қўйдим.

– Устав бўйича доклад қил! – деди капитан дағдаға билан.

Кўрганмиз бунақа пўписаларни! Тўғри, ҳали «совет фуқаро»сига айланганимча йўқ. Оддий «дембил»ман, холос. Аммо қайтадан ҳарбий хизматга юбориш қўлидан келмайди. Наридан борса, бир ой «повуска» ташитишга мажбур қилиши мумкин. Жазо тариқасида.

Бир-биримизнинг кўзимизга узоқ тикилиб турдик. Охири капитан ҳужжатларимни юлқиб олди.

– Қачон келдинг? – деди қовоқ-тумшуғи осилиб. Бир қадар жаҳдан тушгани овозидан сезилиб турарди. – Экипаж командиридинг?

– Ҳа!

– Контузия бўлганмисан? – Капитан госпиталдан берилган қоғозни синчиклаб кўздан кечириб бошлади. – Эҳ-ҳа! Жароҳат ҳам олган экансан. Энди нима қилмоқчисан?

– Ўқишимни давом эттираман.

– Мен Қандаҳорда хизмат қилганман, – деди капитан ҳужжатларимдан кўз узмай.

Бу ҳам порох ҳидини тотганлардан экан-да! Капитанга ҳурматим ошди.

– Демак, гап бундай! Уруш қатнашчиси сифатида тубандаги ҳуқуқларинг бор. – Капитан «афғонлар»га айта-вериб ёд бўлиб кетган сўзларни аниқ-равшан қилиб такрорлади. – Олий ўқув юртига киришда имтиёз, биринчи навбатда телефон олиш, биринчи навбатда квартира олиш, инвалид бўлсанг, навбатсиз хусусий автомашина олиш... Хуллас, имтиёзлар тўғрисидаги ҳужжатингни беришади.

– Ўртоқ капитан! – дедим тушунтириб. – У ёқдаги ҳарбий врач, «уйингга қайтишинг билан госпиталга бориб, мутахассисга учрашишинг шарт», деган эди.

– Бу мумкин! – деди капитан кескин оҳангда. – Госпиталга йўлланма берамиз.

Ўша куни

Анҳор бўйига пиёда келдим... Одамларнинг бунчалик бепарво юришига ҳамон кўника олмасдим. Ҳар бир дарахт орқасида «дух» пойлаб тургандек эди.

Боғ яшнаб кетибди. Оппоқ гуллари тескари ўсган узум бошига ўхшаб учини осмонга қаратиб турган каштанлар, довучча туккан ўриклар, ям-яшил арчалар шамолда арғамчи учади. Гулзорда хонаки гунафшалар, сиёхранг гулсафсарлар эркаланиб чайқалади. Аммо ҳавонинг авзойи бузуқ, осмонда қорамтир булутлар чарх уради.

Мана, ўзимизнинг скамейка. Ўзимизнинг наъматак. Напармон гуллари кувёш томчисидек ярақлайди. Харракка ўтириб, анҳорни томоша қилдим. Тоғ томонда ёмғир ёққан, шекилли, анҳор лойқаланиб, тўлғаниб оқади. Сув бетида олма шохчалари, настарин гуллари шитоб билан қалқиб боради. Ана, бир дона лола оқиб келяпти. Гулбарглари ёйилиб кетган. Худди зада бўлган юрак парчасидек. Тўлқинлар уни гоҳ эркалаб елкасига кўтаради. Гоҳ бўтана гирдобга улоқтиради. Эрмак қилаётгандек...

Булутлар қуюқлашиб, шамол кучайди. Харрак ёнбошидаги наъматак жонсарак чайқала бошлади... Шошқин қадам товушини эшитиб, юрагим орзиқиб кетди.

Қулоғимга қадрдон овоз кирди:

– Рустам ака! Рустам ака-а-а!

Шаҳноза қушдек учиб келиб, бағримга отилди. Димоғимга гул хиди урилди. Ўзгармабди! Фақат... янаям очилиб кетибди!

Эгнида атлас кўйлак. Сочини чиройли турмаклар, миттигина атиргул ғунчасини қистириб кўйибди.

– Соғиндим, Рустам ака! Соғиниб кетдим. – Кўзларидан икки томчи ёш силқиб чиқиб, лабига сизди.

– Мен ҳам, – дедим бағримга босиб. – Тушларимда кўрдим. Кўп, жуда кўп кўрдим.

– Мен ҳам...

...Кўзлари... Шаҳнозанинг кўзлари шунақанги чиройли, шунақанги бегуноҳ, илҳақлик билан боқадики, юрагингни суғуриб олаётганга ўхшайди...

– Ўзгарибсиз... – деди юзимни силаб. – Озибсиз. Қо-
райибсиз.

– Сен ўзгармабсан! – дедим елкасидан қаттиқроқ қу-
чиб. – Янаям чиройли бўлиб кетибсан.

Шу аллозда анча ўтирдик.

Бир маҳал Шаҳноза юзимга илкис қараб қўйди.

– Рустам ака... – деди секин. – У ёқда... одам ўлдирдингизми?

Юрагим шиғ этди. Кўз ўнгимга сўриток тагида ётган
аёл келди. Қизил қўйлакли аёл. Юзлари оппоқ, тиниқ...
Худди Шаҳнозаникига ўхшаган...

Шу пайт осмон ярақлаб кетди. Даҳшатли гумбур-
лашдан қулоғим чиппа битиб қолгандек бўлди. «Эр-эс!»
Ракета портлади! Осмонда ракета портлади! Ўрнимдан
қандай туриб кетганим, қай аллозда наъматак панасига
ўтганимни билмайман.

Пешонамга илиқ, йирик ёмғир томчиси урилди. Тағин
момақалди роқ гумбурлади. Қарасам, Шаҳноза ҳам ўрни-
дан туриб кетибди, кўзлари катта-катта очилган кўйи
менга ҳайратланиб тикиляпти.

– Сизга нима бўлди? – деди пичирлаб.

– Ҳеч нима... – дедим шуурсиз бир тарзда қайтиб жо-
йимга ўтирарканман. – Ўзим... Шунчаки...

Ўша заҳоти шовуллаб жала қуйди. Шамол авжига мин-
ди. Наъматак шоҳлари шиддатли чайқала бошлади. Нафар-
мон гуллар шамолда чирпирак бўлиб учганча анҳорга ту-
шиб, лойқа тўлқинларга кўмилиб кетди. Чақмоқ булутлар
орасида оловли қамчисини ўйнатар, момақалди роқ мут-
тасил гумбурлар эди. Анҳор юзи бир зумда алғов-далғов
бўлиб кетди. Шаҳноза елкамга бошини ташлаб ҳиқиллаб
йиғлаб юборди. Вужуди титрар эди. Атлас кўйлаги жиққа
сув бўлиб, баданига ёпишиб қолди.

– Шамоллаб қоласан... – дедим елкасидан қучиб...

Май ойининг охири

Округ госпитали деворлари қалин, пастқам, қадимий
бино экан. Кекса дўхтир эринмасдан сўроққа тутди:

– Контузия бўлганингда узоқ ҳушингдан кетганмидинг?

– Бошинг қаттиқ оғрийдими? Қанақа пайтда оғриқ кучаяди?

– Асабинг тез қўзғайдими? Бехосдан чўчиб кетасанми?

– Бошинг оғриганда қусинг келадими? Баданинг музламайдими?

– Ўшандан кейин ҳеч ҳушингдан кетдингми?

Ҳамма саволларига жавоб бериб бўлгач, мен ҳам сўрадим:

– Контузия асорати қачон тузалади?

– Аниқ айтолмайман, – деди дўхтир. – Бунақа дардни вақт даволайди. Асабийлашмасликка ҳаракат қил.

...Уролог эса ёш йигит экан. Наридан борса мендан беш-олти ёш катта. Белимга тегиб, биқинимдан чиқиб кетган ўқ ўрнини узоқ пайпаслади. Бу ҳам уёқдаги хирургнинг гапини қайтарди.

– Омадинг бор экан, солдат! Ўқ аортага тегса, тамом эдинг. – Кейин тўсатдан сўраб қолди. – Уйланганмисан?

Индамай бош чайқадим.

– Танлаган қизинг борми?... Яхши... Тезроқ уйлан!

Ҳайрон бўлиб турганимни кўриб, тушунтирди.

– Биласанми, солдат, эркак кишининг иккита юраги бўлади. Биттаси юрак, яна биттаси эркаклиги... Тушунтиролдимми? Бунақа жароҳатдан кейин лимфа, простота безлари, жинсий органларда функционал ўзгаришлар рўй бериши мумкин. Паталогияга айланиб кетмаслиги учун органлар фаолиятини кучайтириш керак. – Шундай деб, елкамга дўстона шапатилаб қўйди. – Тўйингга таклиф қиласанми?

Госпиталдан кўнглим ғаш тортиб чиқдим. Дўхтир айтган гапларнинг кўпини тушунмадим. Англаганим шуки, тўйни тезлаштириш керак... Майли, биз томон-ку тайёр. Онамнинг орзуси ҳам – шу. Ҳар куни бир гапни айтади, тўйингни ўтказаверамиз, даданг омон-эсон келсалар, орзу-ҳавасларини невра тўйидан кўраверадилар, дейди. Фақат... Шаҳноза нима деркин? Ота-онаси-чи? Отаси қамоқда ётган, қўли қисқа бўлиб қолган куёвга рози бўлармикан! Билишимча, қуда томон катта даргоҳ...

Шаҳноза билан гаплашиш керак!

Июнь ойининг боши

Акам аллақанча газета йигиб қўйган экан. Ўқиб, ҳайрон бўлдим. Бирида бутун мамлакатни қамоқхоналарга айлантирган режим емирилгани, тўла демократия рўёбга чиқаётгани ёзилади, бошқасида «ўзбек иши» бўйича қамоққа олинган обкомлар, райкомлар, раислар лаънатланади. Бирида одамларни эътиқоди учун тазйиқ остига олганлар қораланади, виждон эркига йўл очилгани айтилади, бошқасида отасини дафн этиш учун мозорга бориб Қуръон тиловат қилган коммунист фельетон қилинади... Қизиқ...

Июнь ойининг ўрталари

Кечқурун Илҳом акамникида эски «Электрон»ни кўриб ўтирган эдик. Москвадан ғаройиб «томоша» берилди. СССР прокуратурасининг Амбарцумян ва Петров бошчилигидаги гуруҳи жиноятчилар маконига айланган Ўзбекистонда ҳақиқий қаҳрамонлик намуналарини кўрсатаётган эмиш. Ич-ичидан чириб кетган бу республикага Россиядан яна бир гуруҳ энг яхши мутахассислар ёрдамга келаётган эмиш... Гапириб-гапириб стол устига ёйиб қўйилган тилла буюмларни намоёйиш қилишди. Балдоқлар, олтин занжирлар, узуклар... Булар ҳаммаси давлатни, халқни талаш эвазига тўпланган бойликлар экан. Бувамдан ойимга хотира бўлиб қолган тилла билакузук ҳам бормикин шулар ичида?

Июнь ойининг охирлари

Уй ичи салқин. Онам дераза пардаларини тўсиб қўйгани учун ташқаридаги иссиқ хонада унча сезилмайди. Ҳовли жимжит. Аҳён-аҳёнда мусича кукувлайди. Иссиқдан толиққан, шекилли, овози ҳорғин. Ойим қалин кўзойнак тақиб, кўрпача қавиб ўтирибди. Худо хоҳласа, келаси ой – тўй...

Онам «оқ ўраб» келганидан бери қуда томонни оғзидан бол томиб мақтайди. Ҳозир ҳам гапни айлантириб, шунга тақади:

– Ўзимам сезувдим, ўғлим! Сен у ёқдалигингда, янги йил арафаси Тошкентдан келган қизлар орасида айниқса Шаҳнозахонга дилим кетувди. «Қани шундоқ қизни келин қилсам», дегандим. Фаришта омин деган экан... Бирам ширин, бирам одобли... Илоё ўзларингдан кўпайинглар. – У кўзойнак устидан менга қараб қўйди-да, жимиб қолди.

Биламан, ҳозир отамни гапиради. Айтмадимми?

– Икки орзуни бир етказмас экан-да, болам... Даданг ёнингда бўлганларида-ку... – Сўзлари бемаврид эканини билиб, дарров хатосини тузатди. – Сен кўнглингни чўқтирма, – деди мендан кўра кўпроқ ўзини юпатиб. – Тўйни шунақанги қарс-бадабанг қилиб ўтказамизки, «фалончи қамалибди», деб суюниб юрган оғзи катталар уялиб қолсин! Аканг бор... Қариндош-уруғ, эл-юрт бор... Худога шукур, юртдан оқибат кўтарилмаган экан. Ҳалитдан нечтаси «Бизга нима хизмат бор?» деб келяпти. Даданг шунча йил раис бўлиб, бировнинг оҳига озор берганмас. Ҳаммасининг бошини силаган. Тўйи борми, маъракаси борми, туриб берган.

Ҳовлида ҳамон мусича кукувлайди. Ёзнинг толиқтиргувчи сукунатни янаям чуқурлаштиришга аҳд қилгандек осойишта ва ҳорғин хониш қилади. Ўзбекнинг ўзидек содда, беозор... Беозорлиги учун дуч келган дайди мушукка ем бўладиган қушча...

Ойим бир нималарни ўйлаб, ўзича жилмайиб қўйди.

– Кафан кийган кетади, капалак кийган келади! – деди ишонч билан. – Мени айтди, дерсан! Даданг келадилар. Ярим йил ўтар, бир йил ўтар... Эшикдан кули-и-б кириб келадилар. Шаҳнозахонни чўғдек ясангириб саломга олиб чиқаман.

Шаҳноза кўз ўнгимга келди. «Иллу ҳафта совчилар боради, тағин ноумид бўлиб қайтиб кетишмасин», деганимда ийманиб ерга қараб турган Шаҳноза...

Ойим капалакни гапирдими? Қизиқ... Уйга капалак кириб қопти. Миттигина. Қанотлари кўкимтир. Унсиз типирчилаб у деворга урилади, бу деворга урилади. Ана! Қанотларини жонҳолатда силкиб, учиб борди-да,

дарпардага қўнди. Худо билсин, эрталабдан бери ёруғ дунёга чиқиб кетиш илинжида питирлайвериб ҳолдан тойгандир... Синчиклаб кузатиб турдим. Билдимки, капалак нур шу ердан тушаётганини сезиб турибди. У ёқда, ташқарида офтоб бор. Эркинлик бор... Тоза ҳаво... Гулзорлар... Шўрлик! Билмайдики, башарти бирон инсофли одам дейлик, мен, пардани бир четга суриб, йўл очиб берганим тақдирда ҳам, капалак барибир озодликка чиқолмайди. Дераза ёпиқ... Ташқарида ёруғ олам кўриниб туради. Аммо деразадан тушаётган нур – қалбаки нарса... Ўртада тўсиқ бор. Ҳаммаси – ёлғон! Ҳаммаси – алдов! Нурли келажак деб одамларни алдаш мумкин-ку! Сен ким бўпсан, биродар! Оддийгина капалаксан, холос!

...Дадам масаласида югурмаган жойим қолмади. Адвокатура... Прокуратура... Суд... Райком... Обком... Марказкўм... Минг хил амалдорни кўрдим. Эшикдан киришинг билан «ҳозир сузиб ташлайман» деб, буқага ўхшаб хўмрайиб ўтирганини ҳам, мулойим табассум билан қарши оладиганини ҳам. Жавоби бир хил. «Майли, аризангизни ташлаб кетинг, ўзимиз хабар қиламиз». Баъзилари овозини пастлатиб дўстона маслаҳат беради. «Отангиз «пахта иши» бўйича қамалганми? Яхшиси, бу ишга аралашманг». Аланг-жаланг бўлиб, товушини янаям пасайтиради. «Биласизми, ука, бу иш билан Москва шуғулланыпти. Эҳтиёт бўлинг...». «Ўзи хабар қиладиган»лардан бир тилиш хат келади. «Коммунизм» колхозининг собиқ раиси Шоматов Шомансур асосли равишда ҳибсга олинган. Суд ўн йил қамоқ жазосига ҳукм қилган. Мазкур иш бўйича шикоятингиз бўлса, мамлакат олий органларига мурожаат қилишингиз мумкин...».

Ёпиқ дераза! Ҳаммаси равшан. Барчаси адолатли. Ҳаммаёқ гўзал! Олам нурга тўлиқ! Ёлғон нур... Ёлғончи дунё ва... ожиз капалак...

Июль ойининг тўртинчи куни

Республика газетасида ғалати сарлавҳага кўзим тушиб қолди. «Ўзбек иши» ўзбекларнинг ишими?» Шоша-пиша ўқиб чиқдим. Мақола шапалоқдеккина эди. Аммо ўқишим билан вужудимда олов ёниб кетгандек бўлди. Мақолада «ўзбек иши» халққа қарши кампанияга айланиб кетгани, минглаб одамлар қамалгани, ҳўлу қуруқ баравар ёнаётгани, гуноҳкорлар қатори бегуноҳлар ҳам азият чекаётгани, бу масалада таҳририятга минглаб хатлар келаётгани баён қилинган эди. Ҳаяжондан қўлим титраб, қайта ўқиб чиқдим. Хайрият! Рост гапни айтадиганлар ҳам бор экан-ку! Мақола остига «Маузер Ғаниев, хатлар ва шикоятлар бўлими», деб ёзилган эди.

Маузер! Эсда қоладиган исм! Қарасам, газета икки кун олдин чиққан экан.

...Учинчи қаватдаги узундан-узоқ йўлақдан ўтиб борарканман, охирроқдаги эшикка илинган ёзувга кўзим тушди. «Маузер Соатович Ғаниев. Меҳнаткашлар хатлари ва шикоят бўлими мудири».

Эшикни тақиллатишим билан ичкаридан «Ҳа!» деган асабий овоз келди. Кирсам, ёши қирқларга бориб-бормаган, аммо кўзларининг таги осилиб кетган, чакка сочларига оқ оралаган, юзлари сўлғин, тепакал одам алланима ёзиб ўтирибди. Стол усти бетартиб. Бир чеккада «Опал» қутиси. Кулдон сигарет қолдиқларига тўлган...

– Узр! – деди у қоғоздан кўз узмай. – Қайси хат бўйича келгансиз? Қачон ёзгансиз? Фақат тезроқ...

Эшик олдида индамай туравердим. У ҳам ишини қилаверди.

Анча вақт ўтди. Шу ерда эканлигимни эслатиб қўйиш учун маъноли йўталдим.

– Гапингизни айтаверинг, – деди қоғоздан кўз узмай. – Қачон шикоят ёзгансиз?

– Мен шикоят ёзган эмасман! – дедим ғашим келиб. – Ёзиш ниятим ҳам йўқ! Оғзаки гапга ишонасизларми ўзи?

Маузер Соатович ёзишдан тўхтаб, тепакал бошини кўтарди.

– Нима? – деди энсаси қотиб.

– Бу дунёда қоғозсиз гапга ҳам ишонадиган одам борми-йўқми?

Маузер Соатович менга ўхшаганларни кўравериб жонидан тўйиб кетган, шекилли, ижирғаниб қараб қўйди.

– Хўш? – деди чимирилиб.

– Мақолангизни ўқидим, – дедим таклиф қилмаса ҳам рўпарасига ўтириб. – Рост гапларни ёзибсиз!

– У мақола энди йўқ! Эшитдингизми, йўқ! Вассалом! – Маузер Соатович сигарет қутисини жаҳл аралаш силтаб менга узатди. – Чекасизми?

Қизиқ! Қанақа одам бу? Бир қарасанг дўқ қилади. Бир қарасанг, сигарет тутати.

– Гапиринг! – деди жеркиб. – Нима дардингиз бор? Олдиндан айтиб қўяй! «Пахта иши» билан келган бўлсангиз, гаплашмайман!

Шахт билан ўрнимдан турдим-да, хайрлашмасдан эшикка йўналдим.

– Шошманг! – деди у бақириб.

Тўхтадим.

– Қайтинг! – «Опал» қутисидан сигарет олиб лабига эмас, сарғайиб кетган тишлари орасига асабий қистирди. Гўё ғажиб ташламоқчи бўлгандек.

– Айтавер дардингни! – деди тўсатдан сенсираб.

Гап бошлашим билан чехраси ёришди.

– Шомансур аканинг ўғлимисан? Ташла қўлни! Отанг ажойиб одамлар! У киши тўғрисида очерк ёзганман. Ишнинг кўзини биладиган раис эдилар... Ўзинг қаерда ишлайсан?

– Ўқийман, – дедим тўнғиллаб. – Журналистикада.

– Ия, ҳамкасб эканмиз-ку! Қани, бир бошидан гапир-чи, нима бўлди ўзи?

Ҳамма гапимни сабр билан эшитди. Шу орада кам деганда ўнта сигарет чекди. Хона тутунга тўлиб кетган, Маузер Соатович диққат билан тинглар эди. Назаримда ҳикоям тугагунча баттар қаримсиқ қиёфага кириб қолгандек бўлди.

- Шуми? – деди охири. Кейин негадир кулди. – Биласанми, ука, икки соат олдин Иккинчининг қабулида эдим. – У тамакидан сарғайган бармоғини бигиз қилиб шифтни кўрсатди. – Шахсан ўртоқ Иккинчининг қабулида! Қани, айт-чи, Ўзбекистонда Биринчи каттами, Иккинчими?

Ҳеч балога тушунмадим. У анграйиб қолганимни кўриб хириллаб кулди. Йўталиб, симтўрга туфлади.

– Иккинчи айтдики... Листадек қилиб юрмасанг...

Яна ҳеч нимага тушунмадим.

– Отинг Рустаммиди? – Маузер Соатович тагин йўталди. – Менга қара, Рустам! Александр Македонский деган пошшони эшитганмисан? Баракалла! Македонскийнинг энг зўр тактикаси қанақа бўлган, биласанми? – Қовоғи салқиган кўзлари билан юзимга синовчан қараб турди-да, давом этди. – Македонскийнинг зўрлиги шунда бўлганки, қайси юртни босиб олса, ўша юртдан чиққан одамни ҳоким қилиб тайинлаган. Ёнига эса Иккинчи қилиб ўз одамини қўйган. Эшитдингми? Иккинчи қилиб! Оми халқ буёқда юрарверган: пошшо ўзимиздан чиқди, деб хурсанд! Уёқда бўлса Иккинчи Биринчининг нозик жойига ип боғлаб олган. Биринчи ғиринг деб кўрсин-чи! Иккинчи ипни тортиб қўяди. Салгина тортса, Биринчи вой-войлаб қолади. Қалай? – У тагин хириллаб кулди. – Жиндай ҳаддидан ошса, гўрдан олиб, гўрга тиқишдан ҳам тоймайди... Ўзимиздагига ўхшаб. Биласанми, бунинг отини нима дейди? – Унинг ҳорғин кўзларида изтироб пайдо бўлди. – Мустамлакачилик! – деди хўрсиниб.

Суҳбатимиз тамом бўлганини тушундим.

– Москвага бораман! – дедим ўрнимдан туриб.

– Нима? – Маузер Соатовичнинг ҳозиргина маъюс боқиб турган кўзларида ўт ёниб кетгандек бўлди. – Москвага? – деди истехзоли кулиб. – Борақол! Тезроқ бор! Рустамжон қачон келадилар, қачон дадаларини олиб кетадилар, деб кучоғини очиб турибди.

Беихтиёр қайтиб жойимга чўқдим.

– Москва эмиш! – у асабийлик билан янги сигарет пачкасини очди. – Москванинг ўзи бошлади-ку бу кампанияни! – Кўллари қалтираб тутатди. – Уларга қолса, бутун Ўзбекистон қўшиб ёзувчи! Ҳаммаси ҳаромхўр. Ҳаммаси ўғри, порахўр. Ўттиз еттинчи йил қайтиб келди! – Унинг кўзлари олайиб, ўрнидан сапчиб турди. Алам билан столни муштлади. – «Ўзбек иши» эмиш! – деди инграгудек бўлиб...

Оғир, изтиробли сукут чўкди. Маузер Соатович кафти билан тутун ҳайдаб, уёқдан-буёққа асабий бориб-кела бошлади. Бир қадар ўзини босиб олди, чоғи, қайтиб жойига ўтирди.

– Қўшиб ёзиш ҳамма жойда бўлган, – деди анчайин вазмин оҳангда. – Айбни эса келиб-келиб ўзбекка ёпиштиришди. Сабаби шуки, арманига осилса, ўша куни армани кўчага шиор кўтариб чиқади. «Арман халқидан кўлингни торт», дейди. Гуржига ташланса, гуржи кўчага чиқади. «Нега халқни ҳақорат қиласан?» дейди. Сен билан биз – ўзбекмиз. Биттамузни бўғизласа, иккинчимиз меърайиб турамиз. Навбат ўзимизга етгандагина, кўйга ўхшаб маъраймиз. – У бирпас ўйланиб қолди. – Ҳамма нарсанинг ибтидоси бўлганидек, интиҳоси ҳам бўлади, – деди ишонч билан. – Ҳақиқат эртами-кечми рўёбга чиқади.

– Хўш, мен нима қилишим керак? – дедим ижирғаниб.

– Кутасан! – Маузер Соатович хотиржам тушунтирди. – Бошқа илож йўқ. Бу калаванинг учи узун. Мени айтди дерсан, калаванинг учи охир-оқибат Москвага бориб тақалади! Ана ўшанда ҳаммаси жой-жойига тушади. Бунақа ишнинг кетидан югуриб юргандан кўра бизга Афғонистон хотираларини ёзиб кел, газетада чиқарамиз.

– Нимани ёзай? – дедим маъюсланиб. – Одам ўлдириш қанақа бўлишиними?

Маузер Соатович индамай бошини қуйи солди.

Тутунга тўлиб кетган хонадан чиқиб борар эканман, хаёлимни оғир ўйлар чулғаган, ночорликнинг зилдек юки елкамдан босиб, ерга михлаб ташлаётганга ўхшарди. Барибир, барибир топаман! Отамнинг гарданига йўқ

ердаги айбларни илиб қамоққа тикқан, оиламиз бошига шунча кулфат солган Амбарцумян гуруҳидан ақалли биттагинасини топмагунча, кўзига тикилиб туриб, жилла курса, бир нечта савол бермагунча тинчимайман. Тин-чи-май-ман!!!

Эртаси куни

Дадамдан хат келди. Шимолий Қозоғистондаги «ахлоқ тузатиш» колониясида жазо муддатини ўтаётган дадамдан.

«Рустамжон, ўғлим! – деб ёзибди отам. – У ёқдан жонинг соғ қайтганини ўқиб, Худога минг қатла шукр қилдим. Сен Афғонистонда юрганингда бу ёқда бунақа ишлар бўлиб кетди... Нимаям дердим... Пешонада шу ёзуғ ҳам бор экан... Ёшим бир жойга борганда қамоққа тушиш хаёлимга кептими?.. Мана, энди ҳаммасини бир бошдан ўйлайман. Кечалари уйқим ўчиб кетади. Дунёнинг бу бурчидан кириб, у бурчидан чиқаман. Ўйлаб ўйимга етолмайман. Гуноҳим нима ўзи?.. Ота-онам ўттизинчи йиллардаги очарчиликда ўлиб кетган ғирт етим бўлсам. Ўсмирлигим уруш даврига тўғри келган бўлса... Эсимни танибманки, елкамнинг яғири чиқиб, меҳнат қилдим. Қўш тортдим, мола босдим, трактор ҳайдадим... Тиришиб-тирмашиб ўқидим. Ўзлари кўтаришди. Аввал бригадир қилишди, кейин ҳосилот. Ундан кейин раис. Партия-ҳукуматимиз қаёққа ташласа, ўша ерга бориб тушдим. Тўқайда чивинга ем бўлиб, ер очдим. Қолоқ хўжаликни кўтар деса, қулоқ қоқмай хўп дедим. Онанг шўрлик кўрпасини орқалаб кетимдан эргашиб юрди. Аканг Бекободда туғилди, сен – Пискентда... Бир оғиз айтмадим: «Ҳой, мен ҳам одамман-ку, умрим бино бўлиб ҳаловат кўраманми-йўқми?» демадим. Бит анавинақа нарсага семир-гандек, берган темир-терсакларига, депутатлигига маҳлиё бўлиб юраверибман... Бир хил раисларга ўхшаб пул йиғмадим, оқ уй-олабаргаклар солмадим. Нима қилсам халқ учун, партия учун қилдим. Ўн етти йил шу колхозда ишладим. Дуч келган одамдан сўраб кўр, ўғлим. «Худо-

ни ўртага солиб айтинглар-чи, дадам умри бино бўлиб қинғир иш қилдими, бировнинг бурнини қонатдими?» дегин-чи, имони бўлса айтар рост гапни! Мана энди келиб-келиб тўхтаган жойим лагер бўлди. Ўзбекистонда қўшиб ёзганлар бўлмаган, демайман. Аслида ўшалар ҳам Москванинг буйруғи билан қилган бу ишни. Осмон барабар план бериб, бажармасанг онангни Учқўрғондан кўрсатаман, деганидан кейин шу йўлга кирмай чораси қолмаган. Менинг бўлса, Худо олдида ҳам, бандасининг олдида ҳам виждоним пок. Бунақа ҳаром ишга қўл урган эмасман. Битта гуноҳим шуки, бу савдолар бошланган заҳоти раисликни топширишим керак эди...

Туриб-туриб ўзимга нашъа қилади. «Партиянинг содиқ солдатиман, орденли раисман» деб юраверибман. Ақалли сени Афғонистондан олиб қолишга «партиявий виждоним» йўл қўймабди. Хоҳласам уч кунда Туркманистондан Тошкентга ўзлари обкеб кўярди. Энди бўлса, аллақандай миллионларни бўйнимга илди. Фалончидан уч юз минг олгансан, пистончига юз минг бергансан... Бўхтон! Ҳаммаси тухмат!

Онангнинг ёзишига қараганда, тўйинг юришиб қолганмиш. Отам тўйимни кўролмади деб асло кўнглингни чўктирма. Худо хоҳласа, омон-эсон борсам, неvara тўйлари қиламиз. Илоё бахтли бўл, болам! Мендан ҳеч хавотир олманглар. Соғлиғим яхши. Атрофимда ҳурмат қиладиган имонли одамлар бор... Онангни эҳтиёт қил. Дуойи салом билан даданг. 18 июнь».

Июль ойининг еттинчи куни

Шаҳноза билан ЗАГСга ариза бердик. «Пахтакор» метроси олдида анча кутдим. Метронинг куббали биноси афғон «зеленка»сидаги уйларни эслатади. Тўғри, унақа пастак, лойтомли эмас-ку... Ҳарқалай узоқдан қараган одамга шунақага ўхшаб кўринади. Одамлар куббанинг бир эшигидан ёпирилиб чиқади. Иккинчисидан ёпирилиб киради. Бепарво, беписанд... Ростини айтсам, уларни томоша қилиш ёқимли эди. Аввалига ақлим етмади.

Нима қипти? Биров у ёққа кетяпти, биров бу ёққа... Нимаси мароқли бунинг! Кейин тўсатдан бир янгиликни англадим, ўзимда рўй берган ўзгаришни сездим: кўнглимдаги хавотир ҳисси йўқола бошлабди. Мен ўз юртимдаман. Мина портламайди, гранатомёт отилмайди. «Эр-эс» учмайди. Мен ўз уйимдаман!

...Шаҳнозани узоқдан кўрдим. Қора «Волга» телестудия рўпарасида тўхтади. Фариштадек оппоқ либос кийган Шаҳноза «Волга»нинг орқа эшигидан тушди. Олд эшикка келиб, ялтироқ сумкачасини очди. Ҳайдовчига пул узатиб, алланималар деди. Чамамда, ҳайдовчи пулни олмади. Машинасини жилдирди. «Волга» менинг рўпарамга келганда, атайлаб тезликни оширгандек бўлди. Рудда ўтирган ҳайдовчини бир лаҳза кўриб қолдим. Сочлари силлиқ таралган... Артистларникига ўхшаган оппоқ юзли, хушмўйлов йигит шу томонга қараб, истехзоли кулиб қўйгандек туюлди. Ким бўлди бу таниш башара! Эслай олмадим.

Ҳаммаси бир лаҳзада бўлиб ўтди. Шаҳноза чопқиллаб келиб, билагимдан тутди. Салом берди.

– Ўлсин, аксига биттаям такси учрамаса! – деди мулойим жилмайиб. Бошини бир томонга ташлаган кўйи қоп-қора киприкларини гуноҳқорона пирпиратиб туриши шу қадар самимий эдики, бояги «артистнамо» шопирдан рашк қилганимга ўзим уялдим.

ЗАГСдан ўтиш катта тантана эканини билардим. Бир хиллар ариза беришга ҳам келин томон бир машина, кувёв томон бир машина бўлиб, асъасаю дабдабалар билан келаркан. Сўппайиб келганим учун Шаҳнозадан уялдим. Ажойиб қиз-да Шаҳноза! Мени хижолатдан чиқариш учунми, чиройли кўзлари сузилиб таклиф қилди:

– Биласизми, Рустам ака, энди «Лолазор»га бориб, музқаймоқ еймиз! Хўп?

Шаҳноза шунақанги очилиб кетган, шунақанги чиройлики! Ўзига бунчалик оро берганини кўрган эмасман. Оқ кўйлак, оқ туфли. Сочига оппоқ атиргул ғунчасини қистирган. Кўзлари, йирик-йирик кўзлари парпираб ту-

рибди. Худди ўзининг юзига ўхшаган пуштиранг музқаймоққа жажжи қошиқ учини ботиради-да, ангишвонадек бежирим оғзига олиб бориб, бир лаҳза иккиланиб қолгандек бўлади: «есамми-емасамми?»

Бир маҳал киприклари капалак қанотидек титраб, кулиб юборди.

– Айиқ! – деди қошиқчаси билан таҳдид қилиб. – Худди айиқнинг ўзисиз, Рустам ака! Асал еяпган айиққа ўхшайсиз! – Курси суйанчиғига, елкасини ташлаганча қаҳқаҳ уриб кулди. – Айиқсиз!

Ўтирган курсимни шахд билан ёнига сурдим-да, елкасидан қучиб музқаймоқ мазаси келиб турган лабларидан ўпдим.

– Жиннимисиз? – У типирлаб ўзини орқага ташлади. – Ҳамма қараб турибди.

– Қарайверсин! – дедим кулиб. – Сен менинг хотинимсан!

– Жинни! Айиқ! – Шаҳноза эркалиниб қўлидаги қошиқчаси билан яна таҳдид қилди. – Ёмон бола бўпсиз! Билиб қўйинг, биздаям қурол бор. Бир урсам! – Шундай деб рўмолчаси билан менинг лабларимни артиб қўйди.

– Энди, – деди эркалиниб, – тўполон қилмасдан, яхши бола бўлиб ўтиринг-да, гапимга қулоқ солинг! – Негадир кўзларига чуқур жиддият чўкди. – Сиз у ёқда юргангизда туш кўрдим, – деди ўйланиб. – Тоққа борганмишмиз. Сижжакка. Холамларникига... Қалин қор ёққанмиш. «Юр, Шаҳноз, сирпанчиқ учамиз», дебсиз-да, қўлимдан ушлаб тортибсиз. Қарасам, пастда жарлик бормиш. «Жиннилик қилманг, Рустам ака» десам, қўлимни қўйиб юбормасмишсиз. Иккаламиз жарликка қараб кетаётганмишмиз. Қўлингиздан шунча тортсам кучим етмасмиш... – Шаҳноза тушининг таъбирини билмоқчи бўлгандек, кўзимга тикилиб узоқ жимиб қолди.

– Кейин нима бўпти? – дедим хушчақчақ гапиришга уриниб.

– Бир маҳал қўлимдан чиқиб кетдингиз... – У ўша туш даҳшатини қайтадан кўз ўнгида аниқ тасаввур қилди, шекилли, қандайдир сўник алпозда бошини қуйи солди.

– Кейин-чи? – дедим ўсмоқчилаб. Бемаъни савол бераётганимни тушуниб турардим-у, ҳарқалай Шаҳнозанинг туши нима билан тугадини билгим келарди.

– Кейинми? – Шаҳноза жилмайди. – Қарасам, жар ёқасида бир туп арча бормиш. Югуриб борсам, арча тагида кули-и-б ётганмишсиз. «Йиқилдингизми?» десам, «Ҳазиллашдим, жинни» дебсиз. Шунақа деб нуқул каппалаб қор еётганмишсиз. «Қор еманг, шамоллаб қоласиз» десам, «Чанқаб кетдим, ичиб ёниб кетяпти», дермишсиз...

Июль ойининг ўрталари

Нонушта устида акам айтиб қолди:

– Рўзимат отаникига бориб, кўнгил сўраб кел.

Тушунмадим. Қайси Рўзимат ота, нима гап ўзи?

– Тўртинчи бўлимдаги Рўзимат ота бор-ку, бир оёғи оқсоқ сувчи! Ўшаникида таъзия бор. Бугун – учинчи куни. Сен шаҳарда ўз ташвишларинг билан бўлиб, хабар ололмадинг. Кўнгил сўраб қўй, укам.

Эсладим! Ҳовлисида нуқул бедана сайраб турадиган киши.

– Нима бўпти? – дедим хавотирланиб. – Рўзимат ота касал эмасди, шекилли...

– Ўзимас, ўғли... Яхши бола эди раҳматли... Ўлигини яшикка солиб обкелишибди. Ҳаммаёқ тўполон бўлиб кетди... – Акам ўрнидан тураркан, қаттиқ тайинлади. – Албатта боргин, укам! Кўнгил сўра, юпат... Тобуткашмиз, ахир!

Бундан чиқди, Афғонистондан яна битта «икки юзинчи» юк кепти-да!

Рўзимат отани узоқдан танидим. Шифер томли, пастак уй салқинида ўзи тенги иккита қария билан ўтирибди. Қўлида ҳасса. Ёнбошида «отам замонидан қолган» суянчиғи ёйсимон курсилар қаторлашиб турибди.

Чоллардан бири ингичка, йиғлоқи овозда узундан-узоқ тиловат қилди. Шаҳид кетганларга ва хусусан, кўзи очик кетган Азаматжонга жаннатдан жой тилади. Қолганларга имон, соғ-саломатлик, юртимизга тинчлик, давлатимизга омад чорлаб, фотиҳа тортди.

Азамат дедими? Э, бўлди, эсимга тушди! Рўзимат отанинг биттаю битта ўғли-ку! Мактабда биздан бир синф кейин ўқиган ювошгина бола...

– Худога шукр, ўғлим, у ёқдан жонинг соғ қайтибсан, – деди Рўзимат ота совуб қолган чойдан ярим пиёла узатиб. Чолларнинг қулоғи оғирроқ, шекилли, овозини баландлатиб мени таништирди. – Бу йигит – Рустамжон. Шомансурнинг кенжаси.

Чоллар бири олиб-бири қўйиб дадамни алқаб кетишди:

– Даданг яхши одам, болам. Насиб этса, эрта-индин чиқиб қолади.

– Хафа бўлманг, ота, – дедим ердан кўз узмай. – Бандалик.

– Оллоҳнинг иродаси... – чоллардан бири бош чайқаб чўққи соқолини тутамлади. – Биров ҳар куни яратган эгамдан омонатингни олсанг-чи, деб илтижо қилади. Бировни ўн гулидан бир гули очилмасидан олиб кетади. Тақдири азал деб шуни айтади-да...

Орага вазмин сукунат чўқди. Ликопчадаги қанд устида ари айланиб, узоқ гўнғиллади.

– Ота, – дедим ниҳоят юрак ютиб. – Азаматжон қачон кетувди афғонга?

Рўзимат ота кўзимга диққат билан тикилди.

Шунда... кўзларига кўзим тушиб, юрагим сесканиб кетди. Рўзимат отанинг кўзида на алам, на ёш бор эди. Нигоҳи музлаб қолганга ўхшар, кўз қорачиқлари тора-йиб кетган, дунёнинг жамики ғам-андухларини чекавериб оламга маъносиз қарашга мослашиб қолган ҳорғин қорачиқларда армон бор эди: тубсиз армон!

– Ўзим айбдорман, болам, – деди худди оғир гуноҳига иқрор бўлган одамдек ишонч билан. – Афғонистонга юборсам бўларкан. Қирқ йил қирғин бўлса, ажали етган ўлади. Мана, сен... – у юзимга хаёлчан қараб қўйди-да, негадир кулимсиради. – Худога минг қатла шукур, тўрт мучанг соғ қайтиб келдинг. Мен бўлса... – Рўзимат ота лабларини аламли буриб, оғир-оғир бош чайқади. Бироқ овози ўзгармади. Гўё биров эшитса роҳатланадиган

ҳангомани ҳикоя қилаётгандек хотиржам давом этди.
– Қарасам, ёшим эллиқдан ўтиб, шартим кетиб, партим қопти. Холанг билан маслаҳат қилдик. Шундоқ-шундоқ дедим. Мен-ку, гирмон билан урушиб, тамом бўлганимни билмабман, энди сен ҳам бола кўрмай ўтасанми, дедим... Эр-хотин аzza-баzza Тошканга бориб, шу болани – Азаматжонни хатлаб, ўғил қилиб олдик.

– Оллонинг иродаси... – деди чўққисоқол чол таскин бериб. – Илож қанча, шукр денг, тақсир...

– Минг қатла шукур... – Рўзимат ота хўрсинди. – Ўғлим имонли бола чиқди. Бегоналиги билинмади. Минг раҳмат, эл-юрт ҳам бефарзандсан деб юзимга солмади... Тенгқурлариям Азаматжондан бегонасирамади...

Рости, Азамат Рўзимат отанинг асранди ўғли эканини мен ҳам биринчи марта эшитиб туришим эди. Юрагим эзилганча бошимни қуйи солиб ўтиравердим.

– Повуска келганида, – деди Рўзимат ота, – военкоматга югурдим. Пешонамдаги биттаю битта болам шу, авфonga юборманглар, дедим. Стройбатга жўнатинглар, деб ялиндим. Ширинкомасиниям бердим... Мана, оқибати! Тўрт ойдан кейин Владивостокдан темир яшиқда ўлиги келди.

Рўзимат ота негадир кулди. Лаблари титраб кетди.

– Уч кун олдин командиридан хат келувди. Ҳурматли ўртоқ Холматип, ўғлингиз Азамат Ватан олдидаги бурчини ҳалол адо этипти, депти. Шундоқ фарзанд ўстирганингиз учун сиздек фронтовикка минг раҳмат депти... Уч кундан кейин эшиқдан темир қути кўтариб кирди. Военкоматдан икки киши билан частидан биттаси... «Тезроқ кўминглар», – дейди. Тўғри айтади: марҳумни маҳтал қилиб қўйиш гуноҳ! «Ўғлингиз эҳтиётсизлик қилди, ток уриб ўлди, мана дўхтир хулосаси», дейди.

– Рўзиматжон, ука, қўйинг бу гапларни, – сийрак соқолли жиккак чол чой қуйиб тутди. – Худо шоҳид, Азаматжон, шаҳид кетди. Ҳуриғилмонлар орасида юрибди ҳозир.

– Иншоллоҳ! – Рўзимат ота чой хўплаб пиёлани жойига қўйди. – Мен бир нима деётганим йўқ. Аммо... онаси

чидолмади... Ақалли боламнинг совуқ дийдорини кўриб қолай деб оламни бузиб ташлади. Шунча айтаман: «Ҳой онаси, ўликнинг баданига гул тушса, гурзи билан урган-дек бўлади, Худонинг қаҳри келади» десам, қани кўнса! Ҳалиги военний охири, пўписа қилди... «Ким тобутга тегса, ҳарбий трибунал олдида жавоб беради», деди. Ана ўшандан кейин, кўнглимга шубҳа тушди.

- Кўйинг энди, тақсир! - чоллардан бири Рўзимат отага юмшоқ дашном берди. - Кавламанг шу гапларни! Яратган Эгамнинг ўзи билади ёмонларни қандоқ жазолашни...

Рўзимат ота парво қилмай, сўзида давом этди:

- Аввал очмасам ҳам энди очаман яшигингни, дедим. Мен урушда қон кечиб, «Слава» ордени олган пронтовикман, дедим. Қочиб кетди ҳаммаси! Очиб кўрсак... темир яшиқни очиб кўрсак... - Рўзимат отанинг овози титраб кетди. Аммо йиғламади. - Ток урган одам билан болтада чопилган одамнинг фарқи бўлади-ку, тўғрими?

...Оёқларим музлай бошлади. Қўлларимга титроқ кирди. Рўзимат ота ҳамон бир нималарни гапирар, лаблари қимирлаётгани кўриниб турар, аммо нима деётганини эшитмасдим. Бошимда чидаб бўлмас оғриқ турди. Худо! Ўзинг асра! Ҳозир... Ҳозир йиқилиб тушаман! Ўзинг шарманда қилма, Худо!

Июль ойининг охири

Бу даргоҳга унча-мунча одам ўз ихтиёри билан келмаса керак. Бировни повуска билан чақириб оладилар. Бировни мелиса олиб келади. Албатта, нажот излаб ёки кўмак истаб келганлар ҳам учрайди. Аммо улар ҳам мана шу мрамор зиналардан чиқиб бораётганида кўнглида мавҳум хавотир ҳиссини туйса, ажабмас.

Йўлакдан ўтиб борарканман, Маузер Соатовичнинг гапи эсимга тушди. Табиийки, бу ерда ҳам Иккинчилар асосий шахслар бўлса керак. Йўқ, бу даргоҳда Москва вакиллари Иккинчиликка қаноат қилмай, бир йўла Биринчи бўлиб қўяқолган экан.

Ҳайҳотдек хона, девори ялтироқ, жигарранг панель билан қопланган. Ҳаммаёқ саришта. Озода, салқин.

Каттакон «Т» ҳарфига ўхшаган столнинг нариги бошида У ўтирибди. «Т»нинг қоқ пешонасида. Бериги томонда «Т»нинг қоқ думида мен ўтирибман. Ўзимни бошига ҳарчанд уринмай, ичимни кемираётган ноаниқ хавотир ҳисси елкадан босиб турганга ўхшайверади. У қоғозларни шошилмай, айна пайтда эътибор ҳам бермай варақлашга тушди. Деворда машхур «Инқилоб чавандози»нинг ярим белидан тушган каттакон сурати осиглиқ. «Чавандоз» нимаси биландир Дон-Кихотга ўхшаб кетади. Боши кичкинагина, чўққисоқол, бўйни узун. Фақат бошига шапка кийган: айвони кийшиқроқ шапка. «Чавандоз»нинг шундоқ остида У ўтирибди. Худди чавандознинг бели тагига осилиб тургандек. Ярашиқли кийинган. Бўйнида бўйинбоғ. Соқоли қиртишлаб олинган. Ниҳоятда маданиятли одам экани кўриниб турибди.

– Сиз, гражданин Шоматов, – деди қоғоздан бош кўтариб, – янглишиб бизга мурожаат қилибсиз. Отангиз Шоматов ишини суд кўриб ҳукм чиқарган. Ажрим хулосаси билан танишмисиз?

– Танишман!

– Ҳукмдан норози бўлсангиз, СССР Олий Судига мурожаат қилишингиз мумкин. Бу – сизнинг гражданлик ҳуқуқингиз, – деди хайрихоҳ оҳангда.

Қизиқ, айбланувчиларни сўроқ қилаётганда ҳам шунанча гаплашармикин?

– Олий Судга мурожаат қилмайман, – дедим ишонч билан (Яхши! Ҳали кириб келган пайтимдаги ҳаяжон йўқолиб, кўнглимни алланечук хотиржамлик, ҳатто ўзимнинг ҳақлигимга ишонч ҳисси эгаллади). – Аризабозлик қилиб Москвага бормайман. Рухсатингиз билан сиздан баъзи нарсаларни сўрамоқчи эдим.

Унинг кулранг кўзларида бир лаҳза истехзоли табасум пайдо бўлганини кўриб, қўшиб қўйдим:

– Биламан! Бу даргоҳда саволни сиз берасиз. Шунга қарамай...

– Шошиб турибман. – У соатига қараб қўйди.

– Ўн етти кундан бери навбат кутаман, – дедим овозимни баландлатмасликка уриниб. – Кўп вақтингизни олмайман. Нариси билан ўн минут.

У аллақандай «пешка» билан пачакилашиб ўтириш керакми-йўқми, деб иккиланди, шекилли, бир зум ўйла-ниб қолди.

– Яхши! – деди қатъий қилиб. – Фақат ўн минут!

– Отамнинг сўроғида сиз ҳам қатнашганмисиз?

– Эсимда йўқ. Икки йил ичида минглаб «ишлар»ни кўрдик. Мақсад?

– Отам жиноятчи эканига шахсан сиз ишонасизми?

Унинг кўзлари қисилиб, мулойим табассум ғойиб бўлди.

– Саволингизга жавоб бермасам майлими, гражданин... Шоматов?

– Айтинг-чи, ўртоқ прокурор! Республика Олий Советининг камида эллик минг одам сайлаган депутатини, сайловчилар чақириб олмасдан туриб, шунчаки, бир кечада КПЗга тикиб қўйиш мумкинми?

Бу гўдакка қонун-қоидани ким ўргатди, дегандек кўзимга диққат билан тикилиб турди-да, дона-дона қилиб тушунтирди:

– Мумкин! Депутатидан тортиб раҳбарларигача қўшиб ёзишни, порахўрликни касб қилиб олган республикада ҳамма нарсга қилиш мумкин!

Ажаб! Унинг қанча жаҳли чиқса, кулранг кўзлари қанча ёнса, мен ўзимни шунча хотиржам ҳис эта бошладим.

– Ўзбекистон шунчалик айнаб кетган экан, – дедим киноя билан. – Марказга тола ўрнига вагонда ҳаво, самолётда дипломат тўла пул борган экан, нега у ёқдагилар индамабди? Нега «бизга пул эмас, тола керак?» демабди? Нега бу ёқдан туриб пора узатганларни қамоққа тиқасизлар-у, у ёқдан туриб пора олган казо-казолар билан ишингиз йўқ?

У шошилмай ўрнидан турди. Боши «инқилоб чавандози»нинг киндигига тақалиб қолгандек бўлди.

Иккаламизнинг ҳозирги ҳолатимиз ғалати эди. Шошилиб кетаётганингизда оёғингиз остида аллақаяқдан

сакраб тушган чигиртка пайдо бўлади. Босиб эзгилаб ташласамми, индамай ўтиб кетсамми, деб бир сония иккиланиб қоласиз, Чигиртка эса ўчакишгандек қилт этмай тураверади, сурбет! Шу топда У ҳам иккиланиб турарди. Мен – чигирткани боссамми-йўқми? Ўладиган хўкиз болтадан тоймайди, дейишади. Энди менга ҳаммаси барибир эди. Қўлидан келса отиб ташласин. Гапимни айтиб бўлмагунча қимир этмайман!

– Агар йигирма минг одамдан борингки мингтаси ноҳақ қамалган бўлса, – дедим дилимдагини айтиб олиш учун шошилиб. – Мингта одам бир йилдан ноҳақ «ўтирса» минг йил бўладими! Ўша минг йилни ким тўлайди? Сизми? Амбарцумянми? Ҳаммангизни йиғиштириб келганда ҳам умрингиз етмайди-ку!

Унинг кулранг кўзларида бўриникига ўхшаш ўт ёниб кетди. Ҳа, мана энди қайтдинг асл қиёфангга! Курбонининг бўйнига ханжар ботираётган жаллоднинг кўзлари шунақа бўлса, ажабмас!

Қизиқ... У столни муштламади. Соқчи чақирмади. Сичқон боласига тикилган мушукдек секин лабини ялаб қўйди.

– Сопляк! – деди истехзоли кулиб. – Мен сени қабул қилмаслигим мумкин эди. Афғонистонда хизмат қилганинг ҳурмати...

– Афғонистонни қўя турайлик, ўртоқ прокурор! – дедим ҳорғин оҳангда. – «Икки юзингчи» юк фақат Афғонистондан эмас, мамлакат ичкарисидан ҳам ёғилиб кел-япти. Уларнинг хунини ким тўлайди? Ўзбек халқини бутун мамлакатга бадном қилганлар эмасми?

Стул суянчиғига тирсагимни таяб, ўрнимдан турдим. Оёқларимда мадор йўқлигини энди сездим. У бўлса, кўзларидан ўт сочиб қилт этмай турарди.

– Охирги гап, – дедим курси суянчиғини чангаллаб. – Охирги савол: нега «ўзбек иши!» Нега «арман иши» эмас, нега «ўрис иши» эмас! Ўзбек нима гуноҳ қилди сизларга?!

Эшик томон уч-тўрт қадам юрдим-да, қайтиб келдим. Иккиланиб киссамдан газета қоғозига ўралган темир-такни олиб стол устига қўйдим. Бунга ҳам қаноат қил-

май қоғоз қатини очдим. «Ленин ордени»ни кафтимнинг орқаси билан туртиб юборган эдим, силлиқ тахта устида сирғаниб, нари борди.

– Амбарцумянга бериб қўйинг! – дедим унинг кўзига чақчайиб. – Онамнинг бор висотини шилиб олган экан. Бобомдан қолган билагузуккача! Бундаям олтин моддаси бор дейишади. Ҳарқалай, коллекциясига беш-ўн грамм тилла қўшилади.

Мадорсиз оёқларимни аранг босиб, эшик томон юрарканман, вужудим бўм-бўш бўлиб қолган эди. Аниқ идрок қилиб турибман. Бошим ғувуллаётгани йўқ. Гарданим ҳам қотмаяпти. Фақат вужудим бўм-бўш.

– Гражданин! – Эшик тутқичини ушлаган чоғим унинг ҳокимона буйруғи янгради.

Тўхтадим. Қамоққа тикмоқчимиз! Марҳамат! Нариз борса, тўйим ўн йил кечикар! Менга барибир.

Осойишта бурилиб қарадим. У ҳамон стол ортида «чавандоз»нинг белига осилганча турар эди.

– Ким билан гаплашаётганингни биласанми?

– Биладан! – дедим киприк қоқмай.

– Псих! – У негадир кулимсиради. – Контузиядан кейин савдойи бўлиб қолган кўринадан. Сенинг тўғрингдаги ҳамма маълумотлар қўлимизда... Агар... – Унинг кулранг кўзларида яна бўриникидек совуқ ўт ёнди. – Агар тағин бир марта рўпара келсанг, шу ердан тўппа-тўғри жиннихонага жўнайсан!

Августнинг саккизинчи куни

Бугун менинг энг бахтли куним! Тўйимиз бўлди! Шаҳнозанинг кўзларида шу қадар чексиз қувонч порлаптики, кўрган сайин ўзимнинг ҳам юрагим шодликдан ёрилиб кетгудек типирчилайди. Ёнимда ҳарир парда ёпиниб ўтирганча зимдан шу қадар теран меҳр билан боқадикки, бу нигоҳлар менга, фақат менга насиб этаётганидан оламга сиғмайман.

Билмадим, Шаҳноза менга бунчалар меҳр ато этган дамлар, ўзимни шу қадар қудратли ҳис этган онларим

аввал ҳам бўлганмиди? Неча марта туйган эдим бундай ҳолатни? Балки, тўрт йил аввал, қор ёғиб турган кечада Шаҳнозани баракдан район марказидаги касалхонага олиб борганимда, иситма аралаш «Раҳмат, Рустам ака», деб қўлимдан тутганидадир? Балки, арзимаган битта тарвуз кўтариб, кўргани борганимда, мулойим, жилмайиб қўйганидадир! Эҳтимол, Тошкентга қайтгач, киного тушган кунимиз, биринчи марта ўпганимда, Шаҳноза «унақа қилманг», деб йиғлаб юборганидадир?

Бугун мен дунёда энг бахтли одамман! Онам орзу қилганидек қарс-бадабанг тўй қилдик. Базм кечаси охирлаганда, айниқса, қизиқ бўлди. Ойим билан Шаҳнозанинг аяси «Муножот»га ўйнашди. Ойим доноларда! Шунча кундан бери «даданг тўйингни кўролмади», деб маъюс тортиб юрган одам шунақаям очилиб кетдилар, шунақаям ўйнадилар-ки! Бало эканлар-ку!

ҲАМКАСБЛАР СУҲБАТИДАН

– Келинг, ўртоқ Комиссар!

– Хўш, ишларнинг жилиши қалай, коллега? Тўлагановани сўроқ қилдингми?

– Қилдик. Гувоҳлик беришига қараганда, эр-хотин Шоматовлар жуда иноқ яшаган.

– Хех! Сен ўша фанатичканинг гапига лаққа тушдинг? Тўғрими? Ғирт жинни-ку, бу хотин! Энкайиб намоз ўқиётганда думбасини қовоғари чақса, бу ҳам Худонинг бир маҳлуқи-да, деб силайдиган аҳмоқ! Бутун авлод-аждоди диндор ўтган!

– Қизиқсиз, ўртоқ Комиссар! Тўлагановада нима айб? Мен бу хотинга тўла ишонаман!

– Сенга қолса, Васильевнинг алибийси қўлида! Тўлаганова қўй оғзидан чўп олмаган фаришта. Келин-чи? Келин-чи?! Балки, у ҳам сутдек оппоқ, мусичадек беозордир! Хотин киши хоҳласа, бир эмас, ўнта эркакни бемалол ўлдиртириб юборади. Тушундингми, ўлдириб эмас, ўлдиртириб юборади!

- Эрингни қайси ўйнашинг ўлдирди, деб ёқасидан олайми энди? Асос қани?
– Нега мендан сўрайсан? Суриштир ўзидан! Сиқувга ол!

РУСТАМНИНГ УЧИНЧИ КУНДАЛИГИДАН

Августнинг тўққизинчи куни

Кеча менинг энг бахтли куним эди. Бугун – энг бад-бахт куним...

Августнинг ўнинчи куни

Менга нима бўлди ўзи?
Янгаси нега кетмайди? Эшик тагида қоровул бўлиб ўтириши шартми?

Августнинг ўн биринчи куни

Эрталаб чиқиб кетаётганимда онам қаттиқ тайинлади. «Чиллалисан, жон болам, кун ботмасдан уйга кел...»
...Оёғим тортмаяпти... Нега бунча ҳаяжонланаман?

Августнинг ўн иккинчи куни

Ичиб келдим... Шаҳноза аввал ҳайрон бўлди, кейин... йиғлади. Ўзимнинг ҳам хўрлигим келаяпти.

Августнинг ўн учинчи куни

Нонушта устида ойим менга еттита, Шаҳнозага еттита майиз едирди. Седана сепилган битта ширмой нонни иккига бўлиб, ярмини Шаҳнозага, ярмини менга узатди. Ялпизми, исирикми ҳиди анқиб турган чой қуйди. «Бисмилло деб енглар, ихлос билан ичинглар, жон болаларим», деди. Шаҳноза уялиб ерга қаради, аммо ойимнинг айтганини қилиб ширмойни еди, чойни ихлос билан ичди.

Августнинг ўн тўртинчи куни

Ётар олдидан Шаҳноза ширин жилмайди.
– Бугун уйимизга меҳмон келди...

Ҳайрон бўлдим.

– Қанақа меҳмон?

– Топинг-чи?

Индамай елкамни қисдим.

– Тополмайсизам! – Шаҳноза менинг ёстигимни кучоқлаб туриб, болаларча содда қувлик билан кулди.– Узоқ қариндошларингиз орасида хушторингиз борми-ди? – Эркаланиб бурнимни беозор чимчилади. – Қани, эслаб кўрсинлар-чи!

– Жиннимисан! – дедим кулиб.

– Шунақасиз-да! – У шодон қаҳ-қаҳ урди. – Демак, бор экан-да!

Бетоқат қараб турганимни кўриб тушунтирди.

– Бугун фолбин келди. Холлаваччангизми-ей, амаваччангизмией... узоқ қариндошингизнинг қизи бор экан. Сиздан умидвор экан... Сиз бевафолик қилиб, ташлаб кетибсиз. Шунга... «боғлаб» қўйганмиш... Яхшимас-да, бир бечорани куйдириб, бошқасига уйланиш...

Шаҳноза яна кулди. Кулгиси йиғига ўхшаб кетди.

Августнинг ўн бешинчи куни

Майкамни алмаштираётган эдим, Шаҳнозанинг ҳажонли ҳитобини эшитдим:

– Вой, нима бу, Рустам ака?

Қарасам, кўзлари қўрқувдан катта-катта очилиб тикилиб турибди.

Майкамни шоша-пиша кияётгандим, Шаҳноза югуриб келиб, белимни силади.

– Оғрияптими? – деди худди ўзи азоб чекаётгандек изтироб билан.

Кулдим.

– Қизиқмисан! Эсимдан ҳам чиқиб кетган. Шунчаки, дайди ўқ.

Шаҳноза гапимга ишонмади. Чандиқни силаб, кўзимга шунчалар кўрқиб термулдики, жаҳлим чиқди.

– Эсинг жойидами? Ҳеч гап йўқ дедим-ку... Ойимларга айтиб юрма.

Августнинг ўн олтинчи куни

Нонушта устида Турсунбой ака келиб қолди. Шаҳноза шошилиб уйга кирди-да, бошига ҳарир рўмол ёпиб чиқди. Куёвжўрага уч марта таъзим бажо айлаб, «келин салом» қилди. Турсунбой ака «бахтли бўлинг, синглим, кўша қаринглар», деб киссасидан йигирма беш сўмлик чиқарди.

– Шаҳноза, қизим, – деди ойим. – Турсунбой бегона эмас. Рустамжоннинг куёв жўраси. Ўзингизнинг акангиздек гап.

Шаҳноза бошидан ҳарир рўмолини ечди. Турсунбой акага бармоқларининг учига пиёла кўндириб чой узатди.

– Хола! – деди Турсунбой ака дилкаш шанғиллаб. – Куёв тўрани бир ўйнатиб келсам нима дейсиз. Майлими, келин? – деди Шаҳнозага юзланиб. – Би-ир шамоллаб келсин-да, куёв тўра! Қани, отлан, ука!

Кўчага чиққанимизда дашном берди:

– Шунга шунча мотамми? Ким айтади сени уруш кўрган йигит деб!

Юрагим шувиллаб кетди.

– Нима «шунга шунча»? – дедим хавотирланиб.

Бир камим энди бутун қишлоққа овоза бўлишим қолувди.

Турсунбой ака кўзимга бирпас қараб турди-да, товушини пасайтирди.

– Куёвжўра бўлганимдан кейин маслаҳат беришга ҳақим борми, ахир? Ғирт жинни экансан-ку! Ичиб келишга бало борми, чилласи чиқмаган келиннинг ёнига!

Энди оғиз очмоқчи эдим, жеркиб берди.

– Нима қиласин, йўқ жойдан гап чиқариб! Мана, ўзим ҳам... – Бир зум чайналиб турди-да, ишонч билан давом этди. – Мен ҳам бир ҳафтагача кўшилолмаганман янганг билан. Эшиқдан кирсам оёқ қисталоқ қалтирайди... Ёстиққа бош кўйдим дегунча «у ёқдаги» ўликлар хаёлимга келаверади. – Турсунбой ака кўзимга синчков қараб кўйди. – Энг зўр дўхтирга олиб бораман. Ташвиш қилма, бегона-мас, ўзимнинг поччам. Манман деган уролог!

...Янги ТошМининг паст-баланд йўлакларидан ўтиб, Турсунбой аканинг поччасини топгунча талай вақт ўтди...

Доцент ёруғ чехрали одам экан. Ийманиб турганимни кўриб, Турсунбой акага имо қилди:

– Томоша борми сенга? Чиқ-чи, қани!

Доцент ярадор белимни узоқ текширди. Кафтининг қирраси билан биқинимга уриб кўрди.

– Пешоб пайтида ачишмайдими?

Бош чайқадим.

– Пешоб равон тушадими?

– Ҳа, – деб бош ирғадим.

– Ёлғон «визов» бўлмайдими?

Гапини англамаган эдим, тушунтирди.

– Яъни... пешобга боргингиз келади-ю, бир-икки томчи тушиб...

– Унақаси йўқ.

– Яхши... – Доцент чаққон ҳаракат билан белимдан сонимгача пайпаслаб чиқди.

– Болалигингизда «свинка» бўлмаганмисиз?

Асабийлаша бошладим.

– Нима у?

– Бизда «тепки» дейди. Томоғингизга без келиб, мояк шишмаганми?

– Йўқ!

У ўйланиб қолди.

– Аввал хотин киши билан бўлганмисиз? – деди тўсатдан.

Қарасам, мутлақо жиддий гапиряпти.

Начора, эътироф этдим. Ҳа, бўлган бунақанги гуноҳ ишлар. Судда ишлаб юрганымда...

– Ушанда жараён нормал кечганмиди?

– Ҳа! – дедим кўрслик билан. – Рисоладагидек бўлган!

Доцент ранжимади.

– Гап бундай, ука! – деди самимият билан. – Жўн тилда қандай тушунтирсам экан? Умуртқа поғонасининг думғаза қисмида пастки органлар фаолиятини бошқа-

рувчи шохчалар бўлади. Простота безлари, сийдик қоп-
часи, мояк сингари органларни ўша шохобчалар бошқа-
риб туради. Сизда шохобчанинг асаб толаси шикастлан-
ган. Ўқ асаб толасига теккан.

Миқ этмай, кўзига тикилиб турганимни кўриб, қайта
бошдан тушунтира кетди:

– Асаб тизими шунақа нозик нарсаки... Айниқса, алоқа
пайтида... Арзимаган шовқин, бир оғиз кўнгилсизроқ
гап, ёмон хотира... шунга ўхшаган нарсалар тормозла-
ниш жараёнини кучайтириб юборади.

Кийинаётганимда ишонч билан таскин берди:

– Жиддий хавф йўқ. Ҳаммаси яхши бўлади. Бу нарса-
га, яъни эр-хотин орасидаги интим муносабатга табиий
ҳол деб қаранг. Ҳадеб шуни ўйлайверсангиз, ўзингизга
ишонч йўқолади. Занжирли реакция бошланиб кетади.

Бир даста дори қоғозлар ёзиб, кўлимга тутқазди.

– Овқатга алоҳида эътибор берасиз. Қазидан, ёнғоқ, қи-
зил сабзи, топилса, балиқ икрасини кўпроқ истеъмол
қиласиз. Аччиқ, шўр нарсалардан ўзингизни тийинг. Ич-
килик ичмайсиз.

Эшик ғийқиллаб очилиб, Турсунбой аканинг дўппили
боши кўринди.

– Ёп! – деди Доцент негадир асабийлашиб.

Чиқиб кетаётганимда алоҳида таъкидлади:

– Рустамжон! Яна бир гап. Иложи бўлса, муҳитни ўз-
гартириш керак. Яшаш муҳитини. Ҳали айтдим-ку, сизда
патология йўқ. Эрекциянинг рўй бериши асаб осойишта-
лигига боғлиқ.

Тағин ҳеч балога тушунмадим.

– Келин икковингиз бошқа муҳитда бўлишингизга
тўғри келади. Вақтинча бўлса ҳам... Европаликлар «ни-
коҳ сайли» деган гапни бекорга ўйлаб топмаган...

Августнинг ўн еттинчи куни

Иланг-биланг йўл эмиш. Бир томон қумли чўл. Бир
томон – «зелёнка». «Зелёнка»дан ўқ отилаётганмиш.
Қизиқ, автомат товуши келмасмиш-да, ёнимдан ҳуштак

чалиб ўтаётган ўқлар овозини аниқ эшитармишман. «Зелёнка»га отай десам, автоматим йўқ. Қочай десам, пана жой кўринмайди. Бор бўйимча ўзимни ерга отибман... Бир маҳал катта йўлдан БМП елиб келди. Қарасам, ёнимдан шитоб билан ўтиб кетаяпти. «Олиб кетинглар, мени олиб кетинглар!» дедим сапчиб туриб. БМП тўхтамади. «Обкет! – дедим бақириб. – Обкет мени!» БМП тўхтади. Етиб борсам, Хайриддин қўл чўзиб турибди. «Чиқинг, жўра, чиқинг тезроқ!» деди. БМПга тортиб чиқарди.

Чўчиб уйғондим... Уй ичи қоронғи. Тўшакда ўтирибман. Юрагим гурсиллаб ураяпти.

– Нима бўлди? – деди Шаҳноза овози кўрқувдан титраб.

– Ҳеч нима. – ўзимни мажбур қилиб илжайдим. – Чанқадим. Бир пиёла сув бер, Шаҳноз...

Августнинг ўн саккизинчи кун

Уйғонсам, деразадан ғира-шира тонг нури тушаяпти. Шаҳноза тошойна олдида ўтирибди. Ичкийимда. Қўлида миттигина киприк бўягич...

Индамай кузатиб ётавердим. У ҳам қоп-қора кўзларини бир нуқтага тикканча қилт этмай ўтираверди. Гўзал ва жонсиз ҳайкалдек. Қайси келин ўзига оро бермайди. Қайси келин куёвга ёққиси, кўни-кўшниларга чиройли кўрингиси келмайди? Хаёлимдан изтиробли ўй кечди. Шаҳноза пардозга ўтирган-у, иккиланиб қолган. Ким учун пардоз қилсин? Нима учун?..

Бир маҳал тикилиб ётганимни ички сезги билан ҳис этди, шекилли, ярқ этиб қаради.

– Вой, уйғондингизми? – деди жилмайиб.

Жилмайиши аллақандай аянчли кўринди.

Ҳовли томондан пақир бандининг даранглагани эшитилди. Ойимми, келинойимми «сигнал» беряпти. Шаҳноза – янги келин. Келин деган кун ёйилгунча ялпайиб ётса, уят бўлади. Кўни-кўшнилар куёв чарчатиб қўйибди-да, ноз уйқудан турмабди, деб гап қилади. Келин ҳовлига сув сепиши керак. Кўча эшик олдини супириши керак. «Нима бўлганда ҳам!»

Шаҳноза киприк бўягични тошойна пештахтасига қўйди-да, илдам ўрнидан турди. Тезгина гулдор халати-ни кийиб, оёғига шиппак илди, ҳовлига шошилди.

Августнинг ўн тўққизинчи куни

Кун ботди. Қоронғи тушяпти. Уйга боргим келмаяпти. Шаҳнозанинг юзига қарашдан кўрқаяпман!

Августнинг йигирманчи куни

Кўчада Турсунбой акага дуч келдим. Велосипед ми-ниб кетаётган экан...

– Яхшимисан, укам, хурсандчиликми? – деб сўради.

Ҳеч ким бизнинг гап-сўзимизни тингламаяптими, де-ган андишади атрофга алангладим. Назаримда Турсун-бой ака атайлаб овозини баралла қўйиб гапираётгандек, бутун қишлоқ бири деразадан, бири дарвозадан мўралаб тургандек туюлди.

Турмайман бу ерда! Ҳар бирининг кўзи лазер нурига, ҳар бирининг қулоғи локаторга айланган, бекорчилик-дан бировнинг тўшагида нима бўлаётганини суришти-радиган майдакаш одамлар орасида туролмайман! Уй талаб қиламан! Жиллақурса, кафтдек бошпана берсин менга. Мен учун эмас, ақалли оилам учун, Шаҳноза учун!

Ўша куни

Талабалар шаҳарчаси арининг уясига ўхшайди. Ман-дат деган серғалва тадбир авж палласига чиққани учун-ми, тумонат одам. Ҳали шаҳар ҳавосига кўникиб улгур-маган, кўйлак-шими ғижимланган йигитлар, узун лозим кийган, сочини майдалаб ўрган қизалоқлар... Бақатераклар соясида Ўзбекистоннинг минг бир бурчагидан келган ма-шиналар... Ойнаванд эшиклар олди қий-чув. Бири ялиниб, бири пўписа қилаётган оталар, атлас кўйлагининг ёқасига «Қаҳрамон она» медалини тақиб олган оналар...

Ҳай-ҳай-ҳай! Кўрқади медалиндан! «Ие, онахон, сиз Қаҳрамонмисиз? Ўнта бола туққанмисиз, марҳа-

мат, киринг! – дейди. – Ўғлингиз ким бўлмоқчи? Инженерми? Кимёгарми? Юристми? Бош устига, илми борми ишқилиб? Бўпти-да! Сизнинг болангиз ўқимаса, ким ўқийди?»

Овора бўласан! Ўқишга кирадиганларнинг рўйхати икки ой олдин тайёрлаб қўйилган. Мен ҳам юрист бўлмоқчи эдим. Шу ниятда саккиз ой судда дастёрлик қилганман. Яхшисиниям кўрдим, ёмониниям... Охир-оқибат хафсалам ҳам совиди... Тағинам ўзимизнинг факультетда адолат бор экан. Бўлмаса, бунгаям киролмасдим.

Билагига қизил латта ўраган иккитаси йўлимни тўсди. Қийин шуларгаям, воситачи бўлиш осонми?

– Нар и турсанг-чи, ука! Ўқишга олиб кирадиган одамим йўқ. Бошқа иш билан келдим.

Йўлақлар кимсасиз. Ифлос. Қоғоз парчалари сочилиб ётибди.

Эшигига «местком» деган ёзув илинган хонада ўтирган, сочи калта қилиб қирқилган қиз ачиниб бош чайқади.

– Санжар Оллоберганович ҳозиргина чиқиб кетувдилар. Нима деб қўяй?

– Ўзи билан гаплашишим керак, – дедим ҳафсалам пир бўлиб. – Зарил ишим бор эди.

– Энди янаги жумага келадилар. – Қиз астойдил ёрдам бергиси келаётгани кўриниб турарди. – Биласизми, – деди дераза олдида бориб. – Ҳов анави қайрағоч соясида турган қора «Волга» Санжар Оллобергановичники. Йўлдан деканатга кирмоқчи эдилар. Машина олдида пойлаб турсангиз, тушиб қоладилар.

– Номери неча?

– Ниманинг номери? – деди қиз тушунмай.

– Машинанинг.

– Билмасам... – Қиз бир зум ўйланиб турди-да, қўшиб қўйди. – Менимча бошланиши ўн бир.

«Бошланиши ўн бир» «Волга» олдида узоқ туриб қолдим. Шаҳарча ҳамон ғужғон ўйнар, ойнаванд эшик тарафдан шовқин-сурон эшитиларди. Ниҳоят, ярашиқли кийинган, қизларникига ўхшаш лўппи, оппоқ юзларида

Ўзига ишонч, хотиржамлик акс этиб турган хушмўйлов йигит вазмин қадамлар билан яқин кела бошлади.

Танидим! Ахир бу – ўзимизнинг «вожак»-ку! Пахтадаги воқеадан кейин мени ўқишдан ҳайдашга ваъда берган комсомол сардори Санжар! Ўзгармабди. Фақат сал тўлишибди. Янаям салобатли бўпқопти.

Мен томонга шубҳали қараб қўйди-да, машина эшигига калит солди.

– Сизни кутиб турувдим, – дедим яқин бориб.

У менга бошдан-оёқ разм солиб чиқди-да, элас-элас таниди, шекилли, самимий жилмайиб, қўл узатди.

– Сиз бизда ўқирдингиз-а! – деди ҳамон жилмайиб.

Қўлига тутқазган аризамни синчиклаб ўқиб чиқди.

– Проблема йўқ! – деди ишонч билан. – Ётоқхонадан алоҳида хона ажратамиз. Ўқишни битиргунча келин билан тураверасизлар.

Ҳаммаси аён! Энди Шаҳноза ётоқ йўлагида турсичан юрган талабалар орасидан ўтиб, бурчакдаги ошхонага бориб, чой қайнатиши қолувди.

– Тушунмадингиз, – дедим совуққонлик билан. – Бизга ётоқхона эмас, уй керак. Алоҳида квартира...

У астойдил ажабланди:

– Ўйлаб гапираяпсизми, Рустамбек! Домлаларнинг ўзидан юзга яқин одам навбатда турибди. Сизга, кечирасиз-ку, аспирантлар уйидан ҳам жой беролмаймиз.

– Менга аспирантлар уйи керакмас, – дедим қайсарлик қилиб.

Санжар Оллоберганович тагин бошимдан оёғимгача қараб чиқди.

– Тўғри, – деди қўлидаги аризани силкитиб. – Афғонистонда бўлган экансиз. Лекин у ёққа сизни биз юборган эмасмиз. Қолаверса бизда «афғон» болалар кўп. Ҳар биттасига алоҳида квартирани қаердан оламиз?

– Мен «бола» эмасман! – дедим ғашим келиб. – Гап шу, Санжарбек! Аризамни қабул қилдингиз, деб ҳисоблай-

ман. Келаси жума куни нечанчи навбатда турганимни тасдиқловчи қоғоз ёзиб берасиз. У ёғи менинг ишим!

Чамаси, турқи-тароватим кўрқувли эди, шекилли, «местком» елка қисганча машинага ўтирди-да, осойишта ҳайдаб кетди. Шунда... қора «Волга»ни аввал ҳам кўрганам ёдимга тушгандек бўлди. ЗАГСга ариза топширадиган кунимиз «Пахтакор» метроси олдида Шаҳноза шу машинадан тушганди... Тағин билмадим...

Августнинг йигирма биринчи куни

Шаҳнозанинг юзи аллақандай нотекис бўлиб бораётганини биринчи марта пайқадим. Синчиклаб қарасам, хуснбузар тошиб кетибди. Мойупа суриб шунча уринади, лаънати хуснбузар қасд қилгандек баттар кўнаяди.

Августнинг йигирма учинчи куни

Эски шаҳардан чарс сотиб олдим. Яхши! Фақат... Уйга боргим келмаяпти. Қоронғи тушишидан кўрқаяпман.

Ўша куни кечаси

Қоп-қора соқолли «дух» мени бўғаяпти. Бошида салла. Қизик, кўлида ҳам салла. Саллани сиртмоқ қилиб, бўйнимга солди-да, кўзлари олайиб, торта бошлади. Урай десам, кўлим етмайди. Нафасим қайтиб, хириллаб қолдим. «Дух» эса тишларини ғижирлатиб, сиртмоқ учини тортади.

– Автомат! Автоматим қани?

...Сапчиб туриб кетдим.

– Автомат! – дедим хириллаб.

Кўзимни очсам, каравот ёнида, ерда ётибман. Шаҳноза пиёлада совуқ чой тутяпти.

– Ичинг, – деди дағ-дағ титраб. – Сизга нима бўлди, Рустам ака?

Пешонамдан совуқ тер чиқиб, Шаҳнозанинг оёғидан кучдим.

– Кўрқма, Шаҳноз, – дедим юпатиб. – Ҳозир... ҳозир ўтиб кетади... Шунчаки, туш кўрдим...

Августнинг йигирма тўртинчи куни

...Кўзлари... ҳайрат аралаш меҳр билан ёниб турадиган кўзлари қовжираб кетибди. Минг йил уйқудан қолган одамдек. Келин дегани тўйдан кейин яйраб-яшнаб, очилиб кетгувчи эди. Шаҳноза кўз ўнгимда сўлиб бораяпти.

Августнинг йигирма бешинчи куни

Кечқурун уйга келсам, Шаҳноза ҳовлига сув сепаётган экан. Эгнида халат, жиякли атлас лозим.

– Аям келдилар, – деди қулоғимга пичирлаб. – Кириб, сўрашинг.

Кўзида қувонч, овози хушчақчақ эди.

Қайнонам ойимнинг олдида жуда ёш кўринади. Ай-ланиб-ўргилиб сўрашди. Пешонамдан ўпиб кўришаркан, кўзимга хавотирланиб қараб қўйганини аниқ сездим.

Ётоққа кирсам, Шаҳноза диван олдида турибди.

– Кўзингизни юминг! – деди зрқаланиб. – Йў-ўқ, унақаси кетмайди. Яхшилаб юминг. Ана шунақа! Мана бу сизга! Адамлардан – куёвларига!

Кўзимни очган эдим, қўлимга гулдор салапан қопчиқ тутқазди.

«Монтано» спорт костюмчаси экан.

– Қани, дадасининг қизини битта ўпиб қўйсинлар-чи!
– Шаҳноза кулимсираб юзини тутди... Юзлари ловуллаб турибди.

Августнинг йигирма олтинчи куни

Доцент очиқ чеҳра билан кутиб олди. Нима ўзгариш бўлаётганини сўради.

– Энг муҳими – кўрқманг! – деди бир бошдан тушунтириб, – ўша паллада шошманг. Ҳаяжонланманг. Касалман, деган гапни хаёлингиздан чиқариб ташланг. – Бармоқлари билан столни чертиб ўтирди-ўтирди-да, ўзига ўзи гапираётгандек қўшиб қўйди. – Бунақа пайтда кўп нарса аёлнинг маҳоратига боғлиқ.

«Маҳорат?» Қанақа маҳорат? Нима, Шаҳноза ж... мидики, «маҳорат»ни намойиш қилса?

Доцент важоҳатимни кўриб, кўзини олиб қочди.

– Мени айтди дерсиз, ука, – деди юпатиб. – Ҳали қўша-қўша фарзандлар кўрасиз. Ўғлингизнинг тўйида ўзим бориб, ошнинг энг ширин жойидан ёйман. Келишдикми?

Августнинг йигирма тўққизинчи куни

Шаҳар ижрокомининг уй тақсимоти бўйича комиссия терговга ўхшаган нарса бўларкан. Узун стол тўрида калта энгли кўйлак кийган, жингалаксоч киши ўтирибди. Стол атрофида йигирма чоғли одам. Эркак-аёл аралаш. Негадир ҳаммасининг қиёфаси бир хил: тунд, лоқайд. Фақат бир одам – мажлис раисининг ўнг тарафида ўтирган киши бошқаларга ўхшамайди. Юзи шунақанги озғин, шунақанги рангсизки, биров эски ўликни гўрдан суғуриб чиқиб, калла чаноғига тери ёпиштириб қўйгандек. Чакаклари ич-ичига кириб кетган, бўйни ингичка, қилтириқ. Аммо тошбақанинг бўйнидек сертомир, чайир... Юпқа лаблари асабий титрайди. Шундай иссиқда қора костюм кийиб, бўйинбоғ тақиб олган, кўкраги тўла орден, медаллар. «Қизил юлдуз», «Жанговар Қизил байроқ», «Ватан уруши»... Гап бунда ҳам эмас. Кўзлари ғалати, кўзлари... Чор атрофга, одамларга, оламга, борингки, ўзига ҳам шу қадар чексиз қаҳр билан боқадики, қараса этингни сескантириб юборади. Баайни Ёвуз Руҳнинг ўзгинаси!

– Фамилиянгиз? – деди Жингалаксоч мен томонга қарамай.

Айтдим.

– Одамларга нима бўлган ўзи, Соат Ғаниевич! – Жингалаксоч қўлидаги «дело»ни Ёвуз Руҳ олдига ташлади. – Шунча эгоизмни кимдан ўрганган бу ёшлар! – деди афсус-надомат билан.

Ёвуз Руҳ қоғоз титкиларкан, мен томонга қараб қўйди. Ўзининг ҳақлигию менинг ноҳақлигимга, ўзининг қудратию менинг ожизлигимга ишонч билан тўлиб тошган бу нигоҳда яна бир нарса – нафрат бор эди! Ҳатто «инқилоб чавандози»нинг белига «осилиб» турган про-

куратура «босси» ҳам менга бунчалик жирканиб қарама-ганди. Беихтиёр кўзимни олиб қочдим.

– Уй керакми сенга?

Худо ҳаққи! Шарти кетиб, парти қолган кекса одамнинг овози шу қадар гумбурлашини биринчи кўришим. Худди гўрдан чиққан садодек!

– Уй керак бўлиб қолдими? – деди Ёвуз Руҳ тағин таҳдидли гумбурлаб.

Тамом! Ҳаммаси тушунарли! Булардан ҳеч қачон, ҳеч қандай нажот йўқлигини англадим-у, вужудимда ажиб енгиллик сездим. Нима қипти, биринчи марта кўраялманми бунақа ҳангомаларни!

– Ҳа! – дедим ўзимни босишга уриниб, – Уй керак!

– Домлаларга йўқ уйни сенга қаёқдан топиб берсин?

– Унисини билмадим, – дедим ростини айтиб. – Аммо менга уй керак. Хотиним билан ётоқхонада туролмайман!

Ёвуз Руҳ кўзимга тешиб юборгудек узоқ тикилди.

– Биографиянгда ёзибсан! – деди қоғоз варақлаб. – Шаҳар судида ишлаган экансан. Бир йил ишладингми?

– Саккиз ой...

– Нега ҳайдашди?

– Ҳайдашгани йўқ, – дедим хотиржамлик билан. – Ишлагим келмади.

– Эшитдингизми, Дмитрий Степанич! – Ёвуз Руҳ Жингалаксочга қараб кулди. Кулгиси ғалати экан. Худди калтакесакнинг томоқ қоқишига ўхшайди. – Суд органида ишлагилари келмабди... Хэх!

Жингалаксоч индамади. Чарчоқ қиёфада бошини кафтига қўйганча тирсаги билан столга таянди. Бир чеккада ётган «Малборо» сигаретидан олиб, ялтироқ чақмоқтош ёқди.

Узун стол атрофида ўтирган бир хил қиёфадагилар бир хилда сукут сақлашар, ҳайҳотдек хона жимжит, Ёвуз Руҳ варақлаётган қоғозлар ғайритабиий баланд овозда шитирлар эди.

– Афғонда хизмат қилган экан, – деди Ёвуз Руҳ. – Бош аргументи шу.

– Начора? – Жингалаксоч тутун қайтарди. Юзимга тикилиб туриб, анчайин осойишта оҳангда тушунтирди – Сизни Афғонистонга биз юборган эмасмиз, йигитча.

– У ёққа борганимга мен ҳам афсусланаман! – дедим совуққина қилиб.

– Қўйиб берса, душман томонига ҳам ўтиб кетади бунақалар. – Ёвуз Рух ўйиб юборгудек чакчайди. – Шошма! – деди навбатдаги қоғоз варағини ажратиб олиб. – Отанг колхоз раиси экан-ку! Тўғрими шу гап?..

– Тўғри.

– Раис бўлса, битта ўғлига Тошкентдан участками, кооператив уйми олиб беришга кучи етмайдими?

Кулдим.

– Бундан чиқди... Раис отам менга участка ёки кооператив уй олиб берса, ҳаммаси ўзидан ўзи ҳал бўлади. Шунанқами?

– Пажалста! – деди Ёвуз Рух қўл дўлғаб.

Жингалаксоч унинг хулосасини дарҳол қувватлади:

– Шахсий мулк сотиб олишга ҳар бир гражданинг ҳаққи бор.

– Шунақа-ку... – дедим киноя билан. – Отам энди раис эмас-да! Лагерда ётибди. Шимолий Қозоғистонда! «Ўзбек иши» билан қамалган.

Ёвуз Рухнинг кўзлари ёниб кетди.

– Ах-да! – деди ғўлдираб. – Кўрдингизми, Дмитрий Степанич! Бу... – ипдек бармоғини бигиз қилиб мени кўрсатди. – Бу – шубҳали шахс! Биографиясини ёлғон ёзган. Отаси қамалганини атайлаб яширган. Жамоатчиликни чалғитмоқчи бўлган.

– Қизиқ... – дедим ясама лоқайдлик билан. – Отам раислигидан фойдаланиб, менга уй олиб берса, қонунга хилоф эмас. Дадамнинг қамалганини ёзмасам – жиноят экан-да!

– Сен... сен... гапни чалғитма, унсур! – Ёвуз Рух ўрнидан туриб кетди. Тошбақаникидек ингичка бўйни баттар тиршиб, боши асабий қалтиради. Кўксидаги орденлари жиринглаб кетди. – Бўшатиб қўй кабинетни!

– Ҳаяжонланманг, Соат Ғаниевич! – Жингалаксоч Ёвуз Рухни юпатди – ўтиринг!.. Йигитча! – деди мурасага чорловчи оҳангда. – Сизга квартира беролмаймиз. Бўпти, сизга рухсат.

– Уй керакмиш бунга! – Ёвуз Рух ҳамон ғазабини босиб ололмасди. – Ана, хотинингникига бориб тур!

Чиқиб кетардим-у, гапи нашъа қилди.

– Мусулмонмисиз? – дедим қоним қайнаб. – Мусулмончилик қоидаларини тушунасизми?

– Мен ҳеч қанақа мусулмончилик-пусулмончиликни билмайман! – Ёвуз Рухнинг боши соат капгиридек ликиллади.

– Мен биламан! – дедим қайсарлик билан. – Ичкуёв бўлишни хоҳламайман!

– Бўлмаса, хотининг билан кўчада ётиб юравер!

Боядан бери тилимни тийиб турган эдим. Ёвуз Рухнинг гапи жонимдан ўтиб кетди. Айтмаслигим керак бўлган гапни айтиб юбордим:

– Нега шу тупроқда туғилиб ўсганлар шаҳар чеккасига чиқиб, лой чангаллайди-да, кеча келганларга уй тайёр?

– Нима? – Жингалаксочнинг кўзлари таҳдидли қисилди. – Нима дедингиз?

– Аниқроқ қилиб айтайми? – дедим ғазабдан овозим қалтираб. – Нима учун ўзбекка уй йўқ-да, кеча вагондан тушганларга уй тайёр?

– Шунақа денг? – Жингалаксоч лабининг бир чети билан кинояли илжайди. – Демак, сиз Тошкент фақат туб аҳолиники, ғайримиллатлар кетсин, демоқчисиз? Тўғри тушундимми?

– Йўқ! – дедим бош чайқаб. – Илгари келганлар кетсин, демоқчи эмасман. Энди келаётганлар келмасин, демоқчиман. Аҳоли ўзимизда ҳам...

У ёғини айтолмадим. Стол атрофида ўтирган бир хил қиёфалилар тўсатдан ҳар хил қиёфага кирди. Ҳар хил овозда ҳайқира бошлади. Бири кўзи олайиб бақирди, бири чинқирди, яна бири ҳайратдан ёқасини ушлади. Фақат айбномаси бир хил эди. Миллатчи! Халқлар дўстлигининг душмани!

– Жим! – Гувиллаб турган йўғон-ингичка товушларни гумбурлаган садо таққа тўхтатди. – Жим бўл! – деди Ёвуз Рух ўкириб. Қалтироқ кўлини пахса қилиб қичқирди. – Унсур! – деди оғзидан кўпик сачратиб. – Сени ўз кўлим билан отиб ташлашга тайёрман! – Кейин Жингалаксочга юзланди. – Милиция борми бу даргоҳда, Дмитрий Степанич! Бунақа бандитларни тийиб қўядиганлар борми-йўқми исполкомда!

Жингалаксоч вазмин одам экан. Шошилмай ўрнидан турди.

– Кўйинг, Соат Ғаниевич! – деди тасалли бериб. – Асабингизни асранг.

Секин-секин юриб ёнимга келди.

– Ўртоқ Шоматов, – деди қуруқ ва расмий оҳангда. – Совет граждани сифатида давлатдан квартира олишга ҳақлисиз. Навбатингиз келса – оласиз. Сиз – озодсиз!

Қаранг, қандай яхши! Менга озодлик ҳады этяпти!

Мана, майнавозчилик томошаси тугаяпти. Ҳаммаси жойида. Ҳаммаси рисоладагидек.

– Рухсатингиз билан бир нарсани сўрасам, – дедим иложи борича мулойим қилиб. – Навбатим қачон келади?

Жингалаксоч мендан ҳам мулойим жилмайди:

– Юз йилдан кейин!

Ўша куни

Гарангсиб кўчага чиқдим. Чарс чекким келарди. Майли, биз камбағалларга «Прима» ҳам тешиб чиқмайди! Энди сигарет тутасам, ёнбош томондан ғўлдираган овоз келди:

– Чекишдан ол, ука!

Энсам қотиб бурилиб қарадим. Ким бўлди бу? Аввалига эслолмай турдим-у, тамакидан сарғайиб кетган тишларини кўрсатиб, илжайганидан таниб колдим.

– Ие, Маузер ака!

– Қалайсан? – деди у кўлимни қисиб. – Шомансур акадан хабар борми?

– Хат келди. Юрганмишлар...

– Майли, ука, сабр қилинглар! – деди у сигарет тутатиб. – Мени айтди, дерсан, бу олатасирлар босилади. Нариси билан уч-тўрт йил. Жим юрибсанми, ишқилиб? Ҳеч қаёққа бормадингми?

– Бордим. Республика прокуратурасига.

– КПЗга тикмадимми?

– Яна бир марта келсанг, жиннихонага жўнатаман, деди.

– Тўғри айтибди! – Маузер Соатович илжайиб қўйди. – Жўнатадиям! Уларга чекланмаган ҳуқуқ берилган.

– Дадамнинг орденини топширдим. Амбарцумянга бериб қўйсин.

– Бекор қипсан! – У кескин бош чайқади. – Даданг орденини ҳалол меҳнат қилиб олганлар.

– Бўлмаса, ҳалол меҳнат қилган одамни қамоққа тикмасин.

Маузер ака «шу гапни менга айтаяпсанми?» дегандек таънаомуз қараб қўйди. Бирпас сукут сақлаб турди-да, сўради:

– Бу ерда нима қилиб юрибсан?

– Уй масаласида келгандим.

– Уйни нима қиласан?

– Уйландим, – дедим хушламай.

– Зарилмиди? Нима қилардинг ёш бошингга бўйинтуруқ илиб?

Ғашим кела бошлаганини сезиб, елкамга қоқди.

– Мен-ку, овқатланиб олдим, – деди кулимсираб. – Қорнинг қалай? Бу ернинг ошхонасида лағмонни боплайди. Ейсанми?

Индамай бош чайқадим.

– Юр, бўлмаса, салқинроққа борайлик.

Рўпарадаги боққа кирдик. Камалакранг харракка бориб ўтирдик. Боғ ичи дим, болалар қий-чув солиб отўйин учар эди.

– Комиссия мажлиси бўлдими? – деди, у менга қарамай. – Зампред бошқаргандир йиғилишни? Сочлари жингалак Васильев?

Бош ирғадим.

– Нима деди?

– Юз йилдан кейин навбатим келаркан.

– Тўғри айтибди! – Маузер ака хунук хириллаб кулди.

– Бу ўртоқ, – деди тушунтириб. – Ўзбекистонга ёрдам бериш учун Марказдан келганлардан.

Менга нима? Марказдан келадими, Америкаданми?

Маузер ака мунгайиб ўтирганимни кўриб, елкамга қўл ташлади.

– Ўзбекнинг мақолини эшитганмисан? – деди кўзимга тикилиб, салқиган қовоқлари липиллаб кетди. – Меҳмон – отангдан улуғ. Зўр мақол-а? – Тағин кулган эди, йўтал тутди. – Шунақа! – деди туфлаб. – Уйингни тўрини бўшатиб берасан. Охирги кўйлагингни сотиб бўлса ҳам, дастурхон ёзасан. Ноз-неъматларни тўлдириб ташлайсан. Меҳмон ия, булар жаннатда яшаркан-ку, деб ўйлаб қолади. Кетаётганида елкасига тўн ёпасан. Хотинига бир жўра атлас берасан. Болаларига мева-чева... Меҳмон яна ўйлаб қолади. Ие, пора бераяпти-ку, бундан чиқди, бир балоси бор, дейди... Кейин... мазахўрак бўлади. Эртасига ўнта меҳмон келади. Сенга пойгак ҳам тегмай қолади. Ҳовлига чиқасан. Индинига юзтаси келади. Ҳовлигаям эга чиқади. Кўчага чиқиб кетасан. Кўчаюм торлик қилиб қолса, «фиш-ш-шт!» – У хуштак чалган эди, оғзидан тупук сачраб кетди. – Учасан, космосга!

Маузер Соатович жимиб қолди. Салқиган қовоқлари орасида милтираб турган кўзларида ғусса бор эди.

– Халқлар биродарлиги деган нарса – муқаддас тушунча, – деди хўрсиниб. – Аммо бир юрт иккинчи юртни азбаройи бахтли қилиш учун босиб олмас экан. Бундан ўттиз йил, қирқ йил аввал юртимизга келган биродарларимизда инсоф бор эди... Энди бўлса... – У ҳафсаласизлик билан қўл силтади. – Ўзимизда юз минглаб ишсизлар юрибди саланглаб, иттифоқ тасарруфидаги корхонани қуради-да, йигирма минг-ўттиз минг «мутахассис» олиб келади. Қурган заводи республикага шимилдириқ ҳам бермайди. Ҳаво билан сувни заҳарлагани қолади. – Бир-

пас жим қолди-да, ўрнидан турди. – Бўпти кетдик, укам, сениям юрагингни сиқиб юбордим...

Катта кўчани кесиб ўтаётганимизда, истехзоли илжайди.

– Марказ нега шунақа қилаётганини биласанми? Халқаро қонун бор: қайси юртда туб аҳоли сони эллик фоиздан кам бўлса, «миллий озчиликка» айланиб қолади, яъни ўша юртга эгалик ҳуқуқини йўқотиши мумкин. Мана, мақсад қаерда ётибди! Бўпти, хайр! – У асабий қалтираётган кўлини чўзди. – Сенинг уйинг масаласи бўйича, албатта, мақола ёзаман! – деди ишонтириб. – Яна эллик учта «афғон»нинг хати кўлимда турибди!

Сентябрнинг биринчи куни

Ўқишлар бошланди. Иккинчи курсга кириб, уялиб кетдим. Укам тенги олтига бола ўтирибди. Қолгани қизлар. Ҳаммаси офтобда эркаланиб шўхлик қилаётган мушук болага ўхшайди. Ўн икки нафар йигит армияга кетибди...

«Мушукчалар» менга-ку унча эътибор беришмади. Аммо ҳаммаси охирги қаторда ўтирган, бир кўзи кўр, оғзи қийшайиб кетган йигитга хавотирланиб, ҳатто ирганиб қараётганини аудиторияга кирган заҳоти ҳис қилдим.

Билдимки, «афғонлар»дан. Ёнига бориб ўтирдим.

– О-о-отим Т-с-солижон... – деди дудуқланиб. («С»га «Т»ни кўшиб гапирмаса, тили айланмас экан).

Солижоннинг юзи чиндан ҳам кўрққувли эди. Чап кўзи кўр, оғзи қийшиқ, чап юзи оловга тушган маҳсидек гижимланиб кетган.

Тутилиб-тутилиб айтган ҳикоясидан шуни англадимки, Қобул томонларда бензовоз ҳайдаган экан... У ёққа кетишдан олдин математика факультетида ўқиркан. У ердаги фанлар оғир бўлгани, мияси муттасил оғришини ҳисобга олиб, бизга ўтказишибди.

– У ёқда нима бўлди? – десам, дудуқланиб тушунтирди:

– Фу-фу-фугас портлади...

Елкасидан қучиб, юзидан силагим келди.

Сентябрнинг еттинчи куни

Республика газетасида «Афғонистон жангчиларига муносабат шуми?» деган мақола чиқибди. Ўзим беҳабар эдим. Танаффузда Шаҳноза қўлимга газета тутқазди. (Хотининг тўртинчи курсда, ўзинг иккинчида ўқисанг, қизиқ бўларкан). Мақолада шаҳар ижрокоми, хусусан, раис ўринбосари Д. С. Васильев Афғонда жароҳатланган аскарлар қисматига бефарқ қараётгани, бу масалада шикоятлар кўплиги айтилган эди.

Бири телефон, бири уй, тагин биттаси оддий табобат ёрдамига муҳтож бўлиб юрганларнинг узундан-узоқ рўйхатида менинг ҳам исми-шарифим бор эди. Қизиқ одам-да, Маузер ака! «Булар билан олишишдан наф йўқ», деб менга насиҳат қилади-да, тагин ўзини ўтга уради! Нима фойдаси бор!

Сентябрнинг саккизинчи куни

Шаҳноза «аямни соғиндим, кўриб келамиз», деб туриб олди. Аввалига тушунмадим. Мунча тиқилинч? Кейин бирдан ёдимга тушди. Ахир бугун саккизинчи-ку! Тўйимизга роса бир ой бўлди. Вой, Шаҳноза-ей! Вой, шумей! Йўлдан гул, торт олдик.

...Бу кўча менга яхши таниш. Бир вақтлар мана шу тол тагигача кузатиб қўярдим. У ёғи Шаҳнозанинг таъбири билан айтганда, «тақиқланган зона» эди: қўни-қўшнилари кўрса гап-сўз кўпаяди... Бир ой илгари шу кўчадан жўраларим билан қий-чув қилиб кириб бордик. Ҳозир ҳам қулоғим остида ноғора садоси, карнайнинг тантанавор овози янграб кетгандек бўлди. Энди бу кўча – менинг ҳам кўчам. Анави кунгураддор дарвозали уй – менинг ҳам уйим! Куёвман... Ҳарқалай!

Дарвозани Дилноза очди: Шаҳнозанинг қақажон синглизиси. Опасининг бўйнига осилиб, икки юзидан чўлпиллатиб ўпди.

– Рустам ака, салом! – деди катта қизлардек қўл чўзиб.

– Почча дегин, жинни! – Шаҳноза дашном бериб, улгурмасиданоқ Дилноза ҳовлига югурди.

– Аяжон! Шаҳноза опам билан Рустам акамлар келишди!

Шаҳнозанинг «қиз ўтириши»да келганимда одам кўплиги учунми, ҳовли тордек кўринган эди. Энди разм солсам, кенг-мўл экан. Ҳовли ўртасида гулзор яшнаб ётибди. Мармар фавворачадан сув зарралари отилади. Дид билан гир айлангириб солинган уйлар ярақлайди. Очиқ айвон нафис пардалар билан тўсилган.

Қайнонам югуриб айвондан тушди. Аввал менинг пешонамдан ўпди. Кейин Шаҳнозани кучоғига олди. Айла-ниб-ўргилиб кўришаркан, Шаҳнозага термулиб турган кўзларида «қалай, янгиликлар борми?» деган унсиз саволни уққандек бўлдим. Кўнглим чўкиб туриб қолдим.

– Қани, ичкари киринглар! – Қайнонам елкамга қоқиб илтифот қилди. – Қудам яхшимилар? Қуда бувамлардан хушxabар борми? Ҳамманглар яхши ўтирибсизларми? – Айвонга чиқаётганимизда ичкарига қараб, овоз берди. – Адажониси! Қизингиз билан ўғлингиз келди!

Ичкаридан қайнотам чиқди. «Адидас» кийиб олган, сочлари қоп-қора, ҳаракатлари ёшлардек чаққон.... Икковимиз кўришаётганимизда қайнонам беозор койиди:

– Вой ўлмасам, бу қанақа юриш куёвингизни олдида, аллакимларга ўхшаб... Боринг, костюм кийиб чиқинг!

– Нима қипти, Рустам ўзимнинг ўғлим! – деди қайнотам дўстона жилмайиб.

Шаҳноза кўнғироқ қилиб қўйган, шекилли, дастурхон ноз-неъматлар билан безатилган, ўртада «Наполеон» коньяги, «Золотое кольцо» арағи турарди.Қайнотам дадамдан қандай хабар борлигини суриштирди.

– Хафа бўлманглар! – деди далда бериб. – Буям юрт бошига тушган тўй-да. Кўрасиз, ҳаммаси изга тушиб кетади.

Шаҳноза бирпасда елиб-югуриб хизмат қилишга киришди. Аввал чой, кетидан шўрва келтирди. Қайнотам шоколаднинг зар қоғозини йиртиб, олдимидаги ликопчага қўйди. Коньяк пўкагини оча бошлади. Шаҳноза менга таъномуз қараб турганини сезиб, илтимос қилдим:

– Қўйинг, ада, мен ичмайман.

– Тўғри қиласизлар! – деди Шаҳноза жилмайиб. – Ис-
сиқ кунда...

– Сен эркакларнинг ишига аралашма, хўпми, қизим! –
деди қайнотам эркаловчи оҳангда. – Яхшиси аянгга қараш...

Миттигина биллур қадаҳдаги бир култум ичкилик-
дан терлаб кетдим.

– Васильевнинг пўстагини қоқишибди-ку! – деди қай-
нотам шўрва ичатуриб.

Тушунмадим.

– Кечаги газетани айтаман! – Қайнотам кулимси-
раб бош чайқади. – Ўзимга айтсангиз ҳам бўларди, Рус-
тамжон. Дмитрий Степанович билан яхши танишмиз.

Бундан чиқди қайнотам Жингалаксоч билан... Ҳа, дар-
воқе, шаҳардаги каттакон «торг»нинг бошлиғи бўлгани-
дан кейин танийди-да.

– Буёғини ўйламаган эканман, – дедим қимтиниб. –
Маузер Соатович билан тасодифан...

– Ким у Маузер Соатович? – деди қайнотам гапимни
бўлиб.

– Редакцияда ишлайди.

– Умуман, тўғри ёзган, – деди қайнотам яна коньяк
қуйиб.

– Барибир бизга уй бермайди, – дедим ишонч билан.

– Нега бермас экан? Беради! Қани, олдик! Саломатлик
бўлсин! – Қайнотам самимий илтифот қилди. – Олаве-
ринг Рустамжон. Нима қипти, жиндай-жиндай...

Ийманиб шўрва хўплаётганимда ўрнидан турди.

– Бемалол ёзилиб ўтираверинг, мен ҳозир... – деди-да
айвонга чиқди. Зум ўтмай ўша томондан телефонни ғи-
риллатиб, рақам тераётгани эшитилди.

Хонага гунафшаранг бахмал муқовали альбом кўта-
риб Дилноза кирди. Ниҳолдек нозик. Қош-кўзлари Шаҳ-
нозага ўхшаб кетади.

– Рустам ака, – деди сирли қилиб. – Битта нарса кўр-
сатайми?

Ёнимдаги стулга ўтирди-да, альбомни очди.

– Мана! – деди кўзларида болаларча табассум ёниб. – Қаранг!

Бу ўзимнинг Афғонистондан юборган суратим эди. Эгнимда бушлат, бошимда шлемофон, елкамда автомат...

– Дилноз!.. – Остонада пайдо бўлган Шаҳноза альбомга кўзи тушди-ю, югуриб келди. Альбомга қўл чўзган эди, Дилноза чаққонлик қилиб, шаппа ёпди.

– Йиғлагансиз! – деди каттакон сирни очаётгандек бошини сарак-сарак қилиб. – Ўзим кўрганман, Рустам акамнинг суратини томоша қилиб, ҳар куни йиғлагансиз!

Шаҳноза дув қизариб кетди.

– Хоин! – деди мушти билан ясама дағдаға қилиб.

– Йиғлагансиз! Йиғлагансиз! – Дилноза кула-кула айвонга қочиб чиқди.

Ўша томондан қайнотамнинг овози келди:

– Барношка! Мен – Расулевман. Дмитрий Степановични улагин... Степанович! Салом! Анави масала бўйича индинга борса бўладими? Ҳа, Шоматов Рустам... Келишдик, соат учга!

Бирпасдан кейин қайтиб кирди.

– Рустамжон! – деди тушунтириб. – Индин соат учга ижрокомга борасиз. Иккинчи қават, зампред қабулхонаси...

– Васильев дегани ўша одам бўлса, – деб бошлаган эдим, қайнотам кулиб, сўзимни кесди:

– Бемалол бораверинг. Ёрдам беришади. Газета танқидидан хулоса чиқарсин-да, мундоқ! Сиз ўзингизнинг қонуний ҳаққингизни талаб қиляпсиз!

Сентябрнинг ўнинчи куни

Эшикни иккиланиб очдим. Майли, Жингалаксоч қайнотамнинг сўзини ерда қолдирмаслик учун мени қабул қилишга-ку қилар. Аммо ўша одам мен эканимни қаёқдан билсин? Кўради-ю, ҳайдаб чиқаради. Юз йилдан кейин кўришишга ваъдалашганмиз, ахир!

Қабулхонада оёғини чалиштириб сигарет чекиб ўтирган секретарь қиздан бўлак ҳеч ким йўқ эди. Қиз исм-фамилиямни сўради.

– Бир минутга! – деди-да, сигаретини кулдонга босиб ўчирди. Шошилмай ўрнидан турди. Жинси юбкаси шунақанги калта эканки, хаёлимга бемаъни ўй келди: табиий зарурат юзасидан анавинақа жойга борса, юбкасини кўтариб ҳам ўтирмаса керак. У чарм қопланган эшик ортида ғойиб бўлди-да, дарҳол қайтиб чиқди. Оппоқ, лўмбиллаган сонларини намойиш қилиб, дик-дик юриб келиб, жойига ўтираркан, мулойим жилмайди:

– Марҳамат, ўртоқ Шоматов.

Хона унчалик катта эмасди. Ортиқча ҳашамлар йўқ. Деворда «Партия – давримизнинг ақл-идроки ва виждонидир», деган шиор осифлиқ турибди.

Кириб борганимда Жингалаксоч хона ўртасида турган экан. Осойишта юриб келиб, кўришиш учун қўл чўзди.

– Дмитрий Степанович! – деди ўзини таништириб.

Анграйиб қолдим. Наҳот танимаган бўлса? Икки ҳафта олдинги даҳанаки «жанг» наҳот ёдида бўлмаса!

– Шоматов, – дедим минғиллаб.

– Ўтиринг, ўртоқ Шоматов. – У тўрдаги столдан ғижимланиб кетган таниш папкани олиб келди. Стол қиррасидаги курсига, ёнимга ўтирди. – Қани, кўрайлик-чи, нима гап ўзи? – деди вазминлик билан.

Қоғозларни шошмасдан варақлашини кузатиб ўтирибман-у, хаёлимда нуқул бир гап айланади. «Мазах қияпти! Ҳозир мулойим жилмаяди-да, узр, йигитча юз йилдан кейин келасиз», – дейди.

– Ўртоқ Шоматов! – деди у ҳужжатларни обдан текшириб бўлгач. – Гарчанд қонунни четлаб ўтишга тўғри келса-да, сизга ёрдам берамиз. Интернационалист-жангчиларга кўмаклашиш – бизнинг бурчимиз. Ҳозирча эски фонддан ажратиб турамиз. Кейин ўйлашиб кўрамиз...

– Нима? – дедим ўз қулоғимга ишонмай.

Дмитрий Степановичнинг мовий кўзларида табассум пайдо бўлди.

– Эски фонддан, – деди тушунтириб. – Чилонзорда бир хонали квартира бўшаган. Англашимча, сиз жуда ҳам муҳтожсиз. Янги уй қурилиб битишини кутолмайсиз.

Гап оҳангида «хафа бўлмайсиз-да, биродар», деган маъно бор эди.

– Ордерни келар чоршанба куни Чилонзор ижрокомидан оласиз! – У хайрлашаётиб қўлимни самимий қисди.
– Уй тўйига таклиф қилсангиз, албатта, бораман!

Гарангсиб эшик олдига борганимда қўшиб қўйди:

– Редакцияга расмий жавоб хати қиламиз. Унгача ўзингиз ҳам ишим ижобий ҳал бўлди, деб айтиб қўйсангиз ёмон бўлмасди.

Эшик тутқичидан ушлаганча узоқ туриб қолдим. Демак, таниб турибди. Мақолани ҳам ўқиган. Ўша кунги «безорилигимни» бир оғиз юзимга солмади.

– Раҳмат, Дмитрий Степанович! – дедим ҳаяжонланиб.

– Арзимайди. Бирон муаммо туғилса, бемалол келаверинг.

Ташқари чиқиб, рўпарасидаги қайрағочга суяниб қолдим. Узоқ турдим. Курант соати тантанавор занг урар, япроқлари эрта сарғайган қайрағоч куз шамолида оҳиста шовуллар эди. Юрагим шодон гурсилларди. Бор экан-ку адолат! Бу дунёда ҳақиқат деган нарса ҳам бор экан-ку!

«Маузер аканинг олдига бораман. Ҳозир! Ҳозироқ! Кейин Шаҳнозадан суюнчи оламан. Адамга телефон қиламиз! Раҳмат деймиз! Раҳмат, ада ҳақиқатни тиклашга ёрдам берганингиз учун минг раҳмат!»

Ўша куни кечқурун

Эр-хотин автомат телефонда қўнғироқ қилдик. Адам вазминлик билан қутлади.

– Ҳали сенлар кўрганингни ҳеч ким кўрмайди, болаларим, иноқ бўлинглар, сенларнинг бахтингни кўрсам, бас, – деди. Шаҳноза икковимиз «Гулистон»га кирдик. Шаҳноза жиндай шампан ичди. Юзлари ёниб кетди. Хурсандмиз!

Сентябрнинг ўн учинчи куни

Шаҳнозанинг юзига яна хуснубузар тошди. Чиннидек тиниқ чеҳраси ғадир-будир бўлиб кетяпти.

Сентябрнинг ўн олтинчи куни. Кечаси

Ғалати товушдан уйғониб кетдим. Нима гаплигини тушунолмамай узоқ гарангсиб ётдим. Ҳушим жойига келганида англаб етдим: Шаҳноза тескари қараб йиғлаб ётибди. Уни чикармаслик учун ёстиқни тишлаб олган. Ўкинч билан, алам билан йиғлаяпти. Ҳар ҳиқиллаганида гавдаси силкиниб-силкиниб кетади... Ўзимни ухлаганга солиб ётавердим.

...Ёнингда жондан суйган одамнинг йиғлаб ётса-ю, сен ақалли бир оғиз ширин сўз билан юпатолмасанг, оғир бўларкан. ...ўлгим келаяпти...

Сентябрнинг ўттизинчи куни

Кўчиб ўтдик. Тўғри, Шаҳнозанинг ярим жиҳозлари Пискентда қолиб кетди. Аммо энди бизнинг ўз бошпанамиз бор! Ҳар куни олтмиш чақиримга қатнаб юрмаймиз.

Дмитрий Степанович «эски фонд» деганда вайронага айланган уйни тасаввур қилган эдим. Йўқ, бир хонали бўлса ҳам яхши таъмирланган, қутидеккина квартира экан... Кечқурун уйимиз меҳмонга тўлди. Ойим, акам, келинойим, бу ёқдан қайнотам билан қайнонам, Дилноза... Шаҳноза ўз қўли билан ош дамлади. Ойим «туп қўйиб, палак ёзинглар, ўзларингдан кўпайинглар», деб оқ фотиҳа берди. Уч эркак иккита ароқни бўшатдик. Хуллас, ҳаммаёқ байрам! Энг муҳими, энг... энг муҳими – Доцент айтганидек, муҳит ўзгарди. Шояд энди...

Октябрнинг бошлари

Қарасам, буфет тоқчасида кўғирчоқ турибди. Қоп-қора сочи иккита қилиб ўрилган. Атлас кўйлак, атлас лозим кийгизиб қўйилган... Кўзлари мунчоқдек. «Қаёқдан келди» десам, Шаҳноза кўғирчоқни олиб, бағрига босди. – Чиройлими? – деди жилмайиб.

Кўғирчоқ сочини силаркан, кўзининг туб-тубида яшириниб ётган мунг юзага қалқиб чиққандек бўлди.

Қиз бола нимага эсини танимасдан туриб кўғирчоқ ўйнайди? Нима учун «боласи»нинг сочини тарайди. Ювинтиради, аллалаб ухлатади?

Шаҳноза ҳамон қўғирчоқ сочини силар, мендан кўз узмас эди. Индамай кўчага йўл олдим. Чарс чекким келаяпти!

Эртаси куни

Бу гал Доцент анча хомуш муомала қилди.

– Биласизми, ука, нуқул шуни ўйлаб, яхши қилма-япсиз. Айтдим-ку, хаёлингизда фақат бир нарса айлана-верса, тормозланиш кучайиб кетади.

Қоним қайнаб кетди.

– Нима қилай бўлмаса! – дедим бақириб, – ўйламагин деб калламни узиб ташлайми?

Доцент елкамга кафтини босиб, кўзимга ҳамдardлик билан узоқ тикилди.

– Ахир хотиним тирик одам-ку, – дедим титраб. – Қўғирчоқ эмас-ку, дўхтир! Икки ой бўлди!

Доцент бир лаҳза ўйланиб қолди.

– Тушингиз бузилиб закуляция бўлиб турадими?

Дафъатан гапини тушунмадим. Кейин бориб етди, калламга.

– Нимайди? – дедим ғашим келиб.

– Бир гап айтсам, кўнглингизга келмайдими? – деди ҳардамхаёл алпозда.

– Айтаверинг! Менда кўнгил қоптими?

Доцент рўпарамга ўтирди.

– Аввал ҳам гапирмоқчи бўлгандим-у, тилим борма-ганди. – Узоқ жим қолди-да, иккиланиброқ давом этди, – ўзбекка ўзбек сифатида бу гапни айтишим ноқулай. Врач сифатида гапиришга ҳам ҳаққим йўқ. – Тағин, бир-пас чайналиб турди-да, қатъий қарорга келди, шекилли, ишонч билан деди. – Агар майл сезсангиз, бошқа аёл билан бўлиб кўрасиз! Йўқ, келин билан ажрашинг, демайман. Шунчаки, кўнглингиз тусаган бирон аёл билан... Кўп эмас, бир-икки марта. Ҳаётда бундай ҳолатлар кўп бўлади, Рустамжон. Бир аёлга муносабатда рўй берган тормозланиш бошқаси билан бўлганда йўқолиши, яъни уйғониш жараёни нормал изга тушиб кетиши мумкин.

Биласизми... – Бошини кўтариб, кўзимга қаради-ю, дами ичига тушиб кетди.

– Мен фаришта эмасман, дўхтир, – дедим эзилиб. – Лекин Шаҳнозанинг садоқатига жавобим шу бўладими?

Доцент ерга қараб, хўрсинди:

– Узр, укажон...

Октябрнинг ўрталари

Домимизда Қурбоной хола деган хотин бор. Фаррош. Коптоқдек думалоқ, қачон қараса, кўлидан супурги тушмайди. Аллақаерини онамга ўхшатаман. Меҳрибонлигим, ҳар гапда айланиб-ўргилишим...

Кечқурун эшик жириглаб қолди. Чиқсам, Қурбоной хола турибди.

– Аканг келди, холанг тасаддуқ! – деди елкамга қоқиб. – Пешинда келган эди. Бизникига кириб ўтириб турақолинг, Рустамжон билан келин ҳали-замон кепқолишади, десам кўнмади. Шошиб турган экан, хат ташлаб кетди. – Қурбоной хола конвертига Пискент адреси ёзилган хатни узатди. Дадамдан.

– Уйга кириб, хола. Келинингизнинг овқати тайёр бўпқолди, – деб ҳарчанд қистамай, рози бўлмади.

– Умидахон иккинчи исменда, холагинанг ўргилсин. Невараларим ёлғиз. Худо хоҳласа, ойинглар келганларида, албатта, кираман! – дедию шоша-пиша тушиб кетди.

...Шаҳноза овқат келтиргунча диванга ёнбошлаб, хатни икки марта ўқиб чиқдим.

«Рустамжон, – деб ёзибди дадам. – Тўйинг бўлганини ўқиб, ўзимда йўқ севиндим. Мендан келинга салом айт. Насиб этса, ўз юртимга омон-эсон борсам, Шаҳноза қизимнинг кўлидан албатта ош ейман. «Сизнинг масалангиз бўйича оёғим етган жойгача боравераман», дебсан. Калта ўйлама, жон болам! Феълингни биламан-ку, Рустамжон! Арзимаган нарсага ловиллаб кетасан. Шундоқ юввош акангни бошига қай кунларни солмади булар! Дадам тинч бўлсин, бир азоби икки бўлмасин, десанг, ҳеч кимнинг эшигини тақиллатма! Ҳеч кимга ялинма!

Турган-битгани ёлғон-яшиққа, зўравонликка қурилган бу юртда адолат деган нарсанинг ўзи йўқ! Аммо бу гапни айтолмайсан. Ғиринг десанг, уриб белингни синдиради!

Ёшим олтмишдан ўтиб кўп нарсаларга энди-энди тушунапман, хом сут эмган банда!

Ўйлаб қарасам, ўтган умрим – умр эмас, туш экан. Гўё мен эсимни таниб-танитай биров уйқу дори ичирган-у, туш кўриб юраверганман: гоҳ ширин, гоҳ хатарли туш кўриб. Ўша «бирова» қаёққа судраса, кетидан эргашиб кетаверганман, нима буюрса, қулоқ қоқмай бажараверганман... Уйғонишга эса қўрққанман... Мана энди, уйғониб, ёнверимга қарасам, менга ўхшаганлар кўп экан...

Ишонасанми ўғлим: баъзан қараб туриб кулгим келади. Хўп, мен-ку, «гуноҳкорман», «жиноятчиман». Биздақа «ёмонлар»ни «яхши» йўлга соладиганлар-чи? Улар ким? Муроди нима? Разм солиб қарасам, улар ҳам уззукун туш кўриб юрганга ўхшайди. Вазифаси битта: буйруқни бажариш... Кўзида маъно йўқ. Мен уларни ёмон кўраман. Аммо қараб туриб баъзан шуларга ҳам раҳмим келади. Ўлганининг кунидан, азбаройи бола-чақасини боқиш учун шу юмушни бажариб юрганга ўхшайди, бечоралар... Худо ҳаққи, ақлим етмайди: бу қанақа ҳаёт?

Авваллари лагердаги баъзи оғзига кучи етмаганлар, мени «босмачи» деса, хафа бўлардим. Энди парво қилмайман. Босмачи ким? Қайси босмачи қайси юртга босиб борибди? Ўз юртини ҳимоя қилган одам босмачи бўладими? Йигирма-йигирма беш йил аввал туғилмаганимга афсусланаман, ўғлим! Йигирма беш йил олдин, аср бошида туғилганимда эди, «босмачилар» қаторида туриб, ҳақиқий босмачиларнинг додини берган бўлардим. Тоғ-тошларда ўлиб кетсам рози эдим. Ўшанда онанг бечора мени учратмасди. Сен ҳам туғилмасдинг. Афғонистонга бориб ўзинг ҳам азоб чекмасдинг. Ўзгаларга ҳам ўқ отмасдинг!

Яна бир карра айтаман: Рустамжон, жон болам! Милиция, тергов, прокуратура деган идораларнинг эшигига йўлай кўрма! Ғинг деб овозинг чиқдими, милён хил айб-

ни бўйнингга шилқ этиб илади-да, КПЗга тикади. Кейин додингни Худога айтасан!

Буларнинг қўлига тушишни душманамга ҳам раво кўрмайман, ўғлим! Шунақанги маккорки, қилаётган хунарларини кўрса, Шайтони лаъиннинг оғзи очилиб қолади. Шунақанги бешафқатки, қўллаётган усулларини кўрса, фашистнинг лабига учуқ тошади!

Адолат, ҳақиқат деган нарсаларни излаб овора бўлма. Бунақа гаплар қорга ёзиб, офтобда қуритилган. Яхшиси, ўзингни ўйла. Онангни эҳтиёт қил. Сен у ёқдасан, мен – қамокдаман... Онанг шўрлик иккаламизнинг дардимизда адои тамом бўлди-ку!

Лагер начальниги дуруст одам кўринади. Октябрь ойида посилкага рухсат берган. Иложи бўлса, жун пайпоқ, қўлқоп юборинглар. (Акангга ҳам ёзганман бу гапни). Бу юртлар совуқ... Началник декабрда свидание берамиз, деб ваъда қилган. Гапида турса, яна хабар қиламан. Онанг келиб, овора бўлиб юрмасин. Илҳом иккаловинг келсанг – бас.

Мендан Шаҳнозахонга салом айт. Худо насибамни қўшиб омон-эсон борсам, келинимни пешонасидан ўпиб, яна бир карра оқ фотиҳа бераман. Дуои салом билан, данг. 23 сентябрь».

Октябрнинг ўрталари

Бугун Ёвуз Рухни кўрдим. Гастрономда гўштга навбат кутиб тургандим, қарасам, олдинроқда у ҳам турибди. Кўзлари оловдек ёниб, менга узоқ тикилди. Салом беришимни кутди. Кўзига тик қараб туравердим.

– Ёшлар айниб кетди, – деди ёнидаги кампирга ҳасрат қилиб. – Катталарни иззат қилмайди.

Ҳасрат қиляпти-ю, овози ўктам, қаҳрли.

Қариганда аҳволи шу бўлса, ёшлигида қанақа бўлган-кийкин? Хаёлимга келган гапдан ичимда кулиб қўйдим: «Қари бўри!»

Бундан чиқди, Ёвуз Рух шу атрофда туради.

Октябрнинг йигирманчи куни

«Қўлга тушишим»га сал қолди. Кундалигимни «ўз жойи»га – балкондаги эски қақир-қуқурлар солинган шкафнинг энг пастки тортмасига яшираётганимда, Шаҳноза чиқиб қолди. «Нима қидиряпсиз?» деган эди, сигарет чекишга чиққанимни айтдим. Маънилироқ баҳона тополмасам нима қилай? Шаҳноза кўзимга узоқ тикилиб турди-да, индамай уйга кириб кетди. Шунақанги синчковки, хоҳласанг, нима туш кўрганинггача айтиб беради...

Октябрнинг йигирма иккинчи куни

Рўпарадаги домда турадиган қўшнимиз ўғлини уйлантирди. Улар билан кириш-чиқишимиз йўқ... Умуман, домда туриш ғалати... Қишлоқда боринг-ки, шаҳардаги маҳаллаларда ҳам қўни-қўшни бир-бирининг иссиқ-совуғидан хабар олиб туради. Ён қўшнилари биров-бировига бир коса овқат узатади. Эркаклар кечқурунлари чойхонага чиқиб гурунглашишади. Бировникида яхши тўй, ёмон ўлим бўлса, ҳамма ёпирилиб келади... Домдагилар... Нима десам экан... тошбақага ўхшайди. Аҳён-аҳёнда зинадами, эшигингиз рўпарасидами, қўшнингизга дуч келасиз. Бошини косаси ичидан чиқариб, хўмрайиб қараб қўяди. На салом бор, на алик... Бирпас қараб туради-да, ўрмалаб инига кириб кетади...

...Тўйга чиқмоқчи эмасдик-ку, Қурбоной хола койиб берди.

– Вой, худо урди-кетди, Рустамжон болам! Кўздек қўшнининг тўйига чиқмайдими одам деган? Шаҳноз келинимгаям айт: холам тайинладилар, дегин, силкиниб-силкиниб хизмат қилсин! Тўй дегани кўпчилик билан бўлади-да, холанг қоқиндиқ! Худо хоҳласа, эртага сенлар ҳам бешик тўйи қиласан, ўғил тўйи кўрасан...

Хўп, дедим. Шаҳноза эрталабдан чиқиб «силкиниб-силкиниб» хизмат қилди. Мен ҳам наҳорги ошда лаган ташидим. Кечқурун икки дом ўртасига ёзилган никоҳ дастурхонини безатишда кўмаклашдим... Қизиқ, тўй деган нарсанинг Худо назар солган ғалати файзи бўлади, шекилли. Ўзимнинг руҳимда ҳам ажиб энгиллик сездим...

Тўй кечаси очик деб эълон қилинганида рўпарамизга ингичка мўйловли, озғин йигит билан атлас кўйлак кийган, қорни қаппайиб, юзини сезилар-сезилмас доғ босган аёл келиб ўтирди.

Келин-куёв шаънига айтилган биринчи табрикдан кейин рўпарамизда ўтирган аёл жилмайган кўйи менга гап қотди:

– Танимадингиз-а, Рустам ака! – Ёнидаги йигитга ўгирилиб, таништирди. – Бу киши – Бахтиёр акам...

Бир зум тикилиб турдим-да, эсладим.

– Ие, Ҳабиба?

«Сиз» дейишни ҳам, «сен» дейишни ҳам билмай, каловланиб қолдим.

Ахир бу – Ҳабиба-ку! Ўнинчи синфда ўқиётганимда саккизинчида эди. Менга замондош шоирларнинг шеърлари кўшилган ишқий мактублар ёзавериб, бошимни қотириб юборган қизалоқ! Боядан бери танимай ўтирганимга ўзим ҳайрон бўлдим. Жудаям ўзгариб кетибди.

– Яхши юрибсизми, Ҳабибахон? – дедим бошқа гап тополмай.

– Ништякман! – Ҳабиба шўх жилмайиб «Бахтиёр акаси»га юзланди. – Рустам ака билан мактабдошимиз... Келинойимизни таништирмайсизми мундоқ, Рустам ака!

Шаҳнозани таништираканман, хаёлимга нохуш ўйлар келди. Назаримда, Ҳабиба, кўриб қўй, сен писанд қилмагандинг, тенгимни топдим, яқинда фарзандли бўламиз, деётгандек, Шаҳнозага истехзо аралаш тикилиб-тикилиб қараётгандек эди... Худога шукр! Ит эгасини танимайдиган Тошкентдек шаҳри азимда ҳам яна бир ҳамқишлоғим топилди... Ким билсин, қишлоқдаги висир-висирлар Ҳабибанинг ҳам қулоғига етгандир.

Ҳаммаси жонга тегди! Ичгим келаяпти!

...Базм айни қизиганда тўртинчи қават деразаси очилиб майкачан бўлиб олган барзанги «ўчир даранг-дурингингни» деб ҳокимона буйруқ берганда вужудимга титроқ кирди. Қарасам, тўйхонадаги уч юзга яқин одам дами ичига тушиб, мунғайиб турибди. Куёв билан келин

саросимада, машшоқлар созини ғилофига соладиган... Бу қандоқ гап! Тўй қилиш гуноҳми? Кимдан кўрқасан? Ни-мага кўрқасан, қўйга ўхшаган овсарлар!

Умрим бино бўлиб, қўлимни кўтарган бола эмасдим. Атайлаб «Лазги»га ўйнадим.

Девор тагидаги столда қий-чув кўтарилганини, беш-олти хотин-халаж орасида Шаҳноза ҳам сапчиб ўрнидан туриб кетганини, жиққа ҳўл бўлиб, баданига ёпишиб қолган кўйлагининг ёқасини ғижимлаётганини кўриб, тепага қарадим. Барзанги деразани ланг очганча қўлида яшил пластмасса пақир ушлаб турибди.

...Тўртинчи қаватга қандай чиққаним эсимда йўқ. Худо ҳаққи, мен унга қўл кўтармоқчи эмасдим. Қўлидаги вино шишасини бошим устида кўтарганидан кейин... у ёғи нима бўлгани ёдимда йўқ. Шаҳнозанинг «ўлдириб кўясиз!» деган чинқиригидан ўзимга келдим... Ким нима деди, нима қилди, бунисиниям эслолмайман. Фақат гўрдан чиққандек гулдираган садо қулоғимга аниқ-равшан кирди:

– Ғирт миллатчи экансан, бола! Умринг турмада чириб кетади!

...Бу – Ёвуз Руҳнинг овози эди.

Октябрнинг йигирма учинчи куни

Фарход бозоридан майда-чуйда харид қилиб келаётсам, домнинг пастида, Қурбоной хола ўрис кампир Клава хола билан гаплашиб турибди. Салом бердим. Русчалаб.

– Сан, ўғлим, хапа бўма! – деди Клава хола соф тошкентча шевада. – Ичвоганидан кейин кўнглига кеган қилғилиқни қилган-де, ану чўчқа! Эси бўса, мундоқ пастга тушмийдими, ўтирмийдими, одамга ўхшаб...

Кечаги воқеа ёдимга тушди.

– Кўяверинг, хола, – дедим кулиб. – Шунчаки гап-да! Эсимдан ҳам чиқиб кетди...

– Келинни опкир маникигаям, – Клава хола сидқидилдан тайинлади. – Мундоқ кириш-чиқиш қилийлик, болам, кўздай кўшнимиз...

– Раҳмат, хола, – дедим меҳрим ийиб. – ўзингиз чиқинг бизникига!

– Насиб этса чиқаман, болам... – Клава хола Қурбоной холага юзланиб тағин ўз дардларидан ҳасратлаша кетишди.

Ўша куни кечқурун

Уйимизга Ёвуз Руҳ келди. Юракни сиқадиған оқшом эди. Пешиндан кейин осмонни мағзавадек кир булутлар қоплади. Қуёш ботганми-йўқми, билиб бўлмайди. Дилтанг қоронғилик чўқди. Ташқарида куз шамоли инграйди. Дераза рўпарасидаги бақатераклар шохи айқаш-уйқаш бўлиб, бандидан узилган хазонлар кўршапалакдек жонсарақ парвоз қилади.

Шаҳноза тушдан кейин «аямлардан хабар олиб келай», деб уйга кетганча ҳамон дараги йўқ, кўнглим алағда эди. Эшик жиринглади. Йўқ, бу Шаҳноза эмас. Шаҳнозада калит бор, очиб кираверади. Ҳайрон бўлиб, эшикни очсам, остонада Ёвуз Руҳ турибди. Бошида қора шляпа. Эғнида узун, қора плаш. Кўзлари ёниб турибди.

– Икки оғиз гап бор! – деди-да, рухсат сўраб ўтирмай, ичкари кирди.

Беихтиёр ортга чекиниб, йўл бўшатдим.

Ёвуз Руҳ йўлакка кириб атрофни синчков кузата бошлади. Худди бу хонадонда аллақандай шубҳали шахслар яшириниб ётгандек... Ўзимга нашъа қилди. «Нега киргаздим уйимга!»

– Хизмат? – дедим ғашим келганини яширмай.

– Гап бор! – У шляпасини ечаётган эди, билагидан тутдим.

– Ечинишингиз шартмас.

– Чироқни ёқ! – деди у ғулдираб.

Асабийлашдим.

– Қоронғидан кўрқасизми?

– Мен ҳеч нимадан кўрқмайман. Ёқ чироғингни!

Унинг заҳил юзи нимқоронғида яна ҳам оқариб кетгандек бўлди.

Нега буйруқ қилади бу менга? Нега сенсирайди? Мен унинг ўғли бўлмасам, невараси бўлмасам! Хаёлимга ғалати савол келди. «Қизиқ, шунинг ҳам болалари бормикин?»

– Менга қаранг! – дедим таҳдидига таҳдид билан. – Гапингиз бўлса айтинг-да, чиқиб кетинг.

Бу арвоҳни Шаҳноза кўришини хоҳламасдим.

– Хэх! – Ёвуз Руҳ калтакесақдек томоқ қоқди. – Кечаги қилиғинг билан бир эмас, тўртта статья сотиб олганингни биласанми? – У ипдек бармоқларини букиб, санай кетди. – Бировнинг уйига бостириб кирдинг – бир! Уриб, майиб қилдинг – икки! Миллатчилик қилдинг – уч... Исполкомдаги мажлисда ҳам миллатчиликка оид гаплар айтган эдинг...

Бир қўлим билан эшикни очиб, иккинчиси билан елкасидан тутдим. – Чиқинг!

Ёвуз Руҳнинг боши соат капгиридек ликиллаб кетди.

– Жўнанг! – дедим таҳдид билан. Тағин бир дақиқа, атиги бир дақиқа ўтса, ўзимни идрок этолмай қолишимни сезиб турардим.

– Кўрамиз! – У зина майдончасига чиқди-да, қоронғида кўзлари ёниб, гумбурлади. – Отангни ёнига бадарға қилмасам... Унсур!

Октябрнинг йигирма бешинчи куни

Кундуз кунлари метрода одам сийрак бўлади. Дарсдан қайтаётгандик. Шаҳноза ўртароқдаги ўриндиқда ўтирар, мен ёнида тик турган эдим. Метроми, автобусми, бўш жой бўлса ҳам ўтирмасликка одатланганман.

«Ёшлик» бекатида беш-ўн одам чиқди. Ичиб олган шекилли, баркашдек башараси қизариб кетган йигит илжайиб келиб, Шаҳнозанинг ёнига ўтирди. Сурбетларча қараб-қараб қўйди-да, гапга солди:

– Соатингиз неччи бўлди, яхши қиз?

Шаҳноза энсаси қотиб юзини ўгирган эди, йигит шаппа билагидан ушлади.

– Айтақолинг, жонидан!

Ёқасидан олиб бир силтагандим, японча курткасининг занжири тириллаб узилди.

– Қўйвор! – деди типирчилаб.

Кейин нима бўлгани эсимда йўқ. Шуниси ёдимдаки, навбатдаги бекатда поезд тўхташи билан итқитиб юбор-

дим. У вагонга ёпирилиб кираётган одамларга туртинганча гандираклаб бориб, мрамар скамейкага урилди, ўнбалок ошиб кетди...

Ташқари чиқсак, ёмғир шивалаётган экан... Совуқ ва зериктирувчи куз ёмғирининг дебочаси. Ўзимни қўлга олишга ҳарчанд уринмай, ҳамон титроғим босилмас, ғабдан тишларим ғижирлаётганини сезиб турардим.

– Ёмғирпўш олмаган экансан-да, – дедим ўзимниям, Шаҳнозани ҳам юпатиш учун.

Шаҳноза юзини ўгирди. Ранги ўчиб кетган, лаблари пирпираб турарди.

Уйгача гаплашмай келдик. Эшикдан киришимиз билан Шаҳноза туфлисини ечиб улоқтирди.

– Қанақа одамсиз? – деди тўсатдан. – Қанақа одамсиз ўзи? Бугун биттасини урасиз! Эртага бошқасини бўғасиз! Кунига бир карра юрагимни ёрмасангиз, кўнглингиз жойига тушмайди! – У йиғлаб юборди. – Башарангизга қаранг! Бандитнинг ўзисиз!

Миям зирқираб кетди.

– Ҳа! – дедим бақириб. – Бандитман! Каллакесарман! Чидасанг – шу!

Шаҳноза юзимга ярқ этиб қаради.

– Муштлашишдан бошқа нарсаниям биласизми! – деди кўзлари ғабдан ёниб.

Юрагимда бир нима узилиб кетгандек бўлди.

– Балки билагингдан ушлагани хуш ёққандир? – дедим ўкириб.

– Ҳа! – Шаҳноза алам билан ер тепинди. – Ёқди! Билдингизми, ёқди! – деди чинқириб. Ўзининг гапидан ўзи кўрқиб кетгандек, бирдан жимиб қолди. Кафти билан оғзини тўсиб, юзимга термулиб турди-да, хўнграб юборди.

– Рустам ака! – деди бўйнимга осилиб. – Кечиринг, жон Рустам ака... – Сўнги сўзларини йиғидан бўғилиб, пичираб айтди. – Қийналиб кетдим. Қийналиб кетди-им!

Ўша кеча

Тошойна токчасида тунчиरोқ милтираб турибди. Гоҳ ўчади, гоҳ ёнади... Шаҳноза аллақайси «Совғалар магазини»дан топиб келган тунчиरोқ... Жимжилоқнинг учидек келадиган, шамга ўхшаган митти чироқча гоҳ ёнади, гоҳ ўчади. Муттасил қизил нур таратади... Қизил нур!

Биламан, Шаҳноза уйғоқ... Шунчаки, ўзини ухлаганга солиб ётибди... Ҳали тўғри айтди: мушглашишдан бошқа нимаям келарди қўлимдан! Рост айтди. Тағинам инсофли экан. Бошқа қиз бўлса...

– Шаҳноз, – дедим босиқлик билан. – Сениям қийнаб юбордим. Раҳмат, шунча чидадинг...

У жавоб бермади. Аммо бир лаҳза нафас олишдан тўхтагандек бўлди.

Қароримни иложи борича осойишта тушунтиришим керак: секин, жанжал-суронсиз...

– Бундай қиламиз, Шаҳноз, – дедим осойишта ва қатъий оҳангда. – Мен кетаман. Эртага...

Шаҳноза қаддини ростлади. Яланғоч тиззаларини қучоқлаганча юзимга ҳам таажжуб, ҳам хавотир билан тикилди.

– Қўлимда яхшими-ёмонми, ҳунарим бор. Шопир ҳамма ерда керак, – дедим кўзига қарамай. – Қўрқма! Узоққа кетаман. Сени безовта қилмайман...

Шаҳноза юзимга яна бирпас термулиб турди-да, тўсатдан устимга ўзини отди.

– Рустам ака! – деди инграб. Ўпкасини тутолмай энтикиб-энтикиб йиғлаб юборди. – Ўлиб қоламан, Рустам ака! Сизсиз ўлиб қоламан! – Юз-кўзимдан ўпа бошлади. Елкамга, бўйнимга қайноқ кўз ёшлари томар, нуқул битта гапни такрорлар эди: Ўлиб қоламан! Ўлиб қоламан! – Бутун вужуди қалтираб нола қилди. – Керакмас! Керакмас менга «ўша нарса», Рустам ака! Менга... Ўзингиз кераксиз! Эшитяпсизми, ўзингиз.

...Шу кеча... шу кеча Шаҳноза менга... «ёрдам беришга» уринди... Шўрлик Шаҳноз!

КЕРАКЛИ ДАЛИЛ – КЕРАКЛИ ПАЙТДА АЙТИЛАДИ

Комиссар карахт бўлиб уйғонди. Уйғонди эмас, ухладими-йўқми, ўзи билмасди. Туни билан алоқ-чалоқ тушлар кўриб чиқди. Фенобарбитал ичганидан кейин кулоғи шанғиллаб, кўз ўнгида қумдек майда, ялтироқ заррачалар кўрина бошлади. Боши ғувиллаб, энди кўзи илинган эди, қараса, ёнида Назира ётибди. Секин қўлидан ушлади. «Кўйвор! – деди Назира сансираб. – Кўйвор, беномус!» Ие, Назира эмас, Фотима-ку! «Кўйвор!» — деди Фотима ғазабдан афти қийшайиб...

Комиссар юраги гурсиллаб уйғонди. Анчагача қоронғи шифтга қараб ётди. Бора-бора тағин боши ғувиллай бошлади. Шунда... девор орасидан қандайдир шарпа сирғалиб чиқди. Бир қараса, Хусанхўжага ўхшайди, бир қараса, Тўлаганга. Нуқул иршайиб, унсиз кулади...

Бўлмади... Комиссар ўрnidан туриб, валидол шимди. Бирпас иккиланиб турди-да, ваннахонага кириб, илиқ душ олди. Адёлга ўраниб ётган жойида «Спидола» кулоғини буради. Алланечук ҳузурбахш куй вужудини ёқимли сийпалаб ўтди. Анчагача эшитиб ётди. Охири куй тугаб, диктор бир нималарни гапира бошлади. Комиссар «Исломобод» деган сўзни тушунди, холос. Бундан чиқди, Покистон экан... Мэлс ёдига тушиб, дарров радио кулоғини бошқа тўлқинга олди. «Америка овози» СССР да бўлаётган демократик жараёнларни гапирар эди.

Ниҳоят, деразада тонг бўзара бошлади. У шошилмасдан кийинди. Плашини, шляпасини... Сут бидонини олиб, пастга тушди. Қиш ҳали тугамаган, аммо кўклам нафаси сезилиб турарди. Қорлар эриб битган, бақатераклар шоҳида бўртишга мойил куртаклар кўз очсамми-йўқми, деб иккиланиб тургандек, шабадада оҳиста силкинарди.

Орқа томондан кимдир ҳансираб нафас олгани эшитилди. Эгнига «олимпийка», бошига чанғичилар шапкасини кийган икки киши югуриб **ўтиб** кетди. Ота-бола Оллобергановлар!

«Югура-югур! – деб ўйлади Комиссар энсаси қотиб. – Умрингни узайтирмоқчимисан? Хэх! Кўчани кесиб ўтаётганингда пақ этиб машина уриб кетса – тамом! Қарабсанки, эшигинг олдида қўшалоқ тобут турибди! Икки қаватли участканг хотинингга қолади». Дарвоқе, икки қаватли кошонани қандай қурдийкин, бу? Хўп, профессорсан. Хўп, ана ойлигинг саккиз юздир. Саккиз юз сўм маош билан юз эллик минглик қаср солиб бўладими? Порахўр! Ҳаммаси порахўр! Тағин булар ёшларга адолатдан ваъз ўқийди. Маузерни йўлдан урганлар ҳам шунақа домлалар! Ёшсан, профессор, ёшсан! Ақалли ўн беш ёш каттароқ бўлганингдами! Эллигинчи йилларда бир марта сўроқ берсанг, сичқоннинг инини минг тангага сотиб олган бўлардинг.

Ўн йил олдин рўй берган ҳангома Комиссарнинг ёдига тушди. Фирт комедия! Йўқ, ўн йилмас, аввалроқ бўлган экан. Унда Назира тирик эди.

Марказдаги уйда қўшни турадиган Совмин ходими илтимос қилди:

– Эрталаб ош бор, Соат Ганиевич. Дорилфунунда ишлайдиган домлам неварга тўйи қиляпти.

Комиссар хушламайроқ турганини кўриб тушунтирди:

– Биламан, сиз ошга боришни ёқтирмайсиз. Шунақа-ку, одамларга қўшилсангиз, ёмон бўлмайди.

Тахминан шундай фасл эди. Февралнинг охирлари. Қорлар эриб, қиш чекина бошлаган, аммо ҳали кўклам келмаган...

Қўшни хизмат машинасини чақириб қўйган экан, тонг отмасдан йўлга тушдилар.

– Домла Саидийни олиб кетсак, – деди қўшни. – Шундоқ, йўл устида.

Қўшнининг айтишига қараганда, домла Саидий дегани – шоир экан. Тўй қилаётган олим билан эски кадрдон эмиш.

Комиссар менга барибир, дегандек қўл силтади. Нима фарқи бор: шоирми, ёзувчими? У шоир-поирларни танимас, адабий китоб ўқишга тоқати йўқ эди.

Машина тор кўчага кирди. Аллақандай дарвоза олдида тўхтадилар. Совмин ходими қўнғироқни босди. Ичка-

ридан ҳадеганда овоз келавермагач, дарвозани тақил-лата бошлади. Комиссар тоқати тоқ бўлиб, машинадан тушди. Уйғотишнинг оддий усулини ҳам билмайди, бу галварс! Деразани муштлаш керак! Мана бундай! Ҳа, баракалла! Дарров чироқ ёнди.

Дарвоза ортида шўлтиллаган қадам товуши эшитилди.

– Ким? – деди эркак киши хавотирланиб.

Комиссар кўнглида ғурур ҳиссини туйди. Сенга ҳисоб бериб ўтириш қолувди энди!

– Очинг! – деди дағдаға аралаш.

Калит шиқирлади. Дарвоза остонасида елкасига тўн ташлаган, оппоқ сочли бошига яп-янги дўппи кийган ихчам гавдали одам пайдо бўлди. Тўсатдан бир қалқиди-ю, чалқанчасига ерга қулади. Дўпписи бир томонга, калиши иккинчи томонга учиб, оёғи тарвақайлаб қолди.

– Домла! – Совмин ходимининг капалаги учиб, шоирнинг бошига эгилди. – Сизга нима бўлди, домла? Кўзингизни очинг!

Бунақа пайтда гарданини ишқалаш керак. Шундай қилишди. Шоир кўзини очди.

– Нима га-ап? – деди инқиллаб. – Тинчликми?

– Тинчлик, домлажон, сизни ошга айтиб келдик. – Совмин ходими меҳрибонлик билан шоирни қўлтиғидан кўтарди. Шоирнинг шими ҳўл, тиззалари лой эди.

Ҳовли бир зумда югур-югур бўлиб кетди. Эркагу аёл, бола-бақра аралаш-қуралаш ёпирилиб келди. Ўғил-келинлари, невара-чеваралари шоирни авайлаб уйга етаклашди.

– Дадажон, нима бўлди?

– Бобожон, нима қилди?

Жўжага ўхшамай ўл ҳамманг! Нима бўларди? Отанг кўрққанидан сийиб юборди. Тамом-вассалом!

Совмин ходими ҳам ичкари кириб кетганча зим-зиё бўлди. Анча кутишди. Комиссар машинада ўтиравериб, зерикиб кетди. Нима зарил эди, шу лаънати ошга бориб? Наҳорлаб мечкай қоринга ош ейишдан бошқасини билмайди булар!

Ниҳоят, Совмин ходими домла Саидийни суягудек бўлиб олиб чиқди.

– Олдинга ўтирақолинг, домлажон! – деди меҳрибонлик билан.

Комиссар орқа ўриндиққа ўтаётганда қўшниси ўзига нафрат билан қараб қўйганини сезди... Тўйхонага етгунча бир оғиз гаплашмадилар. Шоир ортига бурилиб қарамас, ўхтин-ўхтин хўрсиниб қўяр эди.

Ош тугамаган экан. Дастурхонда турп бўлаклари, гуруч қолдиқлари сочилиб ётган иссиқ уйга олиб киришди. Бунга қарангки, Совмин ходими билан шопирга бир лаган, шоир билан Комиссарга бир лаган ош келди. Шоир ошга қўл ҳам урмади. Емасанг, заҳарингга! Комиссар таъби тортганча еди.

– Ошдан олмадингиз-ку, домла! – деди чой хўплаб.

Бир нуқтага тикилиб ўтирган шоир сесканиб ўзига келди. Кўзи чақчайди. Паст овозда дона-дона қилиб таъкидлади:

– Сен билан ош ейманми? Сен билан-а?

Хонада ўтирган ўн чоғли одам ярқ этиб, шу томонга қаради...

Қайтишда машинага яна ўша тартибда жойлашдилар: олдинда шоир, орқада Совмин ходими билан Комиссар. Ҳеч кимдан садо чиқмади. Совмин ходими шоирни дарвозагача суяб олиб борди. Комиссар унинг охириги гапини эшитди:

– Мени кечиринг, домла... Билмабман... Билсам...

Комиссарнинг хаёлидан истеҳзоли ўй кечди. «Хэх! Билганда нима қилардинг?»

Совмин ходими қайтиб келиб, олдинги ўриндиққа ўтирди.

– Ишхонага! – деди қатъий оҳангда.

Комиссар мийиғида кулиб қўйди. «Демак, мени дуч келган метро бекатига ташлаб кетасан! Гапир, Совмин! Нега индамайсан? – деди хаёлан хитоб қилиб. – Хэх! Албатта индамайсан-да! Яхшилаб титкилаб кўрилса, ўзининг биографиянгдан ҳам хоҳлаганча иллат топилади!»

...Сут дўконида очирид кўп экан. Узоқ туриб қолди. Қайтаётганида кун ёришиб кетган эди. Эгнига пахталик кийган Қурбоной йўлка супураяпти. Дўконга нон тушяпти... Ота-бола Оллобергановлар тагин югургилаб ёнидан ўтиб кетишди.

Қани чопавер-чи, қаёққа бораркансан. Эрта-индин ўғлингга передача ташийсан. Тоштурмага. Ўғлинг анави Шоматовнинг ўлиги устида айтган гап эсингдан чиқдими? Тергов практикасининг ўз қонунлари бор. Энг залворли далил энг охирида айтилади. Ўнгламас зарба бериш учун...

Анави сўтак терговчига айтиб қўйиш керак. Шоматовни мана шунинг ўғли ўлдирган!

ҲАМКАСБЛАР СУҲБАТИДАН

– Хўш, коллега, келин нима дейди?

– Шоматова касал эди. Стенокардия бўлиб, шифохонада бир ярим ой ётди. Чиққанига уч кун бўлди.

– Шунинг ўзи энг катта аргумент! Сўроқ берувчи ўзини касалга солдими, демак айби – бўйнида.

– Сизга қолса, ҳамма жиноятчи!

– Сенга қолса, ҳамма оппоқ! Яхшиси, бу соҳани ташлагин-да, боғчага бориб, кўғирчоқ ўйна!

– Ташласам – ташлайвераман, ўртоқ Комиссар!

– Қочмоқчимаң, дегин? Овора бўласан! Давлат сени шунча йил бекорга ўқитдими?

– Ўртоқ Комиссар! Ростини айтсам, жонга тегдингиз...

– Хэх! Аввал мана бу ишни охирига етказгин-да, кейин катта кўча! У қулоқ-бу қулоғинг билан эшитиб қўй! Сенга охирги фактни айтаяпман. Ўлиб ётган Шоматовнинг бошида тўпланганлар орасида биттаси бор эди. Биласанми, нима деди? «Шунақа бўлишини билардим», деб айтди. Ўз оғзи билан!

– Аспирант Оллобергановни айтмоқчимисиз? Рўйхатимизда турибди.

– Оператив ишлашни билар экансанлар-ку! Хэх! Бу ёғини эшит! Байрам куни, яъниким Шоматов ўлдирили-

шидан бир кун олдин кечки пайт гастрономда конфет сотишди. Очиридда турган эдим. Кўчада шовқин-сурон бўлиб қолди. Чиқсам, йўл четида қора «Волга» турибди. Анави ойимча бўлса, иккитасининг итдек ириллашини томоша қилиб турибди. Шоматов «Волга» шопири билан ёқа бўғишяпти.

– Ким экан ўша шопир?

– Шопир эмас, «Волга»нинг эгаси! Оллоберганов Санжар! Профессор Оллобергановнинг ўғли! Ўлик тепасига биринчи бўлиб югургилаб келганлар ҳам шулар эди. Шоматовнинг қотили ўша йигит бўлади!

– Айби исботланмагунча ҳеч кимни қотил деёлмайман, Комиссар!

– Билганингни қил! Устингдан генералга рапорт ёзмаман! Сендақа ландовурларни ҳайдаш керак органдан!

– Илтимос, чиқинг бу ердан.

ТЕРГОВ ҲУЖЖАТИДАН

Оллоберганов Санжар. Йигирма олти ёшда. Олийгоҳ аспиранти. Миллати – ўзбек. Ота-онаси билан Бахт кўчасидаги хусусий уйда истиқомат қилади. Уйланмаган. Аввал судланмаган. Комсомол аъзоси.

— Шоматовни танирмидингиз?

– Қайси Шоматов?

– Шоматов Рустам. Сиз аспирант бўлган олийгоҳда ўқиган. Биринчи курсни битириб, ҳарбий хизматга кетган. Афғонистонда бўлган.

– Э, бўлди, анави йигитми?

– Қайси маънода «анави йигит?»

– Байрамнинг эртаси куни ҳалок бўлган...

– Худди ўша! Танирмидингиз?

– Умуман, танирдим. Ўқиш бошланмасидан олдин уй олишим керак, справка беринг, деб борди. Ёзиб бердим.

– Нега справкани сиздан сўрайди?

– Менга жамоатчилик вазифаси сифатида факультет месткомлигини юклаб қўйишган.

– Тушунарли. Шоматов билан ораларингда гап қочмаганмиди?

– Менинг Шоматовга нима хусуматим бўлиши мумкин?

– Шоматова Шаҳнозани танийсизми?

– Нима десам экан...

– Борини айтаверинг.

– Умуман... танийман. Қўшни бўлгандан кейин...

– Ўшанда Шоматовлар оиласи Чилонзорга кўчиб келганига икки ой ҳам бўлмаган эди. Бировнинг хотини билан танишиб олиш учун анчайин қисқа муддат эмасми бу?

– Нега энди? Шаҳноза ўзимизда ўқийди... Танийман-да!

– Қанча одам ўқийди ўша даргоҳда?

– Факультетдами? Аниқ билмайман-ку... беш юздан ортиқ.

– Беш юздан ортиқ талаба орасида нега айнан Шаҳнозани танийсиз?

– ...

– Қулоғим сизда.

– Гап шундаки, Шаҳноза – Дилянинг дугонаси. Иккаласи курсдош.

– Ким у Диля?

– Дилфуза... Илтимос қиламан, ўртоқ терговчи, бу ишга Диляни аралаштирманг! Яқинда тўйимиз бўлиши керак. Ваъда берасизми?

– Ўйлаб кўрамиз... Шоматова сиз айтаётган Диля билан дугона эканини ким исботлайди?

– Марҳамат, Шаҳнозанинг ўзидан сўранг! Дилфуза Шаҳнозанинг ЗАГСига борган, тўйида қатнашган. Иккаласи сирдош ўртоқ...

– Яхши, гражданин Оллоберганов! Фақат... Баъзи деталларга аниқлик киритишга тўғри келади. Шоматов ҳалок бўлган куни, эрталаб сиз ўша атрофда югуриб юрганингизни кўрган одамлар бор.

– Тўғри! Ҳар куни ўша ерда югураман!

– Ўша куни айнан Шоматовнинг подъезди рўпарасида нима қилаётган эдингиз?

– Менми?

- Сиз!
- Эсимда йўқ.
- Эслаб кўринг! Бақатерак панасида турган одам сиз эдингиз.
- Э-ҳа, бўлди! Ноқулай бўлса ҳам айтаверайми?
- Бемалол!
- Қистаб қолди. Туман эди... Дарахт панасига ўтиб...
- Нима учун Шоматовнинг ўлиги тепасига келиб, «Шунақа бўлишини билардим!» деддингиз?
- Ким? Менми?
- Сиз!
- Гапиринг!
- Ўртоқ терговчи! Борди-ю мен Шоматовнинг жонига қасд қилган бўлсам, шунақа гапни айтармидим?
- Айтгансиз-ку!
- Қайси аҳмоқ бировни ўлдиради-да, тепасига келиб, ҳаммага эшиттириб, «ажаб бўпти» дейди? Қани мантиқ!
- Қайси аҳмоқ худди шунақа, мантиққа сиғмайдиган мантиқдан фойдаланмайди?
- Сиз мени... мени...
- Ҳаяжонланманг, гражданин Оллоберганов!
- Чақиринг, Шаҳнозани! Ҳозир чақиринг! Мен нима ёмонлик қипман уларга!
- Ҳарқалай «шунақа бўлишини билардим», деганда нимани назарда тутгандингиз?
- Рустамнинг ўзи жанжални пулга сотиб оладиган йигит эди. Йўқ ердан бағис топарди. Шу феъли учун университетдан ҳайдалишига оз қолган. Биринчи курсда... Уй масаласида анави справкани олгунча ҳам жонимдан тўйдирди. Кўйиб берсам, сўйиб ташлайдиган важоҳати бор эди...
- Еттинчи ноябрь, байрам куни кечқурун соат олтилар атрофида қаерда эдингиз?
- Нима?
- Эслаб кўринг, гражданин Оллоберганов. Шоматов билан нега ёқалашдингиз?

– Бўлди! Эсладим! Мен у билан эмас, у мен билан ёқалашди! Шаҳнозани қўлида оғир юки бор экан. Уйига элтиб қўйганим учун гуноҳкор бўлдимми?..

МУҲАББАТНИНГ САРОЙИ КЕНГ..

Санжар ташқари чикди-ю, юзига муздек ҳаво урилиб, нафаси қайтиб кетгандек бўлди. Кўклам нафаси сезилиб қолган бўлса ҳам, ҳавода қиш захри ҳамон сақланиб турар, офтобрўяда қуёш тафти баданни илитгандек бўлар, ammo салқин жойда бир зум турсангиз, этингиз жунжикар эди. Санжар кўнгли ғаш тортиб уйга пиёда кетди. Атрофдаги одамларга парво қилмас, машиналар шовқини қулоғига кирмас эди. Қуруқ тухматга қолади, шекилли! Ҳа, айтди! Ўша куни ертўла зинасида чўзилиб ётган Рустамни кўриб «Шунақа бўлишини билардим!» деди. Ўлганини қаёқдан билибди? Биров билан уришган бўлса, таъзирини бериб қўйишгандир, деб ўйлаганди-да!

Қизиқ, Шаҳноза нимасини ёқтирган бу боланинг! Ўлгудек кўрс бўлса, текканга тегиб, тегмаганга кесак отса... Шундоқ чиройли, шундоқ ақлли қиз... Муҳаббатнинг саройи кенг, деб шуни айтса керак-да!

Ўша куни Дилия билан концертга тушмоқчи эдилар. Санжар Фарҳод бозоридан гул харид қилди. Машинасини жилдириб, бозор дарвозасидан чиқаётса, Шаҳноза турибди. Қўлида каттакон хўжалик сумкаси... Санжар машинани тўхтатди. Шаҳноза иккиланиброқ орқа ўриндиққа ўтирди. Сумкаси қўполлигидан хижолат чекиб, оёқ остига қўяётган эди, Санжар машинадан тушиб, юкхонани очди. Сумка оғир эди: турп, картошка, олма, сабзи, бало-баттарлар...

Санжарнинг ғаши келди. Гулдек хотинига сумка кўтартириб қўйганидан кўра бозор-ўчарни ўзи қилса ўладими, анави хўкиз! Ҳирсдек кучи бор.

Моторга калит солаётиб рўпарадаги ойначада Шаҳнозага разм солди. Қизнинг ранги синиққан, хомуш кўринарди.

– Бозорни хўжайин қилмайдимиз? – деди Санжар ярим ҳазил оҳангида.

– Қиладилар... – Шаҳноза синиқ жилмайди. – Қишлоқдан ойим келгандилар, Рустам акам кузатгани автостанцияга кетдилар... Диля яхши юрибдимиз?

Санжар самимий кулди.

– Ўртоғингизни минг йил кўрмагандек гапирасиз...

– Шунақа-ку...– Шаҳноза тағин маъюс кулимсиради. – Дилянинг кайфияти кўп жиҳатдан сизга ҳам боғлиқ-да...

– Ташвишланманг, – деди Санжар. – Ўртоғингизнинг кайфияти зўр. Бугун концертга тушамиз.

Машинани симёғочларга байроқчалар илинган, уйлар пештоқига «Яшасин Улуғ Октябрь!» деган қизил алвонлар осиб қўйилган кўчадан ҳайдаб кетди.

– Салом айтинг, – деди Шаҳноза. – Байрам билан табриклар кўйинг...

Санжар «Волга»ни ғизиллатиб бораркан, эсига тушган гапни айтди.

– Диля айтди. Шу томонларга кўчиб келибсизларми?

– Шунақа...– Шаҳноза қаёққа юриш кераклигини тунтирди.

Деярли кўшни туришаркан. Катта кўчанинг бу бети – маҳалла, у бети Шаҳнозаларнинг доми...

– Кўшни эканмиз-ку! – Санжар астойдил ажабланди. – Нега ҳеч кўрмайман сизни?

– Мен сизни кўриб тураман! – деди Шаҳноза машинадан тушаётиб.

– Қаерда?

– Шу ерда! – Шаҳнозанинг кўзлари боядан бери илк бора шўх порлади. – Ҳар куни эрталаб югуриб юрасиз. Шеригингиз билан.

– Шеригим эмас, дадам, – деди Санжар кулиб. – Рустамга айтинг: хоҳласа у ҳам югурсин. – Юкхонани очиб, сумкани туширди. Орқа ойна тагида ётган гулдастадан учта чиннигул олиб Шаҳнозага узатди.

– Байрамингиз муборак бўлсин. Бахтли бўлинг...

...Худди шунинг устига анави аҳмоқ келиб қолса бўлади-ми? Пойлаб турган эканми, нима бало... Машинанинг орқа ойнасини чил-чил қилди. Санжар олишиб ўтириш бефойдалигини билиб, машинага ўтираркан, Шаҳнозанинг ранги қув ўчиб кетганини, кўзида жиққа ёш билан эрининг билагига осилганини кўрди.



Аслида Санжарнинг Диля билан танишишига Рустам сабаб бўлган. Сабаб эмас-ку, баҳонамикин...

У пайтда пахта компанияси сиёсий масала ҳисобланар эди. Ўшанда Санжар бешинчи курсда ўқир, айти пайтда факультет комсомол ташкилотининг котиби эди. Штабда ҳар кеча мажлис, ҳар кеча ҳисобот...

Шундай кунлардан бирида ЧП рўй берди. Биринчи курс талабаларидан биттаси безорилик қилибди. Баракка нон олиб борган тракторчига ҳозироқ совхоз марказига бориб, дўхтир топиб келасан, деб дағдаға қилибди. Тракторчи кўнмаган экан, ёқасидан судраб ерга туширибди-да, тракторни ўзи ҳайдаб кетибди. Кеч кириб, поликлиника ёпилган экан. Ярим кечаси дўхтирнинг уйига бостириб борибди. Хотин кишини тракторга ўтқазиб, баракка оборибди. Бир қиз шамоллаб қолган экан... Энг ёмони эртасига бутун курс далага чиқишдан бош тортибди.

Калтакнинг йўғони Санжарнинг бошида синди. «Комсомол вожаклигини эплотмаяпсиз», дейишди. «Студентларни эркалатиб юборгансиз», дейишди.

Кечаси олмадек лампочка хира ёритиб турган, сичқон ҳиди билан тўлган баракда умумий комсомол йиғилиши бўлди. Биринчи курслар энг чеккада, қамишзорга туташиб кетган участкада эди. (Одат шу: биринчи курсларни «Камчатка»га юборишади).

Тўполон ташкилотчиси – Рустам деган йигит экан. Баскетболчиларга ўхшаган баланд бўйли, гавдали...

Санжар ёш раҳбарларга хос вазминлик билан пахта халқимизнинг бойлиги эканини тушунтирди. Павел

Корчагинлар бундан ҳам қийин шароитда темирйўл қурганини эслатди.

Кекса декан ярим кечада хотин кишини совуқда дийди-диратиб тракторда олиб келиш яхши иш бўлмаганини, совхоз раҳбарияти ректоратдан ўша болани ўқишдан ҳайдашни талаб қилаётганини айтди.

– Врач бўлганидан кейин бурчини бажарсин! – деди Рустам пинагини бузмай.

Санжарнинг жаҳли чиқди.

– Ўзинг-чи! – деди бақириб, – ўзинг нега бурчингни адо этмайсан? Нега пахта термайсан? Болаларни йўлдан уриб, нега саботаж қиласан?

Санжар Рустамнинг узр сўрашини кутган эди. Ғалати иш қилди, ярамас! Кат тагига қўл суқиб, лойга беланган иккита этак олди. Биттасини ўзининг белига боғлади. Иккинчисини Санжарга узатди.

– Тақинг! – деди лаби истехзоли қийшайиб. – Юринг, далага чиқамиз. Иккаламиз бир бўлиб, эрталабгача ярим этак подбор терсак, бетимга туф денг! Қани ўша пахта! Қор босиб ётибди-ку!

...Ҳаммаёқ қий-чув бўлиб кетди. Қирқтаси баравар гапирса ёмон бўларкан.

Сочи қирқилган, совуқдан лаблари ёрилиб кетган, аммо ниҳоятда кўхдик эканлиги кўриниб турган қиз айниқса кўп гапирди.

– Домла! – деди деканга қараб. – Боядан бери пахтани гапирасизлар. Нима гап ўзи, деб сўрадингларми! Касал бўлган ким, дедингларми? – У тўсатдан йиғлаб юборди. – Кеча Шаҳнозанинг олдига бориб келдик. Иситмаси қирқдан тушмаяпти. Сизнинг ҳам қизингиз бордир, ахир!

Ёш тўла кўзлари билан Санжарга чақчайди.

– Корчагинингиз йўқ пахтани термагандир! Чақириб келинг, кўрсин аҳволимизни!

Қиз қорайиб кетган қўлини силкита-силкита, алам билан гапирар, Санжар хафа бўлмас, аксинча қизалоқнинг гаплари ёқар эди унга... Бу – Диля эди...

ТЕРГОВ ҲУЖЖАТИДАН

– Шундай қилиб, граждaнка Шоматова, сиз еттинчи ноябрдан саккизинчи ноябрга ўтар кечаси эрингиз билан бир уйда бўлганингизни тасдиқлайсиз. Шунақами?

– Ҳа.

– Демак, сиз саккизинчи ноябрь куни эрталаб, эрингиз Шоматов Рустам ухлаб ётганида сутга чиққансиз?

– Ҳа.

– Навбат кутгансиз. Сут етмаган.

– Ҳа.

– Айтинг-чи, эрталаб чиқиб кетаётганингизда ташқари эшикни қулфлаганмидингиз?

– Аввал ҳам айтувдим-ку, эшик ёпилса, ўзи қулфланиб қолади, деб.

– Айтгансиз. Айнан ўша куни эшик қулфланиб қолганмиди-йўқми?

– Билмайман, эсимда йўқ.

– Демак, сиз сутга бордингиз. Навбат кутдингиз. Сут етмади. Қайтиб келдингиз. Соат неча эди?

– Эсимда йўқ.

– Эслаб кўринг.

– Билмайман. Тонг ёришган эди. Келсам, Рустам акамни олиб кетишган экан.

– Мушук-сичқон ўйинини бас қилинг, Шоматова! Мана, экспертиза хулосаси! Ўзингиз ўқийсизми, ё ўқиб берайми? «Ўлим ҳодисаси тунги соат ўн икки билан икки ўртасида рўй берган. Суд медицина текширувида шу нарса аниқландики, юрак фаолияти...» Йиғлашнинг ҳожати йўқ! Агар сиз ўша кеча эрингизнинг ёнида бўлганингизда, уйда чинни идишлар, дераза ойнаси синганини эшитмаслигингиз мумкин эмас эди! Столга ёзилган дастурхонга оққан қонни кўрардингиз... Эрталаб сутга чиққанингиз ёлғон! Ўша куни сут дўконига бормагансиз! Умуман, дўконга сут олиб келинмаган! Бинобарин, ўша кеча уйда бўлмагансиз.

– Рустам акам... Рустам акам ҳар куни тушимга кирадилар, Нима қилай? Ним қил-а-ай? Жонимдан тўйиб кетдим!

– Йиғлашдан фойда йўқ. Ўша кеча қаерда тунадингиз?
– Уйимда! Аямнинг ёнида... Эрталаб... эрталаб... адам билан аям насиҳат қилишди. «Ошсиз уй бор, уришсиз уй йўқ, арзимаган нарсани баҳона қилиб, аразлаб келишга ўрганма», дейишди. Ўзим ҳам кечаси билан ухлолмай тўлғаниб чиқдим. Бир маҳал...

– Йиғламанг... Марҳамат... Сув ичинг...

– Бир маҳал кўзим илинган экан... Билмайман, тушимми, ўнгимми...

– Йиғламанг, Шоматова...

– Дарё эмиш... Йўқ, дарёмас, анҳормиш. Гагарин боғидаги анҳор. Ўзимизнинг скамейкада, ўзимизнинг наъма-так тагида ўтирган эмишман. Қарасам, сувнинг у бетида Рустам акам турибдилар. Кулиб турибдилар. Кел, деб имлармишлар. «Сузишни билмайман-ку!» десам, кийимларини ечмай, анҳорга калла ташлабдилар... Мундай қарасам... Қарасам...

– Ўзингизни босинг...

– Қарасам, анҳорда сув эмас, сув эмас... қон оқаётганмиш... Рустам акам қон ичида оқиб кетибдилар... Рустам акам... Қон ичида... Биласизми, қип-қизил қон ичида... Ишонсангиз... Уйга қандоқ етиб келганимни билмайман. Қарасам, уй тўла одам. Милициялар... Қора кийимлилар...

– Сизга ишонгим келади, синглим... Ишонгим келди-ю... Нега бу гапларни бошида айтмадингиз?

– Кўрқдим... Нима қилай, кўрқиб кетдим!

– Балки буёғига очиқ гаплашармиз. Айтинг-чи, бир кун олдин, яъни байрам куни эр-хотин жанжаллашган мидинглар?

– Ҳа...

– Нима масалада?

– Ростини айтинг! Тушунаман... Эрингизнинг жаҳли тез бўлган. Ҳарқалай контузия таъсири... Лекин тўғриси айтинг! Буниси жуда муҳим, биялпсизми, жудаям муҳим... Ўртага рашк аралашганмиди?

– Тушунарли... Эрингиз, 11–24 рақамли «Волга»нинг ойнасини нега синдирди? Такрор айтаман, фақат тўғри гапиришингизни талаб қиламан!

– Бола-чақангизнинг роҳатини кўринг! Ёлбораман! У одамни тинч қўйинг! Гуноҳ менда бўлса, қамай қолинг! Унга тегманглар! Яқинда уйланади. Сирдош дугонамга уйланади! Бирйўла икки бегуноҳнинг уволига қолманг...

– Айтинг-чи, синглим... Эрингиз жаҳли чиққан пайтларидан нормадан чекиниш ҳоллари рўй берармиди? Масалан, ўзини идрок этолмай қолиш... Ҳушдан кетиш...

– Рустам акамни тушларимда кўраман. Ҳар куни кўраман... Нега кетдим? Ўша куни нега кетди-и-им? Нега-а-а?

РУСТАМНИНГ ОХИРГИ КУНДАЛИГИДАН

Еттинчи ноябрдан саккизинчи ноябрга ўтар кечаси

Менга нима бўлди? Нега ҳаммаёқ қоронғи? Танқда ётибман шекилли... Демак, мина портлаган. Болалар қани? Хайриддин! Йўқ... Хайриддин ўлган-ку... Э-ҳа... Бўлди! Коризда ётибман. Ана, ёнбош томондан нур тушяпти. Амаллаб силжишим керак. Чиқиб олмасам бўлмайди... Биламан, «дух» пойлаб турибди. Қимирладим – отади... Барибир чиқиб кетишим керак, қаеримдан ярландим экан? Автоматим нега йўқ?

...Аста-секин ҳушимга келдим. Қарасам, уйимда эканман. Ташқари эшик очиқ. Остонада чўзилиб ётибман. Гавдамнинг ярмиси семон майдончада, ярмиси шолча ташланган кавшандозда... Қия очиқ қолган ичкари эшикдан хира нур тушиб турибди. Амаллаб ўрнимдан турдим. Бошим ғувиллайди. Баданим ўт бўлиб ёниб кетяпти. Оёқларим тош боғлангандек оғир.

Дастурхони йиғиштирилмаган стол устида стаканга солинган шам липиллаб турибди. Ярми ёниб бўлибди. Эриган шам қуйқалари стакан ичига оқиб тушибди. Девор тагига чил-чил бўлиб ётган чойнак бўлақларини,

гиламга ёпишиб қолган чой шамасини кўрдим-у, бугун рўй берган воқеа эсимга тушди. Вужудим бўм-бўш бўлиб қолди... Бўм-бўш...

Эрталаб ойим келди. Қўлида бир тугун узум: байрам қилиб хабар олгани кепти. Ўзимдан хафа бўлиб кетдим. Нега онамни кўргани мен бормайман-да, у келиши керак? Қачон одам бўламан! Шаҳноза ош дамлади. Анчагача чақчақлашиб ўтирдик. Дадам «декабрда свидание беради. Рустам албатта келсин», деб ойимга ҳам хат ёзган экан.

Тушдан кейин ойим отланиб қолди. «Бугун қолақолинг, эртага қудаларингиз ҳам келишмоқчи», деб эр-хотин ҳарчанд қистамайлик, кўнмади. Бир хонали каталакда ётиб қолишга ийманди, шекилли.

– Жон болам, – деди елкамга қоқиб. – Яхши ўтирган экансизлар. Худога шукур, кўнглим жойига тушди. Мени Ўискентнинг автобусига чиқариб юборсанг – бас. Қоронғи тушмасидан етиб олақолай.

Шаҳнозани қайта-қайта бағрига босиб хайрлашди. Пастга тушаётганимизда Шаҳноза ҳам отланиб қолди.

– Ғир этиб бозорга тушиб келаман, – деди тушунтириб. – Уйда ҳўл мева билан кўкат қолмабди.

«Эрталаб ўзим олиб келарман», десам, кўнмади. Онамни кузатиб қайтсам, Шаҳноза халиям келмабди. Юрагим сиқилиб, пастга тушдим. Қуёш ботган, сайрак туман туша бошлаган, ҳаво совуқ эди. Кўнглим баттар ғаш тортди. Шунча бозор қиладими одам!

Кўча бўйидаги бақатерак тагига келиб тўхтаган машинага аввал эътибор бермадим. Орқа эшикдан тушаётган Шаҳнозанинг сарғиш плашини кўрганимдан кейингина разм солиб қарадим-у, қора машинани танидим: Санжарнинг «Волга»си! Юрагим нохуш уриб кетди. Санжар нариги эшикдан тушди. Башанг кийинган, бўйнида бўйинбоғ... Машина орқасига ўтиб, юкхонани очди. Хўжалик сумкасини ерга қўйиб, очилиб-сочилиб, бир нималар деди. Шаҳноза ҳам, чамаси, ғамза билан жавоб қилди. Санжар Шаҳноза тушган эшикдан машина ичига бош суқди. Шаҳнозага оппоқ чиннигуллар узатди. Наза-

римда Шаҳноза боягидан ҳам очикроқ ғамза билан кул-гандек бўлди.

Қандай етиб борганимни билмайман. Шаҳнозанинг қўлидан гулларни юлиб олдим-да, майда-майда қилиб, Санжарнинг башарасига отдим. У ранги гезарганча, бир зум довдираб турди-да, «аҳмоқ!» деди. Ўзимни идрок этолмай қолдим. Шуниси эсимдаки, Санжар чап бериб қолди. Қўлим машинанинг орқа ойнасига қарсиллаб урилди.

Ойна чил-чил бўлиб кетди. Аммо тўкилиб тушмади. Шаҳноза қўрқувдан кўзлари олайиб, билагимга осилди.

– Кетинг! – деди ялиниб. – Илтимос, кетинг, Санжар ака!

«Санжар ака»си бирпас серрайиб турди-да, рулга ўтирди. Машина беш-олти қадам юриб, бир силкинган эди, орқа ойнаси дув тўкилиб кетди.

Шаҳноза икковимиз йўл четида анча туриб қолдик. Байрам бўлгани учунми, одам гавжум, аммо ҳеч ким бизга парво қилмас эди. Ниҳоят, Шаҳноза кафти билан юзини тўсганча уй томон югурди. Бирпас иккиланиб турдимда, мен ҳам уйга йўл олдим. Терак тагида турган сумкага қўл тегизишга ҳазар қилдим. Назаримда жигарранг сумка ҳам, ичидаги нарсалар ҳам ҳаромга ўхшар эди.

Шаҳноза каравотга мук тушиб йиғлаб ётган экан. Ростини, қилган ишимдан ўзим пушаймон бўлдим. Ёнига келиб ўтирдим. Бошини силаб юпатгим келди-ю, ғурурим йўл қўймади. Телевизорни ёқсам, «Ахборот» кўрсатаётган экан. Москвадаги ҳарбий парадни беряпти. Ана, БТРлар, БМПлар, танклар, ракеталар... Кулоғим остида портлаш садолари, ярадор йигитларнинг оху фиғони эшитилгандек бўлди. Телевизорни ўчириб қўйдим. Анча фурсат ўтди. Шаҳноза ҳамон каравотда ҳиқиллаб ётар, ёнига боргим, кўнглини кўтаргим келарди-ю, гапни нимадан бошлашни билмасдим.

Аксига олиб чироқ ўчиб қолди. Дераза пардасини очиб қарасам, ҳамма ёққа зулмат чўкибди. Фақат катта кўчадаги симёғочларда чироқлар ёниқ, улар ҳам туман қўйнида ярадек хунук, ярадек оғриқ аралаш милтираётгандек эди.

- Шам бормиди, Шаҳноз? – дедим вазиятни юмшатиш илинжида.

У хоҳламай ўрнидан турди. Ҳиқиллаб йиғлаганча, ошхонага кириб кетди. Тарақ-туруқ қилиб, шам излади. Анчадан кейин стаканга солинган, липиллаб ёнаётган шамни кўтариб кирди. Йиғиштириб олинмаган дастурхонга қўйди. Йиғидан кўзлари шишиб кетган эди. Ачиндим. Ичимда ўзимни сўқдим.

- Чой ичайлик, Шаҳноз...– дедим секин.

У кескин бурилиб, яна ошхонага кирди. Чойнак кўтариб чиқди-да, дастурхон устига дўқ этиб қўйди. Чойнак қопқоғи шарақлаб силкинди, тумшуғидан чой томди.

- Қуймайсанми? – дедим ноқулай илжайиб.

- Балки ичириб қўйишим ҳам керакдир? – Энди у йиғламас, шам ёғдусида кўзлари ғазабли ёниб турарди. Э-ҳа, – деди асабий кулиб. – Эсимдан чиқибди: ахир сиз ёш боласиз-ку! Нотавон гўдак!

Гапидан кўра оҳанги оғир ботди. Ичимдан тошиб келаётган титроқни аранг тийиб турардим.

Эшик журъатсиз тақиллади. Шаҳноза шошилмай бориб очди. Қоронғи йўлак томондан Қурбоной холанинг овози келди. Шаҳноза билан айланиб-ўргилиб сўрашди. «Рустамжон ўғлим яхши ўтирибдими?» деди. Гап-сўзидан шам сўраб чиққанини англадим.

...Шаҳноза қайтиб келиб, юзини терс ўгирган кўйи ўтираверди. Нимадир дейишим керак эди.

- Ким кепти? – дедим ўта бемаъни савол бераётганимни била туриб.

Шаҳноза ярқ этиб ўгирилди.

- Вой! Эшитиб қолдингизми? – деди ўйиб оладиган оҳангда. – Санжар ака келди! Байрам баҳона машинасида сайр қилдирмоқчи экан. Диляни ўйнатиб зерикибди. Энди менинг галим экан!

Ғазабим кўзиди. Амаллаб ўзимни босишга уринардим. Билиб турибман: ҳозир уришсак, буниси – охириги жанжал бўлади.

- Гулни-чи? – дедим лабим титраб. – Гулни нега Диляга бермабди?

Шаҳноза афтимга чақчайиб, истехзоли кулди.

– Сиз бермаганингиздан кейин у беради-да! Бирон марта гул совға қилганмисиз одам бўлиб?

Титраб кетдим.

– Бас! – дедим таҳдид билан.

– Урмоқчимисиз? – Шаҳноза ўрнидан сапчиб турди. – Уринг! – деди чинқириб. – Уринг! Шундан бошқа нима келарди қўлингиздан! Дуч келган одамга мушт кўтарасиз. Ҳамма – ёмон. Битта сиз – яхшисиз! Ўз кўнглингизда қаҳрамонсиз! Адолат ўрнатмоқчи бўласиз...

Уни бу алпозда биринчи кўришим эди. Юзи ғазабдан хунуклашиб кетган, кўзларида алам эмас, ғазаб ҳам эмас, нафрат ёнар, вужуди қалтираганча автоматдек тўхтовсиз гапирар эди.

– Нимага эришдингиз? – деди ҳамон чинқириб. – Нимани исботладингиз? Одамлар сизнинг адолатингизга тупурган, эшитдингизми! Минг марта, миллион марта! Бундан кейин ҳам тупуради, билдингизми?..

Қулоқларим шанғиллаб борар, кўз ўнгим қоронғулаша бошлаганини сезиб турардим.

– Бўлди! – дедим нафасим қайтиб. – Бўлди, Шаҳноза... илтимос, Шаҳноза... Дунёда адолат бор-ку! Озми-кўпми, адолат бор, ахир...

У дами кесилгандек жимиб қолди. Мени биринчи марта кўраётгандек бошимдан оёғимгача қараб чиқди.

– Нима? – деди овозини пасайтириб. – Нима дедингиз? – Эсдан оғган одамдек қийқириб-қийқириб кула бошлади. – Ҳа-а, энди тушундим, тушундим! – Яна баттарроқ қийқирди. – Манави кошонани айтяпсиз! Сенга уй олиб бердим, демоқчисиз. Шунақами? Айтинг, шуни пеш қилмоқчимисиз? Уй олиб берганмиш. Вой! Уй олиб берганмиш! – Жазаваси тутиб, қўш-қўллаб тиззаларига ура кетди. – Суюнчи беринглар! Бу киши излаган адолатини топибдилар!

Ҳайратдан оғзим очилиб қолган, нима дейишни, нима қилишни билмасдим.

Кулиб-кулиб, чарчади, шекилли, энтиккан кўйи аф-тимга узоқ тикилди.

– Қаҳ-ра-мон! – деди нафратли истехзо билан бош чайқаб. – Адолат курашчиси!.. У қулоқ, бу қулоғингиз билан эшитиб олинг! Агар адам исполкомдаги Степаничми, гўрми-ерми, ўшанинг жиғилдонига беш мингни тикмаса, мана шу товуқ катагиниям тушингизда кўрардингиз!

Бу сафар музлаш бармоқларимдан бошланмади. Оёқ-кўлим бирваракайига музлади-қолди. Ичимдан отилган титроқ миямга урилди-ю, бошим бир коса оловга айланди.

Эсимда йўқ. Аввал қайноқ чойнакни отиб, кейин бақирдимми, ё олдин бақириб, кейин чойнакни отдимми?.. У жонҳолатда чап берганини, чойнак гилам осиглиқ деворга урилиб, чил-чил синганини ғира-шира кўрдим.

Бўғзимдан отилиб чиққан ваҳшиёна ҳайқириқдан ўзимнинг қулоқларим ёрилиб кетгудек бўлди.

– Йўқ-о-о-ол!!!

Унинг кетидан йўлакка отилганим ҳам элас-элас ёдимда.

... Шам тугай деб қолди. Ичим ёниб кетаяпти. Ҳаво етишмаяпти... Нега очилмайди бу падарлаънат дераза! Михлаб қўйилганми, нима бало? Ойна синдими? Ҳа-а, тирсагимга тегибди. Баттар бўлмайдими! Ташқари зимзиё. Йилт этган чироқ йўқ. Қарғалар хосиятсиз фиғон чекади... Туман қуюқлашиб кетибди. Яхши... Ҳеч ким кўрмайди... Аччиқ ҳазон ҳиди. Куз ҳиди...

Куз – ўлим тўшагида ётган беморга ўхшайди... Оёқ остида касалманд ҳазонлар инграйди. Эрта баҳордан бўтана бўлиб шоша-пиша қирғоғига сиғмай оққан ариқлар тиниқлашади. Шунча уринишлари зое кетганини тушуниб, оламга маъюс боқади... Еру кўкни оппоқ кафандек туман чулғайди. Эрта-индин осмонга мотам либосини кийган булутлар чиқади. Ер устида узоқ чарх уради-да, аччиқ-аччиқ кўз ёши тўкади... Сим-сим ёмғир ёғади. Тўрт кунлик умрида дунёга сиғмаган, охир-оқибат жон таслим этган табиатга аза очиб, унсиз йиғлайди.

...Билагим ачишяптими? Ҳаммаёқ қон-ку! Нима қипти: қонни энди кўришимми? Шам тугай деяпти... Тезроқ... Дафтарни жойига кўйишим керак. Аввалгиларнинг олдига...

Мен неча ёшга чиқдим ўзи? Йигирма иккига? Йўғ-е, ахир мен етмиш иккидаман-ку! Балки саксон иккидир! Нима фарқи бор?! «Донолар ҳаётни кузатурлар жим...»

Тамом! Ҳаммаси тамом бўлди... Ажаб... Юрагим нега бунча осойишта? Қилт этса-чи? Э-ҳа... Ахир.. Мен энди йўқман-ку. Бу дунёда борлигиндан ким наф кўрди-ю, йўқлигиндан кимга зиён? Ойимга ачинапман. Дадамга... Шаҳнозага... Рози бўлинглар... Онажон... Мени кечиринг ойи!

ОППОҚ-ОППОҚ ҚОРЛАР ЁҒДИ

Бир ҳафтадан кейин қор ёғди. Аввал ёмғир эзмаланиб турди-да, тушга бориб қорга айланди. Қабристондаги шамдек қотган тераклар устида совуқ учкунлар ғужғон ўйнади. Қор, барча марҳумлар қатори девор тагидаги ҳали тупроғи совиб улгурмаган қабрни ҳам муздек кучоғига олди...

Чўққисоқол гўрков пешин намозини ўқиб, ҳужрасидан чиқди. Қор қабристон узра чўккан ўлик сукунатни янаям чуқурлаштиришга қасд қилгандек унсиз ёғар, мзористон кимсасиз эди... Гўрков девор тагидаги қабр бошида ўтирган одамга кўзи тушиб, яқин борди.

Юпун кийинган ёш жувон қабр устидаги қорни кафти билан сидириб туширар, совуқдан қўллари қизариб кетган, қора рўмоли, елкалари қорга беланган, плашининг этаги лой эди...

– Унақа қилманг, қизим, – деди гўрков вазминлик билан.

Аёл тиззалаб ўтирганча, беҳуш алпозда бош кўтариб қаради.

– Нега? – деди ҳайратланиб.

– Ўзингизни олдириб кўясиз... – Гўрков юмшоқлик билан тушунтирди. – Марҳум ҳам безовта бўлади.

– Нега? – Аёл қўллари билан қор чангаллаган кўйи титраб-титраб йиғлаб юборди. – Нега! – деди инграб. – Рустам акам нега ўлди? Яхши бўлгани учунми?!

ҚУРБОНОЙ ХОЛАНИНГ ҲАР КУНГИ ТАШВИШЛАРИ

Биқини ачишиб уйғонди.

– Худойим, ўзингни раҳминг келсин... – деди пичирлаб.

Уч кун олдин касали тўсатдан зўриққани эсига тушди. Кўча супуриб турган жойида тутиб қолса бўладими? Оғриқнинг зўридан аъзойи баданидан муздек тер чиқиб, бирпасда икки букилиб қолса, денг! Худойимдан ўргилай! Бандасига атаган дарди ҳам кўп эканда. Бўлмаса, ёқмас овқат егани йўқ, оғир иш қилгани йўқ...

...Бўйнидан «ачом» қилиб ётган неварасининг дўмбоқ кўлчасини авайлаб олиб, устига кўрпа тортди. Ўрнидан сирғалиб турди-да, йўлакка чиқиб, чироқ ёқди. Шошилмай таҳорат қилди. Газга чой қўйиб, ним қоронғи хонага қайтиб кирди. Бомдодни ўқиб ўтганларга Оллоҳнинг раҳматини тилади. Жумла-мўминга имон, саломатлик, юртга тинчлик сўради...

Ошхонага кириб, чой ичди. Бир кўлига пақир, бир кўлига узун бандли супурги олиб, яна ётоққа мўралади.

– Умида, – деди паст овозда. – Болалар боғчага кеч қолмасин.

Умиданинг каравоти ғирчиллади.

– Бораверинг, – деди уйқусираб.

Қурбоной хола пақир бандини даранглатиб юбормаслик учун зиналардан эҳтиёткор қадам босиб, пастга тушди. Кунлар узайиб қолган эди. Қиш бўйи қоқ суякдек сўппайиб турган бақатераклар кўклам яқинлашаётганини сезгандек жонланиб қолган, яланғоч шохларини тонг шамолида силкитиб, ўзини ўзи уйғотаётганга ўхшар эди. Қирғоғи бетонланган ариқлар четида майсалар униб чиқибди... Мунис, ожиз майсалар...

Қурбоной хола пақирни терак остига қўйиб, шиғиллатиб супуриб кетди. Анчадан кейин нон дўконига машина келди. Бошига эски дўппи кийган ҳайдовчи машина юкхонасини очди.

– Супураяпсанми?

Қурбоной хола Комиссарнинг ғўлдираган овозини эшитиб, ишини тўхтатди.

«Йўқ, ўйнаяпман!» деб ўйлади энсаси қотиб.

Салом берди. Комиссар чангдан қочиб, ўн қадамча нарида турарди. Бошида қора шляпа, эгнида қора плаш. Қўлида сут бидон...

– Куёвингни судга бердингми? – деди Комиссар.

– Худога солдим!

– Тўғри қиласан! – Комиссар истехзоли илжайди. – Худонинг сендан бошқа дарди-касали йўқ.

Қурбоной хола супургини кўтариб, ишини давом эттирмакчи эди, Комиссар сўраб қолди.

– Хабаринг бўлмадими, анави болани ўлдирганлар топилдимикан?

– Топилганда нима? – деди Қурбоной хола. – Ўлганнинг ёш жони кетди... Худо раҳмат қилсин...

– Келин-чи, келин? Қадами қийшаймаяптими?

Қурбоной хола норози алпозда қараб қўйди.

– Ўзингиз тузукмисиз? – деди бошқа гап тополмай.

– Менми? – Комиссар кулди. – Хэх-хэх-хэх! Қачон ўласиз, демоқчимисан? Овора бўласан! Мен ўлмайман! Хэх!

1991–1992

16500

Адабий-бадиий нашр

ЎТКИР ҲОШИМОВ

ТУШДА КЕЧГАН УМРЛАР

Муҳаррир
Маъмура ҚУТЛИЕВА

Мусахҳиҳ
Суннат МУСАМЕДОВ

Бадиий муҳаррир
Уйғун СОЛИҲОВ

Техник муҳаррир
Сурайё АҲМЕДОВА

Компьютерда саҳифаловчи
Нигора УМАРҚУЛОВА

Лицензия рақами: АІ № 252, 2014 йил 02.10 да берилган.

Босишга 2015 йил 3 ноябрда рухсат этилди.

Бичими 84x108 1\32.

Босма табағи 8,5. Шартли босма табағи 14,28.

Гарнитура «Cambria». Офсет қоғоз.

Адади 5000 нуска. Буюртма № 209.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Китоб матни «Print Line Group» ХК босмаҳонасида чоп этилди.

Буюртма № 286.

100097, Тошкент ш., Бунёдкор шоҳкўчаси, 44.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 278-30-52;

Маркетинг бўлими – 128-78-43; факс – 273-00-14;

e-mail: yangiasravlod@mail.ru



Ўтқир ҲОШИМОВ

...Кундалик ёзиш – қизларнинг иши. Қизларда бунақа «касал», шоирлар айтмоқчи, «шудринг томчисидек мусаффо, қалбига илк муҳаббат чўғи тушгач» пайдо бўлади. Ўз ҳаёлида муҳаббат деб аталмиш қасрни бунёд этади. Хаёлий Малика, хаёлий Шаҳзодасига айтолмаган гапларини коғозга туширади... Ёзаверади... Ёзаверади...

Шуям машғулот бўлди-ю! Тажаннинг кум барханларида устингдан қора комбинезон, ичингдан ўн саккиз килоли ўқ ўтмас нимча кийиб югуришнинг ўзи бўладими? Фақат бир нарсани орзу қиласан: тўйиб сув ичсанг-да, ётиб ухласанг... Қоғоз қоралашни ким қўйибди сенга, солдат!

Шунақа-ку, бари бир ёзишим керак. Эрта-индин Афғонистонга «ташлацлар» аниқ. Худо насиб этиб, уйга омон-эсон қайтсам, эсдалик бўлиб қолади. Бир нарсани аниқ биламан. Дафтарни ҳеч ким кўрмайди. Ҳеч ким! Ойим ҳам, дадамнинг вақти йўқ, акам ҳам... Шаҳноза ҳам. Умуман ҳеч ким! Мен уни ҳеч кимга кўрсатмайман! Нима қерағи бор?!



ISBN 978-9943-27-636-9



9 789943 276369